

БЕШИМ МИРЗАҚУЛОВ

ҚОРАКЎЛ ТАРИХ СИЛСИЛАСИДА



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ
ИНСТИТУТИ
ТАРИХ КАФЕДРАСИ**

БЕШИМ МИРЗАҚУЛОВ

ҚОРАКЎЛ ТАРИХ СИЛСИЛАСИДА

Тошкент-2015

Ушбу монографияда 2500 йиллик тарихга эга бўлган кўҳна ва навқирон Бухоро ҳудудида, Зарафшоннинг қуйи оқимида жойлашган Қоракўлнинг қадимги даврлардан бошлаб то ҳозирги кунларгача бўлган тарихи, ижтимоий, иқтисодий ва маданий тараққиёти, Қоракўлдан етишиб чиққан буюк инсонлар, шунингдек Дарвозақир, Катта ва Кичик Тузкон маконлари (Неолит даври, эр.ав.IV-III минг йиллик), Замонбобо маданияти (Бронза даври, эр.ав.II минг йиллик), илк ўрта аср шаҳри Бойканд, ўрта аср кўрғони Чибурдон ота, Қоракўл кўрғони, қоракўлчилик, Қоракўл қишлоқлари ва Қоракўлнинг суғориш тизимида оид маълумотлар берилган. Монография тарих фани билан қизиқувчиларга мўлжалланган бўлиб, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, ўлкашуносликни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Бухоро муҳандислик технология институти Илмий Кенгашининг
2013 йил 17 декабрдаги йиғилишида муҳокама қилиниб, нашрга тавсия
этилган (5-сонли баённома)

Масъул муҳаррир: Аминов Ф.М., тарих фанлари номзоди, доцент.

Тақризчилар: Раупов Х.Р., тарих фанлари номзоди, доцент.
Ҳайдаров Ю.Ҳ., тарих фанлари номзоди, доцент.

*Ўз тарихини билган, ундан
руҳий қувват оладиган халқни
енгиб бўлмайди.
И.Каримов*

КИРИШ

Ўзликни англаш ўз юртини, Она-Ватанни билишдан бошланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов айтганидек, тарихий хотирасиз келажак йўқ. Шундай экан, ўтмишимизни, тарихимизни, буюк аجدодларимизни билишимиз ва ўрганишимиз лозим. Зеро, тарихимизни билмасдан туриб келажакимизни, тараққиётимизни тасаввур қилиш, истиқболни белгилаш қийин.

Ўзбекистон халқлари тарихида унинг ҳудудида жойлашган ҳар бир манзил-маконнинг ўзига яраша ўрни мавжуд. 2500 йилдан ортиқ тарихга эга бўлган Бухорода жойлашган Қорақўл ана шундай жойлардан бири саналади. Унинг ҳудудида энг қадимги замонлардан бошлаб тарихий тараққиётнинг илк босқичлари излари, манзилгоҳлар қолдиқлари сақланиб қолган. Катта ва Кичик туз кон, Дарвозақир, Замонбобо ана шундай маконларга киради. Бу маконларда ибтидоий деҳқончилик ва уй чорвачилиги билан шуғулланган илк қишлоқлар пайдо бўлганлиги қадимшунослар томонидан исботлаб берилган. Ўзига хос тарихий ва археологик ёдгорликлар мажмуасига эга бўлган ва фанда «Замонбобо маданияти» деб ном олган макон бунинг ёрқин далилидир.

Илк ўрта асрларга оид бўлган Бойканд шаҳри ёдгорликлари, ўрта асрларга доир Чибирдон ота ёдгорликлари мажмуаси ҳам Қорақўл тарихининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Қадимги ипак йўлида, Шимолий Хуросон савдо йўлида ва Зарафшоннинг қуйи оқимида жойлашган Бойканд шаҳри, кейинчалик Қорақўл қўрғони билан боғлиқ бўлган воқеалар, Араблар истилоси, Сомонийлар ва Қорахонийлар ҳукмронлиги, Мўғуллар босқини, Темур ва темурийлар, Шайбонийлар, Аштархонийлар ва Манғитлар ҳукмронлиги даври, шунингдек Россия мустамлакачилиги ва Советлар қарамлиги даври воқеалари ушбу рисоланинг асосий мазмунини ташкил этади.

Рисолада қадимшунослик (археология) ва элшунослик (этнография) билан боғлиқ бўлган материаллар ҳам имкон қадар берилди. Муаллиф фаннинг ушбу соҳаларига даъвогарлик қилмаган ҳолда қадимги Бойканднинг моддий ёдгорликлари, Қорақўл қишлоқлари топонимикаси, жой номларининг келиб чиқиши билан боғлиқ маълумотларни имкон даражасида ўрганишга ва таҳлил этишга ҳаракат қилди.

Қорақўлнинг тарихи, маданияти, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий тараққиёти, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва деҳқончилик учун муҳим бўлган суғориш тизими билан боғлиқ муаммолар бизгача етиб келган ёзма манбалар орқали ёритиб берилди. Мустақилликкача ва ундан кейинги даврда нашр этилган манбалар ва адабиётлар, шунингдек илмий монография, рисола, мақолалар ҳамда даврий матбуот материаллари объективлик, холислик

ва танқидийлик асосида, бугунги кун тарих фани олдида қўйилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, тарихий воқеалар бевосита Қорақўлга боғлиқ бўлган ҳудудлар тарихи ва маданияти билан узвийликда, алоқадорликда ва яхлитликда ўрганилди. Ёзма ва археологик маълумотларга таянилган ҳолда тарихий воқеаларнинг, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларнинг содир бўлишининг ўзаро боғлиқлиги, изчиллигига риоя қилинди. Матнда ёзма манбалардан келтирилган ихтибослар ўз ҳолича, ўша давр тили хусусиятларини сақлаган ҳолда берилди.

Қорақўлнинг тарихи Бухоронинг бир қисми сифатида Совет даврида, ундан кейинги мустақиллик йилларида нашр этилган адабиётларда умумий тарзда ёритилган. Шунингдек, 1996 йилда Ш.Нурматовнинг «Қорақўл таронаси» номли рисоласи, 2006 йилда Б.Ўлдошевнинг «Ҳаёт сўқмоқлари» китоби, 2012 йилда Юсуф Рўзи Бойкандийнинг қаламига мансуб «Кўҳна Пойкент қиссаси» номли рисола нашр этилди. Маҳаллий матбуотда Қорақўлга бағишланган, унинг маданияти ва тарихи тўғрисида маълумотлар берган мақолалар эълон қилинди. Ушбу рисола ва мақолаларда Қорақўл тарихи бир бутун яхлитликда ва мажмуавий тарзда ҳамда тўла илмийлик асосида берилмади, публицистик ёндашув, бадий-ҳикоянависликка кўпроқ эътибор берилди. Шундан келиб чиққан ҳолда ушбу китобда Қорақўл тарихи имкон қадар илмийлик ва тарихийлик, объективлик ва танқидийлик асосида баён этилди.

Энг қадимги даврдан то ҳозирги кунларга қадар бўлган Қорақўл тарихини ёритишда эълон қилинган илмий адабиётлардан ва тарихий ёзма манбалардан фойдаланилди. Бунда Бухоро тарихчиси Наршахийнинг «Бухоро тарихи», М.Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи», Н.Шомийнинг «Зафарнома», Ш.А.Ўздийнинг «Зафарнома», Ҳофиз Таниш ал-Бухорийнинг «Шарафномаи шоҳий» (Абдулланом), З.М.Бобурнинг «Бобурнома», М.Солиҳнинг «Шайбонийнома», Абдурахмон Толийнинг «Абулфайзхон тарихи», Мир Муҳаммад Амини Бухорийнинг «Убайдулланом», Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажарайи тарокима», «Шажарайи турк», Муҳаммад ибн Араб Қатағоннинг «Мусаххир ал-билод» (Мамлакатларнинг эгалланиши), Огаҳийнинг «Зубдату-т-таворих» (Тарихлар сараси), Мирзо Олим Махдум ҳожининг «Тарихи Туркистон» ва бошқа ёзма манбалардаги маълумотларнинг аҳамияти беқиёс бўлди.

1 боб. ҚОРАКЎЛ ХУДУДИДАГИ ҚАДИМИЙ МАНЗИЛГОҲЛАР

1-§. Зарафшоннинг қуйи оқимидан Амударёгача.

Ҳозирги Қорақўл ва Олот туманлари ўрнида улкан кўл бўлиб, унга бир томондан Қашқадарёнинг, иккинчи томондан Қорақўлдарё орқали Зарафшон дарёсининг сувлари қишин-ёзин муттасил қуйилиб турган. Ўрта аср манбаларида бу кўл «Бухайрайи Сомжан» (яъни Сомжан денгизи), «Боргини Фарроҳ» – «Кенг ҳовуз», «Қорақўл», «Денгиз»,¹ «Баҳр ул-Бухоро» (яъни Бухоро денгизи), «Мавозаи Бойканд», яъни Бойканд яқинидаги кўл каби бир неча атамалар билан тилга олинади. Турклар уни «Денгиз» ва «Қорақўл» деб юритишган². Бу кўлнинг узунлиги ҳам, кенглиги ҳам 20 фарсанг, яъни 120-140 км.га тенг бўлган³.

Бухоро денгизи ва Бойкандкўл номлари билан шуҳрат топган бу кўлнинг шимолий қирғоғи Шибурдон ота баландликларига туташган Замонбобо адирликларига, жанубий қирғоғи Денгизкўлнинг жанубий соҳилларига, шарқий қирғоғи Бойканд-Тайқир қирлари орқали Қарши даштига, ғарбий қирғоғи эса Олот текисликлари орқали Урганжий даштига – Қизилқумга тутшиб кетган. Наршахийнинг ёзишича, бу кўл сув жониворларига ниҳоятда бой бўлиб, бутун Хуросон музофотида бу ердагидек кўп миқдорда парранда ва балиқлар тутилмаган.

1896 йилда қуйи Зарафшоннинг топографик режасини тузган Н.Ф.Ситняковский шундай деб ёзган эди: «Зарафшоннинг қуйи оқимида учта ирмоқ мавжуд бўлган: 1) Моҳон; 2) Қорақўлдарё; 3) Тайқир».

Моҳондарёнинг Амударёга қуйилиш жойини аниқлаш 1920 йилларда олимлар томонидан амалга оширилган. 1915 йилда ботаник М.В.Култиасов ва геолог Василевскийлар, 1928 йилда эса ботаниклар тупроқ сатҳини ўрганишган. 1928 йилнинг кузида В.П.Дробов бошлиқ гуруҳ, ниҳоят Моҳондарёнинг Амударёга қуйиладиган икки ирмоғини аниқлашади: 1) Наргиз қалъаси харобалари қуйисида; 2) Оқработ қишлоғида; ҳар иккаласи ҳам Чоржўй(Левап) шаҳридан тахминан 100 км масофада қуйида жойлашган.

1950, 1960 ва 1964 йилларда ҳам Зарафшоннинг ирмоғи бўлган Моҳондарё йўналиши тадқиқ этилади. Чунки, у қадимги замонда асосий ирмоқ сифатида сув кўпайган вақтда йўналишини ўзгартириб, чўлнинг ичкарисига кириб борган. Моҳондарё ўзани Зарафшондан, тўғрироғи Қорақўлдарёдан Оғар қишлоғида (Жондор туманида) ажралади (темирйўлнинг Яккатут бекатидан бир неча км шимолда). Шу ерда Қорақўлдарёнинг бурилиш жойида Моҳондарёнинг ўзани худди Зарафшоннинг ғарбий йўналишидек кўринади.

Моҳондарё сувлари ўзанидан 28-30 км масофада Чуқуркўл, Ўртақўл ва Чандиркўл деб номланган табиий кўлларни ташкил этган. Бу кўллар тизими Моҳонкўл деб аталади.

¹ Наршахий. Бухоро тарихи. Т., 1966, 25-бет.

² А.Муҳаммаджонов. Қадимги Бухоро. Т. 1991. 10-бет.

³ Наршахий. Бухоро тарихи. 25-бет.

Мохонкўлдан чиққан Гўжайли ўзани жанубга қараб йўналган, XIII-XIV аср ёдгорлиги ҳисобланган Шибирдон (Шобурхон) ота ёдгорлиги яқинидан ғарбга қараб бурилган. Шибирдон ота ёдгорлигидан 4-5 км лик масофада икки тармоққа ажралиб, ўртада оролча ҳосил қилиб, Қоракўлдан 15 км шимолий ғарбда Замонбобо кўлига қуйилган. Шундан кейин Гўжайли ўзани Замонбобо кўлидан чиқиб, ягона ўзанга айлангач, яна икки қанотга бўлинган. Биринчи қаноти аввалгича, 10-15 м баландликда, қирларнинг ўнг томон қияликларини ювиб, шимолий ғарбий йўналишда давом этган. Замонбобо кўлидан тахминан 3 км қуйида бу ўзан шўрхок, тузли ерни «Кичик тузкон»ни ташкил этган. Шундан сўнг мазкур дарё ўзани шимолий ғарбий йўналишда давом этган ва тахминан 9-10 км лик масофада яна бир шўрхок ерни, яъни «Катта тузкон»ни ташкил этган. «Катта тузкон»нинг узунлиги 8-10 км, эни 4-5 км. Гўжайлининг ушбу ўзани «Катта тузкон» билан тугамаган, янада шимолий ғарбий йўналишда давом этиб Моҳондарёнинг жанубий-ғарбий ўзани билан қўшилган деб тахмин қилинади, чунки ҳозирги вақтда Катта тузкон билан Хўжақудуқ оралиғидаги қум барханлари орасидан 15 км лик масофадаги юлғунлар билан қопланган полоса буни тасдиқлайди.

Гўжайли ўзанининг иккинчи қаноти Замонбобо кўлининг орқасидан ўтиб, жанубий-ғарбий йўналишда давом этган ва 12-15 км масофада қум барханлари орасида Каптарникуми деган жойда йўқ бўлган. Эҳтимолки, ўзан шу ердан бошлаб шимолий-ғарбий йўналишда давом этган. Буни Нуртойникуми худуди бўйлаб ўтган сув йўли қолдиғи, тақирликлар исботлаб беради.

Энди, Зарафшоннинг чап томон шоҳобчаси бўлган Қоракўлдарё тўғрисида. Энг қадимги даврда бу шоҳобча жанубий-ғарбий йўналишда оққан ва ҳозирги Қоракўл воҳасида кўл ва кўлмаклар ҳосил қилган ҳамда Қоракўл номи ҳам шу кўл номидан келиб чиққан. Қоракўлдан 4 км лик масофада, шарқ йўналишида Қоракўлдарёга Қашқадарёнинг кучли дельта-шоҳобчаларидан бири келиб қуйилган. Ушбу шоҳобчанинг серсув оқими Қоракўлдан ғарб томонга «Уйғур» ўзани бўйлаб оққан ҳамда ҳозирги Қизилқумнинг остида қолган ерларни суғорган.

Зарафшоннинг асосий шоҳобчаси бўлган «Тайқир» (таги – ер, яъни дўнглик ости) Эшакчи қишлоғи орқасидаги катта кенгликларни сув билан таъминлаган ва кўллар занжирини ташкил этиб (Карлишон, Сўнғур, Шўр, Қоронғикўл) у ердан Амударё қирғоқларига қараб кетган. Тайқирнинг чап ирмоғи Денгизкўл, Сомонкўл чуқурликларини сув билан тўлдириб, кейин Амуга йўналган. Сақланиб қолган Сомонтепа қолдиқларидан шу нарса маълум бўладики, қадимда Денгизкўл суви сатҳи баланд бўлган.

Тарихий-археологик маълумотларга кўра, эраиздан олдинги XII-X минг йилликда (яъни голоцен даврида) тектоник ҳаракатлар натижасида Бойканд – Қоракўл воҳаси бир мунча кўтарилади. Зарафшоннинг ҳайқириб оққан қадимий оқими Бухоро воҳасида дамланиб, ҳозирги Жондор туманидаги Яккатут қишлоғи яқинида Моҳондарё ва Гужайли ўзанлари бўйлаб Қизилқумнинг ичкарасига томон уриб кетади. Бу икки қадимий ўзан бўйлаб у Чуқуркўл, Моҳонкўл, Ўртақўл, Чандиркўл, Замонбобо, Кичиктузкон, Каттатузкон, Лухли, Оғачуюқ, Қандирли, Қайикли, Қурбонбой, Раҳматбобо, Кичикпорсон, Каттапорсон ва Эчкиқирон каби бир қанча кўллар занжирини ҳосил қилади.

Кейин 150 км.масофада бутун Урганжий даштини кесиб ўтиб, Окрабод ва Наргизқалъа деган жойларда Амударёга қуйилади. Моҳондарёнинг ўзанидан бири Амударёнинг ўнг қирғоғига жойлашган XI-XII аср ёдгорлиги Наргизқалъа яқинида тўртта арнага ажралиб, дельта ҳосил қилади ва чуқур ҳамда кенг жарликлар орқали Амударёга бориб туташади. Маҳаллий аҳоли тилида жарликлар «Сувлот» деб аталади. Биринчиси – Охурсувлот, иккинчиси – Жилғиндисувлот ёки Юлғинлисувлот, учинчиси – Шўрсувлот ёки Ойхонсувлот, тўртинчиси – Сувлисувлот ёки Дигисувлот номлари билан машҳурдир, уларнинг эни 75-125, чуқурлиги эса 15-20 метрга тенгдир. Моҳондарёнинг яна бир ўзани Наргизқалъадан 18 км.жанубий-шарқда жойлашган Окрабод мавзеси яқинида Шўрётқоқ, Сарибой, Поянда,Қумсувлот ва Жарсувлот каби бешта тармоққа бўлиниб, у ҳам Амударёга бирлашади¹. Археологик тадқиқотларга кўра, Қизилқум бўйлаб ёғин-сочинлардан ҳосил бўлган сон-саноксиз саёз кўллар (халқоб) атрофида, шунингдек Вобкентдарё, Моҳондарё, Гўжайли ва Гурдуш ўзанининг қадимги дельталаридаги ёйилмаларнинг тақирлари устида ҳар томонга сочилиб ётган мезолит (эрампдан аввалги XII-VII минг йиллик) ва неолит(эрампдан аввалги V-III минг йиллик) даврларининг микролит (майда тош) қуролларига қараб фикр қилинса, Бухоро воҳасида мезолит ҳамда неолит даврларидан бошлаб ҳаёт анча гавжумлашган. Шубҳасиз, микролит қуроллар беҳад сочилиб ётган ерлар ибтидоий овчи ва балиқчи қабилалар яшаган макон ва манзилгоҳларнинг ўрни бўлиб, афсуски бу узоқ ўтмиш ёдгорликларининг маданий қатламлари асрлар ўтиши билан шамол эрозияси натижасида емирилиб, кўхна турар жойларнинг кўпчилигидан ному нишон қолмаган.

2-§. Каттатузконнинг неолит даври овчи ва балиқчилари

Дарвозақирликлар чайласи

Зарафшоннинг бир пайтлар Амударёга қуйилганлиги тўғрисида қадимги ёзма манбаларда маълумот йўқ. Наршахий уни сув кўп пайтида Битик ва Фарабгача етиб боради деб ёзган бўлса, кейинроқ Ҳофиз Абду унинг қуйи оқими баъзан, сув кўпайганда Амударёга етиб боради деб ёзган эди.

1950-1960 йилларда Я.Ғуломов раҳбарлигида махсус археологик отряд қачонлардир қадим замонларда Зарафшон сувларини Амударёга олиб борган Моҳондарё, Гўжайли ва Гурдушларнинг қуриб қолган қадимги ўзани буйлаб кенг кўламли археологик тадқиқотлар ўтказди.

Топилган археологик ёдгорликлар орқали Зарафшон суви Амударёга оқиб борганлиги, кейинчалик сув оқими секинлашиб ва сувсизликдан ўзани қуриб қолганлиги, икки дарё алоқалари шу тахлитда узилиб қолганлиги аниқланди. Шунинг билан бирга, ушбу ҳудудда эрампдан олдинги V-III минг йилликларда овчи ва балиқчи қабилаларнинг ўзига хос маданияти ҳам ўрганилди. Барча ёдгорликлар, маданий қатламлар кўл ва сув халқоблари атрофида жойлашган ҳамда яхлит бир занжирни ташкил этади. Сувнинг барқарор бўлмаган сатҳи, унинг ўзгариб туриши қадимги одамларнинг қайта-қайта ўз манзилларини ўзгартириб туришга мажбур қилган. Энеолит даврининг

¹ А.Муҳаммаджонов. Қадимги Бухоро. 11-бет.

турар жойлари Каттатузконнинг шимолий ва шимолий-шарқий қирғоқлари бўйлаб топилган бўлиб, улар кўл қирғоқлари бўйлаб бир чизикда жойлашган.

Каттатузконнинг бошқа қисмида, қирғоқларнинг аниқлаб бўлмайдиган жойларида бу ҳол қайд этилмаган, яъни турар жойлар аниқ бир чизикда эмас. Сув оқимининг ўзгариши туфайли одамларнинг турмуши ҳам ўзгариб турган.

Археологик ва гидрографик маълумотларга кўра, дейди Я.Ғуломов, Зарафшоннинг қуйи оқимидаги шохобчалари (Мохондарё ва Ғўжайли) эрамиздан аввалги биринчи минг йилликда кўп сувли дарё бўлмай қолган¹. Эрамиздан олдинги биринчи минг йилликнинг биринчи ярмида Моҳон ва Ғўжайлининг қадимги дельтасини суғорилмайдиган қисмлари қумлик чўлларга айлана борган. Аммо Моҳондарё бундан кейинги бир неча асрлар давомида ҳам вақти-вақти билан сувли бўлиб турган ҳамда ҳар сафар унинг атрофида ҳаёт давом этиб турган.

Кейинги юз йилликда, жумладан, 1896, 1900, 1909, 1923 ва 1944 йилларда Моҳондарё суви тўлиб тошганлиги ҳамда шу йилларда дарё бўйлаб арпа, кунжут, тарик ва қовун экилиб яхши ҳосил олинганлиги маълум. Ғўжайлининг Замонбобо кўлидан чиқиб келадиган ўзани кенг, унинг туби айрим жойларда текис бўлган. 1950 йилларда Қораун қишлоқ кенгашига тегишли бўлган «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги аъзоларининг айтишларича, ҳар сафар Ғўжайлининг суви тошганда бир неча жойда тупроқдан дамбалар қурилган. Кўплаб сунъий сув ҳавзалари ташкил этилиб, уларда сувлар йиғилган ва қўшимча суғоришсиз ҳам яхши ҳосил олинган².

1956 йилда археолог Г. В. Шишкин Бойканд харобасидан 30 км. жанубий-шарқда жойлашган Қумсултон дўнглигини ўрганган. Қадимги замонда Қашқадарёнинг сувлари Зарафшонга келиб қуйилганлиги аниқланган. Шу йўналишда Бойканд сув ҳавзаси ўзанида неолит ва бронза даврининг моддий ёдгорликлари топилган.

Қашқадарё шохобчасининг эни 60 м, айрим жойда янада кенгроқ бўлган. У Хароба Қулончи (Охунбобо) ва Ариқбўйи Қулончи қишлоқлари орқали, Дўрман қишлоғи яқинидан Қоракўл тумани марказидан 4-5 км. шарқроқда Зарафшоннинг шохобчасига (Қоракўлдарёга) қуйилган. Шу атрофда текисликлар ҳосил бўлиб, овчи-балиқчилар учун қулай шароит яратилган. Неолит даврининг қабиалари кўл ва унинг қуриб қолган ўзанлари бўйлаб ўз манзилларини тиклаганлар. Кейинроқ, бронза даврида эса, янги ҳудудларни эгаллаганлар. Дўрман қишлоғидан шимолий ғарбга қараб Қумсултон баландлигигача, жанубий шарққа қараб ўтмишда катта кенгликдаги чўл зонаси жойлашган бўлиб, ушбу ҳудуд Қашқадарёнинг суви билан суғорилган ва унумдор бўлган. Илк ўрта асрга оид моддий ёдгорликлар Қашқадарёнинг энг қуйи оқимида жойлашган Қулончи қишлоғи яқинидан ҳам топилганлиги диққатга лойикдир³.

Шундай қилиб, 1960-1963 йиллар давомида Ғўжайли бўйлаб Кичиктузкон атрофида 3 жойда, Каттатузкон атрофида 35 жойда, Моҳондарё бўйлаб

¹ Я.Ғулямов, У.Исламов, А.Аскарлов. Первобытная культура и возникновение орошаемого земледелия в низовьях Зарафшана. Т. 1966. 15-бет.

² Я.Ғулямов, У.Исламов, А.Аскарлов. Кўрсатилган асар. 16-бет.

³ Я.Ғулямов, У.Исламов, А.Аскарлов. Кўрсатилган асар. 20-бет.

Лўхликўл ва Эчкиқирон атрофларида 2 жойда ҳамда Бойканднинг жанубида Қашқадарёнинг қадимги қуруқ ўзани бўйлаб 11 жойда неолит даврига мансуб ёдгорликларнинг қолдиқлари топилди ва текширилди¹.

Ҳозирги Қорақўл туманидаги Сайёт қишлоқ фуқаролар йиғинига тегишли ҳудудлар ҳамда Замонбободан шимолий-ғарб ва ғарбда Амударёгача туташиб кетган Гўжайли ва Мохондарё ҳавзалари эрамиздан олдинги V-III минг йилликларда Зарафшон водийси қуйи оқимидаги энг хушманзара ва гавжум жойлардан бўлган. Воҳа ва унинг теварак атрофи қалин бутазор, чангалзор, жийдазор ва тўқайзорлардан иборат бўлган. Поёнсиз даштлик ва қумликлардан иборат яйловлар ҳам улар атрофини қамраб олган. Мохондарё ва Гўжайли тошқинларидан ҳосил бўлган кўл, ботқоқликлар ва қалин чангалзорлар турли хил жониворларга сероб бўлган. Дарё ва кўл ёқаларидаги сувлотлар теварак-атрофи турли хил ёввойи ҳайвон подалари тўпланиб сувлайдиган овлоқ ерлардан иборат бўлган.

Бугунги кунда оғир барханли қумликлар билан қопланган ушбу қадимги ўлканинг табиий шароити қулай бўлганлиги боис бундан 6-7 минг йил муқаддам бу ерларда Қорақўлнинг энг қадимий аҳолиси яшаган. Бу аҳоли овчилик ва балиқчилик билан кун кечирган. Қорақўлнинг бу қадимги овчи-балиқчилари чакалакзорлардан устун, сарров, тўсин ва синчбоп дарахтлар қирқиб, тўқайзорлардан қамишлар ўриб, дарё бўйлари ва кўл соҳилларида улкан чайлалар бино қилганлар ва уларда катта патриархал оила бўлиб истиқомат қилганлар. Бундай чайлаларнинг қолдиқлари Ў. Исломов томонидан 1961-1963 йилларда Қорақўл тумани марказидан 40 км.шимолий ғарбда, Каттатузконнинг шимолий соҳилида Дарвозақир деган жойда топиб текширилди².

Дарвозақир-1 макони Каттатузконнинг 25-турар жойидан 600-700 м шимолий-ғарбда жойлашган. Дарвозақир-1 маконида қазилмалар олиб борилган вақтда унинг сатҳидан тўртбурчак шаклдаги чайла ўрни кавлаб очилиб, катталиги 7 x 11,6 м., саҳни 81 кв.м.га тенг эканлиги аниқланди. Чайла саҳнининг марказида иккита ва тўрт бурчагида тўртта устунлар ўрнатилган каттароқ чуқурчалар, гирди бўйлаб синчлар учун кавланган кичикроқ чуқурчалар тақир устида жуда яхши сақланган. Чайланинг томи тўрт нишабли тарзда ёпилган, эшиги шарқ томонда бўлиб, у кўл томонга қараган.

Чайладан топилган тош қуроллар орасида ўқ-ёй пайконлари, камон ўқлари ва ўроқ дасталари ясашда ишлатиладиган ўроқрандалар, пичоқсимон кескичлар, турли хил қирғичлар, тешгич ва сўзанлар, пармачалар, нефрит тошидан ясалган пона ва болтачалар, ўроқ тишлари ва бошқалар бор.

Топилмалар орасида сопол идиш бўлаклари ниҳоятда кўп бўлиб, аксариятининг сиртига ботирма чизиқли нақшлар тортилган, уларнинг туби тухумсимон ёки думалоқ шаклда ишланган. Сопол идишлар 3-4 литр ҳажмда суюқлик сақлашга мўлжалланган. Демак, ушбу идишларда овланган балиқ, парранда ёки турли хил ёввойи ҳайвон гўштларидан шўрва қайнатилган. Дарвозақирда топиб ўрганилган сопол идишлар Зарафшон водийсида касб

¹ Я.Гулямов, У.Исломов, А.Аскарлов. Кўрсатилган асар. 48-50 бет.

² А.Муҳаммаджонов. Қадимги Бухоро. 15 бет.

этилган илк кулолчиликнинг маҳсули ҳисобланади. Чунки неолит даврига қадар бу ўлкада ҳали сополсозлик кашф этилмаган эди¹.

Археологик тадқиқотлар шуни исботлайдики, неолит даврида Дарвозақир маконларида яшаган қадимги аҳолининг иқтисодий ҳаётида овчилик, хусусан, балиқ ови хўжалик юритишнинг асосий манбаи ҳисобланган.

3-§. Замонбоболик бободехқонлар ва ибтидоий чорвадорлар манзили

Эрамиздан аввалги 111 минг йилликнинг охирларига бориб Зарафшон дарёсининг жўшқин оқими бир мунча сусайиб, Мохондарё ўзани бўйлаб оқиб турган тошқин сувлари аста-секин камайиб бориб, ниҳоят, эрамиздан аввалги 11 минг йиллик давомида Мохондарё ва Гўжайли ўзанларининг қуйи оқимларига сув етмай, Каттатузкондек қадимги кўл деярли куриб қолган. Айнан шу даврдан эътиборан икки катта дарёнинг қадимги алоқаси бутунлай узилган. Аҳоли ўз маконларини тарк этиб, сувнинг юқори оқими томонга қараб кўча борган ва Каттатузкондан 20 км.юқоридаги Замонбобо кўли, Кичиктузкон, Каптарникуми, Мохонкўл ҳамда қадимги Бойканд кўли атрофларига келиб ўрнашган. Бир неча йил давомида бу ерлардан 30 дан ортиқ археологик ёдгорликлар топиб ўрганилди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бу даврга келиб қадимги қорақўлликлар ҳаётида икки янги хўжалик-ибтидоий деҳқончилик ва чорвачилик шаклланиб, улар аҳоли ҳаётида асосий тирикчилик манбаига айланган.

Замонбоболик ибтидоий деҳқонлар қабристони 1950 йилда Я. Гуломов томонидан топилиб, 1951-1953 йилларда қазиб ўрганилди. 572 кв/м майдонда қазиш ишлари олиб борилиб 46 та гўр қолдиқларидан 8 тасида жуфт, 38 тасида эса якка ҳолда дафн этилган жасад скелетлари қайд этилди. Ҳатто икки қабрда катталар ёнига ёш бола жасади кўмилгани ҳам аниқланди. Жасадларнинг деярли ҳаммаси ўнг ёки чап ёни билан ёнбошлатиб ғужанак тарзда дафн этилган.

Қазишма жараёнида эркаклар дафн этилган қабрларда асосан ўқ-ёй пайконлари, пичоқсимон тош қуроллар ва турли шаклдаги сопол идишлар, аёлларга мансуб қабрларда эса сопол идишлар билан бир қаторда жездан ясалган кўзгу, упадон, сурмадон каби пардоз-андоз буюмлари, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо жилвир тошлар, ложувард, феруза, ақиқ сингари тошлардан ясалган турли шаклдаги мунчоқ ва маржонлар қайд этилди. Топилмалар орасида аёл ҳайкалчаси, ховонча дасталари, олтин мунчоқ айниқса диққатга сазовордир².

1961 йилнинг кузида Замонбобо кўлидан 500 м. шарқроқда Гўжайли дарёсининг қадимги ўзанининг ўнг соҳилида жойлашган ибтидоий деҳқонларнинг турар-жойлари археолог олим А.Асқаров томонидан ўрганилди. Ибтидоий деҳқонларнинг бу қадимги қишлоғи ярим ертўла ва тақир устига ўрнатилган иккита енгил чайлалардан иборат бўлиб, улардан биринчиси бизгача жуда яхши сақланган. Чайланинг узунлиги 23,5 м, кенглиги 9 м. Чайла синчқори бўлиб, деворлари юлғун новдаларидан четан қилиб тўқилган,

¹ А.Муҳаммаджонов. Қорақўлнинг қадимий тарихидан лавҳалар. «Олға» газетаси, 1984 йил, 8-декабр.

² Я.Гулямов, У.Исломов, А.Асқаров. Кўрсатилган асар. 153-бет.

атрофига лўмбоз босилиб, томи камиш билан икки нишабли қилиб ёпилган. Турар-жойнинг умумий майдони 170 кв/м бўлиб, унда тахминан 60-65 киши яшаган.

Чайланинг ичи ва ташқарисида бир неча ўчоқ ўринлари, хўжалик ўралари борлиги аниқланган. Уларнинг атрофида эса сопол идишлар, тош қуроллар, хонакилаштирилган ва ёввойи ҳайвон, парранда, балиқ суяклари, турли хил тақинчоқлар сочилиб ётган. Бу ердан диаметри 90 см. ли хонаки хумдон қолдиғи топилиб, кулолчилик касб қилиб олинганлиги исботланди. Дарё тошқини хавфининг олдини олиш учун махсус кўтарма банд-марза барпо этилганлиги диққатга лойиқдир. Бу қадимги сув иншоотининг узунлиги 10 м. кенлиги 2 м.га тенг. Бу – Бухоро воҳасида қайд этилган дастлабки энг қадимги сув иншооти қолдиғи эди. Демак, сунъий суғориш барпо этила бошлаган, яъни суғорма деҳқончилиكنинг илк қадамлари қўйилган¹.

Топилган кўпдан-кўп тош асбобларидан ҳамда сақланиб қолган жайдари арпа ва буғдой каби бошокли ўсимлик қолдиқларидан шу нарса маълум бўладики, улар тошқинлардан ҳосил бўлган зах ерларда деҳқончилик қилиб, ўзлари етиштирган донлик экинларни қадама тош ўроқларда ўриб, донларини ёрғучоқларда ёрма қилиб, арпа ёки буғдой гўжа, кўмоч, кўғирмоч ҳамда ҳалиса (ҳалим) каби емакликлар тайёрлашган.

Бу даврга келиб одамлар тирикчиликдан бир мунча бўшаб, бир оз дам олиш, йиғилиб суҳбат қилиш имконига ҳам эга бўлган. Замонбоболик аёллар эндиликда мол-ҳол ва бола-чақадан ортиб ўзларига оро бериш учун вақт топа олганлар.

Замонбоболиклар жамоасида ҳунармандчиликнинг турли тармоқлари, хусусан, кулолчилик, жезни эритиб ундан турли хил буюмлар ясаш, айниқса тошни ишлаш техникаси ривож топган. Сопол идишлар асосан қўлда ясалган, қисман чархда ясалган. Бу қишлоқларда хонаки ҳунармандчиликнинг кулолчилик, мисгарчилик, сангтарошлик, тўқимачилик каби турлари ривожланган бўлсада, ҳали улар касб-ҳунарнинг ривож топган мустақил соҳаси даражасига етмаган эди.

Текшириб ўрганилган қабрлардаги жасадларнинг ҳолатларига қараб шундай фикрга келиш мумкин. № 1-қабрдаги жасад икки катта ёшдаги одамники бўлиб, эркак ва аёл бирга дафн этилган. Эркакнинг бошидан яралангани аниқланган. Аёлнинг суяклари бутун, унинг ўлдирилганини исботловчи белгилар топилмаган. Демак, аёл эри ўлгач бирга дафн этилган. Аммо шуни ҳам таъкидлаш жоизки, замонбоболикларда бу ҳолат жуда кам учраган. Бу ерда тараққиёт кучли бўлиб, патриархат шаклланиб бўлган эди. Матриархатдан патриархатга ўтиш жараёнида юқоридаги ҳолатлар кузатилган.

Замонбобо қабристонини, чайласини тадқиқ этилиши натижасида уларда амал қилган урф-одатлар ҳам маълум даражада ўрганилган. Ҳиндларда ўлган одамнинг руҳи қушча бўлиб учиб кетади, кечаси қайтиб келиб қабр устидаги охурчадан сув ичиб, дон ейди деган ақида бор. Замонбоболиклар ҳам шунга яқин урф-одатга эга бўлишган. Замонбоболикларнинг қабрларидан сариқ ёки қизил рангли бўёқ ва кўмир қолдиқлари топилган. Ҳамма қабрлардан ёғоч

¹ А.Муҳаммаджонов. Қадимги Бухоро. 25-бет.

кўмири топилган. У қабр майдонига сепиб қўйилган. Кўмир кули оловнинг ўрнига ишлатилган. Чунки олов одамга иссиқлик ва ёруғлик келтиради, олов қуёшнинг бир қисми ҳисобланади. Олов қуёш каби иситади, қоронғулик-зулматни ҳайдайди, бу қудратли руҳдан қоронғулик ва ҳайвонлар кўрқадилар. Бу ерда яна қуёш расми туширилган куйдирилган идиш парчаси ҳам топилган. Юқоридагилардан шу нарса маълум бўладики, замонбоболиклар оловга-қуёшга сиғинишган. Қабрга сув ва дон қўйиш одати Қоракўлда ҳозирда ҳам мавжуд. Демак, бу одат исломдан аввалги замонлардан мерос бўлиб қолган.

Замонбоболиклар деҳқончилик билан бирга чорвадорлик билан ҳам машҳур бўлишган, жун йигириб ундан турли хил матолар тўқишган. Олимлар эрамиздан аввалги иккинчи минг йилликнинг иккинчи ярмида Қозоғистон даштларидан чорвадор қабилалар Ўрта Осиёнинг шимолий шарқий томонларига кўчиб келган деб ҳисоблайдилар. А. Муҳаммаджоновнинг ёзишича, Қуйи Зарафшоннинг бу янги аҳолиси асосан Гўжайли бўйлаб Кичиктузкон ва Замонбобо атрофларига ҳамда Қашқадарёнинг қуйи оқимида жойлашган қадимги Бойканд ёқасига келиб ўрнашган¹.

Зарафшон этакларида, хусусан ҳозирги Қоракўл тумани атрофида эрамиздан аввалги икки минг йилликнинг охири чорагида келиб ўрнашган бу янги аҳоли дастлаб, шубҳасиз қадимги замонбоболик деҳқон жамоалари билан ёнма-ён яшаган, кейинчалик эса улар билан аралашиб Қоракўлнинг туб аҳолисига айланган. Антрополог олимлар уларнинг қиёфалари замонбоболикларнинг қиёфасидан мутлақо фарқ қилмаслигини қайд этадилар.

Қоракўл тумани марказидан 15 км. шимолий ғарбда жойлашган Замонбобо мавзесида топилган ёдгорликлар мажмуаси ўзига хос хусусиятли белгиларига кўра тарих фанига «Замонбобо маданияти» номи билан киритилган. А. Асқаровнинг таъкидлашича, Замонбобо маданияти жанубнинг ўтроқ деҳқончилик жамоалари таъсирида шаклланган, у хонаки чорвачилик ва кетмонча (мотига) деҳқончилиги билан кун кечирган Қоракўлнинг туб маҳаллий аҳолисига мансуб бўлиб, у эрамиздан аввалги иккинчи минг йилликнинг иккинчи ярми билан белгиланади. Шундай қилиб, бундан 3-3,5 минг йил аввал Бухоро воҳасининг дарё адоқларида эндигина ибтидоий деҳқончилик ва хонаки чорвачилик билан шуғулланувчи илк қишлоқлар пайдо бўлиб, улар ярим ертўла ва чўпқори енгил чайлалардан иборат турар-жойлардан ташкил топган эди.

¹ А.Муҳаммаджонов. Қадимги Бухоро. 28-бет.

2-боб. БОЙКАНД – ИЛК ЎРТА АСР ШАҲРИ.

1-§. Бойканд тўғрисида ёзма ва археологик маълумотлар.

Ўзининг катталиги жиҳатидан Бухоро воҳасида Бухоро шаҳридан кейин иккинчи ўринда турадиган Бойканд шаҳри тўғрисида бизгача етиб келган ёзма манбалар жуда кам бўлиб, уларда ҳам шаҳар тарихи тўлиқ берилмаган. Манбалар маълум бир хронологик даврни, муайян бир воқеа, жараёни қамраб олган, холос. Шаҳар тўғрисидаги маълумотларни дастлаб В.В.Бартольд, Л.А.Зимин, А.Ю.Якубовский, В.А.Шишкин, Я.Ғ.Ғуломов, О.Ғ.Большаков ва бошқа олимлар ўз тадқиқотларида келтиришган. Бойкандда кейинги пайтда археологик тадқиқотларни олиб борган А. Муҳаммаджоновнинг фикрича, шаҳарга тегишли бўлган ёзма манбаларни уч гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга Зарафшоннинг ва Қашқадарёнинг қуйи оқимида вужудга келган деҳқончилик райони ва Бойканднинг географик жойлашувига доир манбалар киради. Иккинчи гуруҳга шаҳарнинг илк ўрта асрдаги топографиясига оид манбаларни, учинчи гуруҳга эса Бойканднинг сиёсий тарихига доир манбаларни киритиш мумкин.

Қуйи Зарафшон воҳаси тўғрисидаги энг дастлабки маълумотлар юнонистонлик А. Македонскийнинг Ўрта Осиёга ҳарбий юриши муносабати билан пайдо бўлган. Барча юнонистонлик ва римлик муаллифлар қуйи Зарафшон тўғрисида маълумот берар экан, бу ерни дарёнинг дельтаси сифатида тавсифлаб, катта кенгликдаги қумликлар билан чегараланишини ёзиб қолдиришган: «Сўғдиёнанинг катта қисми чўлдан иборат. 900 стадий кенгликдаги жойни эгаллайди» (1 стадий – 200 метрга яқин, демак, 180 км ни ташкил этади).

А.Македонскийнинг Ўрта Осиёда ҳарбий юришлари тўғрисидаги китобнинг муаллифи бўлган Квинт Курций Руф Зарафшон ёки юнонча Политимит («Зарафшон» дарёсининг қадимий номи «Авесто» да «Дайтия» – «эзгу сув» деб юритилган бўлиб, уни юнонлар ўз тилига таржима қилиб, «Политимит» – «кўп эзгу сув» деб атаганлар) дарёси дастлаб тор ўзанда оқиб кейин ғорга тушиб, сўнгра ер остига йўқ бўлиб кетади. Лекин сувнинг шалдираган овози дарёнинг ер ости оқимини билдиради, оқимнинг устидаги тупроқ эса ҳамиша нам туради деб ёзган¹.

Эрамиздан олдинги биринчи асрда яшаган географ Страбоннинг таъкидлашича, Политимит Сўғдиёнани сув билан таъминлаб, «чўлга чиқади ва ундан қумликларга ўтиб ўша ерда қумликлар остига ғойиб бўлади»².

Аррианнинг ёзишича, Политимит дарёси тугаган жойда чўлликлар бошланади. «Сув ғойиб бўлади, – деб ёзади у, – у қанчалик кўп бўлмасин, барибир қумликларда йўқолиб кетади»³.

Юқоридаги манбалар қуйи Зарафшон райони, унинг дельтаси ҳақида маълумот беради, аммо Бухоро воҳасидаги шаҳар тўғрисида ҳеч нима дейилмайди.

Бойканднинг исломдан аввалги даврдаги ҳаёти тўғрисида тарихий манбаларда маълумотлар деярли йўқ. Эрамиздан олдинги V-III асрларда Аму

¹ Қадимги тарихчилар Ўрта Осиё ҳақида. Т. 2008. 105-бет

² Қадимги тарихчилар Ўрта Осиё ҳақида. Т. 2008. 124-бет.

³ Қадимги тарихчилар Ўрта Осиё ҳақида. Т. 2008. 87-бет.

дарё ва Бухоро оралиғида катта қишлоқ ташкил топган. Эрамиздан олдинги III-II асрларда бу ерда мудрофаа деворлари қад кўтарган ва бир гектар майдондаги қалъага айланган. Эрамизнинг IV асрининг иккинчи ярмида – V асрида қалъа янада мустаҳкамланган.

V асрнинг охири – VI асрнинг бошларида Бойканд аввалги қалъа ўрнидаги кўрғондан ҳамда ички девор билан ўраб олинган шаҳристондан иборат бўлган. Шаҳарнинг девор ичидаги майдони 21 гектарга яқин эди. Қалъа деворларининг орқасида шаҳардан шарқ томонда некрополь жойлашган, унда ноусларда дафн этилганларнинг суяклари сақланган. Шаҳарнинг чеккасида Бадиосиё кўрғони жойлашган бўлиб, у илк ўрта асрларда қурилган.

Қадимшуносларнинг тадқиқотиға кўра, Бойканд шаҳридаги аҳоли турар-жойлари асосан бир қаватли уйлардан иборат бўлиб, унда қишда яшаш учун бир хона, ошхона, омборхона, унчалик катта бўлмаган ҳовли, баъзан эса ванналик хона мавжуд бўлган. Уйлар хом ғиштдан, пахсадан қурилган. Шаҳар қурилишида пишиқ ғишт ва керамикадан ҳам фойдаланилган.

Бойканд шаҳрининг сосонийлар давлатининг ва кейинчалик Хуросоннинг чегара ҳудудида ҳамда Евроосиёнинг муҳим савдо йўлида жойлашганлиги туфайли, унинг қалъаси ўзининг мустаҳкамлиги билан, карвонсаройлари ва работлари ўзига хослиги билан ажралиб турган.

Чегара ҳудудида жойлашганлиги боис Бойканднинг мудрофаа девори мустаҳкам бўлиб, унинг остки қисми 12-14 метргача бўлган. Шаҳарнинг атрофини ўраб олган ҳимоя деворидаги минораларнинг сони 40 тага яқин бўлиб, уларнинг ичидан туриб ташқи душманнинг ҳужумини бартараф этиш учун жангчиларни ўқ отишларига имкон берадиган туйнук (тешик) лар қўйилган эди.

Бойканд аҳолисининг асосий қисми савдо-сотик билан шуғулланганлиги боис, шаҳар мудрофааси учун ёлланма аскарлардан фойдаланишган. VI асрда бу ерда турк ҳукмдорининг жангчилари бўлишган ва шаҳар қалъасини ҳимоя қилишган. VII-VIII асрларда ёзма манбаларга қараганда ёлланма кўшин, яъни чокар-жангчилардан фойдаланилган. Ҳар бир чокар-жангчи ойига бир бўлак ипак матоси эвазига хизмат қилган. Унинг бир ойлик ёлланиши учун бериладиган ҳақнинг миқдори 28 дирҳамга тенг бўлган. Қадимшуносларнинг ҳисоблашларича, VI-VIII асрларда шаҳар деворининг ҳимояси учун 150-200 кишилиқ гарнизон ва шаҳарни ҳимояси учун 800 га яқин чокар-жангчи керак бўлган. 150 кишилиқ горнизонни ушлаб туриш учун, уларга ўрта ҳисобда 4200 дирҳам ҳақ тўлаш лозим бўлган. Ўша даврдаги нарх-навога биноан ушбу маблағга 21 нафар қул сотиб олиш мумкин бўлган. Демак, Бойканд шаҳри аҳолиси савдогар бўлганлиги учун жуда бой яшаганлиги аниқ. Арабларга асирга тушган бойкандлик ўзини сотиб олиш учун 5 минг ипак рўмолни таклиф этган ва бу ўша даврда 1 миллион дирҳам деб баҳоланган. 673-674 йилда Убайдуллоҳ ибн Зиёд бутун Бухоро учун талаб қилган тавон пули ҳам шунча бўлганлигини инобатга олинса, бойкандликларнинг нақадар бой-бадавлатлигини ҳис этиш мумкин.

Қадимги Бойканд ва унинг атрофининг таърифи ўрта аср ёзма манбаларида аниқ қилиб берилган. Энг муҳим маълумотлар IX-XII асрнинг тарихий ва географик асарлар муаллифлари томонидан тақдим этилган. Бу

соҳада Х асрда яшаган бухоролик тарихчи Абу Бакр Муҳаммад Жаъфар Наршахийнинг «Бухоро тарихи» алоҳида эътиборга лойиқ. Унинг Сўғддан оқиб келадиган дарё Бойканд яқинидаги кўлга қуйилади деган маълумоти қимматли ҳисобланади. Бу кўлга одатда Бухоро воҳасини суғорувчи сувларнинг барчасидан келадиган оқавалар тўпланган. Наршахий кўлнинг тўртта номини келтиради: 1) Боргини Фарох; 2) Қоракўл; 3) Бухайрайи Сомжан; 4) Денгиз. «Бойкандда қамишзорлар ва катта-катта сув ҳалқоблари туташади; буларни «Боргини Фарох» – «Кенг Ҳавз» дейдилар ва «Қоракўл» деб ҳам атайдилар. Ишончли кишилардан эшитганманки, у кўлнинг кенглиги 20 фарсахдир. «Масолик ва Мамолик» китобида айтилишича, уни «Бухайрайи Сомжан» – «Сомжан кўли» деб атайдилар. Бухоро сувининг ортиқчаси ҳам ўша жойга йиғилади. Унда сув жониворлари бўладилар, бутун Хуросонда бу ердигидек миқдорда қуш ва балиқ тутилмайди»¹. Х асрда ёзилган муаллифи номаълум бўлган «Худуд ал-Олам» асарида ушбу кўл «Мавазаи Бойканд» – «Бойканд атрофидаги кўл» деб айтилади. Унда айтилишича Бухоро сувининг бир қисми суғориш учун ишлатилган бўлса, қолгани шу кўлга ташланган.

Х асрда яшаган араб географи Ибн Ҳавқал, Истаҳрий, Муқаддасий ва бошқаларнинг қимматли маълумотлари Наршахий асаридаги ва муаллифи номаълум «Худуд ал- Олам» асаридаги фикрларни тўлдириб, тасдиқлаб беради. Айниқса, Ибн Ҳавқал ва Истаҳрий томонидан тузилган ҳамда Ибн Ҳавқалнинг «Ернинг тасвирланиши китоби» га илова қилинган Мовароуннаҳр харитаси, шунингдек ал-Балхийнинг Мовароуннаҳр харитаси муҳим аҳамият касб этади. Ушбу тарихий-географик атласда ривожланган ўрта асрдаги Сирдарё, Амударё ва Зарафшоннинг уч харитаси ўз ифодасини топган. Мазкур хариталарда схемали тарзда бўлса-да Зарафшон дарёсининг бошланиши, оқимлари, қуйилиш жойи аниқ кўрсатилган. Харитада тоғ дарёлари ва кўллардан ташкил топган Зарафшоннинг дастлаб шимолий ғарбга, кейин жанубий ғарбга қараб оққанлиги ва Амударёга етмасидан кўлга ўхшаган айланага қуйилгани кўрсатилган. Араб георафи Истаҳрий ва Ал-Балхийнинг харитасидан ҳамда бошқа ёзма манбалардан фарқли равишда Ибн Ҳавқалнинг харитасида ушбу кўл «Баҳр ал-Бухоро» – «Бухоро кўли» деб кўрсатилади, демак воҳанинг номи билан берилади. Бу жиҳатдан харита ҳақиқий воқеликка зид келмайди, чунки илк ўрта асрда ушбу номланиш топографик белгилар тизимида ўз ифодасига эгадир.

Сув ҳавзалари ва сув йўллари тармоғидан ташқари харитада яна Сўғд ва Бухоро вилоятлари ҳам кўрсатилган эди. Ушбу вилоятлар орқали Зарафшон оқиб ўтган ҳамда унинг оқими бўйлаб икки томонида Самарқанд, Арбинжон, Дабусия, Ҳамкас, Кармана,Тавоис, Бухоро, Нумижкат ва бошқаларнинг жойлашуви белгиланган эди. Умуман олганда ушбу аҳоли пунктларининг Х аср харитасида аниқ кўрсатилиши Зарафшон водийсининг географик ҳолатининг ҳақиқий ва тўла намоён этилганлигидан далолат беради. Тўғри, ушбу хариталарда ҳам бошқа ўрта аср географлари томонидан тузилган хариталарга ўхшаб координатлари кўрсатилмаган, географик объектлар эса геометрик фигуралар кўринишида тасвирланган ва бу билан хариталарнинг илмий қимматини камайтирган.

¹ Наршахий. Бухоро тарихи.Т.1966.25-бет.

Ёзма манбалар ичида Бойканднинг жойлашувига доир маълумотлар муҳимдир. Ушбу манбаларда Бойканднинг қаерда жойлашгани, унинг атрофидаги пунктлар, улар билан Бойканд оралиғидаги масофалар келтирилган. Жумладан, Истаҳрий, Макдусий ва Хурдодбеҳнинг ёзишича, Бойканд Бухоро шаҳридан 5 фарсахлик масофада жойлашган. Кудаманинг ёзишича, бу масофа 8,5 фарсахни ташкил этган. Амалда ушбу масофа 45 км га тенг бўлиб, Бойканд Бухородан ғарбда жойлашган.

Манбаларда Бойканд қумликлар чегарасида деб таърифлангани учун атрофидаги қишлоқлар кўрсатилмаган. Фақат ундан ғарб томонда, чўлнинг энг чеккасида Амдиза қалъаси жойлашганлиги айtilган. Макдусийнинг маълумотига қараганда Амдиза қалъаси Бойканддан 12 км (тахминан) шимолий-ғарбда жойлашган. Ушбу қалъанинг қолдиқлари, харобалари бизнинг давримизгача сақланиб қолган. Ёдгорлик тепалик шаклида, 7,5 м баландлик-дўнглик кўринишида, майдонининг ҳажми 100х60 м.¹

Манбаларга мувофиқ Бойканд ва Фараб оралиғидаги ҳудуд қумлик чўлдан иборат бўлиб 12 фарсахни ташкил этган (1 фарсах-7-8 км). Бойканд атрофидан Бухоро томонидан келадиган Ҳарамком суви оққан ва 4 фарсах масофада (28-32 км) Хуросон савдо йўлини кесиб ўтган. Бойканд билан Бухоро вилоятининг ташқи девори оралиғидаги масофа 2 фарсахга (14-16 км) тенг деб кўрсатилган.

Хулоса қилиб айтганда, Бойканд қумликдан иборат чўлнинг чегарасида жойлашган. Қарийиб шаҳар билан ёнма-ён, параллел тарзда Ҳарамком дарёси оқиб ўтган ва шу номдаги катта кўлга қуйилган. Бойканддан Амударёгача қумлик-чўллик чўзилиб кетган, унинг чеккасида Бойканддан унчалик узоқ бўлмаган масофада яккаю ягона аҳоли пункти-Амдиза қалъаси жойлашган бўлиб, у унчалик катта бўлмаган шаҳарча – XIII-XIV ва XVI асрга тааллуқли бўлган Шибирдон ота меъморий ёдгорлиги билан машҳур.

Бойканд шаҳрининг бевосита тарихига, унинг ёшига, турли хил номларига, шаҳарнинг умумий тарихий ҳолатига оид манбалар ҳам кам бўлмаган қадр-қимматга молик десак хато бўлмайди.

Бойканднинг аҳолиси, унинг машғулоты, ижтимоий таркиби тўғрисида ҳам манбаларда маълумотлар мавжуд. Аммо шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Бойканд тарихининг Араб халифалиги томонидан забт этилишидан олдинги даври тўғрисида маълумотлар жуда кам. Бунинг устига маълумотлар анча бўрттириб кўрсатилаган, ярим-афсонавий характерда. 1913 йилда Бойкандни дастлаб ўрганган рус олими Л.А. Зимин шундай хулосага келади.Л.А. Зимин Чоржўйдаги гимназиянинг ўқитувчиси бўлиб, 1913 йилда янги Бухорода Бухоро ҳукумати аъзоси Абдулҳамидбек билан учрашган ва Яккатут станциясига келган. Бу ерда уни маҳаллий ҳоким (Хайробод тумани ҳокими) Хўжа Мирза Икром ҳамда маҳаллий амалдорлар-амлоқдорлар ва беклар кутиб олишган. Шу йили Зимин ва унинг шериклари Бойканд қалъасини ўрганган. Улар кўпроқ ашъвий далиллар, осори-атиқалар билан қизиқувчи ҳаваскорлар эдилар. Туркистон археология ҳаваскорлари жамиятини В.В.Бартольд 1911 йилда ташкил этиб, Зимин жамиятнинг котиби қилиб тайинланган эди.Анча

¹ А.Муҳаммаджонов и другие. Городище Пайкенд. Т.1988. 21-бет.

қизиқарли маълумотлар Наршахийнинг китобида келтирилади. Унинг айтишича «Бойканд Бухородан қадимийроқ». «Ҳали Бухоро шаҳри вужудга келмаган, лекин қишлоқларидан баъзилари пайдо бўлган эди. Подшоҳ турадиган катта қишлоқ Бойканд эди.¹

Наршахийнинг таъкидлашича, қадимги Бойканд Бухоро ҳукмдорларининг қароргоҳи бўлган. «Шу вилоятга ҳукмдор бўлган барча подшоҳлар – деб таъкидлайди у – Бойкандни ўзлари учун қароргоҳ қилиб танлайдилар». А. Муҳаммаджоновнинг фикрича, шу боисдан ҳам Ибн ал-Фақиҳ Бойкандни Бухорога итоат этувчи шаҳарлар жумласидан деб кўрсатган. Бойканд шаҳрининг қароргоҳлик мақомидан келиб чиққан ҳолда Томашк (1887й.), Маркварт (1901й.) каби муаллифлар уни Эфталлийлар давлатининг пойтахти деб кўрсатадилар. Хитой манбаларида мазкур пойтахт «Пат-ти-ян» деб номланган. Рус олими Л.А.Зиминнинг фикрича, Бойканднинг энг қадимий ва аниқ шаклдаги номи «Патканд» ёки «Патиканта» бўлиб, «Ҳукмдор шаҳри (уйи)» маъносини билдиради².

Манбаларда Бойканднинг яна бир неча номлари келтирилади. Табарий, Ибн ал-Хурдодбеҳ ва Ибн ал-Фақиҳ уни «Мадинат-ат-тузжор» – «Савдогарлар шаҳри» деб ёзади. Наршахийнинг китобида Бойканд «Шаҳристони Руин» – «Мис Шаҳристон» деб аталган. Албатта, юқоридаги иккала ном ҳам шаҳарнинг маълум бир хусусиятидан, сифатидан келиб чиққан. Биринчи эпитетнинг берилиши шаҳар аҳолисининг ижтимоий таркиби билан бевосита боғлиқдир, чунки унинг аҳолиси асосан савдогарлардан иборат бўлган. Тарихий жиҳатдан Бойканд илк ўрта асрда Мовароуннахрнинг йирик савдо марказларидан бири бўлган. Шунинг учун ҳам Наршахий ёзади: «Бойканд аҳолиси ҳаммаси савдогар бўлган. Улар Хитой билан ва денгиз орқали бориладиган мамлакатлар билан савдо қилганлар ва жуда бой бўлганлар». Бойкандликлар денгиз савдосида ҳам фаол қатнашган деган фикрлар мавжуд. Айрим тадқиқотчилар бунга ишончсизлик билан қарайдилар. Бу фикр ўз вақтида Табарий томонидан билдирилган.

Форсий манбаларда шаҳар номи Пойканд деб берилиши, унинг Сўғднинг ёки Зарафшоннинг қуйи шаҳри эканлиги билан изоҳланади. Шаҳар номининг келиб чиқишида арабча «бай» ва туркий «канд» (кент) сўзлари муҳим рол ўйнаган, яъни «Байканд» – савдо шаҳри демакдир. Ўз вақтида тарихчи Наршахий ва Табарийлар ҳам шаҳар номини Байканд деб ёзган эдилар. Энг мақбули Бойканд, «Бой шаҳар» деб аталишидир. Байкал, Байканур номлари ҳам аслида «Бойкўл», «Бойкўнғир»дир.

«Шаҳристони Руин», яъни «Жез шаҳар» ёки «Мис шаҳар» номи Бойкандга мудофаа иншоотлари туфайли берилган. Академик Юрий Буряковнинг фикрича, Бойканднинг ўзида металл ишлаб чиқариши ривожланган, унинг қалъасидаги дарвозалар мисдан ясалганлиги боис уни шу ном билан аташган. Ёзма манбаларга қараганда, Бойканд шаҳри икки қатор қудратли деворлар билан ўраб олинган. Наршахийнинг ёзишича, Қутайба ибн-Муслим Бойкандни эгаллаш учун кўп куч-ғайратни сарфлади, чунки у кучли,

¹ Наршахий . Бухоро тарихи. 16-бет.

² А.Муҳаммаджонов и другие. Городище Пайкенд. Т. 1988. 22-бет.

мустаҳкам кўрғонга эга эди. Наршахий айтадики, Бойкандликлар ўз шаҳрини Бухоро шаҳридан устун қўйишган. Улар ўз шаҳарлари бўлган Бойкандни қишлоқ дейишларини ёқтирмаганлар. Агар Бойканд аҳолиси Бағдодга бориб қолса, ундан «Қаерликсан?» деб сўраганларида у «Бойкандданман» деган, лекин ҳеч қайсиси «Бухороданман» демаган¹.

Бойканднинг географик жойлашуви, айниқса воҳанинг чўл билан чегарасида жойлашганлиги, у ердан эса Шарқ мамлакатларига кетадиган карвон йўлининг ўтганлиги, шаҳарнинг савдо-сотиқдаги мақоми таъсири туфайли унинг аҳолиси таркиби турлича бўлган.

Истаҳрий ва Ибн Ҳавқалнинг ёзишига қараганда Бойкандда мустаҳкам девор, олий даражадаги иморатлар мавжуд бўлган. Катта Масжиди жомеъси бўлиб, жуда мухташам қурилган, унинг меҳробида тилла суви ишлатилган ва бутун Мовароуннаҳрда бундай кўринишдаги тилла суви югуртирилган меҳроб бўлмаган. Ушбу маълумот Х асрнинг буюк географларидан бўлган Макдусий томонидан тўлдирилади. У шундай деб ёзади: «Бойканд Жайхун (Амударё)га яқин жойлашган бўлиб, қумликлар чегарасида туради; у бир томондан кириладиган кўрғон (қалъа)га эга бўлиб, унда кўп сонли бозор ва масжид бор, масжиднинг меҳробига қимматбаҳо тошлар қўйилган; унинг кираверишида рабоб жойлашган бўлиб, рабобда бошқа бозор жойлашган»².

Янада қизиқарлироқ маълумотни Наршахий беради. Унинг ёзишича Бойкандда катта Масжиди жоме ва олий иморатлар бор. То 242 йилгача (854-855) Бойканд дарвозаси олдида кўп рабоблар бўлган. Наршахийнинг ўз китобида келтиришича Бойкандда Бухоро қишлоқлари сонича, мингдан ортиқ рабоб бўлган (Китобнинг Бухоро босма вариантыда бу рақам 20 минг деб кўрсатилган).

Шундай қилиб, манбаларда шаҳардаги рабоб ва рабобдаги рабобларнинг сони ҳам кўрсатилган. Бу ҳақда манбаларда ягоналик йўқ. Жумладан, Макдусий мингга яқин, Ибн Ҳавқал ва Наршахий мингдан ортиқ деб кўрсатади. Истаҳрий эса рабоблар сони Мовароуннаҳрда машҳур ва мингтага етади деб ёзади. Самъонийнинг ёзишига кўра, Бойканддаги рабоблар сони қачондир 3 мингтага етган. Турган гапки, юқоридаги рақамлар ҳақиқатдан анча йироқ ва бўрттириб кўрсатилган. Умуман, Шарқ қўлёзма манбаларида бундай хусусият мавжуд, бирор бир нарсанинг роли ёки аҳамиятини кўрсатиш зарур бўлса, бу анча бўрттирилган. Бойканд шаҳри харобалари ва унинг атрофларида олиб борилган тадқиқотлар натижасида 30 га яқин рабоблар қолдиғи аниқланган.

Наршахий Бойканддаги рабоблар сони ҳақида ёзар экан, рабобларнинг нима учун зарурлигини ҳам изоҳлаган. «Бойкандда Бухоро қишлоқлари сонича рабоб бўлган. Бунинг сабаби шуки, Бойканд катта ва яхши жой бўлиб, ҳар бир қишлоқнинг аҳолиси у ерда бир рабоб қуриб унга бир тўда кишиларни жойлаб қўйган ва уларнинг нафақаларини қишлоқдан юбориб турган. Қиш фаслида кофирлар (даштдан келганлар) йиғилиб ҳужум қиладиган вақт бўлганида ҳар бир қишлоқдан у жойга кўп халқ тўпланиб ғазот қилганлар. Шунда ҳар бир қавм ўз рабобига келиб тушган»³.

¹ Наршахий .Бухоро тарихи. 24-бет.

² Городище Пайкенд. 23-бет.

³ Наршахий. Бухоро тарихи. 25-бет.

Бойканд шаҳри атрофида олиб борилган археологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, деб ёзади А.Муҳаммаджонов, Бойканд шаҳри карвонсаройларидан катта қисми рабоднинг шарқида жойлашган. Шак-шубҳасиз Бойканд работлари бу ерда карвонсарой ролини бажарган (тинчлик вақтида), уруш вақтида эса, мустаҳкам истехкомга айланиши, заруратга мувофиқ кўчманчилар ҳужумига қарши курашувчи феодал лашкари тўпланиши керак бўлган. Тарихий фактларга кўра, X асрга келиб Бойканд работларининг бир қисми харобага айланган эди. Бу ҳақда Макдусий шундай маълумот беради: «Мингтага яқин обод ва вайрон бўлган работлар Бойкандда мавжуд». Бу шундан далолат берадики, X асрга келиб Бойканд работлари узил-кесил ўзининг стратегик аҳамиятини йўқотган, уларнинг савдо-сотикдаги мақоми ҳам пасайган эди. Кейинчалик, сув билан таъминланиш ёмонлашуви туфайли бу жойлар аста-секин вайронага айлана борган.

«Худуд ал-Олам» асарида қисқа бўлса-да, қуйидаги қизиқарли маълумот келтирилган: «Бойканд шаҳри мингта работга эга. Унинг ерлари ҳосилдор, шаҳар остида гумбазли некропол мавжуд, унга ҳатто Бухоро шаҳридан ўликларни келтириб дафн қилишган». Бу ерда исломдан олдинги даврдаги дафн маросимига оид маълумот берилган. 1954-1956 йилларда Бойканд шаҳрининг шарқий томонида Г.В.Шишкин томонидан илк ўрта асрга оид некропол ўрганилган, унда 28 та ноус(суяклар солиб қўйиладиган) қолдиқлари бўлган. 1984-1985 йилларда А. Муҳаммаджонов томонидан шаҳарнинг шимолий-шарқий ва шарқий қисмидан яна 20 га яқин ноуслар ўрганилган¹.

Шаҳар ва унинг атрофининг сув билан таъминланиши тўғрисидаги маълумотлар ҳам ўз мазмунига кўра муҳим аҳамият касб этади. Истахрийнинг маълумотига кўра, Бойканд дарёнинг асосий оқимидан чиқарилган алоҳида магистрал каналдан сув ичган: «Бухоро ариғи Тахуна(тегирмон) дастлаб шаҳристонда Навбаҳор деган жойда дарёдан сув олади, ундан Бухоро атрофи, у ердаги хонадонлар сув ичади. Ариқ суви тегирмонни ҳаракатга келтиради ва сув Бойкандгача етиб келади... ва Бойканд аҳолиси ундан сув ичади».

Демак, юқорида келтирилган манбаларда Бойканд шаҳри аҳолиси гавжум, ўзининг мустаҳкам қалъаси, шаҳристони ва атрофидаги кўп сонли карвонсаройларига эга бўлган, Бухоронинг гуллаб-яшнаган савдо шаҳарларидан бири сифатида тавсиф этилмоқда. Шаҳарда иккита бозори мавжуд бўлган: бири қалъада, иккинчиси шаҳар теварагида. Шаҳардаи Жоме масжиди ўзининг тилла суви юритилган ва қимматбаҳоли меҳроби билан машҳур бўлган. Ўзининг тилла рангли меҳроби билан бутун Мовароуннаҳрда мавжуд бўлган масжидлардан устун турган. Ўликларни дафн қиладиган гумбазли некропол қалъадан шарқ томонда жойлашган. Кейинги йиллардаги археологик қазишмалар натижасида бу ерда қуйи қисмининг диаметри 11 метрни ташкил этган минора қолдиқлари ўрганилган ва унинг баландлиги Бухоро миноридан (Минораи Калон) ҳам ортиқ бўлган деб ҳисобланмоқда.

Бойканд шаҳрининг сиёсий тарихига оид ёзма манбалар тўлиқ ва аниқлиги билан ажралиб туради. Уларнинг кўпчилиги Мовароуннаҳрнинг Араб халифалиги томонидан босиб олиниши даврига тўғри келади. Айниқса, араб

¹ Городище Пайкенд. 24-бет.

лашкарбошиси Қутайба ибн Муслим томонидан амалга оширилган ҳарбий юришлар, дастлабки ҳаракатлар, шаҳарнинг қамал қилиниши тўғрисида анча мукаммал материал мавжуд. Булар тўғрисидаги энг кўп маълумотни Абу Жаъфар ат-Табарийдан олиш мумкин. Бойканд тўғрисидаги илк маълумотлар 674 йилги воқеалар билан боғлиқ равишда берилади, шу йили Араб халифалигининг Хуросондаги ноиби этиб тайинланган Убайдуллоҳ ибн Зиёд томонидан талончилик юришлари бошланади. «Шу йилда халифа Муовия томонидан Хуросон ноиби этиб тайинланган Убайдуллоҳ ибн Зиёд – деб ёзади Табарий – Хуросонга келди. Кейин Жайхун дарёсидан кечиб ўтиб туяларда Бухоро тоғларига қараб юрди. У биринчилардан бўлиб қўшин бошида ушбу тоғлардан ўтди. Сўнгра у Ромитан ва Бойканднинг ярмини забт этди, буларнинг иккаласи ҳам Бухорога тааллуқли эди, у ердан Бухороликларни асирга олди». Нима учун Бойканднинг ярмини забт этганлиги тўғрисида ҳар хил фикрлар мавжуд.

Бу ерда Бойканд шахрининг ички ва ташқи шахристони борлиги ва ташқи шахристон эгаллаб олинганлиги ҳақида маълумот берилган.

Араб лашкарбошиси Убайдуллоҳнинг юриши тўғрисида Наршахийда анча батафсилроқ маълумот берилган. Аммо қисқа, Убайдуллоҳнинг Бойканд ва Ромитанни эгаллаб олиши, кўпчиликни асир қилиши тўғрисида айтилади. «Убайдуллоҳ ибн Зиёд Бойканд ва Ромитанни олиб, кўп кишиларни асир қилди. Тўрт минг бухоролик асирни шахсан ўзига олди»¹. Ушбу воқеанинг вақти Наршахийда ҳам, Табарийда ҳам бир хил – 674 йил (мелодий).

Табарий ҳам, Наршахий ҳам Хуросон ноиби Қутайба ибн Муслимнинг Бухорога юришига оид маълумотларни беради. Табарий ушбу юришни 705 йил (мелодий), Наршахий эса 706 йил (мелодий) деб ёзади. Табарий Бойканднинг забт этилиши тўғрисида қуйидагича ёзади: «Қутайба Марвдан йўлга чиқиб Марваррудга келди, кейин Омулгача, сўнгра Зиммага ўтди ва Жайхун дарёсидан кечиб дарёга яқин жойлашган ва «савдогарлар шаҳри» деб ном олган Бухоронинг Бойканд шаҳрига йўл олди. У шаҳарга яқинлашганда бойкандликлар ёрдам сўраб сўғдликларга ва яқинидагиларга мурожаат этишади. Ва улар кўп сонли бўлиб етиб келишади ва арабларнинг йўлини тўсиб қўйишади». Табарийнинг ёзишича, шундан кейин Қутайба халифалик билан алоқа қила олмаган ва ҳатто халифанинг ўзи ҳам хавотирга тушган. Икки ой мобайнида Қутайбадан ал-Ҳажжожга ҳам, ундан Қутайбага ҳам хабарчи бормаган. Бу вақт ичида Қутайба ва унинг қўшини ҳар куни жанг қилган.

Шундан кейин бухороликлар томонидан Қутайбанинг хизматкорларидан бирини сотиб олиш тўғрисида гапирилади: «Қутайбанинг араб бўлмаган Танзар исмли айғоқчиси бўлар эди, бухороликлар унга пул бериб, ундан Қутайбани бу ердан олиб кетишни сўрайди. У Қутайбанинг олдига келиб айтади: «Сен билан холи қолиб гаплашмоқчиман». Одамлар кетишади ва Қутайба фақатгина бир киши – Дирор бин Ҳусайн ад-Дабби билан қолади. Шунда Танзар айтади: «Ал-Ҳажжож ағдариб ташланди, сенга эса ноиб келмоқда. Агар сен одамларинг билан Марвга қайтиб кетганингда эди!» Қутайба Сийахни чақиради ва айтади: «Танзарнинг бошини ол», ва у Танзарни ўлдиради». Шундай қилиб Танзар

¹ Наршахий. Бухоро тарихи. 39-бет.

томонидан тайёрланган ҳийла амалга ошмайди, унинг сотиб олингани фош бўлади¹.

Воқеанинг бундан кейинги бориши ҳақида Табарий шундай деб ёзади. Кейинги куни эрталабдан одамлар ўз жойларини эгаллаб жангга тайёрланадилар. Қутайба ўз аскарлари сафини кўздан кечиради, байроқдорларни ҳужумга даъват этади. Кишилар ўртасида отлик жангчиларнинг найзалари билан тўқнашув юз беради, кейин асосий қўшин бир-бирига қарши ҳаракатини бошлайди, икки томон аскарлари тўқнашади ва қиличлар ишга солинади. Улар (араблар) то қуёш қорайгунча бойкандликлар билан жанг қилади.

Кейин ... мусулмонлар ғолиб чиқадиладар ва улар (бойкандликлар) қочадиладар, шаҳарга кириб олишга уринадиладар, мусулмонлар эса уларни таъқиб этиб йўлларини тўсадиладар. Улар таҳликага тушишлари билан мусулмонлар бойкандликларни ўлдира бошлайдиладар ва асирга оладиладар. Фақатгина кичик тўда шаҳар ичига киришга муваффақ бўлади ҳамда у ердан паноҳ топади. Кейин Қутайба шаҳар қалъаси деворларининг тагини емириш учун ер қазувчиларни ишга солади. Шунда бойкандликлар сулҳ тузишни сўрайдиладар. Қутайба улар билан сулҳ тузиб ўзининг қабиласидан бўлганлардан ҳоким тайинлайди. У бу ердан кетади, албатта қайтиб келиш ниятида. Қутайба Бойканддан 5 фарсах (35-40 км) лик масофага борган эдики, бойкандликлар сулҳни бузиб, яна кофирликка юз тутиб қолдирилган ноибни ва унинг одамларини ўлдириб, бурун ва қулоқларини кесадиладар. Бу ҳақда Қутайбага хабар етиб боргач, у қайтиб келади, аммо бойкандликлар мустаҳкам истехкомни тайёрлаб улгуришган эди. Қутайба бойкандликлар билан бир ой давомида жанг қилади, кейин қалъа деворлари остига ер қазувчиларни жўнатиб, улар орқали девор остига ёғочларни кўмдириб, кейин уларни ёқиб юбориш йўли билан қалъа деворини қулатмоқчи бўлади. Аммо араблар девор остига ёғочларни кўмаётган бир вақтда девор қулаб тушади ва қирқ киши ҳалок бўлади. Қамалдагилар сулҳ тузишни сўрайдиладар, аммо Қутайба рад қилади ва шаҳарни жанг қилиб забт этади. У шаҳар ичида қурол-яроғ кўтаришга қодир бўлган барчани ўлдиради².

Ушбу воқеа бўйича Наршахийнинг маълумотлари ҳам Табарийнинг маълумотларига асосан мос келади. Аммо Наршахийнинг маълумотларида Бойканднинг сиёсий тарихига оид анча аниқлаштирилган, қизиқарли ҳолатлар ўз ифодасини топган. Чунончи, Бойканднинг қамал қилиниши тўғрисида у шундай деб ёзади: « Қутайба қаттиқ қамал қилишга мажбур бўлди. 50 кун давомида мусулмонлар қалъани эгаллай олмадиладар ва охир-оқибатда қамал қилувчилар айёрлик йўлига ўтдиладар. Бир гуруҳ араб аскарлари девор остидан чоҳ қазиб минора орқали қалъанинг ички қисмига кирди ва отхонадан чиқишди, кейин деворнинг бир қисмини қазиб, раҳна(тешик) ўйдиладар. Ҳали ҳам мусулмонлар (араблар) қалъага кира олмаётган эдиладар, энди улар ана шу тешикдан ичкарига кириши мумкин эди. Шунда Қутайба, кимда-ким ушбу тешикдан ичкарига кирса, унга хуни баробарида ҳадя бераман деб қичқиради. Агар ичкарига кириш вақтида ҳалок бўлса, унинг оиласига ушбу мукофот

¹ Городище Пайкенд. 26-бет.

² Городище Пайкенд. 27-бет.

берилиши айтилади . Қўшин руҳланади, ҳамма деворни бузишга киришади ва қалъа қўлга киритилади.

Шундан кейинги воқеаларни баён этар экан, Наршахий шундай деб ёзади. Бойкандликлар билан сулҳ тузилгандан кейин Қутайба Варқо ибн Наср Боҳилийни Бойкандга амир этиб тайинлайди ва ўзи Бухорога қараб йўл олади. (айрим манбаларда Амуга қараб йўл олади деб ёзилган)

Хунбун деган жойга етиб келиши билан, Бойкандликларнинг қўзғолон кўтарганликлари ва Варқо ибн Насрнинг ўлдирилгани ҳақида хабар олади. Қутайба лашкарига: «Боринглар, Бойкандни талон-тарож қилинглар, уларнинг қонларини тўкишни ва молларини олишни ҳалол қилдим» – деб буйруқ беради. Қўзғолон сабаби шундай эди: Бойкандлик бир кишининг соҳибжамол иккита қизи бор эди; Варқо ибн Наср Боҳилий (Арабларнинг Боҳил қабиласидан чиққан, Қутайба ҳам шу қабиладан бўлган) иккаласини ҳам ўзига олди, шунда у киши: «Бойканд катта шаҳар, нима учун сен бутун шаҳардан фақат менинг иккита қизимни оласан?» – деди. Варқо жавоб бермади, у киши сакраб туриб Варқонинг киндигига пичоқ урди, лекин бундан бир иш чиқмади – Варқо ўлмай қолди. Бу хабар Қутайбага етгач, у қайтиб Бойкандга келди ва у ерда кимки урушга яроқли бўлса ҳаммасини ўлдирди, қолганларни асир қилиб олди, шундай қилиб Бойкандда ҳеч ким қолмади ва Бойканд хароб бўлди. Қутайбанинг шаҳарни иккинчи маротаба қўлга киритишидан кейин, қўлига қурол олишга яроқли кишиларнинг ўлдирилиши, қолганларининг эса асирга олиниши, Бойканднинг вайронага айланиб қолиши тўғрисидаги маълумотни берар экан, Наршахий давом этади: Бойканднинг аҳолиси савдогарлардан иборат эди, уларнинг кўпчилиги ҳарбий юришдан олдин Хитой ва бошқа жойларга савдо иши билан кетган эдилар. Улар қайтиб келишиб, араблардан ўз хотин, бола-чақаларини ва қариндошларини пул тўлаш эвазига қайтариб оладилар ҳамда Бойкандни қайта тиклайдилар. Айтадиларки, ҳеч бир шаҳар Бойкандчалик вайрон бўлиб яна тез орада ўзининг эски қаддини тиклаб олмаган¹.

А. Муҳаммаджоновнинг ёзишича, Наршахийнинг келтирган эпизоди муҳим аҳамиятга эга. Бунга кўра, биринчидан, Бойканд шаҳрининг мудофааси шаҳар аҳолиси – савдогарлар томонидан эмас, балки ёрдамга чақирилган, ёлланма турк отряди томонидан, эҳтимолки қалъанинг доимий гарнизони билан ҳамкорликда амалга оширилган; иккинчидан, Бойканд шаҳри араблар томонидан эгалланганидан сўнг, унинг ўз аҳолиси томонидан қайта тикланган².

Ёзма манбалар ичида Бойканднинг Қутайба ибн Муслим томонидан забт этилиши ва шаҳардан олинган ўлжалар ҳақидаги маълумотлар диққатга сазовордир. Бу ўринда Табарийнинг материали қизиқарли. «Шаҳарда қўлга олинганларнинг ичида бир кўзлик киши бўлиб, айнан шу одам туркларни ёрдамга чақирган эди. У Қутайбага шундай дейди: «Мен ўзимни сотиб оламан». Сулайм деган маслаҳатчи ундан сўради: «Сен нимани таклиф этасан?». У жавоб берди: «Қиммати бир миллион дирҳам турадиган беш минг бўлак хитой ипагини таклиф этаман». Қутайба ўзиникилардан сўради: «Сизлар нима деб

¹ Наршахий .Бухоро тарихи. 44- 45 бет.

² Городище Пайкенд. 28 –бет.

ўйлайсизлар?» Улар жавоб бердилар: «Биз у айёрлик қилмаяпти ва унинг ўзини сотиб олиши мусулмонларнинг ўлжасини кўпайтиради деб ўйлаймиз». Қутайба йўқ деб айтди ва уни ўлдиришга буйруқ берди».

Яна Табарийнинг ёзишича, Қутайба Бойкандни забт этганда у ердан жуда катта миқдорда олтин ва кумуш идишларни ўлжа қилиб олган. У ўлжаларни ҳисобга олиш ва тўғри тақсимлаш учун ўзининг ишончли одамларидан Абдуллоҳ бин Вадлан ал-Адавий ва «Ишончлининг ўғли бўлган ишончли»ни, яъни Ийаз бин Байҳас ал-Боҳилийни тайинлайди. Улар идишлар ва бутларни эритиб Қутайбага олиб боришади, шунингдек уларни эритган шлакни ҳам топширадилар, у эса буни икковига совға қилади. Бунинг эвазига улар қирқ минг мисқол бойликка эга бўлишади. Бу ҳақда Қутайбага хабар берадилар ва у ўзининг қарорини ўзгартиради ҳамда шлак(чиқинди)ни қайта эритишни буюради. Бойкандда қўлга киритилган ўлжа билан Хуросондаги ўлжани солиштирар экан, Табарий шундай дейди: «Бойкандда жуда катта миқдордаги бойлик ўлжа қилинди, Хуросонда бунча эмас эди».

Ана шундан кейин Қутайба ибн Муслим Марвга қайтиб боради. Қўлга киритилган ўлжалар ичида жуда кўп миқдордаги қурол-яроғлар ҳам бор эдики, бу ҳақда ҳам Табарий маълумот беради, «Қурол-яроғлар кўплаб қуроллар ва ҳарбий асбоб анжомлар билан бойитилди». Катта миқдордаги қурол-яроғнинг ўлжа олиниши муносабати билан Қутайба халифага мактуб йўллайди ва ушбу қуролларни ўз аскарларига тақсимлаб беришни сўрайди, чунки араб аскарлари жуда ёмон қуролланган эдилар; ал-Ҳажжож унга рухсат беради. Ана шунда барча асбоб-анжомлар ва қурол-яроғлар аскарлар ўртасида тақсимланади. Мусулмонлар кучайиб кетдилар ва қурол ҳамда от сотиб ола бошладилар, уларга минишга яроқли ҳайвонларни олиб келтира бошладилар. Араб аскарлари ўзларининг қурол-яроғи сифати билан ўзаро рақобатлаша бошлашди.

Бойканд шаҳрида қурол-яроғнинг ўлжа қилиб олиниши арабларнинг Мовароуннаҳрдаги, биринчи навбатда Бухородаги ҳарбий юришида ўз таъсирини кўрсатди. Буни Табарийнинг қуйидаги сўзларидан ҳам билиб олиш мумкин. «Баҳорги кунлар бошланиши билан Қутайба аскарларини олдинроқ юришга бошлашини ва юриш пайтида ўзлари билан йўл анжомларини олишга зарурат борлигини ҳамда аскарлари қишки иссиқ кийимга эҳтиёж сезмасидан уларни юришдан олдинроқ қайтаришини айтади». Қутайба жуда кўркам безатилган от ва қуроли билан қўшин олдида чиқиш қилди ҳамда Амуйга етиб келди. Кейин у Зиммани кечиб ўтиб Бухорога қараб йўналди ва Бухорога тегишли бўлган Нумужкатгача етиб борди.

Табарийнинг маълумотларида Бойканд учун муҳим аҳамиятга молик бўлган бир шахс ҳақида сўз боради, унинг номи «Аъвар», яъни «Бир кўз» деб тилга олинади. «Бир кўз»нинг шахси тўғрисида тадқиқотчилар турлича фикр билдиришган. Бартольднинг айтишича, у туркларни арабларга қарши курашга даъват этиб, араблар учун қуролли кучлар вакилларида кўра хавфлироқ одам бўлган. Зимин эса, уни Бойканд шаҳрини ҳимоя қилган ҳарбий бошлиқлардан бири деб қарайди¹.

¹ Городище Пайкенд. 29-бет.

Ким бўлишидан қатъий назар шу «Бир кўз»лик бойкандлик ўз шаҳрини араблардан ҳимоя қилишда катта жасорат кўрсатган. Шу боис араблар учун хавфли саналганки, унинг томонидан таклиф этилган катта миқдордаги бойлик ҳам Қутайба бошчилигидаги душманларини эсанкиратиб қўймаган ва ундан қутулишни лозим деб ҳисоблашган. Демак, «Бир кўз» араблар учун ўта хавфли киши бўлган.

Табарийнинг Бойкандни забт этилиши билан боғлиқ маълумотларини Наршахийнинг ёзиб қолдирганлари бирмунча тўлдириб боради. Наршахий Қутайба бошчилигидаги араблар қўшини Бойканднинг бир ибодатхонасидан қўлга киритган ўлжанинг миқдорини таърифлаб беради. Унинг ёзишича, ибодатхонадан оғирлиги 400 дирҳам келадиган кумушдан ясалган бут (санам) топилган. У яна бир қанча кумуш жомлар топиб олган ва уларнинг ҳаммасини жамлаб тарозига тортганда 150 минг мисқол чиққан. У ҳар бири кабутар тухумидек келадиган иккита марварид ҳам топиб олган. Қутайба ушбу марваридлардан ҳайратланиб, бойкандликлардан сўраган: «Бу қадар катта марваридларни қаердан келтирдингиз?» «Иккита қуш оғзида олиб келиб мана шу бутхонага ташлаган» – деб жавоб берганлар¹. Бу ривоятми ёки ҳақиқатми изоҳлаб берилмаган.

Кейин Қутайба бу қимматбаҳо нарсаларни йиғиб, ҳалиги иккита марварид билан биргаликда Ҳажжожга юборди ва унга Бойканднинг фатҳ этилганлиги ҳақида хат ёзиб, у икки дона марварид қиссасини ҳам қайд қилиб ўтди.

Ибн ал-Хурдодбеҳнинг маълумотига кўра, Бойкандда қўлга киритилган ўлжалар ичида жуда катта қозон ҳам бўлган. Демак, бундан шундай хулоса чиқариш мумкин: араблар келишидан олдин бойкандликлар Наврўзни нишонлашда катта қозонда сумалак пиширишган. Манбаларда айтилишича, қозонга нарвон билан чиқилган.

718-719 йилда Самарқанд ҳокими Ғурек томонидан Хитой императорига ёрдам сўраб ёзилган мактубда шундай дейилган: «Мана 35 йилдирки, биз арабларга қарши курашаяпмиз. 6 йил олдин (712 йил-М.Б) уларнинг қўшини Қутайба бошчилигида кўп сонли пиёда ва отлиқлар билан ҳужум қилди. Жуда кўп одам ҳалок бўлди. Араблар кучли эди. Мен қўшим билан қалъага кириб олдим. Араблар қалъани қамал қилиб олдилар. Улар 300 та девор бузувчи усқунани ишга солишди, деворнинг 3 жойидан тешиб, ер ости йўл қилишди. Улар менинг шаҳримни ва подшолигимни вайрон қилмоқчи. Агар бизга хитойлик аскарларни ёрдамга юборсангиз, биз албатта арабларни енгамиз»². Демак, арабларнинг Самарқандга юриши жуда кучли тайёргарликдан кейин амалга оширилган. Ўша пайтда бутун Мовароуннаҳрда мустаҳкам ҳимояланиши жиҳатидан биринчи ўринда Самарқанд қалъаси, ундан кейин Бойканд қалъаси туришини инобатга олинса, арабларнинг бу ерда қандай куч билан қалъага ҳужум қилганлигини тасаввур этиш қийин эмас. Муҳими шундаки, Самарқандга ҳам, Бойкандга ҳам турклар ёрдам берган.

Табарийнинг Бойканд тўғрисидаги ҳикояларидан бири 728-729 йиллардаги воқеалардан бирига бағишланган бўлиб, унда Бухоро воҳасидаги

¹ Наршахий. Бухоро тарихи. 45-бет.

² В.В.Бартольд. Сочинения I. II. часть 2. М.1964. 381-382 бет.

арабларга қарши қўзғолон ҳақида маълумот берилади. Шу йилда Араб халифалигининг Хуросондаги ноиби Ашрос бин Абдуллоҳ ас-Суламийнинг исломни қабул қилган кишилардан жон солиғи олинмаслиги тўғрисидаги қонидани бекор қилиши муносабати билан қўзғолон кўтарилган эди. Жон солиғи – хирож масаласи Ашрос ибн Абдуллоҳ Суламий даврида жуда кескин қўйилди, ислом динини муваффақиятли жорий этиб бориш учун у солиқларни бекор қилди. Шу мақсадда у икки тарғиботчи – сўғдийча сўзловчи заббат қабиласидан бўлган Мулла ас-Сайид Солиҳни ва темим қабиласидан бўлган араб Робия ибн Омрани юборди. Биринчиси Самарқандга жўнади. Бироқ сўғд аслзодалари хирожни бекор қилиш тадбири мавжуд тизимни барбод этади деб ҳисоблашди. Шунда ал-Ашрос «Куч исломда» шиори ўрнига «Куч – хирожда» шиорини кўтариб чиқди. Лекин Бухоро ва Сўғдиёнада норозилик бошланди, шунга қарамай, Ашрос ва унинг ноиби зодагонлардан ҳам, оддий ер эгаларидан ҳам зўрлаб хирож ундира бошлашди. Ашроснинг муваффақиятсиз солиқ сиёсати муносабати билан арабларга қарши кучли ҳаракат бошланди. Натижада Самарқанд ва Бухорони истисно қилганда бутун Мовароуннаҳр беш йилгача араблар тасарруфидан чиқди¹. Ана шундай ҳаракатлардан бири айнан Бойканд шаҳри атрофида бўлиб ўтади «Душманлар (қўзғолончилар) ҳужумга ўтишди, улар яқин келганида, мусулмонларга дуч келишди ва жанг бошланиб кетди. Бу жангда кўплаб мусулмон эркаклар (араблар) ўлдирилди, аммо улар қатъий туришди ва қўзғолончилар (кўпхудоликлар) қочиб кетишди. Ноиб Ашрос қўшини билан Бойканд томонга қараб боради. Бойканд остонасида у жойлашиб олади. Душманлари (қўзғолончилар) уларнинг сув таъминотини тўсиб қўядилар. Ашрос шу кун мусулмонлар билан ўзининг лагерида қолади ва тун билан шу ерда бўлади. Эрталаб туриб қарасаларки, сув ғойиб бўлган. Араблар қудуқ қазишга киришган, аммо сув чиқмаган ва уларни ташналик қийнай бошлаган. Улар шаҳарга йўналганлар, чунки сув шу ердан тўсиб қўйилган эди. Мусулмон қўшинининг илғор қисмига Қатон бин Қутайба бошчилик қилган. Қўзғолончилар уларга қарши чиққан ва тўқнашувда 700 мусулмон ўлдирилган. Араблар жанг қилиш ҳолатида эмас эдилар, уларни ташналик ҳолдан тойдирган эди, уларнинг ҳарбий бошлиқларидан бор-йўғи етти киши қолган эди. Қийналиб кетган Дихар бин Ҳусайннинг асирга тушишига сал қолганди. Ал-Ҳарис бин Сурайж эса одамларини сергаклантирар экан, шундай дер эди: «Э, одамлар! Ташналикдан ўлгандан кўра қиличдан ўлган афзал ва уни Оллоҳ ҳам рағбатлайди». Ушбу даъватдан кейин Қатон ибн Қутайба ва Исҳоқ бин Муҳаммад бошчилик қилган Тамин ва Қайс қабиаларининг бирлашган отлиқ отряди ҳужумга ўтади. «Ал-Ҳарис бин Сурайж, Қатон бин Қутайба ва Исҳоқ бин Муҳаммад, жияни Ваки Тамин ва Қайс қабиласининг отлиқлари билан биргаликда олдинга интилиб шиддатли жанг қилдилар, жанг турклардан сув йўлини тортиб олгунга қадар давом этди. Шунда одамлар сувга ташландилар ва ташналарини қондирдилар»².

728-729 йилда Бойканд яқинида арабларга қарши олиб борилган жангда Туркешлар ҳокони ва саркардаси Сули (арабчада Курсул) ҳам иштирок этган

¹ Ўзбекистон халқлари тарихи 1-жилд.1992.79-бет.

² Городище Пайкенд. 30-бет.

деб ҳисоблайди К.Шониёзов. Наср ибн Сайёр 728-739 йилларда Шошга кетма-кет юриш қилади ва катта талофатлар эвазига уни эгаллайди. Жанглarning бирида туркешлар саркардаси Сули асирга тушади. Бу пайтда у анча қариб қолган эди. Сули Наср ибн Сайёрга турк туяларидан 1000 бош ва отларидан ҳам 1000 бош бераман, мени қўйиб юбор, дейди. У арабларга қарши 72 марта хужум уюштирган. Наср ибн Сайёр саркардани қатл эттиради ва турклар ўз саркардасининг суягини олиб кетмаслиги учун унинг жасадини ёқиб юборади¹.

Табарийнинг юқоридаги маълумотларини А. Муҳаммаджонов шундай изоҳлайди. Биринчидан, бу маълумот араб географи Макдусий ва Наршахийнинг Бойкандни сув билан таъминланиши тўғрисидаги фикрларини тасдиқлайди. Улар Ҳарамком дарёсининг Бухоро шаҳобчасидан чиқарилган Тахун каналидан Бойканд сув ичади деб ёзишган. Сув ҳамиша ҳам Бойкандгача етиб келмаган. Сув Бухоро шаҳридан қуйироқда Расал Варк, яъни «Бош тўғон» деган жойдан махсус қурилган тўғон дарвозасини очиш йўли билан келар эди. Ана шу сувни тақсимлаш иншооти қўриқланар эди. Иккинчидан, араб истилочиларига қарши курашган қўзғолончилар Бойкандни таъминлайдиган ягона сув манбасидан муваффақиятли равишда фойдаланганлар, яъни уларни таъкиб этиб келаётган арабларни сувдан бенасиб қилиб қўйганлар. Учинчидан, қўзғолончиларнинг кураши жуда шиддатли бўлган, жангда араблар томонидан катта йўқотиш бўлган².

Зарафшон водийсининг Бухоро қисмини Араб халифалиги томонидан узил-кесил истило қилинганидан кейинги даврда бизгача етиб келган ёзма манбада Бойканд фақат бир марта тилга олинади ва шу нарса маълум бўладики, 1X асрнинг охирида ҳам Бойканд шаҳри гуллаб-яшнаган.

874 йилда Яъқуб ибн Лайс Саффорнинг номи хутбадан туширилди ва Бухорода хутбани амир Наср ибн Аҳмад ва амир Исмоил ибн Аҳмад номига ўқидилар. Наср ибн Аҳмад Самарқандда, Исмоил ибн Аҳмад эса Бухорода ҳукмдорлик қила бошлади. Наср ибн Аҳмад Исмоил ибн Аҳмаднинг зиммасига ҳар йили Бухоронинг мол-мулкидан 500 минг дирҳамни юбориб туришни вазифа қилиб юклаган эди. Турли хил урушлар олиб борилиши муносабати билан ушбу мол-мулк харажат бўлиб кетиб, Исмоил ибн Аҳмад Самарқандга ушбу мол-мулкни юбора олмади ва натижада ака-ука ўртасида келишмовчилик келиб чиқди. Шунда амир Наср лашкар йиғишга ва укасига қарши қўшин тортишга қарор қилди; Абу Юсуф Яъқуб (Шош) дан ва Исфижобдан(туркларни), Абул Ашас (Фарғона)дан қўшин билан етиб келишини сўради. Оқибатда катта қўшин тўпланиб, 885 йил охирида Бухорога қараб юрдилар. Бундан воқиф бўлган амир Исмоил ўз акаси амир Насрга ҳурмат юзасидан (ноиложликдан) Бухорони ташлаб, отнинг жоловини Фарабга қараб бурди. Наршахийнинг ёзишича, «Амир Наср Бухорога келди ва амир Исмоилни учратмагач, Бойкандга бориб, шу ерга қўнди. Бойкандликлар уни кутиб олиб, устидан кўп олтин-кумушлар сочдилар ва кўп тухфалар чиқардилар»³. Амир Исмоил билан ўша вақтда Хуросон амири бўлиб турган Рофе ибн Ҳарсама ўртасида дўстлик бор эди. Амир Исмоил унга хат ёзиб, ёрдам сўради. Рофе ўз қўшини билан

¹ К.Шониёзов. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Т. 2001. 187-188 бет.

² Городище Пайкент. 30-бет.

³ Наршахий. Бухоро тарихи. 74-бет.

Амударёнинг музи устидан ўтди, амир Наср Бойканддан Бухорога қайтиб кетди. Ака-ука ўртасидаги келишмовчиликлар амир Насрнинг вафоти (893) гача давом этди.

882-883 йилда Хуросондаги саффорийлар сулоласи томонида бўлган Абу Талха ибн Шаркаб Марвда ҳокимиятни эгаллайди. Шундан кейин у тоҳирийлар томонига ўтади. Марвга юриш қилган Амр ибн Лайсдан енгилиб, Фараб орқали Бойкандга келади ва Исмоил ибн Аҳмаддан ёрдам сўрайди. Амир Исмоил Абу Талхага қўшин билан ёрдам кўрсатади ва натижада у яна Марвни эгаллаб олади¹.

Сомонийлар сулоласи ҳукмронлиги ағдариб ташланганидан кейинги даврда, X аср охири – XI аср бошида Мовароуннахрнинг бошқа шаҳарлари каби Бойканд ҳам таназулга юз тутди. Бу даврда энг аввало шаҳарнинг сув таъминоти издан чиқади. Шоҳруд суғориш тизимидан сув келиши тўхтаб қолади ва шаҳар аҳолисининг ҳаётига ҳалокатли таъсир кўрсатади. Бу ҳолат олиб борилган археологик тадқиқотларда ҳам ўз аксини топган, рабобларнинг ва аҳоли яшайдиган маҳаллаларнинг ҳувиллаб қолгани, вайрон бўлгани аниқланган. Гарчанд шаҳар ҳаётининг кейинги даврига тегишли маълумотлар бизгача етиб келмаган бўлса-да, Наршахий китобини охириги марта таҳрир қилган Муҳаммад Зуфар (1178-1179йилларда)нинг ёзишича, Бойканд ҳақиқатдан ҳам бу даврда қарийб харобага айланиб қолган эди. «Арслонхон Муҳаммад ибн Сулаймон (1102-1130 йилларда ҳукмронлик қилган Қорахонийлардан) ўз даврида Бойкандни қайта қуришни буюрди. Одамлар у ерга йиғилиб яхши иморатлар қилдилар, хоқон (Арслонхон) ўзи учун ҳашаматли сарой қурдирди. Ҳарамкомнинг суви Бойканд иморатлари яқинига гоҳ етиб келиши, гоҳо эса етиб келмаслиги туфайли, сув иморатларгача етиб келсин учун Арслонхон алоҳида ариқ қазилни буюради. Бойканд тоғ тепасида жойлашган бўлиб, лекин тоғ баланд эмас эди. Хоқон тоғдан ариқ қазилга буюради. Тош шундай қаттиқ эдики, унда ҳеч бир дарз йўқ эди. Бу ишда жуда ҳайронликда қолдилар. Тошларни юмшатиш учун жуда кўп харвор (харвор – бир эшак юк маъносини англатади, бу ерда жуда кўп маъносида берилган) ёғ ва сирка сарф бўлса ҳам бир фарсанг масофадан ортиқ қазий олмадилар. Кўп кишилар ҳалок бўлди; кўп қийинчилик кўриб, кўп маблағ сарф қилгандан кейин ариқни қазимай қолдирдилар»². Демак, қорахоний ҳукмдор бўлган Арслонхоннинг Қорақўлдарёдан сувни Бойканд ва унинг атрофларига чиқаришга уриниши муваффақиятсизликка учраган, ариқ қазил иши тўхтатиб қўйилган. Бу ҳолат археологлар томонидан олиб борилган қазилмалар даврида ўз тасдиғини топди.

«Бухоро тарихи» нинг 1904 йилда Когондаги литографияда нашр қилинишида ношир Мулло Султон томонидан ариқ қазилга доир матнга қўшимча киритилган, яъни ариқ Қорақўлдарёдан эмас балки, Амударёдан олиб келинадиган бўлди деб кўрсатилади, «Омул» сўзи қўшилади. Шундан келиб чиқиб 1960 йилда тадқиқотчи М.А.Абдураимов томонидан қорахоний ҳукмдор Арслонхон Амударёдан Бойканд учун алоҳида ариқ қазилни амалга

¹ Ибн ал-Асир. Ал-камил фи-т-та'рих. Т., 2006, 73-бет.

² Наршахий. Бухоро тарихи. 25-бет.

оширмоқчи бўлди деган фикр илгари сурилган. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, «Бухоро тарихи»нинг 1966 йилда ўзбек тилидаги нашрида ариқнинг Ҳарамкомдан чиқарилиши тўғрисида аниқ айтилган. Зарафшон дарёсининг Бухоро воҳасидаги қисмини маҳаллий аҳоли «Ҳарамком» деб атаган. «Ҳарамком» – арабча сўз бўлиб, «Муқаддас дарё» маъносини билдиради. 1963 йилда Я. Ғуломов бошчилигидаги археология отряди томонидан ўз вақтида Арслонхон томонидан ташлаб кетилган каналнинг излари текшириб кўрилган. Унинг узунлиги 5-6 км, қадимги Бойканд харобаларидан шимолроқда, шаҳар билан Чандир қишлоғи оралиғида жойлашган, унинг излари Чандир қишлоғидан жанубда, темирйўл линиясининг орқасида сақланиб қолган, эни 15 м.

Бойкандни сув билан таъминлаб турган магистрал каналнинг излари шаҳар харобалари билан Раимобод қишлоғи ўртасида, чўлнинг ичида 15-16 км масофада сақланиб қолган¹. Унинг қуриб қолган ўзани маҳаллий аҳоли томонидан «Қизариқ» деб номланади. Унинг эни 6 м. Каналнинг излари Авлиё деган жойдан қуйроқда жанубий-ғарбий йўналишда ҳам топилган. Канал излари дастлаб Қуйимозор сув омборидан чиқарилган канални кесиб ўтади, кейин унга қарийб параллел жойлашган Денгизкўл коллектори ва Бойканд чўлига қараб кетади. Раимобод қишлоғидан 2,5 -3 км. масофада жанубий-ғарбда Қизариқнинг чап қирғоғи бўйлаб жанубий йўналишда бешта суғориш тармоғи бўлиб, уларнинг эни 2-2,5 м. ни ташкил этади, 1-1,5 км. масофада уларнинг излари кум барханлари остида йўқолиб кетади. Суғорувчи каналларнинг бош қисмида VI-VII асрга тааллуқли бўлган қадимги кўрғон харобалари жойлашган². Ана шу археологик ёдгорликдан тахминан 4 км.ғарброқда Қизариқ канали уч тармоққа бўлинган; улардан бири шимолий-ғарбга, қолган иккитаси эса, ғарбга йўналган. Биринчи тармоқ 2 км.дан кейин Денгизкўл коллекторини кесиб ўтади ва шимолга бурилади, шу йўналишда яна 3-4 км.ўтиб, Яккатут ва Чандир қишлоқларининг жанубидаги адирликка киради ва ғойиб бўлади. Қизариқнинг тахминан 7 км.лик бош ўзани Денгизкўл коллектори бўйлаб чўзилиб кетади, Бадиосиё деб номланган илк ўрта аср кўрғони харобаси орқали шимолдан ўтиб собиқ «Тошкент» номли узумчилик совхозигача етиб боради ва шу ерда узилади. Эҳтимол, Қизариқ бу ердан янада узоқроқ масофадаги ерларни ҳам суғоргандир. Аммо ҳозирги маълумотларга кўра унинг фаолияти шундай. Бойкандни сув билан таъминлаган қадимий ирригация ёдгорлиги бўлган Қизариқнинг қачондан бошлаб ишга туширилгани ва қанча вақт фаолият кўрсатгани аниқ эмас эди. Бу ҳақда ёзма манбаларда ҳеч нима дейилмаганди.

1960-йилларда қадимги Бойканд микровоҳасининг суғориш тизимини ўрганган Я.Ғуломовнинг фикрича, Бойканднинг пайдо бўлиши ва унинг ҳамда атрофларининг суғорилишини ривожланиши Қизариқ билан боғлиқ бўлиб, унинг фаолияти бошланиши VI аср бошлари деб белгиланган. Қизариқнинг фаолият кўрсатиши арабларнинг Қутайба ибн Муслим бошчилигидаги 705 йилги юришидан кейин тўхтаган деб кўрсатади Я. Ғуломов³. Аммо кейинги

¹ Городище Пайкенд. 182-бет.

² Городище Пайкенд. 183-бет.

³ Я.Гулямов, У.Исломов, А.Аскарлов. Первобытная культура и возникновение орошаемого земледелия в низовьях Зарафшана. Т. 1966. 43-45 бет.

йилларда қадимги Бойканд археологик ёдгорликларига тегишли бўлган Бадиосиё кўрғонининг ўрганилиши натижасида Қизариқнинг амал қилиши билан боғлиқ янги маълумотлар олинди. Унга кўра Қизариқ VIII-IX асрларда фаолият кўрсатган ва нафақат шаҳар ҳамда унинг работларини, балки бутун Бойканд микровоҳасини суғорган¹.

Бойканднинг сув билан таъминланишига оид ёзма маълумотлар жуда кам. Аммо X асрда яшаган араб географи Муқаддасий Бухоронинг сув билан таъминланиши тўғрисида маълумот берар экан, шаҳар каналининг ортиқча сувлари чиқариб ташланиб Бойкандга юборилганини айтиб ўтган.

Муқаддасийнинг таърифлашича, Бухоро шаҳри каналининг бош қисмида ўша вақтда сувнинг сатҳи паст-баландлигини тартибга солиб турувчи махсус иншоот ва унинг очилиб-ёпиладиган дарвозаси қурилган. Унинг сўзларига қараганда, ёз келиб каналнинг сувлари кўпайганда юқоридаги махсус иншоот орқали канал сувларининг ортиқчаси чиқарилиб Бойканд томонга юборилган. Агар бундай иш тутилмаганда канал суви шаҳарни (Бухорони) босиб кетиши мумкин бўлган. Иншоот ўрнатилган жой Фашун деб аталади. Бундан куйроқда Расал-Варқ (Бош тўғон) деган сув иншооти жойлашган бўлиб у ҳам Фашундаги каби қурилган эди. Демак, Муқаддасийнинг ушбу маълумотлари Бойканд ва унинг атрофлари Шохруд канали орқали сув билан таъминланган деб хулоса чиқаришга асос бўлади. Бухоро шаҳрини ва Бойканд каналининг бош қисмини сув билан таъминлаш мақсадида махсус сув иншооти – сув тақсимловчи тўғон барпо этилган². Ҳозир шаҳар ташқарисида Фашун деган қишлоқ бор бўлиб, у Шохруд канали бўйида эмас, балки шаҳардан жануб томонда, Фашун канали бўйида, бу канал эса Шохруддан ва шаҳардан 1,5-2 км юқорида жойлашган. Айнан шу ерда 20 дан ортиқ чап ва ўнг томонга оқадиган ариқлар бор. Инқилобдан олдин бу ерда Бухоро мироби бошқармаси жойлашган. Эҳтимол, бу ерда X асрда Фашуннинг шлюзи жойлашгандир. Ҳозирги Фашун номи ўша ердан бошланган ўнлаб ариқлардан бирининг номи бўлиши керак деб ёзади В.Г.Сааков³.

XI асрнинг охири – XII асрнинг бошларида Бойканд ва унинг атрофларини сув билан таъминлаш жуда ёмонлашган, Зарафшон дарёсида сувнинг камайиши билан бу аҳвол янада мураккаблашган ва шу боис қадимги Варахша воҳаси сувсиз чўлга айланган.

Сувсизликни бартараф этиш мақсадида каналнинг қуриб қолган ўзанлари бўйлаб қудуқлар қазилган ва пишиқ ғишт билан ўралган, водопровод линияси ўтказилиб, керамика (сопол) қувурлари орқали сув олиб ўтилган. Худди шундай қадимги водопроводнинг қолдиқлари 1956 йилда Бадиосиёдан топилган. 1984-85 йилларда А.Муҳаммаджонов томонидан 3 та ўрта асрга оид қудуқ ўрганилган ва қайд этилган. Улар Бойканд шаҳридан 1,5-2 км.диаметрда жойлашган бўлиб, улардан шаҳар қалъасига йўналган керамика қувурлари ўтказилган. Керамикадан ясалган қувурларнинг узунлиги 70 см.га тенг бўлиб, диаметри 20-30 см.ни ташкил этган. Керамика қувурлари кенглиги 50 см., чуқурлиги 30 см. бўлган траншеяларга кулранг лой билан ётқизилган.

¹ Городище Пайкенд. 184-бет.

² Городище Пайкенд. 185-бет.

³ В.Г.Сааков. История Бухары. Т.1996.31-бет.

Кувурларнинг ёнбошига ва юқорисига пишиқ ғиштлар ва керамика кувурларининг бўлаклари жойлаштирилган. Айтиш мумкинки, ўзининг охириги даврида Бойканд шаҳрини сув билан таъминланиши ўта долзарб масалага айланган. Чиғирлар орқали сув чиқарилган ва кувурлар билан шаҳарга етказилган, ўша даврга мос келадиган водопровод тизими ишлаган. Хунармандчиликнинг яхши ривожланиши натижасида юқорида қайд этилган керамика – сопол кувурлар яратилган ва сув тизимида ишлатилган. Кейинги йилларда олиб борилган археологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Арслонхондан кейин ҳам яна икки марта Бойкандга сув олиб бориш учун канал қазилганга уриниш бўлган. Иккинчи канал ҳам биринчисига параллел равишда, ундан 1,5 км.шарқроқдан қазилган. У ҳозирги Оғар қишлоғидан унчалик узоқ бўлмаган жойдан Қоракўлдарёдан чиқарилган эди. Каналнинг излари 4км.масофада чўзилган бўлиб, эни 15м.ни ташкил этади. Учинчи канал эса Қоракўлдарёнинг ўша қисмидан шимолроқда, ҳозирги Яккатут темир йўл бекати тўғрисида чиқарилган. Унинг қуриб қолган ўзани излари Бухоро ва Бойканд воҳаси ўртасидаги Бойканд адирлари бўйлаб кузатилади. Аммо бу каналларнинг қачон ва қандай қазилгани ҳақида ҳозирча аниқ маълумотлар йўқ. Шунга қарамасдан Я.Ғуломов иккинчи канални VIII аср бошлари билан, учинчи канални эса VIII аср охири-IX аср бошлари билан белгилайди¹.

Хулоса қилиб айтганда, қорахоний ҳукмдор Арслонхоннинг ҳатти-ҳаракатлари ва ундан кейинги икки марта канал қазилганга уринишлар охириги имконият бўлиб қолди. Шу даврдан бошлаб, Бойканд шаҳри узил-кесил ҳалокатга юз тутди. Буни бизгача етиб келган ёзма манбалар ҳам тасдиқлайди. Чингизхон бошчилигидаги мўғул қўшинининг Бухорога ҳужуми, шахсан Чингизхоннинг шаҳарни қамал қилиши тўғрисидаги маълумотлар мавжуд, аммо Бойканднинг номи зикр этилмайди. Мўғуллар ҳужуми муносабати билан Бойканд эмас, аҳоли пункти, кўрғон сифатида Амдиза қалъаси (Шибирдон ота мажмуаси ёдгорлиги) ҳақида маълумотлар берилади. XIII аср ўрталарида Бойканд орқали Бухорога келган Абулқарим ас-Самъоний шаҳар харобаларини, карвонсаройларнинг қолдиқларини кўрганликларини ёзиб қолдирган. Демак, ёзма манбаларда XIII асрнинг ўрталаридан бошлаб Бойканд тўғрисида маълумотлар учрамайди. Олиб борилган археологик тадқиқотлар натижаларига кўра, Бойканд шаҳрида ҳаёт эрамиздан олдинги V асрдан эрамизнинг XII асрларигача, яъни 1600 йилдан ортиқроқ вақт давомида кечган деб хулоса чиқарилади. Бойканднинг ёши 2500 йилга тенгдир.

Бойканднинг тарихи 2500 йилдан ортиқ бўлиб, унинг арки ва иккита шаҳристони мустаҳкам қалъа девори билан ўралган. 20 гектарли майдонга эга шаҳар сунъий тепалик устида жойлашган. Шаҳар деворининг ташқарисида кенг ва чуқур зовур қазилиб, ундан кўтарма кўприклар оқали ўтилган. Ҳукмдор жойлашган уч гектарлик арк шаҳристондан 5-7 метр баландроқда қурилган. Шаҳристон эса маҳаллаларга бўлинган, савдогарлар ва хунармандлар яшаган уйлар ҳашаматли қилиб қурилган. Шаҳарда шиша идишлар, сопол буюмлар тайёрлайдиган устахоналар, дорихоналар мавжуд бўлган. Шунингдек қадимги ибодатхона, VIII асрда барпо қилинган илк масжид, IX асрда қурилган

¹ Городище Пайкенд. 185-186 бет.

Миноранинг курси қисми, X аср тош қудуғи шаҳарнинг бой ўтмишидан дарак беради. Қадимшуносларнинг тадқиқотларига кўра, бу ердаги миноранинг остки қисмининг диаметри 11 метрга тенг келади. Бойканд шаҳрида атрофидаги работларда истиқомат қилганлар билан биргаликда 20 мингга яқин аҳоли истиқомат қилган. У ўрта асрнинг ўртача шаҳри бўлган. Бойканднинг атрофидаги работлар асосан, чўлларда яшовчи кўчманчилардан шаҳарни ва воҳани ҳимоя қилиш учун қурилган эди. Кейинчалик улар савдогарлар учун карвонсаройлар вазифасини бажарган.

Қачонлардир катта, мустаҳкам, калин ва баланд муҳофаа деворларига эга бўлган, тарихда «Жез шаҳар» деб ном олган Бойканд ҳимоя деворларининг қолдиқларидан баъзи ўринларгина давр тўфонларидан омон қолиб бизгача етиб келган. Деворнинг ғарб томонидаги чакалакзор орасида қолиб кетган буржлардан бири дарахтлар узра бош кўтариб нажот сўраб турган одамга ўхшайди. Йигирма гектардан ошиқ шаҳристоннинг бир неча маҳаллалари ўрни бу ерда ярим асрдан ошиқ вақт давомида олиб борилган археологик қазилма ишлари натижасида очилиб қолган. Ҳар бир маҳалланинг марказидаги кўча, унинг икки чеккасидаги уйлар, хоналар деворларининг вайроналари, ўчоқлар, тандир ўринлари, хумлар қолдиқлари, идиш, буюм парчалари шаҳар аҳли гўё яқин ўтмишда кўчиб кетгандек таассурот уйғотади.

Аслида буларнинг ҳаммаси бундан ўн аср илгари рўй берган. Қадимий шаҳар-Бойканд харобалари минг йилдан бери шу аҳволда ётибди. Кейинги маҳалла олдинги маҳалладан юз-юз эллик метр узоқликда жойлашган. Ундан нарида яна бошқа маҳалла иморатларининг вайроналари ястаниб ётибди. Шаҳарга шимолий дарвоза орқали кирилган. Эни 12 метрлик, бўйи 8 метрлик бу дарвоза, археологларнинг маълумот беришича, жездан ясалган. Дарвозадан киргандан кейин шаҳристоннинг бир неча томонига йўллар кетган, асосий йўл шаҳар шарқида жойлашган ҳукмдорлар арки – ички шаҳристонга бориб туташган. Ҳукмдор саройи, зардуштийлар ибодатхонаси, кейинчалик унинг ўрнида қурилган Жомеъ масжиди, Бухоронинг Калон минорасидан катта ва баланд бўлган минора, сарой аёнларининг гўзал ва муҳташам устунли қасри ўринлари сақланиб қолган.

Шаҳар дарвозасидан аркка борадиган йўл аввал тош билан, кейин қадимий, тўртбурчак шаклдаги мусулмон ғишлари билан тўшалган. Вайроналар орасида йўлга тўшалган ғишларнинг бир қисми ҳамон кўзга ташланади. Йўлнинг икки чеккаси бинолар билан тирбанд бўлганлиги уларнинг қолдиқларидан ҳам англашилади. Буларнинг аксарияти савдо расталари, новвойхоналар, ошхоналар ва дўконлар. Буни ушбу бинолардаги ўчоқ, тандир ўринлари, катта-катта хум қолдиқлари ҳам исботлайди. Мазкур бинолардан новвойлар, ошпазлар, савдогарлар ва ҳунармандларнинг жуда кўплаб буюмлари топилган. Юқорида қайд этилган археологик маълумотлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Бойканд Сўғд ўлкасидаги энг катта, бой, аҳолиси кўп, Буюк ипак йўли устидаги, Мовароуннаҳр ва Хуросонни ўзаро боғлаб турган йирик савдо шаҳри бўлган. Қадимги Бойканд харобалари ёнида 2001 йилда ташкил этилган музей директори, археолог Нормамат Собировнинг айтишича, бу ерда кўхна шаҳар тарихига оид беш минг дана экспонатлар сақланмоқда.

2-§. Буюк ипак йўли ва Бойканд.

1977 йилда машҳур немис олими Карл Рихтгофен ўзининг «Хитой» номли асарида Евроосиё материгининг турли қисмларини боғловчи тизимини «Ипак йўли» деб атаган ва кейинчалик «Буюк ипак йўли» атамаси қабул қилинган.

Милоддан олдинги биринчи минг йилликнинг охири-милоднинг биринчи минг йиллиги бошида катта географик кенгликда, Хан империяси, Кушон подшолиги, Кангюй давлати, Парфия давлати ва Рим империясини қамраб олган, Ғарбдан Шарққа қараб йўналган, 11400 км. масофадаги савдо-сотиқ йўли ташкил топди ва «Буюк ипак йўли» деб ном олди. Ушбу йўл амалий жиҳатдан VI асрнинг 2-ярмигача ҳақиқатдан ҳам ипак савдоси билан машҳур бўлган. Шундан кейин ипакчиликка ҳукмронлик қилиш ҳуқуқи Хитойнинг ихтиёридан кетди, Византия кучайди ва ушбу йўл эндиликда бошқа товарларни сотишда асосий восита ролини ўйнайдиган бўлди.

Ипак қуртидан ипак толасини олиш сири хитойликлар томонидан бундан 5-7 минг йил олдин кашф этилган. Хитой манбасига асосан, биринчи марта ипак толасини олиниши император Хоанг-Тининг хотини Си Линг-Чи номи билан боғлиқ. Императорнинг хотини чой ичиб турган пиёласига тут дарахтидан ипак қуртининг пилласи (ёввойи ҳолдагиси) тушиб кетган, унинг чиқиб турган толасини у торта бошлаган, пилла эса айланиб бораверган, шу тариқа пилла толаси кашф этилган. Пилланинг етиштирилиши жараёни узок вақтгача сир сақланган¹. 1958 йилда Хитойнинг Чжежянг вилояти Усин туманида топилган ер ости қазилмасида ипак мато, ипак ип, ипак белбоғ бўлган, у милоддан аввалги XXVII асрга тўғри келади².

Илк ўрта асрларда (V-VIII) ипак йўлининг шимолий қисми муҳим аҳамият касб этган. Бу йўл Еттисув орқали Чоч (Тошкент воҳаси) ва Сўғдга келган, сўнгра Бойканд орқали (Бухоро воҳаси) Марвга, ундан эса шимолий Хуросонга ўтилган. Ушбу йўл тарихда Шимолий Хуросон савдо йўли деб ном олган.

Хитойнинг Тан империяси ҳукмронлиги даврида, 622 йилдан 907 йилгача зарб қилинган турли хил бронза тангалар Ўрта Осиёнинг кўп жойларидан, хусусан Бухородан ҳам топилган. Сўғд ихшидлари (подшолари) томонидан (642-655 йилларда) Бухоро воҳасида – Бойкандда Хитой намунасидаги бронза тангалари муомалага чиқарилган³. Бойкандда олиб борилган қазилмалар вақтида шаҳар устахонасидан 20 дан ортиқ бронза тангаларнинг ва уларни синиқларининг топилганлиги буни исботлайди⁴.

Эфталлийлар ҳукмронлиги даврида Зарафшон водийсида Самарқанд ва Бухородан ташқари Кушония, Дабусия, Аркуд, Ромитан, Варахша ва Бойканд каби ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ шаҳарлари мавжуд эди. Бойканд шаҳрининг ипак йўлида жойлашганлиги бу ерда савдо-сотиқнинг яхши ривожланишига сабабчи бўлган. Шу боис араблар уни «Мадина т-ут-тужжор», яъни савдогарлар шаҳри деб аташган. Савдо туфайли унинг номи Хитойга ҳам

¹ Ртевеладзе Э. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии. Т. 2005. с. 201.

² Буюк ипак йўли. Т. 2007. 86 –бет.

³ Ртевеладзе Э. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии. Т. 2005. с. 263.

⁴ Городище Пайкенд, 63-бет.

етиб борган ва қадимги Хитой манбаларида « Би» номи билан тилга олинган. Кўп тадқиқотчиларнинг эътирофи этишича, бойкандлик савдогарлар денгиз мамлакатлари билан ҳам савдо-сотиқ қилишган. Буюк ипак йўли бўйича Хитойга етиб борган савдогарлар ундан бошқа денгиз мамлакатларига чиқишган.

Э. Ртевеладзенинг таъкидлашича, 775-785 йилларда халифа ал-Махдий номи билан зарб қилинган танга Корея билан ёнма-ён бўлган Владивостокнинг яқинидан топилган. Ушбу тангалар Бухоро ҳукмдорлари – бухорхудоатлар томонидан зарб қилинган тангалар намунасида бўлиб, уларни араб ноиблари зарб қилиб, муомалага чиқарган эди. Ўз навбатида бухорхудоатлар ҳам Сосоний Варахран V нинг тангалари намунасида танга зарб қилишган. Варахран V нинг тангалари Бойканддан ҳам топилган. Ушбу тангаларнинг юз томонида «хукмдор – Бухоро подшоҳи» деган сўғдча ёзув бўлган. Кейинги вақтларда сўғдий ёзуви ва Сўғдда ишлаб чиқарилган буюмлар Россиянинг Забайкал, Олтой ва Ғарбий Сибир ўлкаларидан ҳам топилган. Бухорхудоатларнинг «Хорун-ар-Рашид» ва «Сулаймон» номи билан зарб қилинган тангалари ҳам бошқа жойлардан топилган¹. Б.Голендернинг ёзишича, VII-VIII асрларда Бойканд ҳукмдорлари томонидан Хитой намунасидаги тангалар Фарғонада чиқарилган (Мозийдан садо, 2012, 1-сон, 27-бет).

Бойканднинг бошқа ҳудудлар, мамлакатлар билан савдо алоқасини исботлаб берувчи бир қатор тангалар археологик қазилмалар натижасида топилган. Жумладан, Тан империяси даврида чиқарилган Кай Юань Тун Бао тангалари, собиқ Кушон подшоҳлигидаги Сосоний ноиблари томонидан муомалага чиқарилган тангалар, Уммавийлар (737 йилги фулус) ва Аббосийлар халифалигининг, Тоҳирийлар, Сомонийлар ва Қорахонийлар давлатининг (Мансур ибн Нух (965-966), Нух бин Мансур (976-997), Наср ибн Али (1009-1010) томонидан зарб этилган) Бухоро, Самарқанд, Марв, Фарғона, Ахсикат ва Исфижобда зарб қилинган мис фулус (чақа) лари, (топилган 40 та танга 956 - 1039 йилларга тўғри келади) Ғазнавийлар томонидан 1030 йилда Ҳиротда зарб этилган олтин динарлар бунга мисол бўлади. 2013 йилда археологлар томонидан VI-VIII асрларга оид тўрт минг дана мис тангалар топилган.

Буюк ипак йўлининг Шарқдаги асосий ўтиш нуқтаси Туркистон, Турфан бўлса, 630 йилларда унинг Ғарбий ўтиш нуқтаси Бойканд эди. IX асрнинг иккинчи ярмида – X асрда Бойканд шаҳрининг атрофларида жойлашган работлар қарвонсарой вазифасини ўтаган ва Марвдан Бухорога борадиган савдо йўлидаги асосий таянч нуқта бўлиб хизмат қилганлиги ёзма манбалардан ҳам маълум.

Халифа Муқтадир (909-932 йиллар) даврида, X асрнинг биринчи ярмида яшаган араб сайёҳи, тарихни яхши билган олим ва ёзувчи Аҳмад ибн Фадлан 921-922 йилда халифанинг элчилари билан биргаликда Бағдоддан Волга бўйи Булғориясига Ҳамадон, Рай, Домғон, Нишопур, Сарахс, Марв, Бойканд, Бухоро, Хоразм, Устюрт, Ёйиқ (Урал) орқали ўтиб борганлигини ёзиб қолдирган. Демак, X асрнинг биринчи ярмида ҳам Бойканд муҳим аҳамият касб этиб Буюк ипак йўлидаги таянч пункт ролини ўйнаган².

¹ Ртевеладзе Э. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии. Т. 2005. с. 272.

² Б.Аҳмедов. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. Т. 1991. 82-бет.

Бойканд шаҳрининг Буюк ипак йўлида жойлашганлигининг ўзигина уни бой, савдогарлар шаҳри бўлишига замин яратмаган. Турган гапки, бу ерда илк ўрта аср ҳунармандчилиги ҳам ривожланган, устахоналар ташкил топган. Археологик қазилмалар шуни кўрсатадики, бу ерда шишасозлик, тош ошиқмошиқ ишлаб чиқарувчи, жез (бронза) қуёвчи ва кимёвий буюмлар ишлаб чиқарувчи устахоналар бўлган, уларнинг қолдиқлари топилган. Шаҳарнинг ўртасида эса нонвойхона ишлаб турганлиги аниқланган. Нонвойхона қорахонийлар даврининг бошланишида қурилган, ҳозирги кўринишдаги тандирлар бундан 900 йил олдин кашф этилган деб ҳисобланади.

Бойканднинг асосий аҳолиси савдогар бўлсада, ҳунармандлар ҳам кам бўлмаган. Бу ерда сополдан турли хил идишлар, қувурлар ясаш ривожланган эди. Моҳир ҳунармандлар бир қулоқли, икки қулоқли, қопқоқли кўзалар, турли хил сопол графинлар ясаганлар. Бойкандда шиша ишлаб чиқариш ҳам кенг тараққий этган. Шишасозликни ҳунармандлар ўзига хос санъат даражасига олиб чиққанлар: қоринли, бўғзи ингичка, дастали графинлар ясаганлар ва унга мева шарбати, мусаллас, қимиз ва бўза сингари ичимликларни солиб қўйишган. Бойкандда ҳар хил стаканлар ва пиёлалар ҳам ясашган. Усталар шиша буюмларга ҳам киши кўзини оладиган даражада жимирлаб турадиган безаклар билан оро беришган. Шишадан ўзига хос пробиркалар, дори сақлаш учун идишлар ҳам ясалган. Археологик қазилма даврида бу ердан дорихона ҳам топилган. Унинг қурилган санаси мелодий 790 йилга тўғри келади (топилган чинни парчасида араб ёзувида 790 йил 30 июн шанба деб ёзилган).

Бойканд харобаларидан топилган шиша идишларнинг кимёвий таркиби хилма-хил бўлиб, асосан олти турдаги компонентлардан иборат бўлган: кремний, калций, магний, алюминий, натрий ва калий. Бундай таркибли шиша идишлар ўрта асрларда Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Шуниси қизиқарлики, 1957 йилда А.П.Окладников томонидан Ангара дарёсининг чап irmoғи бўлган Унга дарёсининг қирғоқларидаги кўрғонларни (VI-XI асрларга оид) қазилш чоғида ҳам худди шундай таркибли шиша идишлар топилган. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин: илк ўрта асрларда ҳам Бойканд аҳолиси ва узоқ Сибир аҳолиси ўртасида савдо-сотик алоқалари бўлиб турган¹. Маълумки, шишадан фойдаланиш Ўрта Осиёда баъзи тарихчилар ёзганидек XVIII асрдан кейин эмас, балки уни ишлаб чиқариш қадимда, III-IV асрларда бошланган.

Сўғдиёна, хусусан, Бойкандда ҳам III-IV асрларда шиша ишлаб чиқарувчи ҳунармандлар маҳаллалари бўлган. Эронда шиша тайёрлашга VI-VIII асрларда, бошқа ўлкаларда эса VIII асрнинг иккинчи ярмидан кейин киришилган. Бу маҳаллалардаги ҳунармандлар ўз фаолиятларини то Бойканд шаҳри харобага айлангунича, XI-XII асрларгача давом эттирганлар.

Бойканд илк ўрта асрлардан кейин ҳам шишасозлик марказларидан бири даражасига кўтарилган. Бунини шаҳар атрофида шиша хом ашёларининг ниҳоятда кўплиги, шиша ишлаб чиқариш жараёнида юзаган келадиган кимёвий моддалар қолдиқлари, рудалар эритмалари, шиша буюмлари намуналари ҳам исботлайди. «Мен ўша пайтларда Ўрта Осиёдаги, аниқроғи, юртимиздаги Афросиёб, Шохруҳия, Ахсикат, Бойканд, Термиз ва бошқа жойларда ишлаб

¹ Городище Пайкенд, 180-181 бет.

чиқарилган шишалар ва шиша буюмларнинг таркибини текширганман, дейди профессор Абдуғани Абдураззоқов. Мен кейинчалик Хитой ва Ҳиндистонда бўлганимда ҳам қадимий Бойкандда ишлаб чиқарилган шиша буюмларни кўп кўрдим. Франция, Англия, Италия ва Миср каби давлатларнинг музейларидаги тарихий ашёлар орасида Бойкандда шишадан тайёрланган алаббиклар, найчалар, финжонлар ва бошқа буюмларни учратдим»¹.

Бойканд милодий эранинг бошларидан бошлаб бронза, жез, қумуш, олтин ва шиша ишлаб чиқаришда етакчилик қилган, шунинг учун ҳам бу шаҳар Буюк ипак йўлида Сўғдиёнанинг асосий шаҳарларидан бири бўлган. Эрамининг IV-XI асрлари оралиғида Шарқ ва Ғарб мамлакатларига шиша идишлар, буюмлар худди ана шу ердан тарқалган.

Бойканд хунармандларининг ўз хумдонлари бўлиб, у ерда пишиқ ғишт тайёрланган. Ғиштининг шакли ҳозирги ғиштдан фарқланади – юпқароқ, сахни кенгроқ. Ўша даврда ишланган пишиқ ғиштлар ҳозирги кунда ҳам шаҳар харобаларида топилади. Улар жуда мустаҳкам ва қаттиқ. Археологлар IX асрда пишиқ ғиштдан қурилган ваннахонани топишган. Унда сув қиздирадиган печка ҳам бўлган.

Бойкандда мис қуйиш, мисгарчилик жуда тараққий этган эди. Усталар жуда катта қозон ясаганлиги, уни араблар олиб кетишганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд. Айниқса қозонга нарвон билан чиқилганлиги ҳайратланарлидир.

Бойканднинг истило этилиши даврида араблар томонидан кўлга киритилган ўлжалар ичида жуда сифатли ишланган қурол-яроғларнинг мавжудлиги, уларнинг сифати араблар қурол-яроғидан анча устун эканлиги ўша давр муаллифлари томонидан ҳайрат билан ифода этилган. Демак, қуролсозлик ишлари яхши ривожланган ва бойкандликлар қурол-яроғ билан ҳам савдо қилишган.

Хунармандчиликнинг ривожланиши, савдо-сотиқ билан шуғулланиш натижасида Бойканд VI-VIII асрларда Мовароуннахрнинг энг гўзал ва бой шаҳарларидан бири бўлган. Савдогарлар шаҳри, бой шаҳар бўлганлиги учун ҳам шаҳар аҳолиси ўз одамларини араблардан мол-мулк эвазига сотиб олишган, қалъани ҳимоя қилишда ёлланма аскарлардан фойдаланишган, уларга ҳақ тўлаб туришган. VII асрнинг бошларида ва VIII асрларда Бойканд подшоҳлар турадиган қароргоҳ бўлмай қолади. Рус тадқиқотчилари Беленицкий, Бентович ва Большаковларнинг фикрича «Бойканд Ўрта Осиёдаги ягона эркин шаҳар, савдогарлар республикаси» бўлиб қолган.

Араблар истилосидан олдинги даврларда Бойкандда ва унинг атрофларида мавжуд бўлган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тўғрисида гап борар экан, аввало таъкидлаш лозимки, илк феодал муносабатлар, ер эгалиги, ерни олди-сотдиси билан боғлиқ маълумотлар Муғ тоғи ҳужжатларида қайд этилган. Шу жумладан, тегирмонни ижарага бериш, турк Уттакин билан сўғд аёли Дуғдғунча ўртасидаги никоҳ гувоҳномаси, VII асрнинг иккинчи ярми – VIII асрнинг бошларидаги сиёсий воқеалар тўғрисидаги ёзма манбалар муҳим аҳамият касб этади. Қулчилик муносабатлари давом этган, ёзма манбага қараганда кавушнинг нархи икки драхм, сигирнинг нархи 11 драхм, бир дона

¹ К.Матёкубов. Бойканднинг бойликлари. Қорақўл садоси. 2009 йил, 7 май.

ёқутнинг нархи 80 драхм, бир отнинг нархи 200 драхмга тенг бўлган. Бир драхма ўша пайтда 4-4,5 грамм кумуш вазнида бўлган (М.Исҳоқов. Унутилган подшоликдан хатлар. Т.1992.).

Тарихий ва археологик манбаларга қараганда Бойканд шаҳри IX-X асрда яна хукмдорлар қароргоҳига айланган. Шаҳарнинг ичкарасида (шаҳристонда) ва ташқарисида (рабодда) бозорнинг мавжудлигини, IX-X асрларга келиб работларнинг карвонсарой вазифасини бажара бошлашини, савдо-сотиқнинг ривожланиб борганлигини, Бухородан йўл олган савдо карвонлари Бойканд орқали Марвга ўтганлигини инобатга олинса, XI асрнинг биринчи ярмига қадар Бойканд Шимолий Хуросон йўлидаги, ипак йўлидаги бой савдо-сотиқ шаҳри бўлган. XI асрнинг ўрталаридан бошлаб, сувсизлик оқибатида шаҳар ва унинг атрофидаги аҳоли сони камая бошлаган ҳамда шу вақтдан эътиборан Бойканд шаҳар мақомини йўқотган.

3-§. Сўғдийлар, эфталийлар, туркийлар ва Бойканд

Қадимги Сўғд – тарихий-маданий ўлка деб эътироф этилади. Бухоро Сўғдининг тараққиёти ўзига хос бўлган. Илк ўрта асрлардаёқ Бухоро Сўғдида эфталий (туркий)ларнинг таъсири кучли бўлганлигининг асосий сабаби улар билан шимолий ҳудудлардаги қўшничилик эди. Бухоро Сўғди маълум маънода сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиётда мустақил бўлган.

Сиёсий мустақиллик турк шаҳзодаси Абруй қўзғолонини бостирган бошқа бир турк шаҳзодаси Шери Кишвар (турк подшоҳи Қаро Чўриннинг ўғли-Эл Арслон) номи билан боғлиқ бўлиб, у Бухорхудотлар сулоласига асос солган деб ҳисобланади.

Бухоро Сўғди ўз тили, шеvasи билан Самарқанд Сўғдидан анча фарқ қилган. Бу ҳақда тилшунос тадқиқотчи А.Отахўжаев айрим мулоҳазаларни билдиради. Наршахий «Хамук» атамасини бухороликлар тилида «Гавҳар» маъносида эканлигини ёзади. «Биз эса – дейди А. Отахўжаев. – Сўғд тилида гавҳарга нисбатан «ёқут» атамаси қўлланилганини кузатдик. Яна бир атама «Ком» бўлиб, у «арик» маъносини беради. Шу асосда ясалган Ҳарамком, Шопирком каби топоним ва гидронимлар ҳозиргача ҳам Бухоро воҳасида сақланиб қолган. Илк ўрта асрларда Бухоро шеvasида қўлланилиб, кейинчалик этнонимга айланган «Ҳайтал» (эфталийларга нисбат) атамаси «Кучли одам» маъносида ишлатилган. Бошқа ўлкалардаги сўғдлар тилида унинг ўрнида бошқа атама ишлатилган. Демак, Бухоро Сўғди маданий жиҳатдан, яъни тил тараққиётида ҳам анча мустақил ривожланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, илк ўрта асрларда Бухорога хос маданий муҳитнинг шаклланишида туркийзабон элат-эфталийлар муҳим рол ўйнаган. Эфталийларнинг катта қисми шу ерда яшаган ва уларнинг сўғдларга таъсири сезиларли даражада бўлган. Улар турк ва сўғд маданиятлари уйғунлашувини таъминлашга муносиб улуш қўшганлар.

Ўрта Осиёдаги эфталийлар давлати эрамизнинг V асри охири – VI аср бошида раvнақ топиб, унинг ҳудуди ҳозирги Афғонистоннинг катта қисми, Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистоннинг шарқий ва жанубий вилоятларини ўз ичига олган. Эфталийлар кучли, асосан отлиқлардан иборат қўшинга эга бўлиб, Эронга ҳужум қилиб уни мағлуб этган ва товон тўлашга мажбур этган. Улар

кумуш ва мис танга зарб қилишган. Эфталийлар кейинчалик ўзбек, туркман халқлари таркибига кириб кетган.

Эфталийлар ҳукмронлиги даврида биргина Зарафшон водийсида Самарқанд ва Бухородан ташқари, Ривдад, Кушония, Дабусия, Хариман, Арқуд, Ромитан, Варахша ва Бойканд каби ҳунармандчилик ва савдо шаҳарлари ҳам мавжуд эди.

Халқаро савдо алоқаларининг ривожланиши билан мамлакатда танга пул муомаласи тартибга солинади, V асрда сосоний тангалари мамлакатнинг ички ҳаётида кенг муомалада бўлган. Кейинчалик эфталийлар ҳам кумуш танга зарб қиладилар. Булардан ташқари, Бухоро, Бойканд, Нахшаб, Самарқанд ва Хоразмда маҳаллий ҳокимлар томонидан чиқарилган чақа-тангалар мамлакатнинг ички савдосида кенг муомалада бўлган.

Кейинги йилларда олиб борилган археологик қазилмалар ҳамда улар асосида олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра Турк ҳоқонлигининг ўз танга-пул тизими мавжуд эканлиги очиқ-ойдин ўз тасдиғини топди. Турк ҳоқонлари ўз номларидан танга зарб эттирмаган деган фикрларга аниқлик киритилди. Тошкент воҳаси ва Фарғона водийси тангаларидаги ёзувларнинг муваффақиятли ўқилиши туркий ёзувнинг тарихий илдизи узоқларга бориб етишини кўрсатди. Қадимий шаҳар бўлган Бойканд харобаларидан ҳам турли хил ҳажмдаги танга-чақалар топилганлиги, улардаги ёзувлар муҳим тарихий аҳамиятга молик бўлиб, ушбу моддий манбалар бу ерда ҳам ўзига хос тил, ёзув ва маданият шаклланишини кўрсатади. Муғ тоғидан топилган ёзувлар орасида туркий тилдаги ёзувнинг борлиги, бу юртда сўғдча билан бир қаторда туркий тилда ҳам расмий ишлар олиб борилганини исботлайди деб ёзади тилшунос Қ.Омонов¹.

Мовароуннаҳр ва унга яқин вилоятларда яшовчи тожик халқининг аجدодлари ва ўзбек халқининг аجدодлари доимо иттифоқ бўлиб, ўзаро иқтисодий-маданий ва маънавий алоқада яшаб келганлар.

Ўрта Осиёнинг марказий вилоятларида яшовчи туркийзабон аҳолининг сони кўчиб келаётган ва аста-секин ўтроқлашиб бораётган қабилалар билан тобора кўпайиб боради ва Турк ҳоқонлиги даврларида (VI-VIII асрлар) бу ерларда туркий аҳоли яшайдиган айрим этноҳудудлар вужудга келади: Тошкент воҳаси, Зарафшоннинг қуйи оқимлари, Қашқадарё воҳаси, Хоразм ва Сурхон-Шеробод воҳалари. Бу ерларда яшовчи аҳолининг ижтимоий ҳаётида ҳам ўзгаришлар юз беради. Улар илк ўрта аср босқичига ўтиб, моддий ва маънавий маданиятлари яна ҳам тараққий этиб боради: янги этник ва сиёсий уюшмалар вужудга келади.

Туркий халқларнинг, жумладан ўзбек халқининг этник тарихи Осиёнинг илк ўрта асрлар тарихи билан бевосита боғлиқ. Бу кенгликда бир қанча сиёсий тузумлар вужудга келган: Турк ва Туркеш ҳоқонлиги, Араб халифалигининг ҳукмронлиги, Ўғиз, Қарлуқ, Сомонийлар давлати ва бошқалар. Юз берган сиёсий ўзгаришлар Ўрта Осиёнинг марказий вилоятларида яшовчи аҳолининг этник таркибига, иқтисодий ва маданий ҳаётига ҳам катта ўзгаришлар киритган.

¹ Тафаккур. 2008. 1-сон, 28-бет.

Эфталийлар давридаёқ Ўрта Осиёда феодал тузум вужудга келган. Жамоа муносабатлари емирилиши билан ўрнига йирик ер эгалари-деҳқонлар ҳукмронлиги вужудга келади. Эндиликда ер ва барча мулк жамоага эмас, балки мулкдорларнинг ворисларига авлоддан-авлодга мерос бўлиб қоладиган бўлди. Эрон ҳудудида V-VI асрларда мавжуд бўлган маздакийлар ҳаракати ва мафкураси Мовароуннаҳр ва Хоразмда кенг тарқалган. Маздакийлар ҳаракатига жалб этилган (хусусан Бухорода), жамоа ерларида яшаган аҳоли (Кадиварлар) исён кўтариб йирик ер эгаларининг ҳовли-жойларига хужум қилиб, вайрон қилганлар ва ерларини тортиб олганлар, ўзларини эса (йирик ер эгалари кўзда тутилмоқда) қувғин қила бошлаганлар. VI асрнинг 80-йилларида Бухорода ҳам шундай ҳаракат авжига чиқади. Бухоро воҳасида рўй берган халқ кўзғолонидан Турк ҳоконлигининг хонадонидан бўлмиш Абохон (Абрўй) устамонлик билан, янада аниқроқ айтганда, айёрлик билан фойдаланади.

Манбаларнинг гувоҳлигига қараганда, Абрўй Турк ҳокони Моохоннинг ўғли бўлган. Отасининг ўлиmidан кейин бошқа шахзодалар қатори отасининг тахтига даъвогарлик қилган. Тахт учун кураши муваффақиятсизликка учрагандан кейин, ўзига садоқатли кишилари билан қочиб, Бухоро воҳасига келиб қолган эди.

Наршахийнинг ёзишича, «Бир кишини сайлаб амир қилдилар, унинг номи Абрўй эди». Демак, бу ердан англашилаяптики, Абрўй Бухоро вилоятининг ҳокими (амири) бўлган. «Подшоҳ турадиган катта қишлоқ Бойканд эди». «Бир қанча муддат ўтгандан кейин Абрўй ҳукмдорликда улғайиб, шу вилоят халқига зулм қилишга тутинди; халқ ортиқ чидай олмади, деҳқонлар (йирик ер эгалари) ва бойлар бу вилоятдан қочдилар ҳамда Туркистон ва Тароз (ҳозирги Жамбул) яқинида бир шаҳар бино қилиб, уни Ҳамукет деб атадилар, чунки Бухородан қочиб кетган тоифанинг райси бўлмиш бир катта деҳқоннинг номи Ҳамук эди».

Тарихий жараёнларни ўрганиш натижасига ва ҳозирги тарихшуносликка кўра, Абрўй исёнчиларнинг ёрдами билан 585 йилда Бойканд шаҳрини эгаллаган ва ўз ҳокимиятини ўрнатган. Ҳокимиятни қўлга олганидан кейин, у вилоятни қаттиққўллик билан идора қилишга киришади. Абрўйнинг золимона ҳатти-ҳаракатига чидай олмаган деҳқонлар (йирик ер эгалари) ва савдогарлар воҳани ташлаб, Туркистон ҳудудига бориб яшаганлар. Булар асосан, Тароз шаҳри яқинида жойлашиб, кейинчалик шу ерда Ҳамукент (Ҳамуккент-Ҳамук шаҳри) шаҳрини бино этадилар.

Наршахийнинг ёзишича, «Бухорода қолган кишилар ўзларининг (қочиб кетган) саркардаларига одам юбориб, Абрўйнинг жабр-зулмидан қутқаришни сўрадилар. Шунда саркардалар ва деҳқонлар турклар подшоҳининг олдига бордилар-у подшоҳнинг номи Қоражурин турк бўлиб, улуғлиги сабабли унга Биёғу деб лақаб берган эдилар-ва Биёғудан арз-додларига етишини илтимос қилдилар (бошқа манбаларда Туркистон подшоҳининг лақаби Биёғу Дудухон деб ҳам аталган). Биёғу Шери Кишвар номли ўз ўғлини кўп лашкар билан юборди». Қоражурин Абрўйга қарши ўғли Янгсоух тегин бошчилигида катта қўшин юборади. Демак, Шери Кишварнинг бошқача номи Янгсоух тегин. 587 йилда Бухоро яқинида шиддатли жанг бўлиб, Абрўй қўлга туширилади ва қатл этилади. «Шери Кишвар Бухорога келгач, Бойкандда Абрўйни тутиб олиб банди қилди. Унинг фармони билан бир катта қопни қовоқ арига тўлғизиб

Абрўйни шу қопга солдилар ва у қоп ичида ўлди». «Шери Кишварга бу вилоят ёқиб қолиб, отасига хат юборди ва ундан бу вилоятни талаб қилиб, Бухорода туриш учун рухсат беришини илтимос қилди. Биёғудан: «У вилоятни сенга бағишладим» деган жавоб келгач, Шери Кишвар Ҳамукетга одам юбориб, Бухородан қочиб кетган кишиларни хотин ва бола-чақалари билан Бухорога олдириб келди ва ўша вақтдаёқ яна: «Ҳамукетдан келган ҳар бир киши амирнинг яқин кишиларидан бўлади» деган буйруқ қилди. Бунинг сабаби, кимки бой ва катта деҳқон бўлса, Бухородан қочиб кетган, камбағал ва бечоралар эса, Бухорода қолган эдилар. Қочиб кетган кишилар қайтиб келгач, чорасиз Бухорода қолган камбағаллар уларга хизматкор бўлдилар».

Бойканд ҳокимиятига Шери Кишвар ўз ўғли Нили Хоини (Пармуд) қолдиради. Бир йил ўтмасдан Нили Хоини сосонийлар саркардаси Баҳром Чур (Баҳром Чўбин) томонидан ўлдирилади. Унинг ўлиmidан кейин бир неча вақтларгача Бойкандда укаси Боси Тегин (Хитой манбасида Поши) ҳокимлик қилган.

Наршахийнинг маълумотида кўра, Шери Кишвар (Эл Арслон) Бухоро Шаҳристони (Шаҳарнинг муҳофаа девори билан ўралган асосий қисмини) қурди ҳамда Мамостин (Бухоронинг ғарбидаги қишлоқ), Сақматин (У Сумитон деб айtilган, ҳозир Чорбакр дейилади) ва Фараб қишлоқларини бино қилди. У 20 йил подшоҳ бўлиб турди.

Шери Кишвар-Турк ҳоконлиги шаҳзодаларидан бири Эл Арслон исмининг форсийча варианты. У ҳоконлиқнинг машҳур ҳукмдорларидан Қора Чури (Тарду; 576-603 йилларда ҳукмронлик қилган) ҳоконнинг тўнғич ўғли бўлиб, Турк ҳоконлигининг асосчиларидан бири Истамий Ябғу (552-576) нинг набираси бўлган. Наршахийнинг ёзишича, Абрўй қўзғолонини бостирган ва 20 йил ҳукмронлик қилган¹. Воҳада бир қанча қишлоқларни барпо этган. Бир қатор тадқиқотчиларнинг фикрича, Шери Кишвар Бухоро воҳасида VII-VIII асрларда ҳукм сурган туркий сулоланинг асосчисидир. 673 йилда Араблар истилоси пайтида Бухоро воҳасида Бидун бухорхудот ҳукмдор бўлган. Тадқиқотчи Ш.Одиловнинг фикрича, Бидуннинг насли Шери Кишварга бориб тақалади. Бухоро Сўғдида муомалада бўлган сўғд шевасини тадқиқ этган тилшунос А.Отахўжаев ҳам Эл Арслон – Шери Кишварни бухорхудотлар сулоласига асос солган деб ҳисоблайди². VI асрнинг иккинчи ярмида Еттисувдан Бухоро воҳасига, жумладан Бухоро ва Бойканд шаҳарларига туркий элатлар кўп миқдорда келиб жойлашган. К. Шониёзовнинг фикрича, VII аср охири – VIII аср бошида Бухоро воҳасида туркийзабон аҳоли яшаган. Наршахий шундай дейди: «Бир вазир Туркистондан келган эди, номи Вардонхудот, Вардона ерлари унга тегишли эди». Турк ҳоконининг ёрдами ҳам икки мақсадни кўзлаган: 1) арабларни Туркистон чегарасига яқин келтирмаслик; 2) Бухоро воҳасида яшовчи туркийзабон аҳолини араблардан ҳимоя қилиш³.

Наршахий Бухорога туркий халқлар Туркистондан келиб ўрнашди деб ёзади. Аммо уларнинг қачон келганлиги аниқ айtilмайди. Наршахийнинг китобида келтирилган маълумотлар билан ҳозирги тарихшунослик маълумотлари

¹ ЎМЭ. 10-жилд, 45-бет.

² Тафаккур. 2008. 1-сон, 26-бет.

³ К. Шониёзов. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Т. 2001. 203-204 бет.

ўртасида маълум фарқланишлар мавжуд. К.Шониёзовнинг «Ўзбек халқининг шаклланиши жараёни» деб номланган монографиясида Замарх бошлиқ Византия элчилари 568 йилда Тангритоғнинг шимолида Турк хоқони Сидзабул (Истеми хоннинг отаси)нинг ҳукмронлиги даврида Тароз шаҳри яқинида сўғдийлар яшайдиган жойдан ўтиб борганлар деган ахборот кўрсатилади ва бу ахборотдан сўғдийлар бу ерга (яъни Тарозга) Турк хоқонлигидан (VI асрнинг ўртаси) ва бухороликлар қўзғолонидан (VI асрнинг 80-йиллари) анча олдин келиб ўрнашган бўлиши мумкин деган фикр илгари сурилади.

Бу соҳада археология фанида ҳам маълум фикрлар шаклланган. Сўғдийлар бино қилган Ҳамукет (Жамукет) шаҳри археологлар томонидан очилган Кос-тобе харобаси билан тенглаштирилади. Бу шаҳар харобалари ҳозирги Жамбул (қадимги Тароз) шаҳрининг шимолий шарқида, ундан 12 км масофада жойлашган. Кос-тобе харобасидан олинган археологик материаллар сўғд ва туркий халқларга тегишли эканлиги аниқланди. Бунга асосланиб айтиш мумкинки, ўша даврларда (илк ўрта асрнинг биринчи ярмида) икки халқнинг маданияти бирлашиб кетган экан. Тадқиқотчилар (О.Большаков, К. Шониёзов) X асрда Бухоро шаҳрида 40-50 минг, атрофларини ҳам қўшганда 100 мингга яқин аҳоли яшаган, унинг этник таркибини сўғдийлар ва туркийлар ташкил этган, деб ҳисоблайдилар. Бойкандда эса, атрофи билан биргаликда 15-20 минг аҳоли яшаган деб кўрсатилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, илк ўрта асрда гуллаб-яшнаган, тараққиётнинг юқори поғонасига кўтарилган Бойканд шаҳри маданиятлар уйғунлашувининг амалга ошишида муҳим рол ўйнаган шаҳарлар қаторига киради. IX асрда яшаган араб муаррихи Яъқубий томонидан айтилган қуйидаги таъриф ҳам буни исботидир: «Бойканд-машҳур шаҳар, унда одамлар(халқлар) аралашмаси мужассам»¹. Бу дегани Бойканд шаҳри аҳолисининг таркиби турлича демакдир.

Бойканд шаҳрида Абруйнинг ҳукмронлиги, бу ердаги халқ ҳаракати, Бухоро воҳасида ҳукмронлик қилган ҳукмдорларнинг бу ерни ўзига қароргоҳ қилиб танлаганлиги ва бошқа ёзма маълумотларга таянган ҳолда бир гуруҳ тадқиқотчилар (Томашек, Маркварт) шаҳарни эфталийлар давлатининг пойтахти деб ҳисоблаганлар ва Хитой манбаларидаги «Пат-ти-ян» (ҳукмдор уйи) номига асосланганлар.

Тарихдан маълумки, 560 йилда Турк хоқони Сўғдни ўзига қўшиб олади ва у 730 йилларгача хоқонлик таъсирида бўлади. Чоч, Фарғона, Тохаристон каби Сўғдни бевосита бошқармаган бўлсада, Турк хоқонлиги Самарқанд ҳокимлари билан қариндошлик алоқаларини ўрнатиб, Сўғднинг сиёсатига аралашган. Хитой манбаларига кўра, Самарқанд ҳокими Ши-фу-би Қорачурин (Тарду хоқон, 576-603)нинг қизига, Гуй-му-чжи эса Ябғу хоқон (610 йиллар)нинг қизига уйланган эди. Турк хоқонлигининг таъсири билан Самарқанд Сўғдида ҳам тангалар зарб этилган. Кейинги йилларда Сўғд тангаларининг ўрганилиши шуни кўрсатадики, VI-VIII асрларда туркларнинг Сўғдга таъсири кучли бўлиб, улар минтақанинг ички сиёсатида муҳим рол

¹ История Узбекской ССР в 4-х томах. 1-том.Т. 1967. 270-бет

ўйнаб, туркий-сўғдий уйғунлашувида фаол иштирок этган. Зарафшоннинг қуйисида жойлашган қадимги Бойканд ҳам бу жараёнда иштирок этган.

Бойканднинг араблар томонидан босиб олиниши билан боғлиқ воқеалар тафсилотини ўрганиш натижасида шуни айтиш мумкинки, VIII асрнинг биринчи ярмида туркий давлатлардан бири бўлган Туркаш хоқонлиги (699-766)нинг қўшини ҳам бу ерда олиб борилган арабларга қарши ҳаракатда қатнашган. 715-737 йилларда Туркаш хоқони ва саркардаси бўлган Сулук Чобишчурхоқон 728-729 йилларда Бойканд атрофидаги шиддатли жангларда иштирок этган.

Кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотларга кўра, Турк хоқонлиги даврида Зарафшон водийсида ва Қашқадарё воҳасида туркий тилли аҳоли сон жиҳатдан тобора кўпайган, буларнинг кўпчилиги Еттисувдан ва Сирдарё бўйларида келиб ўрнашган эдилар. Зарафшон водийсидаги вилоятлар турк хоқонлиги даврида ҳам асосан, шу ердаги ҳокимлар томонидан идора қилинган.

Араб ва форсий тилли манбаларда қайд этилишича, туркий халқлар қайси ҳудудда яшамасинлар, сўғдлар ва уларнинг кейинги авлодларидан бўлган тожиклар ҳам ўша ерларда яшаб келганлар. Шунинг учун ҳам М.Қошғарий ўз вақтида кенг тарқалган қуйидаги халқ мақолини келтирган: «Тотсиз турк бўлмас, бошсиз бўрк бўлмас». К.Шониёзовнинг изоҳлашича, бу ердаги тот-сўғд, бўрк-қалпоқ, яъни бош бўрксиз, қалпоқсиз бўлмаганидек, турк ҳам сўғдийсиз бўлмаган»¹.

4-§. Бойкандийлар

Бойканд шаҳри илк ўрта асрда нафақат Сўғд-Бухоро воҳасида, балки бутун Мовароуннаҳрда ном чиқарган бўлиб, ундан ўз даврининг буюк алломалари, олиму фузалолари, буюк фикҳшунос ва муҳаддислари етишиб чиққан. Бойкандлик илмли кишилар ўз замонаси учун машҳур саналган Макка, Мадина, Шом, Бағдод, Марв, Сарахс ва бошқа жойларда бўлиб, илм-фан билан шуғулланганлари боис, улардан имом ал-Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний каби буюк алломаларнинг устозлари етишиб чиққанлигини мамнуният, ифтихор ва шараф билан таъкидлаш лозим.

«Имом Бухорий» Республика илмий-маърифий нашриёти томонидан 2007 йилда босмадан чиққан «Ўрта Осиё олимлари қомуси»да кўплаб ватандошларимиз, юртдошларимизнинг номлари келтирилган. Мисрлик муаллиф Абдуллоҳ Абдулҳамид Саад томонидан яратилган ушбу китобда бойкандлик олиму фузалолар тўғрисида ҳам анча маълумотлар берилган.

Муҳаммад ал-Бойкандий (162-227 ҳ.й) 779-841 мелодий йил. Тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Салом Фараж ас-Суллабий ал-Бухорий ал-Бойкандий. Муҳаддис ва фақиҳ бўлган. Кўпгина ҳадисларнинг бизгача етиб келишида унинг ҳиссаси бор. Шунингдек у илмнинг деярли ҳар бир бобига оид асарлар тасниф қилган ва ҳадис излаб бошқа ўлкаларга борган.

Али ал-Бойкандий (719 ҳ.й) 1319 мелодий йилда ҳаёт бўлган. Тўлиқ исми Али ибн Муҳаммад ибн Али ибн Абу Бакр ибн Али ан-Насафий ал-Бойкандий. У киши фозил инсон бўлган. Унинг асарларидан: «Шарҳу-л-қисми-с-солик мин

¹ К.Шониёзов. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни, 262-бет

мифтоҳи-л-улм» (ас-Саккокий қаламига мансуб «Мифтоҳу-л-улм», яъни «Илмларнинг очқичи» номли асарнинг учинчи қисмига шарҳ). Али ал-Бойкандий ушбу асарни 719 ҳижрий йилда ёзиб тугатган. Вафот этган йили номаълум.

Аҳмад ал-Бойкандий (311-414 ҳ.й) 923-1014 мелодий йил. Тўлиқ исми Аҳмад ибн Али ибн Амру ибн Юсуф ас-Сулламий ал-Бойкандий ал-Бухорий. Ироқ ва Шомга борган, муҳаддис бўлган. Кўп маълумотларни жам ва тасниф қилган, айниқса ҳадис илми соҳасида илғорлаб кетган. Айтишларича, унинг қаламига мансуб катта-кичик 400 дан зиёд асарлар мавжуд бўлган. Кўп нарсаларни ёд олган ҳофизлардан саналган. Деярли ҳар ҳафтада бир асар тасниф қилган ва уни жоме масжидда жума куни одамларга айтиб берган. 414 ҳижрий йилнинг зулҳижжа ойида вафот этган.

Яҳё ал-Бойкандий. Вафоти 243 ҳ.й (857 мелодий йил). Тўлиқ исми Абу Закариё Яҳё ибн Жаъфар ибн Аъян ал-Аздий ал-Бакрий ал-Бойкандий – муфассир бўлган. Бойкандда яшаган ва шу ерда вафот этган. Унинг асарларидан қуйидагиси маълум: «Тафсиру-л-Қуръон» (Қуръон тафсири).

Муҳаммад Аҳмад ал-Бойкандий. (412-482 ҳ.й) 1021-1089 мелодий йил. Тўлиқ исми Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳамид ибн Убайд ал-Бойкандий ал-Ҳанафий. Қозилардан саналган, илми каломни яхши билган, муътазилий олим бўлган. Ёши 70 дан ошган вақтда Бағдодда вафот этган. Унинг асарларидан: 1) «Ал-худо ва-л-иршод ли аҳли-л ҳайрат ва-л-ибод» (Ибодат ва ҳайрат аҳли учун тўғри йўл ва кўрсатма); 2) «Ар рисола ал-масъудия фи-л-мабоҳиси-н-нафсия» (Нафс ҳақидаги тадқиқотлар ҳақида Маъсудий битган рисола); 3) «Таҳқику-р-рисолати би авзаҳи-д-далола фил-н-нубуват» (Пайғамбарлик ҳақидаги рисолаи изоҳлари энг кўп далиллар билан тадқиқ этиш).

Илми калом (калом – арабчада равон нутқ, жумла, гап, сўз дегани) – ислом илоҳиёт илми ҳисобланиб VIIIасрда Араб халифалигида пайдо бўлган. Калом ислом диний таълимотини асослашга ҳаракат қилади. Калом тарафдорлари мутакаллимлар деб аталган. Улар файласуф бўлмаган. Калом улавийлар (661-750 йилларда Яқин ва Ўрта Шарқ, Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган, Маккадаги қурайш қабиласининг умайя уруғидан келиб чиққан, асосчиси-Муовия-И) ҳукмронлиги даврида расмий ҳокимият билан хорижийлар, шиалар, муржиъийлар ва бошқа диний-сиёсий гуруҳлар орасида юз берган ижтимоий-сиёсий воқеалар, баҳслар жараёнида пайдо бўлди ва тараққий қилди. Асосий масалалар қуйидагилар бўлган: а) Аллоҳ адолати; б) мавжуд воқелик Аллоҳ томонидан яратилганми ва уни ўзгартириш мумкинми; в) кимни иймонли ёки гуноҳкор деб ҳисоблаб, жазолаш керак. Қисқача айтганда; адл, қадар, имон тушунчалари долзарб масала деб қаралган. Илми каломда Муътазилийлар мактаби таълимоти муҳим ўринни эгаллаган. Ушбу таълимот ал-Маъмун (827-848 й.й) даврида давлат таълимоти даражасига чиққан ва ал-Мутаваккил (847-861) даврида таъқибга учраган. Аҳмад ал-Бойкандий ҳам ўз даврида муътазилийлардан саналган.

Муҳаммад ал-Бойкандий. Тўлиқ исми Абу Аҳмад Муҳаммад ибн Юсуф ал-Бойкандий. Уламолардан саналган, ундан бошқалар ҳадис ривоят қилганлар.

Айрим манбаларга кўра, у буюк муҳаддис Имом ал-Бухорийнинг устозларидан бири сифатида эътироф этилган¹.

Исмоил ал-Бойкандий. (вафоти 273 ҳ.й). тўлиқ исми Абу Саид Исмоил ибн Ҳамдавия ал-Бойкандий. У 229 ҳ.й.да Дамашққа (ҳозирги Суриянинг пойтахти) келган. У уламолардан бўлиб, ундан бошқалар ҳадис ривоят қилганлар.

Муҳаммад ибн Абу Абдуллоҳ ал-Бойкандий. Тўлиқ исми Абу Наср Муҳаммад ибн Абу Абдуллоҳ ибн Салом ибн Фураж ал-Бойкандий. Ҳадисларни яхши билган. Уламолардан, ундан бошқалар ҳадис ривоят қилганлар.

Усмон ал-Бойкандий. (465-552 ҳ.й) 1073-1157 мелодий йил. Тўлиқ исми Абу Амру Усмон ибн Али ибн Муҳаммад ибн Али ал-Бойкандий. Ишончли обрў-эътиборли солиҳ имом бўлган. У 465 ҳ.й.да шаввал ойида Бухорода туғилган. Унинг падари бузруквори – Бойкандий бўлган. Ҳадисларни тинглаган. Сарахс (Ҳозирги Туркманистоннинг Тажан дарёси водийсидаги шаҳар) имомидан фикҳ илмини ўрганиб, фақиҳ (ҳуқуқшунос) бўлиб етишган. Устозидан ва ундан бошқа бир жамоа олимлардан ҳадис тинглаган. 552 йил шаввал ойида вафот этган.

Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Бойкандий. Тўлиқ исми Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Холид ибн Мусо ибн Зиё ибн Фарухон ал-Бойкандий. У Бағдодга келган ва шу ерда ҳадис айтган. Буюк уламолардан бўлиб, унинг ҳақида бошқалар ҳадис ривоят қилганлар.

Аҳмад ибн Юнус ал-Бойкандий (вафоти 372 ҳ.й.). тўлиқ исми Абу Яҳё Аҳмад ибн Юнус Ибн ан-Назр ибн Шамил ал-Бойкандий. У хатиблик қилган. Бойкандда хатибликни бошқарган. Уламолардан ҳисобланиб, унинг ҳақида бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. Бойканд шаҳрида вафот этган.

Муҳаммад ибн Жаъфар ал-Бойкандий. Бойканднинг обрўли уламоларидан бўлиб, бошқалар унинг ҳақида ҳадис ривоят қилганлар.

Аҳмад ас-Сулаймоний (311-404 ҳ.й.) 923-1014 м.й. тўлиқ исми Абулфазл Аҳмад ибн Али Амр ибн Аҳмад ибн Иброҳим ибн Юсуф ибн Анир ас-Сулаймоний ал-Бойкандий. Ўз даврида иснод келтириш, ёдлаш ва ишончли ҳадисларни келтиришда унга тенг келадиган киши бўлмаган. Кўплаб катта ва кичик асарлар яратган. Ҳар ҳафтада бирор нарса ёзар ва уни Бойканддан Бухоро жоме масжидига олиб борар ва ўша ерда ҳадис ўрганар эди. У уламолардан бўлиб, бошқалар унинг ҳақида ҳадис ривоят қилганлар. Аҳмад ас-Сулаймоний 404 ҳ.й.нинг зулқаъда ойида вафот этган.

Яҳё ан-Накабуний. «Накабун» ёки «Накабун»-Бухоро қишлоқларидан бирининг номи. Тўлиқ исми Абу Закариё Яҳё ибн Жаъфар ибн Аъян ибн ал-Аздий ал-Бойкандий ан-Накабуний. Асли келиб чиқиши Бойкандлик бўлиб, Накабун қишлоғида истиқомат қилган. У Қуръонга тафсир ёзган. Намоз ўқиш, рўза тутиш, диний расм-русмлар ва олди-сотдига оид китоблар таълиф этган. Ироқ ва Ҳижоз (ҳозирги Саудия Арабистонининг шимолий ғарбида жойлашган тарихий вилоят, VII асрнинг бошларида Муҳаммад С.А.В томонидан ислом тарғиб этилиб, мусулмон жамоасига асос солинган муқаддас шаҳар)га сафар

¹ Буюк алломалар ижодида аҳиллик ва бағрикенглик ғоялари. Т. 2005. 9-бет.

этиб, у ерларда ибн Уяйна ва бошқа уламолар билан мулоқот қилишга муваффақ бўлган. Ундан буюк Имом Ал-Бухорий ҳадислар ривоят қилган.

Аҳмад ат-Торобий. Тўлиқ исми Абу Ражаб Аҳмад ибн Яъқуб ал-Бойкандий ат-Торобий. Уламолардан саналиб, асли ўзи Бойкандлик бўлган ва Бухоронинг Тороб (ҳозирги Жондор туманида) қишлоғида истиқомат қилган. Муҳаддислардан бўлиб, кўп ҳадислар айтган.

Ас-Сулаймоний. Тахаллусининг келиб чиқиши «Сулаймон» деган номга нисбат бериш билан боғлиқ бўлиб, у Бойканд аҳлига мансуб бўлган боболарнинг номи ҳисобланади. Тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ ал-Фазл ибн Абулфазл ибн Аҳмад ибн Али Амр ибн Аҳмад ибн Иброҳим ибн Юсуф ибн Акбар ас-Сулаймоний ал-Бойкандий. (вафоти 413 ҳ.й.). Уламолардан ҳисобланиб, 405 ҳ.й.да Насаф (ҳозирги Қарши)га борган, уламолар ундан ҳадис ёзганлар.

Садруш Шаҳид Ҳисомуддин Умар ибн Абдулазиз ибн Умар ибн Али ал-Бойкандий. Бойкандлик уламолардан бўлиб, ҳадис илми билан машҳур бўлган. Буюк фикҳшунос олим Бурҳониддин Марғинонийнинг устозларидан бири сифатида унинг машҳур «Ҳидоя» асарида зикр этилади. Марғинонийнинг 1198 йилда туғилиб, 1280 йилда вафот этганлиги инобатга олинса, Али ал-Бойкандий XIII асрда истиқомат қилганлиги маълум бўлади¹.

Борс Бойкандий. Бойканддан етишиб чиққан саркарда. Наршахийнинг «Бухоро тарихи» китобида Борс Бойкандий номи тилга олинади: 900-йилнинг 21 ноябрида, яъни ҳижрий 287 йилнинг 25-зулқаъдасида Жайхун бўйида Омуяда (Чоржўй-Левап вилояти) Амир Исмоил Самоний Балхга юриш қилиш мақсадида шу ерда катта кўшин тўплайди. Саркардалар Мансур Қоратегин ва Порс Бойкандий кўшини билан Хоразмдан Омуяга келадилар. Фарғона ва Туркистон вилоятидан ўттиз минг кишилик кўшин етиб келади ва бирлашган кўшин Балхга қараб юриш бошлайди². Бошқа бир манбада, яъни Ибн Ҳавқалнинг «Китоб сурат ал-ард (Ернинг сурати китоби)» асарида эса Борис ал-Кабир номи тилга олиниб, унинг Исмоил ибн Аҳмаднинг ғуломи ва лашкарбошиси эканлиги кўрсатилади. Тарихий маълумотларга кўра, Борис ал-Кабир дастлаб Исмоил ибн Аҳмаднинг ғуломи ва лашкарбошиси бўлган, кейин 902-903 йилларда Журжон, Табаристон ва Рей ҳокими этиб тайинланган эди. Бу ерда ҳокимлик қилган даврида у кўп миқдорда бойлик тўплаган. Ибн ал-Асирнинг ёзишича, унинг тўплаган бойлиги 80 эшакка юк бўладиган даражада бўлган. Ушбу бойлик Хуросон ва Мовароуннаҳр амири бўлиб турган Исмоил ибн Аҳмад ихтиёрига юборилган. 907 йилда амир Исмоилнинг вафот этиши муносабати билан юқорида қайд этилган бойлик орқага қайтарилиб, Борис ал-Кабирнинг ўзи унга эгалик қила бошлайди. Бағдодда араб шоири ва сиёсий арбоби бўлган Абдуллоҳ ибн ал-Муътазз томонидан кўтарилган исёнга қўшилганлиги сабабли, Аҳмад ибн Исмоил билан ўртасида келишмовчилик келиб чиқади. Отасининг ўрнига амирлик қилаётган Аҳмад кўшини билан Жайхун дарёсидан ўтиб Хуросонга йўл олади. У Нишопурга етганда, Борис Журжондан Бағдод томонга қараб йўл олади. Халифа ал-Муқтафидан ёзма рухсат олган Борис тўрт минг кўшини билан Бағдодга йўл олади. Аҳмад унга

¹ Б.Марғиноний. «Ҳидоя», 1-жилд, 8-бет.

² Наршахий. «Бухоро тарихи». 79-бет.

етиб улгурмасидан у Бағдодга етади. Айнан шу вақтда халифа вафот этиб, ўрнига ал-Муктадир халифалик қила бошлайди. Янги халифа Борисни ўз қўшини билан Бани Ҳамдан деган қабила ерига жўнатади ва уни Диёр Рабианинг ҳокими этиб тайинлайди. Халифа ал-Муктадирнинг атрофидагилар Борис тўғрисида нотўғри фикрлар тарқатиб, унинг мавқеи баланд бўлиб кетишидан хавфсирайдилар ва Бориснинг ғуломларидан бирини қўлга олиб, уни заҳарлайдилар. Оқибатда тўпланган катта бойлик мазкур ғуломнинг ихтиёрига ўтади. Юқоридагилардан шу нарса маълум бўладики, бир шахснинг номи турлича берилмоқда. Уни Наршахий Порс Байкандий деб атаса, Ибн ал-Асир ва Ибн Ҳавқал Борис ал-Кабир, яъни Катта Борис деб атаган. Маҳаллий тарихчи Наршахий уни Байкандий деб аташига қараганда, Борис ал-Кабир Бойкандлик бўлган. Манбалардан маълумки, Борис исми туркий барс-»йўлбарс« сўзидан ясалган бўлиб ўрта асрларда турклар орасида кенг тарқалган. Тарихчи олим, профессор Ш.С.Камалиддиннинг фикрича, Бухородан икки фарсах масофада жойлашган Барсхон номли қишлоқ, Хуросондаги Борис номли работ Борис ал-Кабир ал-Байкандийга тегишли бўлган. Борис ёки Барс Байкандий бошчилик қилган Мовароуннаҳр ва Хуросон туркларининг қўшини манбаларда «Хуросон қўшини» деб кўрсатилган. Демак, келиб чиқиши Бойканд шахридан бўлган ушбу саркарда, лашкарбоши IX асрнинг охири чорагида – X асрнинг дастлабки йилларида бутун Бағдод халифалигида маълум ва машҳур бўлган.

Ҳафс ал-Фиғиштий. Тўлиқ исми Абу Амр Ҳафс ибн Мансур ибн Фиғишт ал-Бойкандий ал-Фиғиштий. Асли Бойкандлик уламолардан бўлган. У ҳақда уламолардан бири: «Такводорликда унга тенг келадиган бирор инсонни кўрмадим-деган». Уламолар ундан ҳадис ривоят қилганлар.

Аҳмад ибн Али ас-Сулаймоний ал-Бойкандий.(923-1014 м.й) у муҳаддислардан бўлиб, Бойканд шахрида туғилган. Ироқ, Сурия ва Миср шаҳарлари бўйлаб кўп саёҳатлар қилган ва кўплаб ҳадисларни тўплаган. Ватанига қайтиб келгач, ҳар ҳафтада ҳадис тўплами ёзиб, жума кунлари уни Бухорога олиб борган ва жума намозига келган халқ ўртасида ўқиб берган. Манбаларга кўра унинг 400 дан ортиқ катта ва кичик асарлар ёзганлиги маълум¹.

Имом ал-Бухорий мелодий 810 йилнинг 20 июлида таваллуд топган ва 870 йилнинг 31 августида вафот этган. Кейинги пайтда имом Бухорийнинг Бойканд шахрида туғилганлиги ҳақида маълумотлар берилмоқда. Унинг тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн ал-Муғира ибн Бардозбеҳ ибн Базазбеҳ ал-Жуъфий ал-Бухорийдир. У ўз вақтида таниқли муҳаддислар-ал Доҳилий, Муҳаммад ибн салом ал-Бойкандий, Муҳаммад ибн Юсуф ал-Бойкандий, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Муснадий ибн Салом ал-Бойкандий, Иброҳим ибн ал-Ашъаслардан сабоқ олган². Имом ал-Бухорий 16 ёшгача она Ватанида ўз юрти тарихини ва шу даврдаги машҳур уламолардан ҳадис илмини чуқур ўрганади, ҳадис ва фикҳ истилоҳларини пухта эгаллайди.

¹ Ислом энциклопедияси.Т.2004. 53-бет.

² Ислом энциклопедияси.Т.2004. 57-бет; Буюк алломалар ижодида аҳиллик ва бағрикенглик ғоялари, 9-бет.

Юқорида зикр этилганидек, Имом ал-Бухорийнинг устозларидан уч нафари кўхна Бойканд шахридан бўлган.

Буюк фикҳшунос олим Бурхониддин Марғинонийнинг шариат илмини ўрганган устозлари сифатида ас-Сарахсий Абу Умар Усмон ибн Али Бойкандий, Садруш Шаҳид Ҳисомуддин Умар ибн Абдулазиз ибн Умар ибн Али ал-Бойкандийларнинг номлари зикр этилади¹.

Имом ал-Бухорий ҳаётининг сўнгги саналарида она шаҳри Бухорога қайтиб келади ва ижод билан машғул бўлади. Шу вақтларда Бухоро ҳокими (баъзи манбаларда Хуросон амири деб кўрсатилган) Холид ибн Аҳмад аз-Зухлий ал-Бухорийдан саройга келиб, унга ва ўғилларига сабоқ беришни талаб қилади. Шунда аллома унинг чопарига: «Мен илмни хор қилиб, уни ҳукмдорлар остонасига ташлаб қўймайман» – деб жавоб қилади. Шундан кейин ҳоким агар Имом саройга келишни истамаса, болалари учун махсус вақт ажратиб, дарс беришни, унда бошқа талабалар иштирок этмаслигини таъкидлаб яна элчи юборади. Лекин бу сафар ҳам рад жавобини бериб, илм олишда хоссу авом тенг ҳуқуққа эга эканлигини билдириб, агар ҳукмдор илм олиш мақсадида бўлса, уйи ёки масжидга келишни сўраб: «агар таклифим маъқул келмаса, сиз ҳокимсиз, менинг дарс беришимни ман қилишингиз мумкин, лекин одамлардан илмни беркитмаётганим учун қиёматда Аллоҳ ҳузурида бир узр бўлади» – дейди. Бу жавобдан ғазабланган Бухоро ҳокими алломани сургун қилиш йўллари кидиради, чунки аллома беҳисоб мусулмонларнинг меҳру муҳаббатини қозонгани туфайли, ҳоким уни куч билан шаҳардан чиқара олмас эди. Шунда ҳоким айёрлик билан бошқача йўл тутди: бир гуруҳ ифвогарларни тўплаб, алломага қарши халойиқнинг ғазабини кўзғатадиган гапларни излаб топишни амр қилади. Шундан фойдаланиб, улар муҳаддиснинг шаънига нолойиқ гапларни тарқатганлар. Нақл қилишларича, Бухорода турган вақтда «Икки ёш бола бир онани эмса, ўрталарида эмизаклик содир бўлади» деб фатво берган. Бухоро имомлари бунга эътироз билдирганлар². Ҳоким шуни рўқач қилиб, алломани Бухоро шаҳридан ташқарига чиқариб юборишга муваффақ бўлади. Имом Бухорий шаҳардан чиқиб, тўғри Бойканд шаҳрига келади. Бу вақтда бойкандликлар ҳам тарқатилган тухматлардан воқиф бўлган ва икки гуруҳга бўлинган эдилар. Ушбу ҳолатни кўрган аллома, у туфайли бойкандликлар ҳам ўзаро низо қилиб азият чекмаслигини ихтиёр этади ҳамда Самарқандга йўл олади. Бу воқеа мелодий 869 ёки 870 йилда содир бўлган. Бухорий бу ерда Абу Мансур Ғолиб бин Жамбраил Хартанагий уйига қўниб охирги кунларини ўтказди. Имом Бухорий 870 йилнинг 31 августида Самарқанднинг Хартанг қишлоғида вафот этади. Демак, ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорий бойкандликлар билан жуда яқин муносабатда бўлган ва устози юртига ҳамда онаси юртига меҳри баланд эди.

Наршахийнинг «Бухоро тарихи» китобида Муҳаммад ибн Салом Бойкандий тўғрисида шундай дейилади: «Зоҳид ва олим киши бўлган Муҳаммад ибн Салом Бойкандий қуйидагиларни айтган эмиш:-Тушимда Бухорода пайғамбарни Харқон бозорида кўрдимки, у хабарда келтирилган ўша

¹ Ислон энциклопедияси.Т.2004. 56-бет; Б. Марғиноний. «Ҳидоя». 8-бет.

² Абу Тоҳирхўжа Самарқандий. Самария./ Мерос. Т.1991.58-бет.

туяга минган ва бошига оқ кулоҳ кийган эди; унинг одида кўп халқ туришиб пайғамбарнинг келганлигига хурсандчилик қилишар ва пайғамбарни қаерга туширамиз дер эдилар; шунда уни марҳум Хожа Имом Абу Ҳафснинг уйига туширдилар. Мен Хожа Абу Ҳафсни кўрдим, у пайғамбарнинг ҳузурида ўтириб китоб ўқир эди. Пайғамбар уч кун унинг уйида бўлдилар, Абу Ҳафс китоб ўқир, пайғамбар тинглар эди, шу уч кун ичида пайғамбар унга ҳеч эътироз билдирмади ва ўқиганларининг ҳаммасини тўғри деб топди».

Хожа Имом Абу Ҳафс ҳар бир кеча-кундузда Қуръонни икки марта хатм қилар ва шу билан бирга одамларга илм ўргатар эди. У кексайиб заифлашгач, Қуръонни бир марта хатм қиладиган бўлди. Яна ҳам заифлашгач, то дунёдан ўтгунига қадар, бир кеча-кундузда Қуръоннинг ярмини ўқийдиган бўлди. Шу киши туфайли Бухоро «Қуббат ул-Ислом» – «Ислом динининг гумбази» деган номни олган¹.

Ҳақиқатдан ҳам Муҳаммад ибн Салом Бойкандий зоҳид, олим, муҳаддис, фақиҳ, тарбиячи бўлган. Манбаларда ёзилишича, Имом Бухорийга Муҳаммад ибн Салом ҳадис илмидан таълим берган. Ас Самъонийнинг «Насабнома» асарида келтирилишича, Муҳаммад ибн Саломнинг устодлари Абу Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Азғуний (816 йилда вафот этган), Исо ибн Мусо ал-Ғунжорий (806 йилда вафот этган) каби буюк муҳаддислар бўлган. Муҳаммад ибн Саломнинг шогирдлари эса қуйидагилар бўлган: Имом ал-Бухорий, Аҳмад Волис ибн Абдушукур ибн Зайний ал-Бухорий (816 йил туғилган), Абу Заҳҳол ал-Фазил ибн Ҳасан Сутикатий (IX аср) ва бошқалар².

5-§. Бойканд тўғрисидаги ривоятлар ва тарихий ҳақиқат

Ривоят қилишларича, Бойкандни узоқ вақт қамал қилиб қўлга кирита олмаган Ҳазрат Алининг ўзи ҳийла йўлига ўтади, шаҳар олдидаги майдонга дор ўрнатиб, унда томоша беришни буюради. Урушдан зериккан шаҳар аҳолиси Ҳисордан туриб томошани кузатишга берилиб кетиб, шаҳар ҳимоясини унутишади. Дор устига ўз «дулдули» билан чиқиб ўйин кўрсатаётган Ҳазрат Али дор устидан оти билан шаҳар ичига сакрайди ва шаҳар дарвозасини очиб, жангчиларига йўл очади. Бойканд подшосининг бошини қирқ газ келадиган шамшири билан бир ҳамлада узади, шоҳнинг боши икки фарсанглик масофага бориб тушади. Бир кечада бойкандликлар ўз шоҳлари қабри устига улкан макбара ўрнатишади ва бу жой «Янги мазор» деб ном олади (Жондор туманида «Янги мазор» қишлоғи бор). Араблар истилосидан кейин шаҳар батамом вайрон бўлиб, уни араблар «Шаҳри Хайвар» – «Кофирлар шаҳри» деб атайдилар. Ҳозир ҳам халқ орасида Бойканд «Шаҳри Хайвар» деб юритилади. Ўша қамал даврида узоқ муддат шаҳарни таслим қила олмаган араблар ўзлари учун Бойканд яқинида шаҳар курадилар ва бу шаҳарни «Шаҳри Исломи» деб номлайдилар (Ҳозирги вақтда Жондор туманида жойлашган Шарислон).

Бошқа бир ривоятда Бойкандда турган Ҳазрат Али ўзининг аскарлари билан дам олиш учун ён-атрофга чиқиб, отини ўтга тўйғазиб яна жангу жадалга кетгани ва бу жой шундан буён Али эли, яъни Алининг халқи деб юритилгани

¹ Наршахий. Бухор тарихи. 53-55 бет.

² Садриддин Салим Бухорий. Ҳазрат Абу Ҳафс Кабир. Бухоро. 2006, 16-бет.

айтилади. Ҳақиқатда ҳам ҳозирги Жондор туманида бир эмас, иккита қишлоқ Алили деб аталади (аслида Алили номи туркман халқини ташкил этган туркий уруғлардан бирининг номидир- М.Б).

Яна бир ривоятда Ҳазрат Алининг машҳур оти – «дулдул» учун махсус охур қурилганлиги, унинг жуда маҳобатли эканлиги ва Бойкандда «дулдул охур» борлиги эътироф этилади. Бу ерда маҳаллий халқ томонидан Ҳазрат Алига бўлган ҳурмат-эътибор шундай тарифланган.

Ҳазрат Али Бойкандни қамал қилиб ола олмабди. Кейин у дор қуриб, дор ўйини кўрсатибди, умрида дор нималигини билмаган бойкандликлар эшикларини очиб чиқиб кела бошлабдилар. Ҳазрат Али одамлар қаерга кириб кетишганини кўриб турган экан ва уларнинг кетидан одамларни юбориб ҳаммасини кириб ташлабди. Қалъанинг дарвозасини кўпориб отган экан, ҳозир ҳам унинг бориб тушган жойи баланд тепалик бўлиб турган эмиш. Отини ўтлатгани кўйиб юбориб, қачон чақирса қайтиб келар экан. Бу сафар ҳар қанча чақирмасин оти келмабди. Қирнинг ўти шунақанги кўп эканки, от ўтлашга берилиб кетиб, эгаси чақирганини сезмай қолибди. Шунда Ҳазрат Али қаргаган эмиш ва қирнинг устидаги ҳамма нарса тошга айланиб, ўт битмайдиган бўлиб қолган эмиш. Ҳазрат Али Шаҳри Хайвар деган жойга бориб қолибди. У тушган жойда ўтпарастлар яшар экан. Ҳазрат Али отини ўтлаб келиш учун кўйиб юборибди. Бир пайт отнинг атрофини ўтпарастлар ўраб олишибди. Ҳазрат Али отини қанча чақирмасин у тезда етиб келмабди. Сўнг шаҳрихайварликлар Ҳазрат Алига қараб тош отишибди. Али жаҳли чиққандан ерни кўтариб ағдариб ташлаган экан, ҳамма ўтпарастлар ер остида қолиб кетишибди. Шундан сўнг Бухорода ўтпасарат қолмаган экан¹.

Бойканд ҳақидаги ривоятлардан бирида айтилишича шаҳарни қамал қилиб қўлга кирита олмай оввораю сарсон бўлиб юрган араблар уни тўрт томондан қаттиқ назорат остига оладилар, туну кун кузатув йўлга қўйилади. Шаҳар ҳимоячиларидан бир гуруҳи қалъа деворларидаги махсус жойдан ташқарига чиқиб, араблар ҳақида аниқ маълумот олмоқчи бўлади. Улар қамишдан фойдаланиб сув остига тушиб (худди ғаввосдек) ҳаракат қилишади. Қамиш орқали нафас олиб сув остида сузиб бораётган бойкандликлардан бири беҳосдан ўзини сув юзига чиқаради ва уни араблар кўриб қолади. Сўнг араблар уларнинг орқасидан ўз одамларини юбориб, кириш йўлини билиб оладилар. Шундан кейин араблар қалъанинг ичкарисига кириб олиб, унинг дарвозаларини очадилар.

Албатта, юқорида қайд этилган ривоятларда ҳам маълум маънода ҳақиқат бор. Бойканд қалъасининг жуда мустаҳкамлиги, унинг қаттиқ ҳимоя этилганлиги, кейинчалик ишғол этилиб, шаҳарнинг вайрон бўлганлиги ва аҳолисининг кўпчилиги қул қилинганлиги ҳамда хорижга савдо-сотик учун кетган бойкандлик савдогарлар ўз яқинларини араблардан қайтариб олганлиги тарихий ҳақиқатдир.

Ҳазрат Алининг Бойканддаги жанглари хусусида шуни эътироф этиш керакки, бу киши Ўрта Осиёда умуман бўлмаган. Али ибн Абу Толиб (тахминан 600 йилларда таваллуд топган ва 661 йилда Куфада вафот этган) –

¹ М.Жўраев, Р. Саидова. Бухоро афсоналари. Т.2002, 73- 95 бет.

Исломда «Хулафо ар-рошидин» (Тўғри йўлдан борган халифалар), диндорлар ўртасида «чориёрлар» деб аталган дастлабки тўрт халифадан тўртинчиси. Муҳаммад пайғамбар (САВ)нинг амакиваччаси ва куёви (Биби Фотиманинг, яъни Муҳаммад пайғамбарнинг қизини эри). Исломдаги шиа мазҳаби бевосита унинг номи билан боғлиқ. Ўрта Осиёда, хусусан Ўзбекистонда бир неча қадамжо ва мазорлар Али номи билан боғланиб муқаддаслаштирилган. Тарихий фактларга таянилса, Бойканд 706-707 йилларда араб лашкарбошиси Қутайба ибн Муслим томонидан забт этилган ва бу вақтга келиб Али ибн Абу Толиб ҳаёт эмас эди ва умуман Ўрта Осиёдаги юришларда қатнашмаган.

Маҳаллий халқ орасида ҳозиргача ҳам Бойкандни «Шаҳри Хайвар» деб аталиши билан боғлиқ айрим фикрлар мавжуд. Хайбар – Мадина (Саудия арабистонида) ёнида Исломиётгача яҳудий қабилалари яшаб турган катта, мустаҳкам қишлоқ бўлиб, Муҳаммад САВ ва унинг аскарлари томонидан 628 йилда қўлга киритилган. Хайбар қишлоғи Мадинанинг шарқий шимолий томонидан, шаҳардан 150 км.лик масофада бўлган¹.

Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясида Қашқадарё вилояти Косон туманидаги Аброн қишлоғи четида Хайбартепа деб аталувчи ўрта аср (IX-X) шаҳар харобаси жойлашганлиги (9-том, 358-бет), Сурхондарё вилояти Шеробод туманининг қадимда Шаҳри Хайбар деб аталиши, Шеробод шаҳрининг шимолий чеккасида милоднинг I асрига оид (унинг аркида ўрта асрда ҳам ҳаёт кечган) Кофир қалъа шаҳар харобаси (14 га) жойлашганлиги (10-том, 46-бет) қайд этилган.

Баъзи бир ёзма манбаларга мурожаат этамиз. Темурийлар даврининг етук тарихчиси Муиниддин Натанзий (XV аср)нинг «Мунтахаб ут-тавоҳиҳи Муиний (Муиний тарихлари танланмаси)» асарида шундай маълумот берилади: «Алқисса, муҳосара қарийб йигирма кун давом этди-ю, аммо бу «Хайбарзамин»ни фатҳ этиш иши андак бўлса-да олға силжимади (178-бет)». 1403 йилнинг 24 июлдан 12 августигача Амир Темур аскарлари Гуржистоннинг қоқ ўртасида жойлашган мустаҳкам Биртис қалъасини эгаллаш учун жанг олиб борган ва эгаллаган.

Яна бир ҳолат. Ҳофиз Таниш Бухорий (XV аср)нинг «Шарафномаи Шоҳий» (Абдулланом, 1-китоб) асарида шундай жумла келтирилади: «Фалакасар аскарлар қалъанинг ташқи деворини ўзларига қаратганларидан сўнг, зафар нишонли ҳоконнинг фатҳ белгилари сояси у Хайбар безакли қалъага тушди (186-бет)». 1567 йилда Хуросоннинг Жом вилоятига қарашли Турбат қалъасида Бухоро хони Абдуллахон ва Эрон подшоҳи Тахмосп қўшини ўртасида шу қалъа учун муҳораба бўлиб, бухороликлар уни қаттиқ жанглардан, қамалдан кейин эгаллашганлиги тарихий ҳақиқат. Айнан шу қалъа учун олиб борилган жанг тафсилотини бошқа бир муаррих-Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған (XVI-XVII аср) ўзининг «Мусаххир ал-билод» (Мамлакатларнинг эгалланиши) асарида «Хайбар тоғидек ул қалъа учун жанг» деб таърифлайди (264-бет).

Энди Мадина яқинидаги Хайбар фатҳи тўғрисида. Хайбарда яҳудий қабилалари истиқомат қилишган. Ҳижрий 7 (628) йилда Муҳаммад САВ ва унинг аскарлари Хайбарни фатҳ этиш ҳаракатини бошлаган. Унинг ерлари

¹ Ҳофиз Таниш ал-Бухорий Абдулланом, 1-китоб, 393-бет.

ҳосилдор, хурмозорлари кўп бўлган. Хайбарни фатҳ этиш вазифаси Ҳазрат Алига топширилган. Жанг оғир кечган. Очлик ва ташналикдан азият чекишган. Оқибатда Хайбар фатҳ этилиб, яҳудийлар у ердан кўчирилиб, унинг ерлари пайгамбар томонидан вақф этилган.

Бойканд шаҳридан етук муҳаддислар етишиб чиққанлиги, Имом ал-Бухорийнинг устозлари шу ерлик бўлганлигини ва исломни ёйиш учун олиб борилган фатҳлар, ғазотлар тарихининг оғиздан-оғизга ўтиб келганлигини инобатга олинса, юқоридаги Хайбар фатҳи билан боғлиқ ҳолатларнинг ҳаммаси бир тизимга солинади. Биринчидан, Бойканднинг фатҳ этилиши қийин кечган, унинг аҳолиси тезда мусулмон бўлмаган, қалъа учун 50-60 кунлик жанг олиб борилган; иккинчидан, Хайбар фатҳини Али ибн Абу Толиб амалга оширган, унинг «Дулдул» деган оти бўлиб, уни Муҳаммад САВ совға қилган, «Зулфиқор» (Тешиб ўтувчи) деган икки дамли қиличи бўлган; учинчидан, «Ло фато», яъни «жувонмардлик майдонида унга тенги йўқдир» деган иборага ишора, одатда халифа Али номидан кейин ёзилган ва шу боисдан ҳам Бойкандни фатҳ этган Қутайба ибн Муслим эмас, балки Ҳазрати Али деган эътироф оғиздан-оғизга ўтиб келган; тўртинчидан, зикр этилган жанглар, фатҳлар асосан, бир мақсад учун – ислом байроғи остида мусулмонлаштириш учун (Хуросонда эса суннийлик учун) олиб борилган ва маълум маънода Хайбар фатҳига нисбат берилган, тенглаштирилган. Хулоса қилиб айтганда, Бойканднинг Шаҳри Хайбар (Хайвар) деб аталиши ўша давр манбаларида учрамайди ва анча кейинроқ истеъмолга киритилган ҳамда ҳадисларда келтирилган Хайбар фатҳига тенглаштирилган.

3-боб. ҚОРАКЎЛ – ҚАДИМИЙ МАСКАН.

1-§. XII-XIII асрларга оид маълумотлар.

Сомонийлар ҳукмронлигининг тугаши ва қорахонийлар ҳукмронлигининг бошланиши даврида, шунингдек, хоразмшоҳлар ҳукмронлиги йилларида Бойканд билан боғлиқ ёзма маълумотлар кам учрайди.

XII асрнинг биринчи ярмига оид ёзма манбаларда Бойканд шаҳри тўғрисида баъзи ахборотлар қорахоний ҳукмдорлари фаолиятини кўрсатиб бериш жараёнида қайд этилади. Хусусан, Арслонхон Муҳаммад ибн Сулаймон даврида амалга оширилган қурилишлар, иншоотлар, барпо этилган иморатларни таърифлаш билан боғлиқ ҳолда Бойканд шаҳри ҳам зикр этилади.

Арслонхон Муҳаммад даврида (1102-1130) Бухорода йирик монументал қурилишлар амалга оширилган. Наршахийнинг ахборотидан маълум бўлишича, ҳукмдор қорахоний Арслонхоннинг фармони билан Бухоро шаҳрининг Дарвоза маҳалласида сарой ва унинг ичига ҳаммом қурилган. Яна сарой дарвозаси олдида «мисли кўрилмаган бошқа бир ҳаммом солинди». У сарой кўп йиллар давомида Бухоро подшоҳининг қароргоҳи бўлиб турди. Кейинроқ эса Арслонхоннинг фармони билан у саройни фақиҳлар учун мадраса қилиб бердилар, сарой олдидаги ҳаммомни ва бирмунча қишлоқларни у мадрасага вақф қилдилар. Ўзи учун хос саройни эса Арслонхон Саъдобод дарвозаси олдида қуришга буюрди ва уни ҳам қурдилар. Унинг ҳукмронлиги даврида Бухоро работининг ички девори таъмирланади. Шаҳристонда янги жоме масжидини қурдиради (1121-1122 йил). Бутун масжид таркибида бешта миён сарой бўлиб, улардан шаҳарга яқин турган икkitаси минораси билан Арслонхон томонидан бино қилинган¹. Ҳозиргача сақланиб қолган баланд минор (Минораи калон) ҳам унинг фармонига кўра уста Боқи томонидан 1127 йилда бино этилган.

Наршахийнинг ёзишича, Арслонхон Муҳаммад ибн Сулаймон ўз даврида Бойкандни қайтадан қуришга буюради. Одамлар у ерга йиғилиб яхши иморатлар қиладилар, Арслонхон (Ҳокон) ўзи учун ҳашаматли сарой қурдиради. «Бу вилоятда бўлган ҳар бир подшоҳ ўзи учун Бойкандни турар жой қилар эди»². Демак, қорахоний ҳукмдорлардан машҳур бўлганларидан бири Муҳаммад Арслонхон Бойкандга келган вақтида туриши учун сарой қурдирган ва у ҳукмдор учун қароргоҳ ролини ўтаган.

Арслонхон Муҳаммад ҳам бошқа қорахонийлар каби ҳудожўй, мамлакатни одилонга бошқаришга интилган киши бўлган. Самарқанд шаҳрининг раиси, фақиҳ ва мударрис, Алининг авлоди бўлган Ашраф Муҳаммад ас-Самарқандий Арслонхонга қарши фитна уюштиради. Арслонхон ва руҳонийларнинг бир қисми ўртасида зиддият вужудга келиб, уларнинг бир гуруҳи салжуқийлар ҳукмдори Санжарга мурожаат қилади, кўпчилик руҳонийлар Арслонхонни тарафида бўлади. Султон Санжар Арслонхоннинг қизига уйланган эди. Султон Санжар Арслонхонни унга суиқасд уюштирганликда айблайди ва Самарқандни қамал қилади. Шу пайтда касал ётган Арслонхонни

¹ Наршахий. Бухор тарихи. 33,50- бет.

² Наршахий. Бухор тарихи. 25- бет.

султон Санжарнинг ҳукми билан Балх шаҳрига жўнатадилар. Бу ерда унинг қизи бор бўлиб, Арслонхон шу ерга келади ва кўп ўтмай вафот этади. Унинг жасади ўзи қурдирган Марв мадрасасига дафн этилади.

Арслонхоннинг Бойканд шаҳрини сув билан таъминлаш масаласини ҳал этиш учун олиб борган чора-тадбирлари диққатга лойиқдир. Айниқса, унинг буйруғи билан бу ерда ариқ-канал қазииш ишларининг олиб борилиши, бунинг учун кўп куч, сарф-харажат қилиниши муҳим ҳисобланади. Қазииш ишлари учун кўп миқдорда одам жалб этилган, аммо Бойканд атрофидаги ер сатҳининг жуда қаттиқлиги ариқ қазиишни қийинлаштирган. Шунда тадбиркор бойкандликлар қаттиқ тошларни юмшатиш учун ёғ ва сиркадан фойдаланадилар. Аммо бу билан ҳам қазиишни ниҳоясига етказа олмайдилар. Шунча ҳатти-ҳаракат билан, бор-йўғи бир фарсах (7-8 км) масофада ариқ қазиишга муваффақ бўладилар. Шундан кейин шаҳар атрофидан кудуклар қаздирилиб, уларнинг суви чиғирлар ва қувурлар ёрдамида шаҳар ичкарасига етказилган. Бу даврга келиб Бойкандда водопровод тизими яратилган эди.

Қорахоний ҳукмдор Арслонхоннинг вафотидан кейинги даврга оид манбаларда Бойканд эмас, балки Қорақўл номи қайд этила борган.

XII аср тарихига оид манбаларда Қорақўл номи аҳоли маскани сифатида кўп зикр этилмаган. Аммо, шу ҳудуддаги сув ҳавзаси – кўлнинг номи сифатида милоднинг II асрларидан бошлаб (Птоломейнинг асарида) маълум бўлган. Ҳозирча бизга маълум бўлган тарихий ахборотларга кўра, Қорақўл биринчи марта 1158 йил воқеалари муносабати билан тилга олинган. Бу даврда Самарқанд қорахитойларга вассал – қарам бўлиб, унинг ҳокими Жалолиддин Али Чағрихон қарлуқларни тор-мор келтирган. 1156 йилда қорахитойлар хони Чағрихонни (у Ҳасан Тегиннинг ўғли) Самарқанд ва Бухоронинг ҳокими этиб тайинлайди ва унга турклар (қарлуқлар)ни бу ердан чиқариб юборишни амр қилади. Бухоро шаҳрининг раиси бўлган фақиҳ Муҳаммад ибн Умар ибн Бурхониддин ал-Азиз ибн Маза ҳам Чағрихондан қарлуқларни мамлакатдан чиқариб юборишни сўрайди. Қарлуқлар етакчиси Лочинбек бир қисм кўшини билан Хоразмга қочиб бориб, Эл-Арслондан ёрдам сўраган. 1158 йилда хоразмшоҳ Эл-Арслон катта кўшин билан Самарқандга юриш қилган. Зарафшон дарёсининг бўйларидаги жангларда хоразмшоҳнинг кўли баланд келган. Зарафшоннинг куйи оқимида жойлашган Қорақўлнинг номи ҳам шу ерда қайд этилган. Тарихий ҳақиқат шундаки, Самарқанд ҳам, Хоразм ҳам 1200 йилгача қарам бўлиб қолган.

XIII аср бошларида Чингизхон бошчилигидаги тотор-мўғул кўшинлари Бухоро вилояти ерларига бостириб кириши арафасида, истило жараёнида (1220 йил 7 феврал) ва кейинчалик кўшни мамлакатларга уюштирилган чопқинлар даврида Қорақўл шаҳри ва унинг атрофидаги чўл, кўл, қамишзор ва тўқайзорлар мўғул кўшинлари учун дам оладиган ҳамда саркардалар учун ов қиладиган жой бўлиб хизмат қилди. В. В. Бартольднинг ёзишича, 1222 йил кузида Афғонистоннинг шимолий вилоятларига ўтказилган чопқин (талончилик юриши)лардан кейин Чингизхон қишлаш учун Амударёдан бериға ўтиб Самарқандга келади. Самарқанд 1220 йил 17 мартда эгаллаб олинган эди. Чингизхоннинг тўрт ўғли бўлиб (Жўжи, Чиғатой, Ўқтой ва Тули), шу пайтда ёнида бўлган Чиғатой ва Ўқтойлар Қорақўл ҳудудига келиб жойлашадилар.

Чигатой ва Ўқтой бошчилигидаги мўғул қўшини Аму сувидан кечув орқали ўтиб Қарши (у пайтда Нахшаб)дан тўғри Зарафшоннинг қуйи қисми бўйларига қараб юрадилар. Бу ерда улар қуш ови билан шуғулланадилар. Наршахий ёзганидек, нафақат Бухорода, балки бутун Хуросонда ҳам бу ердагидек қуш ва балиқ овланмаган. Мўғуллар томонидан Қоракўлда ов ташкил этилиши бир неча мақсадларни кўзлаган. Бу машғулот фақат кўнгил очиш учун мўлжалланмаган. Биринчидан, бу ернинг табиати, чўл, қумлик, қамишзор ва тўқайзорлар, шунингдек кўпдан-кўп (ўша вақтда) катта-кичик сув ҳавзалари мўғулларнинг юртидаги шарт-шароитга анча яқин эди. Шунинг учун ҳам бу ерда мўғул аскарлари жанг усулини машқ қилишган. Иккинчидан, сон-саноксиз, минг-минглаб аскарни озиқ-овқат билан таъминлаш ҳам кўзда тутилган. Ушбу фикрни исботлаш учун қуйидаги маълумотнинг ўзи кифоя қилади. Қоракўлдаги овнинг кўлами жуда кенг бўлиб, унда минглаб аскар иштирок этган. Чингизхоннинг ўғиллари Чигатой ва Ўқтой ҳар куни ов натижалари ҳисобидан 50 туяга ортилган қуш, балиқ ва бошқа ҳайвонларнинг гўштларини Самарқандга жўнатиб турган. Чунки мўғуллар кўчманчи чорвадор бўлганлиги учун бошқа маҳсулотга нисбатан гўшти кўп истеъмол қилган. Мўғул қавмлари одамлардан бир-икки ойлик йўл йироқда, саҳроларда, тоғларда ва ўрмонларда яшашни, кийик, қуён каби жонзодларни овлашни хуш кўришган, ов пайтида етти-саккиз ўқни камондан бирданига нишонга қарата беҳато отиш улар учун одатий ҳол бўлиб, кийик гўшти ва териси уларга овқат ва кийим вазифасини ўтаган деб ёзади мўғул ҳукмдори бўлган Муҳаммад Ҳайдар Мирзо (Муҳаммад Ҳайдар Мирзо. Тарихи Рашидий. Т. 2010.). Демак, мўғуллар Қоракўл атрофларидан кўп миқдорда кийик ва қуён овлашган.

Бизгача етиб келган ва ўрганилган ёзма манбаларда қадимги Бойканд шаҳри номи Чингизхон босқини даврида тилга олинмаган. Қадимги Фараб қалъаси мўғул босқини даврида вайрон этилган. Қорахоний ҳукмдорлардан бўлган Арслонхон давридан кейин Бойканд таназзулга юз тутган ва шаҳар аста-секин харобага айлана борган. XI аср давомида сувсизликнинг кучайиб бориши муносабати билан Бойкандни аҳоли тарк эта борган. Шаҳарни эса қум боса бошлаган ва XII аср охирига бориб шаҳар қум остида қолган. Маҳаллий аҳоли ён-атрофлардаги яшаш мумкин бўлган жойларга кўчиб кетган. Кишилар ўзларига янги маскан излаб, Бойканддан қуйига, дарёнинг қуйи оқимига қараб силжий борганлар. Зарафшон (Қоракўлдарё)нинг оқими бўйлаб аҳоли янги масканларга жойлашган. Шундай масканлардан бири – Амдиза қалъаси деб аталган. Баъзи манбаларда уни Обкент деб аташган.

Қадимшунос олим А.Муҳаммаджоновнинг фикрича, қадимги Зарафшоннинг ўзанларидан бири бўлган Мохондарёнинг қирғоғида жойлашган бу кўрғон – шаҳарчанинг номини шу ерда яшаб ўтган улуғ зот, ўзи чорвадорлик билан кун кечирган, тонгги шабнамга қараб қишнинг қандай келишини, қўйнинг қумалоғига қараб қандай терири кўзичоқ туғилишини беҳато башорат қила оладиган, йўловчиларни сут билан меҳмон қиладиган тарихий шахс, авлиё Абдурахмон Вали шарафига «Ширбурдон (форс-тожикчада сут тақсимловчи маъносида)» деб атаганлар.

Ширбурдон атамаси вақт ўтиши билан «Чибирдон» атамасига айланган ва қоракўлликлар шевасида «Чивирдон» бўлиб қолган. Қоракўлчиликнинг

ривожланиб бориши, ушбу хўжалик соҳасининг, айниқса қорақўл терисининг кашф этилиши маълум маънода Ширбурдон ота ёки Абдурахмон Валининг кароматлари билан боғлиқ бўлса керакки, қорақўллик чўпонлар, чорвадорларнинг у кишига эътиқодлари баланд бўлган.

Мўғуллар истилоси бу ерга ҳам етиб келган ва Қорақўл аҳолиси, шу жумладан Ширбурдон кўрғони аҳолиси ҳам кўп азият чеккан. Босқинчи мўғуллар билан тенгсиз жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлган, танаси қийма-қийма қилиб ташланган Шоҳ Абдурахмон Вали шарафига қорақўлликлар гўзал мақбара қуришган ва маҳаллий халқ уни «Чивирдонота мақбараси» деб атаган.

XIII асрнинг 20 йилларида Мовароуннаҳрда хоразмшоҳлар ҳукмронлиги тугатилиб, бутун ҳудуднинг Чингизхон авлодлари бошқарувига ўтиши, эгалланган жойларнинг вайрон қилиниши оқибатида Бойканд ва унинг атрофлари жуда аянчли ҳолга келиб қолган. XIII асрнинг ўрталарида Бойканд орқали Бухорога келган Абулкарим ас-Самъонийнинг ёзиб қолдирган маълумотларига қараганда, бу пайтда шаҳар деярли харобага айланган, шаҳар атрофидаги собиқ работларда, карвонсаройларда бир неча туркман оилалари яшаётган эди¹. Демак, XIII асрнинг ўрталаридан бошлаб, Бойканд шаҳри номи манбаларда қайд этилмайди. Бу даврда одамлар гавжум бўлиб яшаган асосий маскан сифатида Зарафшоннинг қуйи оқимида жойлашган Қорақўл номи зикр этила бошлайди. XIV аср давомида Қорақўл аҳоли пункти сифатидагина эмас, балки муҳим стратегик маскан, мустаҳкам кўрғон сифатида ҳам тилга олинади.

2-§. Темурийлар даври. Мирзо Улуғбек ва Қорақўл.

Соҳибкирон Амир Темур ўз ҳукмронлиги даврида Бухорода кўп бўлган. Тарихчи олим Б. Аҳмедовнинг «Амир Темур» асарида кўрсатилишича, 1362 йилда Темур Қорақўлда бўлган. «Икки кун йўл юриб, Қорақўлга қарашли бир қишлоққа етдилар. Шу ерда Кеш ҳам ва ҳатто Соли Сарой ҳам нотинч эканлиги ҳақида хабар топдилар»². Бу пайтда у ҳокимият учун курашиб юрган эди.

Ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун Амир Темур мамлакат сарҳадларининг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган бир қатор тадбирларни амалга оширган. Шулардан бири Қорақўл ҳудудлари хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган. Амир Темур Хоразмга ва Хуросонга юриш қилганда ўз қўшинини Қорақўл ҳудудидан олиб ўтган, шу ердан Амуни кечиб ўтишга тайёргарлик кўрилган. Айнан шу жараёнлар даврида мустаҳкам қалъа қуриш масаласи ҳал этилган.

А.Темур Хоразмни Чигатой улусининг ажралмас қисми деб ҳисоблаб, уни ўз давлатига қўшиб олиш сиёсатини тутди. Бироқ бу масала элчилар воситасида тинч йўл билан ҳал этилмагач, Амир Темур Хоразм ҳудудига беш марта юриш қилди. Биринчи юриши 1371 йил ёзида Кот шаҳрини эгаллаш билан якунланди. Унинг 1373 йил баҳори ва 1375 йил ёзида Хоразмга қилган икки юриши ҳам натижасиз тугади. Бу аснода Олтин Ўрда хони Тўхтамиш билан иттифоқ тузиб олган Хоразм ҳукмдори Юсуф сўфи унинг ёрдамида Амир Темур давлати ҳудудларига бир неча бор юриш қилиб, Қорақўл вилояти ва

¹ Л.А.Зимин. Развалины старого Пайкенда. Т.1913,73-бет.

² Б.Ахмедов. А.Темур. Тарихий роман. Т.1995.73-бет.

Бухоро туманларини талон-тарож этди. Бундай вазият шубҳасиз, 1379 йилда Амир Темурни тўртинчи маротаба Хоразмга қўшин тортишга мажбур этди. Лекин бу юриш ҳам аввалгилари каби сулҳ тузиш билан тугади. Бироқ шунга қарамай, Юсуф сўфи илгари Хоразмнинг Чигатой улусига тегишли бўлган жанубий-шарқий (Кот ва Хива шаҳарлари билан бирга) қисмини яна қайтадан босиб олди. Амир Темур давлатига нисбатан Юсуф сўфининг тутган бундай тажовузкорона сиёсати Хоразм устига бешинчи марта юриш қилишга сабаб бўлди ва 1388 йилда Хоразм худудлари Амир Темур давлатига бўйсундирилди¹. «Ул йилдаким(1379), ҳазрат соҳибқирон қишда Ўрусхон муқобаласида ўлтуруб эрди, Юсуф Сўфий ҳеч андиша этмай фурсат топиб киши йибардиким, Бухорони чобтилар ва ҳар нимаким тобтилар, элттилар»². Амир Соҳибқирон Жалолиддин баҳодирни элчи қилиб юбориб, Юсуф Сўфига деди: «Орамиздаги иттифоқлик ва қариндошлиқдан кейинги бу муҳолифатга сабаб нима?». Юсуф Сўфи элчига жавоб бермай, уни ушлаб бандга солди. Амир Соҳибқирон лутф ва хайрихоҳлик юзасидан яна бир мактуб йўллади, унда: «элчига ўлим ва бандилик йўқдир, элчининг гарданидаги вазифа буйруқни аниқ етказишдан бошқа нарса эмасдир. Менинг элчимни қайтариб юбор» деб ёзди ҳамда бу муҳим иш билан яна бир чопарни йўллади³. «Ул нодон, беоқибат, беандиша бу борган кишини ҳам банди қилдурди ва шарру фасод эликини очиб, Тўй Буға ўғрини йибардиким, Бухоро вилоятини теграсидаги ўлтурғон туркларнинг теваларини суриб элттилар»⁴. «Хоразмнинг Олтин Ўрда таъсирида қолиши Бухоро вилояти, унинг Қорақўл, Жондор туманларига доимий хавф туғдирарди. Бу хавфни бартараф қилиш мақсадида Амир Темур Хоразмни марказий ҳокимиятга бўйсундириш, унинг Олтин Ўрда ва Оқ Ўрда таъсиридан ажратиб олиш чора-тадбирларини кўрди»⁵. Амир Темур 40 минг кишилиқ қўшин билан Хоразм ҳукмдори Юсуф Сўфига қарши юриш бошлайди. У қумлик билан эмас, бошқа йўл билан ҳаракат қилади. Қўшин дастлаб Бухорога, кейин Қорақўл орқали Аму бўйига келади ва шу йўналишда то Кот шаҳригача ҳаракат қилиб, сўнгра дарёнинг ўнг томонидан чап томонига ўтиб, Урганчга қараб юриш қилади⁶.

Манбаларда баён қилинишича, Амир Темурнинг ҳарбий юришларида қорақўллик баҳодирлар ҳам иштирок этган. Унинг навкарлари орасида арлот(Олот) қавми вакиллари ҳам кўпчиликни ташкил этган. Амир Темур Мовароуннаҳрдан Мозандарон, Ироқ ва Форс томонларга юриш қилиш мақсадида 1392 йил 24 майда Самарқанддан сафарга чиқиб, Бухорога келиб тушади, бу ерда унинг соғлиги ёмонлашиб, табиблардан муолажа олади ва 27 июлда Жўйи Зардан йўлга тушиб, 5 августда Омуя сувидан ўтиб, 9 сентябрда Журжон суви қирғоғига етади. Амир Темур Астрободга етганида Астрободнинг ҳокими Луқмон Пошшонинг ўғли Пир Пошшо уни кутиб олади. «У жойдан уч кўч юриб, тўқай ва тиканзорга етдилар. Тиканларни йиғиштириб, йўл очишга фармон бўлди, фармонга биноан уч йўл очдилар. Ҳар бир йўлнинг эни бир ўк

¹ Ў.М.Э. 1-том, 276-бет; Б. Аҳмедов, Р.Мукминова, Г.Пугаченкова. Амир Темур. Т.1999.35-бет.

² Ш.А.Ўаздий. Зафарнома, 85-бет.

³ Н.Шомий.Зафарнома, 109-бет.

⁴ Ш.А.Ўаздий. Зафарнома, 86-бет.

⁵ Бухоро тарихи масалалари. Бухоро, 1996,24-бет.

⁶ Е. Березиков. Великий Темур.Т.1994.243-244 бет.

отимича масофа эди. Ўрта йўлни кул(қисми) аскарларига тайин қилди. Қолган икки йўлни жавонғор ва баронғор лашкарларига белгилади. Шу тариқа равона бўлдилар».

1392 йил 13 октябрда икки томоннинг қоровул аскарлари бир-бирлари билан жанг қилдилар. Амир Соҳибқирон Пир Подшоҳ, Арғуншоҳ Бурдолиқий, Нодиршоҳ ва Шайх Али Қоракўлийларни дарё йўли билан уларнинг ҳисори томон юборди. Улар бориб, душманларни ҳисорда муҳосара қилдилар, ҳамма кемаларини қўлга олдилар ва уларга ғалла тўлдириб, бу томонга етказдилар¹.

Ш.А.Йаздийнинг ёзишича, ҳазрат Соҳибқирондан «Пир Пошшо била Арғуншоҳ Бурдалиғийни ва Нодиршоҳ Қоракўлий ва Шайх Али Мусани Жайхундаги кемачилар билан ва раъд отқучилар била Қулзум Сори йўлидин юруб, муҳолифларнинг кемаларини олиб, Моҳона қалъасининг тасхирига жаҳд қилсунлар!». Ёрлиқ бўлгондин сўнг бу баҳодирларниким дедук, Қулзум дарёсига кириб, Соҳибқирон давлатидин муҳолифларга тааллуқ кемаларини олдилар ва турмай, кемаларга кириб, наққора ва нафир била қалъа сори юридилар².

«Сўнгра дарҳол қўшинларга тартиб бериб, майдон мардлари туғ ва байроқлар, карнай-сурнай, нағораю курколар билан кемаларда жўнадилар. Дарё юзи аслаҳа, совут, қиличлар шуъласидан қуёшдек ярқиради. Халкнинг ушла, тут овози, лашкарнинг ҳайқириғи, нағоралар садоси ва урҳо-ур овозлари қулоқлар пардасини йиртарди. Амир Соҳибқирон тезликда дарё лабига етиб келиб, лашкарга ҳисорни тўрт томонидан ўраб олишни буюрди. Фармонни бажо келтирдилар. Ўша куни шундай жанг бўлдики, унинг шарҳу баёнига тил қисқалик қилади»³.

Сори денгиздан 60 км.ча шарқдаги шаҳар бўлиб, Мозандарон вилоятига кирарди. Моҳона қалъаси – Моҳони Сер-денгиз бўйидаги шаҳар. Соҳибқироннинг бу ерларга юриш қилишидан мақсад – Мозандаронда ҳокимиятни қўлга олган шиа мазҳабидаги саййидларнинг суннийларни таъқиб этишини тўхтатиш эди. Албатта, тинч йўл иш бермагач, Амир Темур куч ишлатишга мажбур бўлган эди.

1221 йилда Чингизхон Хоразмнинг пойтахти Гурганчни олганда бутун тўғонларни бузган ва натижада Амударё сувининг талай қисми Каспийга қуйилган. Шу боис ҳам Амуй (Чоржўй)даги кемачилар дарёдан денгизга бемалол ўтиб, қалъани қамал қилишган. Юқорида Каспий денгизи Қулзум дарёси деб аталапти. «Раъд отқучилар» дейилганда, момақалдиروқдек гумбурлаб портловчи ва чакмоқдек оловли чакнагувчи куролни тушуниш керак, бомбанинг бир тури деб айтиш мумкин.

Моҳон қалъасини эгаллаш билан боғлиқ воқеалар тафсилотида зикр этилган Шайх Али номи Йаздийда Шайх Али Муса деб, Шомийда эса Шайх Али Қоракўлий деб қайд этилган. Нодиршоҳ Қоракўлий номини эса иккала муаррих ҳам бирдек зикр этган. Демак, Нодиршоҳ Қоракўлий ва Шайх Али Қоракўлийлар Амир Темурнинг 1392-1396 йилларда олиб борган «Беш йиллик юриш»ида иштирок этишган. Қайд қилинган Пирпошшо Астробод вилояти ҳокимининг ўғли, Арғуншоҳ Бурдолиғий – келиб чиқиши Аму бўйидаги

¹ Н.Шомий. Зафарнома. 169, 170-бет.

² Ш.Йаздий. Зафарнома. 145-бет.

³ Н.Шомий. Зафарнома, 170-бет.

Бурдолик деган кечувдан бўлган баҳодирлардан, 1394 йил апрелида Амит қалъасини эгаллашда жонбозлик кўрсатган. Нодиршоҳ ва Шайх Али Қорақўлийлар сув йўлида, денгиз ва дарё кемаларидаги қўшинга бошчилик қилишган, уларнинг зиммасига сув йўли орқали қалъа яқинига бориш ва тўсатдан ҳужум қилиш вазифаси юклатилган ҳамда кемачилар бириктирилган эди. Мўғуллар хитойлардан ўрганиб XIII асрда порохни ишлатишган бўлса, туркий халқларда олтингугуртлик чакмоқ тошлар қадимдан маълум эди. Порох ва оддий тўплар XIV аср ўртасидаёқ бор эди. Амир Темур олиб борган жангда эса, бомбанинг бирор тури портлатилган деб изоҳланади.

Амир Темурнинг беш йиллик юришга отланиши билан боғлиқ ушбу воқеалар тафсилотини Муиниддин Натанзий шундай деб баён этади: «Ғалаба шиорли байроқлар Гургон ва Табаристон ҳудудига етганда, лашкарга уч қисмга бўлиниб, Мозандаронга ўтиш учун чангалзор ва ўрмонларни кесиб йўл очиб, олға юришга буйруқ берилди. Султон соҳибқирон Пирак подшоҳ ибн Лукмон подшоҳни бошқа денгизчилар билан бирга кемаларда денгиз орқали жўнатиб, денгиз йўлини мозандаронликларга ёпиб қўйишни буюрди. Ҳазрат ўзи бошқа лашкарлар билан уч тарафдан ғанимни муҳосара қилди¹.

Салоҳиддин Тошкандийнинг 1908 йилда нашр этилган «Темурнома» ёки «Амир Темур Кўрагон жангномаси» деб номланган асарида Амир Темурнинг «Уч йиллик юриши» даврида унинг тахти ҳар қаерда бўлиб, қарор топмагани, Амир Темур Нишопурда оғу ичиб ўлибди деган гап тарқалиб, Тўхтамишхон қўшин тўплаб Мовароуннаҳрга юриш бошлагани ва Самарқандни қамал қилгани айтилади. Олти ой мобайнида Самарқанд, Шаҳрисабз, Қарши ва Бухорода қипчоқ аскарлари билан жанг олиб борилади. «Алқисса, бир куни Хонимча (бу ерда Сарой Мулк хоним назарда тутилади) яна бир тадбирни ўйлаб топди. Амир Чокуни чақириб айтди, эй тоғажоним, албатта Амир Темур Соҳибқирон келурлар. Тўхтамишхонга ҳам Амир Соҳибқироннинг ҳаётлиги маълум бўлсин эмиш. Энди бир кишини топқайсизки, Хуросон тилида сўзласин. Унга бир хат қилиб берсак, мирзо Сайфиддиннинг хатидек бўлса, аммо унга бир ҳорган ва чарчаган от ҳам топиб берсангиз. У бир қишлоқдин чиқиб Бухорога қараб келаверса, албатта хоннинг қўлига тушиб хатни очиб кўргай».

Бу сўз Амир Чокуга кўп маъқул бўлди. Филҳол Хонимча андин кейин ўлтириб, Амир Соҳибқирон тилидан Амир Чокуга нома ёзди. Амир Соҳибқироннинг муҳрини Хонимча кутти ичига сақлаб қўйган эди. Номани охирига босиб, муҳрлаб ул мазкур кишининг қўлига берди. Ундан кейин ул одам йўлга равона бўлди. Неча манзил йўл юриб, кечи бирлан Қорақўл мавзесига бориб, ундан Бухорога қайтиб адашган кишидек, Бухоронинг дарвозасини сўраб келаверди. Шу ҳолатда қипчоқ қоровуллари кўриб уни маҳкам тутиб, ёнларини титкилаб хатни топиб, хоннинг ҳузурига келтирдилар. Номанинг мазмуни шундай эди: « Алҳамдилулло таоллога, ундан кейин расул алайҳиссаломга, ундан кейин айтибдирким, эй Амир Чоку, эшитдимки, Тўхтамишхон келиб, Самарқандни олиб, Бухоро шаҳри қамалда эмиш. Энди уни тадбир билан ўзга ерга юбормай сақлангиз, бизлар бугун ёки эртагача етиб борурмиз». Номани ўқиб тамом қилар-қилмас, Амир Соҳибқироннинг даб-

¹ Муиниддин Натанзий. Мунтахаб ут-тавориҳи Муиний. Т.2011, 152-бет.

дабасидан кўрқиб, Бухоронинг саҳросидан беадад ва беҳисоб қўшин билан қипчоқлар қочиб кетдилар. Хонимчанинг қилган тадбиридан Бухоро халқининг жонлари тинчиб, ҳузурда бўлдилар¹.

Ўрта асрлар ҳарбий стратегиясидан шу нарса маълумки, ҳарбий юришларда мустаҳкам кўрғонлар, қалъалар муҳим аҳамият касб этган. Шу мақсадда Қорақўлда ҳам мустаҳкам истехком куриш зарурати туғилган ва темурийлар даврида бу ерда ҳам қалъа барпо этилган. Тарихан олиб қаралганда, Бойканднинг сувсизликдан таназулга юз тутиши, одамларнинг сувнинг янада қуйроқ оқимига қараб кўчиши, мўғул истилоси даврида бундай истехкомнинг бу ерда яратилиши ҳақиқатдан йироқлиги (чунки мўғуллар куриш ўрнига бузиб вайрон қилган), Бобурнинг Қорақўлни ўзига хос муҳим стратегик вилоят тарзида таърифлаши, М.Шайбонийхон юриши даврида Қорақўл қалъасидаги ҳатти-ҳаракатлардан шундай хулоса чиқариш мумкин – Қорақўл қалъаси айнан темурийлар даврида барпо этилган.

1936 йилда археолог олим В.А.Шишкин раҳбарлигида Қорақўл қалъаси қолдиқлари ўрганиб чиқилган. Ушбу тадқиқот ишида катнашган тарихчи олим Ш.Камоловнинг айтишича, Қорақўл шаҳри 75 гектар майдонни эгаллаб, унинг атрофи беш пахса девор билан ўраб олинган. Девор остининг эни уч метр, устки қисмининг эни 70 см бўлган. Шаҳарнинг тўртта дарвозаси бўлиб, шимолий дарвозадан Бухоро томонга, шарқий дарвозадан Қарши томонга, жанубий дарвозадан Чоржўй томонга, ғарбий дарвозадан Урганч томонга йўл кетган. Қорақўл қалъаси ичида учта тошдан терилган кудук мавжуд бўлган². Қорақўл қалъаси деворларининг айнан қачон тикланганлиги, ким томонидан тикланганлиги тўғрисида ҳозирча аниқ маълумот йўқ.

Қорақўл кўрғони, қалъаси тўғрисидаги маълумотлар М.Солиҳнинг «Шайбонийнома» (XVI аср), Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Абдулланом» (XVI аср), Муҳаммадёр ибн Араб Қатағаннинг «Мусаххир ал-билод» (XVII аср) Абулғози Боҳодирхоннинг «Шажарайи турк» (XVII аср), Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг «Убайдулланом» (XVIII аср), Абдурахмон Толенинг «Абулфайзхон тарихи» (XVIII аср) асарлари ва бошқа манбаларда берилган. «Хоразм сафари кундаликлари» асарида 1851 йилда Қорақўлнинг мустаҳкам қалъаси борлиги таъкидланган. 1860-1885 йилларда Қорақўлда қозилик қилган Мулла Абдулвоҳиднинг Амир Музаффархонга ёзган шикоятномасида Зарафшон суви зўр-базўр Қорақўл қалъаси атрофларига қадар оқиб келиши ҳақида маълумот берилганини ҳисобга олсак, XIX асрнинг охирида ҳам Қорақўл қалъаси мавжуд бўлган.

Амир Темурнинг вафоти (1405)дан кейин тахт учун ўзаро кураш авж олади. 1405 йилнинг март ойида унинг ўғли Шохрух Мирзо Ҳиротда ўз номини Хутбага қўшиб ўқитиб, ўз номидан танга зарб қилдиради. Халил Султон Самарқандда ҳокимиятни эгаллаб олади ва ўзини Мовароуннахрнинг ҳукмдори деб эълон қилади. Яхлит империя бўлакларга бўлинади. Мирзо Улуғбек, Иброҳим Султон ва унинг ҳамроҳлари ноиложликдан Дабусияни тарк этиб Бухорога қараб йўл оладилар. Саккиз фарсанг йўлни олти кунда босиб ўтадилар

¹ Салоҳиддин Тошкандий. Темурнома, 208-209 бет.

² Ш.Нурматов. Қорақўл таронаси. Т. 1996. 24-бет.

ва Карманада тунаб, эрта тонгда Бухорога етиб келадилар. Аммо Бухоро ҳам нотинч бўлиб, Улуғбек ва унинг ёнидаги амирлар бу ерда тўхтаб қололмайдилар. Бир кундан кейин шаҳарда исён уюштирилади ва шахзодалар, Мирзо Улуғбек ва унинг ҳамроҳлари шаҳарнинг Таллипач дарвозаси орқали чиқиб, Қоракўл томонга йўл оладилар. Мирзо Улуғбек ва унинг атрофидагиларни Халил Султоннинг одамлари Қоракўлгача таъқиб қилиб келадилар. Фақатгина Қоракўлга етиб келингач, таъқибчилар орқага қайтиб кетадилар. Чунки Қоракўл қалъаси шу пайтда ҳарбий истехком сифатида ишончли жой эди. Улуғбек ва унинг одамлари Қоракўлда нафасни ростлаб оладилар, қоракўлликлар уларга ҳурмат-эътибор кўрсатиб, сўнгра Келиф қалъасига кузатиб қўядилар. У ердан Улуғбек Ҳиротга қараб йўл олади. Бу Мирзо Улуғбекнинг Қоракўлга биринчи ташрифи эди.

Хуросон ҳукмдори бўлиб турган Шохрух Мирзо 1442 йилнинг 12 мартда 72 ёшда вафот этади. Унинг ўлимидан кейин ўзаро урушлар кучайиб кетади. Шохрухнинг набираси Абулқосим Бобур ва жияни Мирзо Халил 1447 йил 13 мартда Шохрухнинг жасади солинган тахтиравон билан Ҳиротга қараб йўл олади. Улуғбекнинг ўғли Абдуллатиф отасига бобосининг ўлими тўғрисида хабар юборади. Самарқандда зудлик билан кенгаш чақирилиб, Улуғбек ягона ворис ва Шохрухнинг меросхўри эканлиги эътироф этилади. Кенгашдан тўрт кун ўтиб, Улуғбек ўз кишилари ва қўшини билан Самарқандни тарк этиб, Термиз орқали Ҳиротга қараб йўл олади. Улуғбек Ҳирот тахтини Абдуллатиф ўғлига топшириб, ўзи отасининг жасадини Самарқанд тупроғига топширишга шошилади. (Бошқа манбада бу сана 1448 йил декабри деб кўрсатилган). Сарахс орқали Амударёгача келадилар. Улуғбекнинг буйруғи билан Амударёда ёғочдан кўприк курилади. Кечаси унинг қўшини тахтиравонга қўйилган отасининг жасади билан кўприкдан ўтади. Кўприкдан ўтишлари билан Абулхайрхоннинг кўчманчи ўзбеклардан иборат қўшини унга таҳдид қилади. Амударёни кечиб ўтган Улуғбек тезда Қоракўл қалъасига етиб келади. Бу ерда Қоракўл ҳокими ва уламолар билан учрашиб, уларнинг таъзияларини қабул қилиб, нафасни ростлаб эртасига Самарқандга қараб йўл оладилар. Улуғбек сафардан ғолиб сифатида эмас, балки мағлуб сифатида қайтаётган эди. Аммо фарзандлик бурчини тўла-тўқис бажарганидан мамнун эди. Бу Улуғбекнинг Қоракўлга иккинчи ташрифи эди.

Инглиз муаррихи Хильда Хукхэмнинг ёзишича, Амир Темур чет эллик савдогарларга катта эътибор билан қараган ва ўзининг салтанати ҳудудида улар учун улкан имкониятлар яратиб берган. Агар бирор бир савдогар унинг салтанати ҳудудларидан бирида талон-тарож қилинса, шу ҳудуд аҳолиси ўғирланган, таланган мол-мулк қийматини икки ҳисса қилиб савдогарга тўлаган ҳамда айнан шу суммани беш ҳисса миқдорида Амир Темурга тўлаши лозим бўлган¹. Амир Темурнинг ушбу тартиб-қоидаси набираси Мирзо Улуғбек даврида ҳам маълум даражада амалда бўлган. Қуйидаги воқеа тафсилоти бунинг ёрқин далилидир.

Мирзо Улуғбекнинг ҳукмдорлиги пайтида Қоракўл билан боғлиқ қизиқ воқеа бўлиб ўтганлигини Б.Аҳмедов ўзининг «Улуғбек» номли тарихий

¹ Хильда Хукхэм. Властитель семи созвездий. Перевод с английского Г. Хидоятова. Т. 1995, 165-бет.

қиссасида баён этади. Кунлардан бир куни Улуғбек девонда иш билан машғул пайтида бир киши унинг ҳузурига кириб, оёғига йиқилиб, арз-дод қилади. У кишининг айтишича, Хуросондан Самарқандга келаётган савдо карвонига қўшилган. «Жайхун бўйига келиб отлиқлар шошилдилар, биз дарёнинг саёз жойидаги кечувдан ўтишимиз керак эди. Лекин ҳамёнимда чарм халтачага солиб қўйилган ва маҳкам ўралган ёқут тоши, лаъл бор эди. Кечув олдида мен ҳамёнимни тугунчага ўраб олган эдим. Кечувдан ўтгач, мен кийимларимни алмаштириш учун четроққа ўтдим, орқага ўгирилиб кийимларимни алмаштирдим. Аммо қайси кўз билан кўрайки, тугунчам ечилиб кетган эди. Мен шоша-пиша ҳамёнимга қўл узатдим. Ёқут тош, лаъл йўқ эди. Мен ўз ҳамроҳларимдан яширинча кийиниб олган эдим. Шу боис улардан гумонсирай олмасдим, ёнимда ҳеч ким йўқ эди. Эҳтимолки, кечув пайтида тугуним очилиб кетгандир, мен сезмагандирман. Ёки мен тескари туриб кийинаётган пайтимда кимдир ўғирлаган. Ахир учар ўғрилар кўп-ку. Менинг ғаму-фигонимнинг боиси шудир подшоҳим».

Улуғбек савдогарга тасалли бериб, бир-икки йил кутиши кераклигини айтади. Топилса топилди, бўлмаса унинг қийматини тўлаймиз деб ваъда беради. Аммо ҳукмдор ўз ваъдаси ҳақида ўйлаб кўрар экан, ишнинг нақадар мушкуллигини ҳис этади. Ахир дарё чуқур ва катта бўлса, кичкина ҳамённи қандай топиш мумкин ёки моҳир ўғри олиб кетган бўлса-чи? Лекин Улуғбек ўзида қаттиқ ишонч ҳосил қилади ва тўғри, одилона қарор қабул қилдим деб ҳисоблайди.

Орадан бир йил ўтади, янги йил киради. Улуғбек ўтган йилда солиқ тўлаганларнинг рўйхатини сўрайди ва уларни текширар экан, ўтган йилда Қорақўлдан бўлган бир кишининг белгиланган 50 танга солиқ-хирож учун 500 танга тўлаганини аниқлайди. Улуғбек девоннинг ясовулбошисини чақириб, Қорақўлга чопар юборишни ва 500 танга тўлаган одамни Самарқандга олиб келтиришни буюради. Қорақўллик кишини Улуғбек ўзининг хилватхонасига чақириб, яккама-якка гаплашади, ундан нима сабабдан хирож солиғини ўн баробар ортиқ тўлаганини сўрайди. Қорақўллик шундай жавоб беради: «Мен бор йўғи пахта саваловчиман, подшоҳим. Бир куни мен ҳовлимдаги супада пахта савалаб турган эдим, тўсатдан менинг ёнимдаги дарахтга ҳакка келиб қўнди. Тумшуғида бир бўлак гўштга ўхшаган нарсани ушлаб турарди. Дарахтнинг бошқа шоҳига иккинчи ҳакка келиб қўнди ва шунда биринча ҳакка қағғиллаб тумшуғидаги ўша бўлак нарсани тушириб юборди. Мен чопиб бориб ўша бўлак нарсани олдим ва қарасам, қуриган лойга булғанган чарм халтача экан. Қизиққанымдан шу ернинг ўзидаёқ халтачани очдим: Унда ёқут тош, лаъл бор эди, у қуёш нурида ялтираб кетди. Бунини мен худонинг марҳамати деб қабул қилдим. Зар қадрини заргар билади дейдилар. Бу бекорга айтилмаган. Мен эртаси куни Бухорога йўл олдим ва бир заргарнинг дўконига кирдим. Заргар мен олиб келган нарсани кўлига олиши билан ҳовлиқиб қолди, ранги ўзгарди ва ҳайратга тушди. Заргар менга ўгирилиб олиб келган тошининг баҳоси 1000 танга деди. Мен яна кўшинг тақсир, дедим. Савдолашдик ва мен қимматбаҳо тошни 1500 тангага сотдим. Бозорга бориб ўзимга бир от, хотинимга тақинчоқ, болаларга турли хил кийим-кечак, уй учун гилам ва бошқа нарсаларни харид қилдим. Албатта кўни-кўшнилари менинг ҳолатимдан таажжубланишди. Шунда

мен уларга Бухородаги бой қариндошим бошқа меросхўри йўқлиги боис, бойлигини менга қолдирибди деб айтдим». Шунда Мирзо Улуғбек Бухородаги ўша заргарни Самарқандга олиб келтиришни амр қилади ва заргарга савол беради: «Қани айтингчи, бизнинг эшитишимизча, сиз яқинда жуда қимматбаҳо тошни сотиб олганмишсиз?». Заргар бундай тошни сотиб олмаганлигини айтиб, рад жавобини беради. Улуғбек яна унга юзланиб, кўзингиздан маълум бўлаяпти, айнан сиз ўша қимматбаҳо тошни сотиб олгансиз дейди. Заргар қасам ичади: «Агар ёлғон гапирсам, худо урсин». Сўнг Улуғбек мунажжим ва ясавулбошини олдига чакиради, заргарнинг қасамини шархлаб беришни сўрайди. Шу ернинг ўзида ясавулбоши заргарнинг уйини ва дўконини тинтув қилиш ҳақида амр қилади. Шунда заргар ваҳимага тушади: «Наҳотки сандикдаги ўша ёқут тошни подшоҳнинг одамлари топиб олса!». Заргар рангирўйи оқарган бир аҳволда ўзини Мирзо Улуғбекнинг оёқлари остига ташлайди: «Бир қошиқ қонимдан кечинг аёло ҳазратлари, гуноҳқорман. Мени ўлдирманг, ўша қимматбаҳо тош менда». Ясовулбоши одамларини унинг уйига юборади ва заргар ёқут тошни қайтариб беради. Улуғбек ёқутни ўз хўжайинига қайтаради.

Ушбу воқеанинг тафсилотидан чиқадиган хулоса шундан иборатки, Темурийлар ҳукмронлиги даврида карвонлар хавфсизлиги яхши таъминланган бўлиб, йўллар ободонлаштирилган эди ва талон-тарож қилиш, қароқчилик қилиш қатъиян таъқиқ этилган эди. Қорақўллик оддий косиб-хунареманднинг топиб олган буюми ҳисобидан йиллик хирож солиғини 10 карра ортиқ қилиб тўлаши эса, унинг диёнатли, виждонан пок ва ҳалол инсон эканлигидан далолат беради.

Темурийлар даврининг кейинги йилларида Мовароуннаҳрни марказлашган давлат қилишга ҳаракат этган Бобур Мирзо ўзининг «Бобурнома» сида Самарқанд ва Бухорони бошқарган султон Аҳмаднинг умаро (амир)ларини бирма-бир таърифлар экан, шундай деб ёзади: «Неча маҳал Қорақўл ҳукумати анда учун, Султон Ҳусайин Қорақўлийга машҳур эди. Раъй ва тадбири хейли яхши эди. Менинг қошимда ҳам хейли бўлур эди»¹. Бу ерда қайд этилган Султон Ҳусайин келиб чиқиши туркий қабила бўлган арғунлардан бўлиб, темурийлар даврида, 1490 йилларда Қорақўлнинг ҳокими сифатида Қорақўлий номи билан машҳур бўлган эди.

Бобур Самарқанд ва Бухорони таърифлаб, Кеш, Қарши, Ғузор, Кармана ва Қорақўл вилоятини тавсифлаган. Қорақўлнинг ҳам вилоят деб таърифланиши унинг муҳим стратегик манзил эканлиги билан боғлиқ эди.

Маълумки, З.М.Бобур ўзининг «Бобурнома» асарини кўрган-кечирганлари асосида яратган. Шундан келиб чиқилса, Бобур Қорақўлга ташриф қилган, унинг аҳолиси, ҳудудий тузилиши ва жуғрофий жойлашуви тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлган. Шунинг учун ҳам «Поён оброкдур», «Яхши тумоноти бор», «Бухородин етти йиғоч ғарб-шимолийдир» деган таърифларни берган.

Темурийлар салтанатининг пойтахти бўлган Самарқанддан сафарга отланган савдо ва элчилик карвонлари шимолий Хуросон йўли билан Эрон орқали Ҳиндистонга қараб йўл олар экан, албатта қадимий Бойканд-Қорақўл орқали ўтган ҳамда бу ердаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётга

¹ З.М.Бобур. Бобурнома, 23-бет.

сезиларли таъсир кўрсатган. Савдо-сотиқни ривожланишида Улуғбек томонидан ўтказилган пул ислоҳоти муҳим рол ўйнаган. Улуғбекнинг чақалари «фулуси адлия», яъни «адолатли чақа» номи билан шуҳрат топган. Бундай чақалар Қорақўлдан ҳам топиб ўрганилган.

Темурийлар даврида Қорақўлда яшаб ўтган, илм-фан ва маданият ривожига катта ҳисса қўшган Ҳисомий Қорақўлий ва Мавлоно Осимий тўғрисида унчалик кўп бўлмаса-да, айрим маълумотлар сақланиб қолган.

Ҳисомий Қорақўлий (Девона Ҳусомий ёки Девонаи Ҳисобий) 1442 йилда туғилиб 1505 йилда вафот этган. У созанда, бастакор, хонанда ва шоир бўлган. Хўжа Аҳрорнинг таклифига биноан, Қорақўлдан Самарқандга кўчиб келган ва унинг хонақосида бошқа ҳофизлар билан биргаликда Жалолиддин Румий, Қосим Анвар ва ўзининг ғазалларига битилган асарларни куйлаган. Ўрта асрнинг машҳур мусиқашуносларидан ҳисобланган Дарвешали Чангийнинг мусиқа тўғрисидаги рисоласида Девонаи Ҳисомийдан кўпгина нақшлар, пешравлар ва шеърӣ девонлар мерос бўлиб қолганлиги таъкидланади¹.

Мавлоно Осимий – Қорақўлий келиб чиқиши жиҳатидан хоразмлик бўлиб, Хивада таваллуд топган, аммо Қорақўлда истиқомат қилган. Ўша даврнинг машҳур кишиларидан саналган Хўжа Аҳрори Валийнинг шогирди ва мусоҳиби бўлган. У Муҳаммад САВ томонидан баён этилган «Ал фақр фаҳри» (Камбағаллик менинг фаҳрим) ақидасига қатъиян амал қилиб яшаган. Шу боис ҳам Қорақўл яқинида ўзи қўш хайдаб, деҳқончилик қилиши эвазига фақирона ҳаёт кечирган. Европалик машҳур сайёҳ Ҳерман Вамбери Темурийлар даврининг шуҳрат қозонган олимларини таърифлар экан, рўйхатнинг бошида Мавлоно Осимийни кайд этган². Темурийлар даврида жуда кўплаб иморатлар, мадрасалар, мақбаралар, хонақолар, масжидлар ва бозорлар бунёд этилган. Шулардан бири Чибирдон ота ёки Ширбурдон ота мақбараси бўлиб, у чорвадорлар пири, авлиё сифатида ном чиқарган Ширбурдон ота шарафига Темурийлар даврида қурилган. Чибирдон ота мақбаралар мажмуаси археолог олим Я.Ғуломов томонидан 1952 йилда ўрганилган.

Мақбаранинг пештоқ қисми ўзидан шарқ томонда жойлашган саккиз бурчакли мақбарага қараб туради. Пештоқнинг юқори қисмида бешта равоқчалар, икки бурчагида минорасимон гулдасталар қурилган. Мақбаранинг гўрхона ва чиллахоналари диаметри 4 метр ҳажмдаги пастроқ қилиб қурилган гумбазлар билан ёпилган. Гўрхонадаги қабрлар устига терилган хом ғишт ҳисобига ердан бир оз кўтарилган. Бинонинг ўлчови 14,5 x 10,5 метрга тенг. Ђиштлирининг ҳажми 32x21x17 см.ли бўлиб, улар гўрларнинг ер ости қисмига ҳам терилган. Қ.Жумаевнинг ёзишича, марҳумларни бундай қабрларга дафн қилиш Марказий Осиёда X-XI асрларда урф бўлган³. Гўрхонанинг дастлаб тўртта эшиги бўлган. Шимолий ва жанубий деворлардаги эшиклар бир-бирига симметрик жойлашган бўлиб, ғарбий деворда эса, иккита бир хил ўлчамли эшиклар бўлган.

Мақбара биносининг девори остидаги пойдевори қуйидаги таркибда жойлашган: қаттиқ кум қатлами устига қалин лой ётқизилган, устидан

¹ ЎМЭ, 3-жилд, 229-бет.

² Ҳерман Вамбери. Бухоро ёҳуд Мовароуннаҳр тарихи. Т. 1990.74-бет.

³ Қ.Жумаев. Қорақўл ёдгорликлари. Мозийдан садо. 2009. 4-сон.

тиккасига икки қатор квадрат ғишт терилган, унинг устидан қамиш қатлами ётқизишиб, устидан ғишт терилган. 1952 йилда бино ёнида қазилма ишлари олиб борилганда, 1428-1429 йилларда, яъни Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги даврида Бухорода зарб қилинган танга топилган. (Мирзо Улуғбек томонидан 1428 йилда пул ислоҳоти амалга оширилиб, илгари зарб этилган мис тангаларнинг муомалада бўлиши тақиқланган. Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Андижон, Қарши, Термиз, Шохрухия каби шаҳарларда янги тангалар зарб этилган. Эски тангаларни янги тангаларга алмаштириш тугаллангандан кейин, фақат Бухородаги зарбхона фаолияти сақланиб, қолганлари ёпилган). Бино ўзининг ташқи кўринишига кўра Бухородаги Сайфиддин Бохарзий мақбарасига ўхшаб кетади. (Сайфиддин Бохарзий XII аср охири – XIII асрда яшаб ўтган, Қубравия тариқатининг йирик намоёндаси, «Шайх ул-Олим» даражасига эришган шайх ҳисобланади). Аммо Чибирдон ота мақбараси пештоқининг анча пастлиги билан ажралиб туради ва бу унинг XIV асрнинг иккинчи ярмида қурилганидан дарак беради¹. Мазкур экспедициянинг аъзоси бўлган меъмор В.В.Нильсен мақбараларнинг меъморий ўлчовлари ва қурилиш услубини тадқиқ этиб, саккиз бурчакли мақбарани XI асрга, уч хонали хонақоҳни эса XIV асрга тааллуқли деб хулоса беради.

Ширбурдон кўрғонининг номи айрим жойда Обкент, айрим жойда Амдиза қалъаси сифатида кўрсатилган. Ширбурдон ота ёки Абдурахмон Вали томонидан кўрсатилган жасорат ўз замондошлари бўлган Нажмиддин Қубро ва Маҳмуд Торобийларнинг жасоратига ўхшаб кетади. Нажмиддин Қубро ўта машҳур шахс, авлиё даражасида бўла туриб, кўлига қурол олиб, мўғулларга қарши курашда қаҳрамонлик кўрсатган. Жондорлик Маҳмуд Торобий ҳам М.Улуғбекнинг ёзишча, нафақат мўғулларга қарши курашга бошчилик қилган, балки авлиёлик хислатларига ҳам эга шайх бўлган². Ширбурдон (Чибирдон) ота ёдгорлиги мажмуаси мустақиллик йилларида қайта таъмирланиб, обод ва гўзал зиёратгоҳга айланди. Қорақўлликлар ўз пирларига садоқатларини изҳор этиб, зиёратгоҳни ободонлаштирдилар ва энг гавжум қадамжолардан бирига айлантирдилар.

Темурийлар даврида Қорақўл қалъаси барпо этилиб, Қорақўл муҳим стратегик маконга айлантирилди, иқтисодий ва маданий ҳаётда ўзгаришлар амалга оширилди, савдо-сотиқ ривожланди, ободонлик ва маъмуриликка эътибор кучайди.

3-§. Шайбонийлар ҳукмронлиги даври.

1510 йилда Шох Исмоил кўшинларидан енгилиб, Шайбонийхоннинг ҳалок бўлганидан кейин Мовароуннаҳр темурийлардан Заҳириддин Муҳаммад Бобур кўлига ўтади. Лекин кўп ўтмай шайбонийлар яна Мовароуннаҳрни эгаллаганлар. Шу вақтдан бошлаб Мовароуннаҳр бутунлай шайбонийларга тобе бўлган. Ўша вақтларда Бухоро хонлигига ҳозирги Ўзбекистоннинг ва Тожикистоннинг катта қисми, Балх ва Бадахшон кирган. 1500-1501 йилларда Самарқанд ва Бухорони эгаллагандан бошлаб, то 1601 йилгача давом этган

¹ Қ.Жумаев. Қорақўл ёдгорликлари. Мозийдан садо. 2009. 4-сон.

² М.Улуғбек. Тўрт улус тарихи. Т.1994. 299-301 бет

шайбонийлар сулоласи ҳукмронлиги даври Мовароуннаҳр тарихида, Бухоро ва Қоракўл тарихида муҳим ўринни эгаллайди.

Қарийб бир асрга яқин давом этган шайбонийлар ҳукмронлиги даврида ҳам тинчлик бўлмади, қирғинбарот урушлар, ўзаро ички курашлар давом этди. Шайбоний Убайдуллоҳон (1533-1539) тахтга кўтарилгач Бухоронинг мавқеи ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан анча кучайди ва Мовароуннаҳрнинг сиёсий-маъмурий марказига айлантирилди. Абдуллаҳон даврида, 1557 йилда пойтахт расман Самарқанддан Бухорога кўчирилди ва бу сана тарихга Бухоро хонлиги ташкил топган йил бўлиб кирди.

1. Муҳаммад Шайбонийхон ва Қоракўл

XVI аср бошларида заифлашиб бораётган темурийлар салтанатига Дашти Қипчоқ томонидан кўчманчи ўзбеклар давлати ҳукмдори Муҳаммад Шохбахт Шайбоний хужуми бошланди. Шайбонийхон 1500-1501 йилларда Самарқанд ва Бухорони, 1504 йилда Ҳисор вилоятини, 1504-1505 йилларда Урганчни, 1506-1507 йилларда Хуросон пойтахти Ҳирот ҳамда Балхни, шунингдек Марв, Машҳад, Нишопур, Тошкент, Фарғона ва Сирдарё ерларини забт этди. Қатъиятли саркарда Шайбонийхон темурий шахзодалар орасида ўзига муносиб рақибни Заҳриддин Муҳаммад Бобур сиймосида учратди. Темурийлар ҳокимиятини сақлаб қолиш учун бир томондан, уни эгаллаб олиш учун иккинчи томондан бошланган ҳатти-ҳаракатлар кучайиб борди. Темурийлар сулоласи ва Шайбонийлар сулоласи ўртасидаги кураш авжига чиқди. Натижада Мовароуннаҳр ва Хуросон ягона давлат таркибидан чиқиб кетди. Эронда кучайиб бораётган сафавийлар вазиятдан фойдаланиб, бу икки саркарда курашига аралашди. Мамлакатда парокандалик авжига чиқиб, олдинги шон-шухратдан путур кетди.

Муҳаммад Шайбонийхон ва Қоракўл билан боғлиқ айрим воқеалар тафсилоти Муҳаммадёр ибн Араб Қатағаннинг «Мусаххир ал-билод» (Мамлакатларнинг эгалланиши) деган асарида қуйидагича баён этилган. «Шайбонийхон Туркистон вилояти томон йўлга тушди. Бундан унинг мақсади ёз фаслини ўша вилоятда ўтказиш эди. Муҳаммад Шайбонийхон барча яқинлари билан бутун ёз ва кузнинг кўп кунларини Туркистон вилоятида истиқомат йўсини ила ўтказди. Қиш фасли совуқ нафас олиб, аёзли кунлардан дам ура бошлагач, Муҳаммад Шайбонийхон укаси Маҳмуд Султон ҳамда Алайка Султон, Ҳамза Султон, Севинчхожа Султон ва бошқа амирлар билан маслаҳатни бир ерга қўйиб, Қоракўл вилояти томон йўлга тушдилар. У ерга етишиб, барчаси ўша қиш бўйи Қоракўлда тўла роҳату фароғат, хузуру ҳаловатда яшадилар¹.»

Маълумки, Шайбонийхон ҳам бобоси Абулхайрхон каби Мовароуннаҳр ҳукмдорларига ёрдам бериб, уларнинг ички ишларига аралашиб турган. Самарқанд подшоҳи бўлиб турган Султон Аҳмад Мирзо ўз қўли остидаги Бухоро ҳокими бўлган Амир Абду Али Тархон орқали ундан ёрдам сўрайди. Шундан кейин Муҳаммад Шайбонийхон Бухорога ёрдам бериш учун Хоразм йўлидан Бухоро томонга қараб ҳаракат қилади. Хоразм ҳукмдори бўлиб турган

¹ Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. «Мусаххир ал-билод.» Т.2009,32-бет.

Абдухолик ибн Аҳмад ибн Ферузшоҳ Шайбонийхонни яхши кутиб олиб, совғасалом қилади. Бухорога қараб ҳаракатланаётган қўшин Қоракўлга яқинлашганда, бу ерда ҳокимлик қилиб турган Амир Султон Ҳусайин арғун ҳам Шайбонийхонни совға-салом ва ҳадялар билан кутиб олади. Бухорога бораётган кўп сонли ўзбеклар қўшини Қоракўл чўлида маълум муддат тўхтади¹.

Шайбонийхон Тошкентга ҳужум қилади. Тошкент атрофида унинг укаси Маҳмуд Султон Султон Маҳмуд аскарларига асирга тушади. Тошкент ҳукмдори Султон Маҳмудхон Маҳмуд Султонни озод қилиб, акаси Шайбонийхон ҳузурига юборади. Шайбонийхон Самарқандга ҳужум қилишга шайланади. 1499-1500 йилда Самарқанд ҳукмдори Султон Али Мирзо билан Амир Муҳаммад Мазид ўртасида можаро келиб чиқади. Самарқандга юриш арафасида Тошкент ҳукмдори Султон Маҳмудхон ҳам ёрдам сифатида беш минг кишилик қўшин жўнатади. Султон Али Мирзо Султон Маҳмуд Мирзонинг ўғли эди.

Самарқанд фатҳига оз қолганда билкут уруғидан бўлмиш Амир Нур Саид ўғли Амир Муҳаммад Солиҳ ўзи хизматда бўлган Амир Муҳаммад Боқий Тархон лашкаридан ажралиб қочди ва Шайбоний ҳузурига келиб «Амир Муҳаммад Боқий Тархон Бухоро, Қоракўл ҳамда ўша ерларга қарашли жойлар лашкарини йиғиб, минг кишига яқин моҳир жангчилар билан Султон Али Мирзога ёрдамга келмоқда» деган хабарни етказди. Ана шундан кейин Шайбонийхон шаҳар дарвозасидан орқага қайтди. Дабусияда Муҳаммад Боқий Тархон билан жанг қилди. Муҳаммад Боқий Тархон Бухоро қалъасини ташлаб, Самарқандга кетган эди. Бухоро арки ва қалъасини эгаллаб олган Шайбонийхон Амир Муҳаммад Солиҳни Бухоро шаҳри доруғаси қилиб тайинлади².

Темурийлар даврида катта обрў ва эътиборга эга бўлган Шох Маликнинг набираси Муҳаммад Солиҳ томонидан яратилган шеърӣ тарздаги асар «Шайбонийнома» деб аталиб, унда кўчманчи ўзбекларнинг Ўрта Осиё, Мовароуннаҳр ерларига юриш қилишида уларга йўлбошчилик қилган Абулхайрхоннинг набираси – Муҳаммад Шайбонийхон ҳақида маълумот берилади. Муҳаммад Солиҳ Абдурахмон Жомийнинг шогирдларидан бири эди. Унинг отаси Нур Саидбек кўп йиллар давомида Мирзо Улуғбекка садоқат билан хизмат қилган. 1462 йил 5 октябрда Нур Саидбек Хоразм ҳокими этиб тайинланади ва тўрт йил ҳокимлик қилади. Нур Саидбекнинг отаси Шох Малик ўз вақтида Амир Темурга, ўғли Шохруҳга хизмат қилиб, Улуғбекнинг ёшлик йилларида унга ҳомийлик ҳам қилади. Муҳаммад Солиҳ 1501 йилдан то умрининг охиригача (1535) шайбонийларга хизмат қилади ва Бухорода вафот этади. Бухоро, Чоржўй ва Нисо вилоятларида ҳокимлик қилган. Унинг «Шайбонийнома» асари 1505 йилда ёзилган деб ҳисобланади. Шу даврда яшаб ўтган Биноийнинг ҳам худди шу номдаги асари мавжуд. Биноий олдин Шайбонийхонга, сўнгра Бобурга хизмат қилади. Муҳаммад Солиҳнинг асари Биноийнинг асаридан асосан, Қоракўл, Қарши ва Ғузорда кўтарилиган кўзғолонларнинг берилиши, шайбонийларнинг Шохруҳия, Ўратепа, Фарғона, Термиз ва Хоразмга қарши юришларининг тавсифланиши билан фарқланади.

¹ Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. «Мусаххир ал-билод». Т.2009,41,42-бет.

² Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. «Мусаххир ал-билод». Т.2009,61-66-бет.

Шайбонийхон 1505 йилда Самарқандга юришга тайёрланаётган бир вақтда Қарши, Ғузор ва Қорақўлда унга қарши қўзғолонлар бошланиб кетади.

1501 йилда Шайбонийхон Амударёдан қўшини билан ўтиб, деворлари мустаҳкам Қорақўл қалъасига дуч келади. Мисли кўрилмаган талофат билан уч ойлик камалдан сўнг қалъани истило қилади.

Шайбонийхоннинг яқин қариндошларидан бири Ҳамза Султон Қорақўлда ҳоким (валий) қилиб қолдирилади, унинг ихтиёрига унчалик катта бўлмаган қўшин ҳам берилади. Ҳамза Султон ўз навбатида бу ерга ўзининг уч доруғасини масъул этиб тайинлаган эди. Кичик ҳарбий гарнизонини бу ерда қолдирган Шайбонийхон тез орада кўтарилган исёндан хабар топади. Унинг оз сонли гарнизони исёнчиларга етарлича қаршилиқ кўрсата олмади. Бош кўтарган қорақўллик исёнчилар Шайбонийхоннинг яқинларидан бир нечтасини ўлдирадilar. Қўзғолончиларнинг ҳаракати ташкилий тусга эга бўлиб, унинг асосий қисмини Қорақўл шахрининг камбағаллари ташкил этган. Ўша замондаги гувоҳларнинг айтишича, қўзғолонга Гадоё деган киши бошчилик қилган ва халқ уни Қорақўлнинг ҳокими этиб сайлаган¹.

Шу ўринда икки оғиз сўз юқоридаги ҳоким тўғрисида. Манбаларда унинг кимлиги, шахси кўрсатилмаган. Асар муаллифи ҳам Шайбонийхонга садоқати ва хизмати юзасидан турган гапки, бу қорақўллик исёнчини ёқтирмаган ва «қандайдир қашшоқ», «гадоё» деб таърифлаган. Ҳақиқатда эса Гадоё шаҳар исёнчиларидан бирининг исмидир. Чунки ушбу исм Қорақўлда ҳозирда ҳам учрайди. А. Навоий ўзининг «Мажолис ун-нафоис» китобида Бобур Мирзо замонида шеъри машҳур бўлган туркигўй шоир Мавлоно Гадойини айтиб ўтади². Яна бошқа жихатдан, «Гадоё» уруғ-қабила номи бўлиб, исёнчилар бошлиғи шу уруғ-қабила вакили бўлиши ҳам мумкин. Чунки Н.Ханиковнинг «Описание Бухарского ханства» (1843) асарида Бухорода яшайдиган ўзбек қабиалари орасида гадоё номли қабила ҳам кўрсатилган. Қолаверса, шайбонийлар даврида Гадоё Султон, Гадоё Хўжа араб деган амирлар ҳам бўлган.

Катта ҳарбий қўшин билан Қорақўлга етиб келган Шайбонийхон исёнчиларга қарши аёвсиз уруш олиб бориб, бир неча қатъий зарбалардан кейин Қорақўл қалъасини қўлга киритади. Исёнчилар томонидан тайинланган маҳаллий ҳоким-Гадоё қатл этилади. Қорақўлга ҳокимлик қилиш ҳуқуқи ўзбек султонларидан бири бўлган Бобой Султонга берилади. У Шайбонийхоннинг ҳарбий саркардаси Жонибек Султоннинг укаси эди.

Қорақўлдаги исён бостирилгандан кўп вақт ўтмай, бу ерда яна қўзғолон кўтарилиб, улар энди темурийлардан бўлган ҳокимдан ёрдам сўрайдилар. Бу сафарги қўзғолон ўзининг ижтимоий қатлами ва таркиби билан олдингисидан фарқ қиларди. Чунки ҳаракатнинг бошида эндиликда ўзларининг аввалги мавқеларини тиклаб олишга интилаётган маҳаллий бой-феодаллар табақаси турарди. Ана шу вақтда Марвда ҳокимлик қилиб турган темурийлардан бўлган Абул Муҳсин Мирзонинг қўшини Қорақўлга ёрдамга етиб келади.

*Қорақўл аҳлию Қаршию Ғузор,
Ёғилиқ айлаб эдилар изҳор.*

¹ История Узб.ССР в 4-х томах. том-1.511-бет.

² А.Навоий. Мажолис ун-нафоис, 108 –бет.

*Кеш эли ҳам қилиб эрди тугён,
Беркитиб эрди ул ҳам қўргон.
Беркитиб аҳли Қоракўл бори,
Чектилар ўзларини Марв сори.
Шоҳ Абулмуҳсин гофилга магар,
Йибориб эрдилар ул хайл хабар:
Ким бугун тонгла келур Шайбоқхон,
Зоҳиро доияи Туркистон.
Сен ўзунгни бу тарафга еткур,
Эл-улусин бу шарафга еткур.
Чун бу сўз етти Абулмуҳсинга,
Усрукор этти Абулмуҳсинга.
Отланур бўлди Қоракўл сори,
Бўлдилар лашқари тайёр бори.*

Ушбу воқеа «Бобурнома»да шундай баён этилади: «Қоракўлни ҳам Марвдин Абулмуҳсин Мирзонинг кишиси келиб олди. Ишимиз бисёр тараққий устида бўлди». Бобурнинг ёзишича, Абулмуҳсин Мирзо Султон Ҳусайин Бойқаронинг ғумоларидан бири Латиф Султон Оғачанинг ўғли бўлган. Шайбонийхоннинг 1507-1508 йилардаги Хуросондаги юришларидан бирида, Ҳирот эгалланганидан кейин, укаси Кепак Мирзо билан Машҳадни ҳимоя қилиб турган Абулмуҳсин Мирзони ўлдирадилар¹.

Қоракўлдаги кўзғолонни бостириш учун бу сафар Шайбонийхоннинг укаси бўлмиш Маҳмуд Султон, ўғли Муҳаммад Темур ва Суюнч Султон бошчилигидаги бирлашган кучлар етиб келади².

*Ушбу сўз бирла равон ҳазрати хон,
Айлади ҳукму юрутти фармон.
Ким жаҳон нозими Султон Маҳмуд,
Тилобон нусрату фазлу маъбуд.
Қоракўл сори черик отлансун,
Черики яхиш юруб қотлансун.
Борсун онинг била тинглаб фармон,
Рустами аҳт Севинчик Султон.
Басе борсун Жонибек Султон ҳам ,
Ўзунинг лашқаридин аён ҳам.
Тақи Султон Темури равшан дил,
Басе ул разм аро бўлсун ҳосил.*

Ҳерман Вамбери шундай деб ёзади: «Онаси билан оиласини шу ердаги (Бухородаги) саройга жойлаштиргач, лашқари билан Қоракўл устига юрди. Чунки бу ер биринчи марта забт этилгач, Бобой Султон раислигидаги қолдирилган муҳофаза қисмлари шиддат билан ағдариб ташланган эди. Шу боис уни янгидан забт этишга эҳтиёж бор эди. Ҳолбуки, ўзбек ҳарбий қонунининг бутун шиддати билан исёнкорларга жазо берилганидан кейингина, Самарқандни қайта қамал қилиш мумкин эди»³.

¹ З.М.Бобур.Бобурнома, 77,152,187-бет.

² История Узб.ССР в 4-х томах.том-1.511-бет.

³ Ҳ.Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. 80-бет.

Уильям Эрскиннинг «Бобур Ҳиндистонда» деган асарида ушбу воқеа тафсилоти қуйидагича берилади: «Омад Шайбонийдан юз ўттириган эди. Кейинги 3-4 ой ичида Самарқанд ва Бухоро ўртасидаги Сўғд ва Миёнколда жойлашган энг мустаҳкам қалъалар Бобурга бўйсунган бошлади. Самарқанд жанубидаги Аму тарафидаги Ғузор ва Қарши қўрғонлари Бухорода ҳукмрон бўлиб турган Боқи Тархон ихтиёрига ўтди. Бухоро жанубидаги Қорақўлни эса Аму ортидаги Марвдан келган қўшинлар эгаллади. Ўзбеклар ҳар тарафдан қувилиб, фақат Бухоро атрофида тўпландилар»¹.

Бирлашган қўшин Қорақўл қалъасини қуршаб олади. Қалъани осонликча эгаллаб олишга кўзи етмаган Маҳмуд Султон қаршилик тўхтатилса, халққа адолат қилишга ваъда беради. Аммо қалъа ҳимоячилари бунга рози бўлмайдилар. Шундан кейин ғазабланган Султон Маҳмуд эрта тонг билан қирғинбарот жангга бошлашга буйруқ беради.

*Шаҳарнинг тиграсига чун келди,
Шаҳар аҳлига насиҳат қилди.
Деб йибордики: «Ямонлиқни қўюнг,
Фитнаю шўру авонлиқни қўюнг!
Ўз раиятлигингизни билингиз,
Яхши бу сўзда тааммул қилингиз!»*

*Дедилар: «Ҳарна қилурсиз, қилингиз,
Урушур бўлсангиз, эмди келингиз.
Кўчамиз маҳкам эрур, қўрғон ҳам,
Ола олмас ани Султон хон ҳам»
Чун бу сўзларни эшитти Султон,
Айлади тонгла урушқа фармон.*

Қалъа ичкарасидан мудофаачиларга ёрдам кўрсатиш мақсадида катта халқ лашкари чиқиб келган ва қаттиқ қаршилик кўрсатган. Маҳмуд Султон бошчилигидаги ўзбеклар қўшинига қарши беш минг кишилик мудофаачилар жанг қилган.

*Қорақўлнинг кишиси ҳам яксон,
Чиқти отлиқ, яёғ айлаб афгон.
Ўқчи эл эрдилару, овчи баса,
Ҳар бири бор эди бир бул ҳаваса.
Чиқти бўлғой яна беш мингча киши,
Уруш боринингдур бойири иши.
Кўча оғзида баса бўлди уруш,
Йўқ эди ҳеч ўқ отмоққа туруш»².*

Қалъа ҳимоячиларини чалғитиш учун дастлабки пайтда жуда камчилик қўшин қалъа атрофидан ҳужумга ўтган. Уларнинг камчилик эканини кўрган қорақўлликлар қалъадан ташқарига чиқадиладар ва душманни кетидан кува бошлайдилар. Ҳийла иш беради. Қорақўлликлар қалъадан узоқлашиши биланоқ, Маҳмуд Султоннинг сараланган кучи шиддат билан ҳужум қила

¹ У.Эрскин. Бобур Ҳиндистонда. 1995. 25-бет.

² М.Солиҳ. Шайбонийнома. Т., 1989, 65-73- бет.

бошлайди. Шайбонийхоннинг қўшини устун келиб, қалъа ҳимоячилари қириб ташланади. Қорақўл қалъаси таслим бўлишга мажбур бўлади. Қалъа ичидаги аҳолининг кўпчилиги ўлдириб юборилган. Халқни итоатда ушлаб туриш мақсадида ўлдирилган исёнчиларнинг бошларидан Бухоро шаҳридаги от бозорида минора қурдирилган¹. Айнан шу даврда Шайбонийхоннинг ихтиёрида бўлган энг йирик шаҳар Бухоро эди. Тарихда Қорақўл фожеаси Муҳаммад Шайбонийхоннинг Мовароуннаҳрга қилган юриши даврида амалга оширилган энг мудҳиш воқеа бўлиб қолди. «Бобурнома»да шундай дейилади: «Бу қишлоқта ишимиз бисёр тараққийда эди. Шайбоқхоннинг иши таназулда эди. Бу аснода бир-икки иш ярамасроқ бўлди. Марвдин келиб, Қорақўлни олганлар тўхтай олмадилар. Қорақўл яна ўзбаклар тасарруфига кирди. Биз черик йиғиб, истеъдод тайёр қилгунча, зўрлаб олди. Элни тамом қатли ом қилди». Бу пайтда Бобурнинг ихтиёрида 240 киши бўлиб, Қорақўлни сақлаб қолишга ёрдам беролмас эди. Манбалардан шу маълум бўляптики, 1505 йилнинг қишида Шайбонийхон қўшини Қорақўлни узил-кесил эгаллаб олган.

«Бобур Ҳиндистонда» асарида воқеа тафсилоти шундай таърифланади: «Бобур ён-атрофидаги темурийлар салтанати ҳукмдорларига элчилар юбориб, улардан ёрдам сўради. Ўзининг ота юртидан Аҳмад Танбал фақат юз киши юборди, тоғаси Султон Маҳмудхон Тошкентдан 400-500 кишилиқ қўшин юборди, энг қудратли Шоҳ бўлмиш Ҳусайн Мирзо (Бойқаро) дан эса ҳеч ким келмади. Унинг ўғли Бадиуззамон ҳам Балхдан ҳеч кимни юбормади, Ҳусравшоҳ² ҳам Қундуздан ҳеч кимни юбормади. Шунинг учун Бобур фақат ўзининг кучларигагина таяниши мумкин эди холос. Шайбонийхон чекинишни маъқул кўрган бўлса ҳам, унинг қудрати ҳали тўла синдирилмаган эди. Эрта баҳорда у яна қўшин тўплай бошлади. Қорақўлни эгаллаб олганлар уни сақлаб туролмас эди»³.

Шайбонийхон ҳужум билан Сўғддаги Дабусия қалъасини олди. Бу эса Бобурни май ойининг бошида жанг майдонига ҳозирлик кўришга чорлади ва Бухоро сари йўлга чиқди. Шайбонийхон Самарқандни қанчалик осон олган бўлса, шунчалик енгил бой берди. Чунки ўзбекларнинг аксарияти Қорақўл чўлидаги қароргоҳда эдилар. Шу боис бирликда ҳаракат қилишга сира имкон йўқ эди. Қорақўлни Шайбонийхон ўзи учун таянч пунктга айлантириб олган эди. Самарқанд, Бухоро ва Балхга юришларда кучларини шу ерга тўплар эди. Биринчи жангда 400 аскардан айрилгач, эртаси куни ўз аҳволини фалокат билан тугашини сезган Шайбонийхон тезроқ қутилиш учун барча чоратadbирларни кўриб, Бухорога чекинишдан бошқа чора топмади.

Шайбонийхон ва Бобур ўртасидаги кураш тобора авж олиб, охиrhoқибатда Шайбонийхоннинг Бухоро, Самарқанд ва Мовароуннаҳрнинг бошқа шаҳарларини бирин-кетин забт этиши билан якун топди. Бобур чекинди. Шайбонийхон Хуросонни ҳам эгаллаб олди. 1508 йилга келиб, темурийлар салтанатининг деярли ҳаммасини ўз тасарруфига олди. Шундан кейин уларни бошқаришни мукофот юзасидан ўзининг энг яхши лашкарбоши-ҳарбийларига тақсимлаб берди. Ҳирот, Марв, Ҳисор, Қундуз, Тошкент, Андижон, Хоразм,

¹ История Узб.ССР в 4-х томах. том-1.512-бет.

² З.М.Бобур. Бобурнома, 79-бет.

³ У.Эрскин. Бобур Ҳиндистонда. 1995. 25-26 бет.

Туркистон мукофот тарзида тақсимланди. Бухоро ва Қорақўл ноиблиги Шайбонийхоннинг укаси Султон Маҳмудга, у вафот қилса, тўнғич ўғли ва тахтининг вориси бўлувчи Муҳаммад Темур Султонга тақдим этилиши амр қилинди.

Шайбонийхоннинг ҳукмронлиги узоққа чўзилмади. Эрон шоҳи Исмоил билан Бобур ўртасида тузилган иттифоқчилик шартномаси бўйича 1510 йилда бўлиб ўтган Марв яқинидаги Маҳмудобод қишлоғидаги жангда у ҳалок бўлди. Қорақўлда ишлатилган ҳийланинг душмани томонидан такрорланиши оқибатида 61 ёшга тўлган Муҳаммад Шайбонийхон ҳаётига нукта қўйилди.

Мовароуннаҳр вилояти Шайбоний тасарруфи доирасига киргач, Бўбой Султон Қорақўл вилоятида ҳукумат тепасига ўтирди. Шайбонийхон ҳалокатидан саккиз ой ўтгач, Кўли Малик чўлидаги Убайдуллохон ва Бобур ўртасидаги жангдан кейин Бўбой Султон унчалик катта бўлмаган қўшини билан Қорақўлдан Балхга қараб ҳаракат қилди ва Аму сувини кечиб ўтиш орқали Балх вилоятини қамал қилди. Аммо қариндош-туққанлар орасида жанжал келиб чиқиб, Бўбой Султон Балхни ўз холига ташлаб яна Амудан кечиб ўтиб, Мовароуннаҳрга келди. Қорақўлда раислик лавозимини бажарган Бўбой Султон Абулхайрхоннинг набираси эди¹.

Кейинчалик Бухоро ҳукумати бошқаруви Маҳмуд Султоннинг ўғли Убайдуллога берилади. Қорақўл вилояти ҳам жалду(мукофот) расми билан Убайдулло Султонга берилади². Убайдуллохон 1533-1540 йилларда Бухоро хони бўлди. Демак, 1520-1540 йилларда Қорақўл бошқаруви, унинг мол-мулки Убайдуллохон ихтиёрида бўлган.

2. Абдуллахон II ҳукмронлиги даврида Қорақўл

Абдулла ибн Искандархон ибн Жонибек Султон ибн Хўжа Муҳаммад ибн Абулхайрхон тарихда Абдуллахон II номи билан шуҳрат қозонган. 1534 йилда Миёнколнинг Офаринкент қишлоғида туғилган, 1598 йил 8 февралда Самарқандда вафот этган ва Баҳоуддин Нақшбанд мажмуасига дафн этилган. У ўзбек давлатчилиги тизимидаги Бухоро хонлигининг шайбонийлар сулоласидан чиққан энг йирик ҳукмдори (1583-1598), давлат арбоби, саркарда, илм-фан, маърифат ва маданият ҳомийси бўлган. Бобоси Жонибек Султон Кармана ва Миёнкол ҳокими бўлган. Отаси Искандар Султон эса Карманани бошқарган. Абдуллахон Шайбонийхон вафотидан кейин парчаланиб кетган мамлакат ҳудудини қайта бирлаштириш, марказий давлат ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун ёшлик чоғидан қаттиқ кураш олиб борган.

Абдуллахон II даврида мамлакат ҳудуди Қашқардан Орол ва Каспий денгизи соҳилларигача, Туркистон ва Сайрамдан Хуросоннинг Шарқий қисмигача бўлган ерлардан иборат эди. Абдуллахон II фаол ташқи сиёсат олиб борган. Унинг ҳукмронлиги даврида шайбонийлар Эрон, Ҳиндистон, Туркия, Хитой, Россия ва бошқа мамлакатлар билан кенг дипломатик, иқтисодий ва савдо алоқалари олиб борганлар. Абдуллахон II нинг мамлакат ички сиёсатидаги, давлат бошқарув тизимини мустаҳкамлаш, айниқса пул ислоҳоти ўтказиш йўлидаги фаолияти натижалари кейинги даврларда ҳам сақланиб

¹ Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. «Мусаххир ал-билод.» Т.2009,181-бет.

² Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. «Мусаххир ал-билод.» Т.2009,189-бет.

қолган. Абдуллахон даврида муомалада бўлган кумуш тангалар «хоний» деб аталган. У кўплаб турли иншоотлар курдирган. Ҳозиргача халқ орасида у ёки бу иншоот қурилиши Амир Темур ёки Абдуллахон II нинг номига нисбат берилади. Абдуллахон II истёдодли шоир бўлиб, «Хон» тахаллуси билан ўзбек ва форс тилларида шеърлар ёзган. Унинг ҳукмдорлиги даврида мамлакатда ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ривожланган ва ҳарбий санъат тараққий этган. Унинг фаолиятига бағишлаб Ҳофиз Таниш Бухорий 1584-1589 йилларда «Шарафномаи шоҳий» (Абдулланомаси) асарини ёзган¹.

Абдуллахон II расман 1583 йилда, отаси Искандархон вафотидан кейин Бухоро хонлиги ҳукмдорига айланган бўлсада, амалий жиҳатдан анча олдинроқ ҳукмдор бўлиб олган эди ва тахт учун курашларда фаол қатнашиб келар эди. Абдуллахон Султон Саъид, Бурхон Султонлар билан бир неча бор уруш олиб борди. Тож-тахт учун курашда Наврўз Аҳмадхон (Барокхон)нинг қўли бир неча марта баланд келган. У Мовароуннахрнинг йирик шаҳарларидан бири, қолаверса темурийлар салтанатининг пойтахти бўлган Самарқандда ҳукмдор эди. Наврўз Аҳмадхон Бухоро ҳокимлигини Султон Саъидга ваъда қилади. Шу келишувга биноан Султон Саъид 1555 йилнинг май-июн ойида Бухорога юриш қилиб, унинг қалъасини қамал этади. Қалъанинг қамал муддати уч ойга етганда Бухорога ҳокимлик қилиб турган Бурхон Султон Абдуллахонга мактуб йўллайди. Мактубни Валижон Мирзо хонга элтиб беради. Мактубда Бухоро ҳукмдори Бурхон Султон ёрдам сўраб мурожаат қилган ва ёрдам эвазига Бухоро ҳукмдорлигини унга ваъда қилган эди.

Бу пайтда Афғонистоннинг шимолида, Андхўй, Шибирғон вилоятларида турган Абдуллахон ўз қўшини билан Жайхундан Бурдалиқ кечуви орқали ўтиб, иккинчи куни Фараб қалъасига келиб тушади. Қалъада бу вақтда Бухоро ҳокими томонидан тайинланган Дўстум Хожа Сайид Отойи (Тошкентлик машҳур шайх Сайид отанинг авлодларидан) ҳокимлик қиларди. Фараб ҳокими Абдуллахон шарафига катта зиёфат ташкил этиб инъомлар берди. Иккинчи куни Абдуллахон Бухоро йўналиши бўйлаб ҳаракат қилади. Унинг ҳаракати тўғрисидаги хабар Бухорога келиб улгурган эди. Йигирма минг кишилик лашкар Абдуллахоннинг йўлига чиқади. Абдуллахон қўшини катта бўлмаганлиги сабабли чекиниб, Фараб қалъасига қайтади. Султон Саъид бошлиқ лашкар ҳам Фараб қалъаси яқинига келиб жойлашади. Ҳар икки томон ҳам жанг қилишга шайланади. Абдуллахоннинг ўттиз кишидан ошмаган яравули (махсус разведка гуруҳи) душман устига ҳужум қилади. Абдуллахон қўшинидаги Хусрав Султон Султон Саъиднинг отлиқ қўшинини тор-мор этади. Султон Саъиднинг кўзга кўринган амирларидан Таваккул бий Дўрмон, Тангриберди Ўғлон, Жонпўлод бий Ушун ва Курак Баҳодир асирга олинади ва улардан Таваккул бий Дўрмон ҳамда Тангриберди Ўғлон душман сардори сифатида қатл этилади. Султон Саъид қўшини енгилиб, орқага қайтиб кетади. Баён этилган жанг тафсилоти иккала томоннинг авангарди, яъни разведкаси ўртасидаги тўқнашувга тааллуқли бўлиб, олдинги маррадагилар жанг қилишган. Шундан сўнг Наврўз Аҳмадхон Бухоро қамалини тўхтатиб, ўзи

¹ Ушбу параграфда «Абдулланомаси»дан фойдаланилди.

Самарқандга қайтади, Султон Саъидни эса занжирбанд қилиб, Қашқарга тегишли бўлган Қоронғутоғга юборади.

Ушбу воқеалардан кейин Абдуллахон қўшини билан Фарабдан Бухорога қараб йўл олади. Бухоро ҳукмдори Бурхон Султон унинг олдига ўз одамларини юбориб, Шаҳри Ислон деган жойда уларни кутиб олади. Хизматкорлик ва фармонбардорлик маросими тугагач, Бурхон Султон Куббат ул Ислон Бухорони аъло ҳазратга тортиқ қилиб, ўзи отининг жоловини мазкур шаҳарга тобе бўлган Қоракўл томонга бурди. Бироқ орадан бир ярим ой вақт ўтгач, Бурхон Султон шартни бузиб, Бухорога юриш қилди.

«Бу ёқимли воқеадан бир неча кун ўтгач ва тамом мамлакат ул ҳазратнинг адолат ва риояти баракотидан обод бўлгач, Бухоронинг ҳокими Бурхон Султон ҳаёсизлик қилиб, хоннинг бундай зўр неъматини унутди, аскар тўплаб уруш байроғини кўтарди, мустақилликни ҳаёл қилди ва Қоракўлдан хонга қарши отланиб, Бухоро шаҳрига қараб юрди».

Бурхон Султоннинг Бухоро шаҳрига қараб қўшин тортганидан воқиф бўлган Абдуллахон ҳам унга қарши юришни бошлади. Ошкора равишда жанг қилишга юраги бетламаган Бурхон Султон Ромитан томонга чекиниб, ўша ердаги харобага айланган эски қалъага беркинади. Абдуллахон қўшини қалъани ўраб олиб, кун бўйи ҳужум уюштириб туради. Кечга бориб унинг қўшинидаги кўзга кўринган сипоҳлар бирин-кетин Бурхон Султон томонига ўта бошлайдилар. Ишнинг бундай тескари бўлишини кутмаган Абдуллахон шошиб қолади ва дарҳол Бухорога қайтиб чекина бошлайди. Абдуллахондан чўчиб қолган Барокхон Бурхон Султон билан дўстлашиб, унга ёрдам беради. Бундай вазиятда Абдуллахон сулҳ тузишга рози бўлади. Бухорога қайтиб келган Абдуллахон бу ерда қолишни ҳам истамади, чунки шаҳар аҳолисининг кўпчилиги унга хайрихоҳ эмаслигини англади ва тўғри Балхга қараб йўл олди. Балхда унинг амакиси Пирмуҳаммадхон ҳукмдор эди, шу боис унинг ҳузурига борди. Шундай қилиб, 1555 йилда Абдуллахоннинг илк маротаба Бухоро тахтига ўтириши қисқа фурсат давом этиб, муваффақиятсизликка учради.

1555 йилнинг илк баҳорида Бухоронинг шижоатли сипоҳийларидан Лукмон бий Дўрмон исён кўтаради ва Бухоро ҳокими Бурхон Султондан юз ўгириб Қоракўлга келади. Айнан шу пайтда қоракўллик Жонкелди оталиқ қўнғирот, унинг укаси Хулқли (Халқамон) оталиқ қўнғирот, Тангриберди хитой кабилар ҳам Бурхон Султон билан келиша олмай қолган эдилар. Натижада уларнинг барчаси ўзаро иттифок тузиб, Қоракўл қалъасини забт этдилар. Қоракўл қалъасига ўрнашиб олиб, уни мустаҳкам қўрғонга айлантирганларидан кейин, Балх вилоятидаги Абдуллахонга ўз вакилини юбордилар ва уни Қоракўлга келиб, шу ердан Бурхон Султонга қарши ҳаракатга бошчилик қилишини сўрадилар. «Ул ҳазрат аркони давлати билан кенгашиб олганидан сўнг уларнинг илтимосини қондириб, инилари Ўзбек Султон, Хусрав Муҳаммад Султон ва бошқалар билан биргаликда Қоракўлга қараб юрди».

Балхдан йўлга чиққан Абдуллахон тез орада Қоракўлга етиб келади. Қоракўл қалъасини ичкаридан эгаллаб олган қўнғирот қабиласига мансуб амирлар қалъа дарвозасини очиб, уни кутиб оладилар.

«Бухоро ҳокими Бурхон Султон бу зўр воқеани эшитгач, ночорликдан Самарқандга чопарлар юборди ва Барокхонни бу хатарли воқеадан хабардор

қилди. Самарқанд хони ўз аркони давлатини шошилиш равишида тўплаб дедик, уларнинг сипоҳи жуда кам ва аскарларининг сони уч юздан ортмаган бир замонда, уларга қарши курашмоқ мушкул ва оғир бўлди. Ҳозир бўлса, Парвардигор ва ҳаётнинг қўллаб-қувватлаши билан у жамоанинг аскарлари сони кўпайди ва шу туфайли, энди улар билан курашиш ва урушиш бениҳояти мушкуллашди. Шундай бўлса ҳам, Қорақўл кўлдан кетмай туриб, фурсатни кўлдан бермаслик зарур. Уларнинг мудофаа қуввати бўлмаса ҳам, лекин бу ишни осон кўрмаслик керак. Алқисса, кенгаш ва маслаҳатлардан сўнг Наврўз Аҳмадхон Шаҳрисабз, Самарқанд, Ўратепа, Хўжанд ва Сайрамдан тортиб то Тошкентгача бўлган вилоятларда турган сипоҳ ва Ахсикент, Андижондаги лашкарни, Дашти Қипчоқ ва туркистонликлар билан тез кун ичида унинг ҳузурида тўпланишни буюрди. Шундай қилиб, сараланган ва ишбилармон, қахрамон ва паҳлавонлардан икки юз минг киши билан ҳеч қандай сабабсиз Султон Бурҳонга ёрдамга юз қўйди. Бухоро ҳокими Наврўз Аҳмадхоннинг шу катта қўшин билан келаётганини эшитиб, шошилиш равишида унинг истиқболига отланди ва Дўрмон деган жойда бир-бири билан учрашдилар. Бурҳон Султон Самарқанд хонига кўп совари ва беҳисоб пешкашлар топшириб, юз берган аҳволни арз қилди. Бароқхон унинг илгариги гуноҳларидан кечди. Ҳар икки томон бир-бири билан аҳду паймон тузиб, ота-бола бўлиш учун аҳд қилдилар. Сўнг улар чумолидек кўп, шер овловчи кўҳ пайкар лашкар билан бахтиёр ҳазрат Абдуллахон томон юрдилар ва Қорақўл қалъасини ой кўрғонлагандай қилиб ўраб, қамал қилдилар¹.

Қорақўл қалъаси ичкарасидаги амирлар ҳам мудофаага тайёрланишади. Абдуллахоннинг шахсан ўзи қалъа деворларини айланиб чиқиб, унинг мустаҳкамлигига ишонч ҳосил қилади ва мудофаа анжомларини ҳозирлаб, уни астойдил мудофаа қилишни буюради. Ҳар бир буржни амирлардан бирига алоҳида мудофаа қилиш учун топширади. Қалъанинг кириб-чиқиш жойларига алоҳида эътибор берилади. Шу зайилда икки-уч кун ўтиб, Бурҳон Султон Бароқхондан қалъага юриш бошлашга рухсат сўрайди. Бурҳон Султон ўзининг нуфузлик амирларидан бўлган Назарбий ибн Боқи найман, Султонёрбий, Ҳасан Бўри баҳодир сингариларни жангга ҳозирлайди.

Абдуллахон бошчилигидаги қорақўллик амирлар ҳам жангга қаттиқ тайёргарлик кўрадилар. Қўшин Қорақўл қалъасидан ташқарига чиқарилиб, уч саф бўлиб қатор тортади. Биринчи саф олдинги маррани эгаллаб, ҳужумга ўтишга тайёр бўлиб туради. Иккинчи саф эса, қалъа девори бўйлаб ўраб олинган хандакдан ўтиб, жангга шайланади. Ўрта аср ҳарбий тактикасига мувофиқ равишда, одатда қалъа девори сув билан тўлдирилган хандак билан ўраб олинган. Учинчи саф бўлса олдинроққа ўтиб, девор билан ўралган бир жойда тўхтаб пистирмада туради.

Шу тариқа икки душман томон бир-бирисига қараб шиддатли жангни бошлади. Абдуллахоннинг сипоҳи душман лашкари биринчи сафдан ўтиб, иккинчи ва учинчи сафга ҳам яқинлашгунича сабр қилиб, жойидан қўзғалмай турди. Жанг Абдуллахоннинг қўшини сон жиҳатидан кам бўлишига қарамай, унинг ғалабаси билан яқунланади. Шу куни Бурҳон Султоннинг

¹ Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. «Мусаххир ал-билод». Т.2009,246-бет.

баҳодирларидан Ҳасан Бўри баҳодир оғир ярадор бўлиб, ўлади. Шу зайдда уруш бир неча кун давом этади. Қорақўл қалъаси жуда мустаҳкам эди, бундан олдинги даврда, Темурийлар томонидан ва Шайбонийлар томонидан ҳақиқий ҳарбий истехком сифатида эътироф этилган ва Мирзо Улуғбек ҳам бу ерда бўлиб, унинг ҳарбий куч-қудратига тан берган эди. Бурҳон Султон Қорақўл қалъасини ҳарбий куч ишлатиш йўли билан забт эта олмаслигига кўзи етгач сулҳ тузишни таклиф қилади. Гарчанд Қорақўл қалъасида бўлиб ўтган ҳарбий маҳорабада Абдуллахон бошчилигидаги қорақўллик амирларнинг кўли баланд келган бўлса-да, Бухоро тахтини тўлақонли эгаллаб олиш ва охир-оқибатда Мовароуннаҳр ҳукмдори бўлиб олишга ҳали имконият, салоҳият, куч-қудрат етарли эмаслигини яқиндан ҳис қилган Абдуллахон сулҳни имзолашга мойиллик қилади. Шу туфайли у Қорақўлни ташлаб, яна Афғонистонга, Чечакту ва Майманага қараб жўнади.

1556 йилда Наврўз Аҳмадхон вафот этади. Балхда ҳукмдорлик қилиб турган Пирмуҳаммадхон (Абдуллахоннинг амакиси) Самарқанд тахтини эгаллайди. Шундан кейин Абдуллахон ўз яқинлари билан Жайхундан ўтиб, ўзи туғилган юрти – Миёнқолга қараб йўл олади. Афғонистондан қайтишида Абдуллахон яна Қорақўлда бўлади ва бу ерда бир муддат туриб, сўнгра Шаҳрисабзга йўл олади. «Абдулланом»да шундай дейилган: «Ул ҳазрат Қорақўл ишидан бўшагач, Абдулқуддус Султонни Карманада қолдириб, Ўзбек Султон, Хусрав Султон сингари бир қанча биродарлари билан Шаҳрисабзга қараб юрди». « У намозшом вақтида қорабайир отига ем берди ва сўнг ўша манзилдан, Қорақўлдан чиқиб, Шаҳрисабз томонга қараб юрди»¹. Бу пайтда Мовароуннаҳрнинг йирик вилояти Самарқандни кўлга киритган Абдуллахон Карманани ҳам эгаллаган эди. Бурҳон Султон Карманага ҳужум қилади ва енгилиб, Бухорога қайтади. Унинг аввалги хиёнатларини ҳам унутмаган Абдуллахон Бухорога қараб юриш бошлайди. 1557 йилнинг июлида Бухоро шаҳри камал қилинади. Камал чўзилиши билан Бурҳон Султон сулҳ тузишни сўрайди. Сулҳ тузилади ва шу кечаси сирли равишда Бурҳон Султон ҳам ўлдирилади (Бу ерда зикр этилган қорабайир от зоти мўғул, туркман ва араби отларини чатиштириш йўли билан яратилган. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб бу атама ёзма манбаларда учрайди деган фикр маълум. Аммо қорабайир от зоти XV1 асрда ҳам маълум экан).

1557 йилда Мовароуннаҳрнинг катта қисми Абдуллахон ихтиёрига ўтади. Чоржўй ҳокимлиги унинг ҳокимиятини тан олмайди ва 1558 йилда Абдуллахон нукуз қабиласидан бўлган Хушибий Дарозни зўр ваъдалар бериб, бир тўда урушқоқ турклар билан Чоржўйга юборади (Туркия Мовароуннаҳрда ўз таъсирини кучайтириш мақсадида Абдуллахонга муҳолиф бўлган кучларга ёрдам беради. Масалан, Бобо Султон турк аскарлари ёрдамида Абдуллахонга қарши Насаф ёнида жанг қилган. Бу ерда шу турклар ҳақида гап кетаяпти). Бу пайтда Бурҳон Султоннинг қайнотаси бўлган Ҳайдархожа Чоржўйда ҳокимлик қилар эди. Чоржўйликлар Хушибий кўшинининг ҳужумини қайтарадилар. Худди шу вақтда Бухорода Бурҳон Султон ҳам ўлдирилади. Унинг Балх томонга қочиб кетган сипоҳларидан бир гуруҳи (Ражаббий, Имомқули жотуҳ

¹ Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдулланом.1-китоб, 135-бет.

каби амирлари) Чоржўйга келади ва Ҳайдархожа уларга ёрдам беради. Натижада улар Жайхундан ўтадилар ва талон-тарож қилиш мақсадида шу пайтда Қорақўлга тегишли бўлган ерлардан Яйпанга қараб юриш қиладилар. Шунда Абдуллахон Хожа Ислоом Жўйборий воситачилигида оталиқ амир Жон Али ва амир Жон Фўлодбий уйшин бошлиқ гуруҳни уларга қарши юборади. Мурасага келинмагандан сўнг, жанг бўлиб, амирлар орқага чекинадилар ва урушқоқ гуруҳ Чоржўйга чекинади. Ҳайдар Хожанинг вафотидан сўнг ушбу талончи гуруҳ тор-мор этилади. Чоржўй Абдуллахон ҳокимиятига тобе бўлиб, Қорақўл хавфсизлиги таъминланади.

Абдуллахон ов қилишни яхши кўрган. Арханг сарой (Амунинг сўл соҳилида), Соли сарой (Амунинг ўнг соҳилида) ва Қорақўлда вақти-вақти билан хоннинг ов қилиши ташкил этилган. Амударё бўйларида хоннинг миршикорлари шунқорлар, лочинлар ёрдамида турна ва ғоз овлашган. Қорақўлда эса кийик овланган.

1582 йил 12 ноябрда Абдуллахон сайру саёҳат ҳамда шикор қилишни ихтиёр этиб, Қорақўл томонга йўл олди. Хон билан бирга унинг қушчи (ов қушларини етиштирувчи касб эгалари, улар ҳарбий унвонга ҳам эга бўлишган) лари, сарой мулозим ва хизматчилари, хос аскарлар ҳам Қорақўлга етиб келишди. Икки ҳафталик овдан сўнг хоннинг саломатлиги ёмонлашди, ҳавонинг жуда совиб кетганлиги ҳам таъсир кўрсатди. Аму сувининг қаттиқ музлаганидан фойдаланиб, Абдуллахон Чоржўй томонга ўтиб, унинг қалъасига яқин жойда катта чодир курдирди ва бутун мулозиму хизматчилари билан шу ерга жойлашди. Шу йилнинг 27-29 ноябрида Хожа Калонхожага одам юбориб, уни ҳузурига ташриф буюришини сўради. Одатда Абдуллахон қишни шу ерда ўтказар, ов-шикор билан машғул бўларди. Хон пойтахтга одам юбориб қози ул-қуззот Хожа Нуриддин Муҳаммад қозига кўрсатма берди. Шунга кўра, Нуриддин Муҳаммад ўзининг одамлари билан Бухоро шаҳридаги ва ундан беш фарсах масофагача бўлган ерлардаги муқаддас мазорларга назир-ниёзлар қилди, садақалар берди, камбағалларга турли хил таомлар берди, улуғлар руҳидан ёрдам ва нажот сўради.

«Шажарайи турк» асарида шундай дейилади: «Абдуллахон тарихи ҳижрий минг тақи тўртда (1596-1597) қўй йилинда чирикин келтуруб ялтироқ юлдузи тўққан вақтда Бухородин отланди. Ул кунларда ўғли Абдулмўминхон Асфарайинда эрди. Бу киш ўғлум бирлан Хуросон қишларман. Тақи агар ўхшаса баҳор Ироқ устина юрурман теб, Хўжамқули қушбегига ҳукм қилди. Сен эровул бўл. Тақи Чаҳоржўйдин ўтатурман. Кўрдушда ўрдакка қуш салайин теб»¹. Демак, ўлиmidан 2 йил олдин, яъни 1596 йилда Бухоро хони ўрдак овлаш учун Кўрдуш (Гурдуш-Зарафшоннинг Қорақўлдаги қадимий ўзанларидан бирининг номи)га ташриф қилиб, ўрдак овлаш учун ўзининг овчи қушларини ҳам олиб келган.

«Абдулланом»да шундай дейилади: «Амир Низомиддин билан Шерхонни сақлаб туришни давлат таянчи бўлган Шоҳимбийнинг тасарруф қабзасига топширди, Қорақўл тарафга, унинг олдига юборди, ўша жойда

¹ Абулғозий Баҳодирхон. Шажарайи турк. Т., 1992, 156-бет.

сақлади»¹. 1584 йилда Абдуллахон Балхга юриш қилганда мустаҳкам қалъа ҳисобланган Ғурни эгаллаш вазифасини «давлат таянчи Шоҳ Саъидбий»га топширади. Бадахшоннинг ном чиқарган амирларидан бўлган Низомиддин бу вақтда мазкур қалъани ўз тасарруфида сақлар эди. Амир Шоҳ Саъид қарлук қалъани жангсиз қўлга киритиб амир Низомиддин, Шерхон бўлакчи, Шоҳ Ҳасан Термизий, Мирзо Муҳаммад, мулла Асир бий ва бошқаларни асирга олади. Хоннинг буйруғи билан асирлар Амудан олиб ўтилиб, Қорақўлга келтирилади, улардан энг хавфли деб ҳисоблангани – Амир Низомиддин ва Шерхон Қорақўл ҳокими Шоҳимбий арғун ихтиёрида қолдирилиб, қолганлари бошқа жойга олиб кетилади. Амир Шоҳимбий арғун Абдуллахоннинг ишончли амирларидан бўлиб, унинг кўп ҳарбий юришларида муҳим топшириқларни бажарган, қийин вазиятларда қолганларида тезкорлик ва тадбиркорлик билан ҳаракат қилганлиги туфайли катта обрў-эътиборга эга бўлган ва давлат устун, таянчи деган мақомни олган. Афғонистон томонларга ўтишда ва қайтишда кўпинча Қорақўлда тўхтаб, тайёргарлик кўрилган, шу боис Абдуллахон амир Шоҳимбий арғунни бу ерга ҳоким этиб тайинлаган эди.

Шайбонийлардан бўлган ҳукмдор Искандархон (1561-1583) ва унинг ўғли Абдуллахон (1567-1598) Хожа Ислонни ўз пири муршидлари деб билишган. Хожа Фахриддин Муҳаммад Ислон 1493 йилда Бухорода туғилган ва Жўйбор мавзесида яшаганлиги учун Хожа Жўйборий номи билан машҳур бўлган. У Абу Бакр Саъднинг авлодларидан эди. Хожа Ислон тариқат сабоғини Маҳдуми Аъзам (1461-1542) дан олган. Хожа Ислоннинг ўғилларидан бири – Носириддин Хожа Саъд бўлган. Тожиддин Ҳасан Хожа унинг тўнгич ўғли бўлган. У аштархонийлардан бўлган Имомқулихон (1611-1642)нинг пири сифатида машҳур бўлган. Ўз даврида Абдуллахон (1589) Хожа Ислоннинг ўғли Носириддин Хожа Саъдга Язд ва Исфохон вилоятларини назр қилиб берган эди.

Хожа Носириддин Саъд отасининг моддий ва маънавий меросхўри бўлиб етишади. Отасининг барча мол-дунёси ва муршидлик лавозими унга қолади. Манбаларда кўрсатилишича унинг йиллик даромади ўн олти лак, яъни бир миллион олти юз минг тангани ташкил этган. У бойлигининг катта қисмини илм-фан ва маданият ривожига сарфлаган. Хожа Носириддин турли жойларда олтмишдан ортиқ ҳаммом, карвонсарой, масжид, сардоба, хонақоҳ ва мадрасалар қурдирган. Шу жумладан, Бухорода катта жоме масжиди ва унинг яқинида мадраса барпо эттирган, Қорақўлда ҳам масжид қурдирган. Хожа Носириддин Саъд томонидан 1570 йилда Бухоро шаҳрининг Говкушон гузарида, Қарши дарвозаси йўлида 31 хужрага эга бўлган мадраса қурилган бўлиб, унинг вақф ҳужжатида мадраса фойдасига вақф этилган ерлар қаторида Қорақўл вилоятидаги Арғуншоҳ қишлоғининг ерлари ҳам кўрсатилган².

1563 йилнинг 12 октябрида Абдуллахон Қорақўл вилоятида ов қилиб юрганида, Хожа Ислоннинг вафот этганлиги тўғрисида хабар олади. Хожа Ислонни Ромитанда дафн қиладилар. Дафн маросимида Абдуллахоннинг ўзи ҳам иштирок қилади.

¹ Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдуллонома. 2-китоб, 163-бет.

² Абдусаттор Жуманазар. Ўргимчак китоби. 80-бет.

Хожа Жўйборий Бухоро хонлигининг сиёсий ҳаётида катта нуфузга эга бўлган Хожа Муҳаммад Исломининг ўғли бўлиб, уни Хожа Саъд деб айтишган. Айрим манбаларда Хожа Саъдни Хожа Калон Хожа деб ҳам ёзишган. Хожа Саъдга отасидан ўн беш минг таноп (2,5 минг гектар) ер қолган бўлса, кейинча у юз минг танопга, яъни 17 минг гектарга етган. Айрим жойда 24 минг гектар ҳам дейилган.

«Матлаб ат-Толибин» асарининг муаллифи Абул Аббос Муҳаммад Толибнинг ёзишича, Хожа Саъднинг ўғли Хожа Тожиддиннинг ихтиёридаги ер-мулки юзта участка ва элликта чорбоғдан иборат бўлиб, бутун Мовароуннахр вилоятларида, шу жумладан Қоракўлда ҳам мавжуд эди. Масалан, 1552-1577 йилларда, яъни Абдуллахон даврида унинг томонидан тузилган ер-мулк шартномаларининг 170 таси ер сотиб олишга бағишланган. Хожа Саъднинг иккинчи ўғли Абдурахим Ҳожида олти юзта ер участкаси ва қирқ тўртта чорбоғи бўлса, яна бир ўғли Абду Хўжада беш юзта ер участкаси бор эди. Кўришиб турибдики, Жўйборий Хожалар нафақат сиёсий мавқега, балки жуда катта ер-мулкка эга бўлганлари ҳолда мамлакатнинг иқтисодий ҳаётида ҳам етакчи мавқега эга эдилар.

Жўйбори шайхлари кенг овчилик хўжалигига ҳам эга бўлишган. Ов қилинадиган жойлар Зарафшоннинг қуйи туманларида, Қоракўл ва бошқа жойларда бор эди. Масалан, Хожа Саъднинг овчилик хўжалиги бошида бош лочинчи – қушбеги бўлиб, унинг ихтиёрида эса ов бошлиқлари мавжуд эди. Ов бошлиқларини Миршикор деб аташган. Миршикорлар эса овнинг турига қараб алоҳида, ўзига хос мутахассисларга эга бўлишган: лочин билан овлайдиган миршикорлар, қирғий билан овлайдиган миршикорлар ва бургут билан овлайдиган миршикорлар. Айтишларича, Хожа Саъд жуда кўп миқдордаги овчи қушларига эга бўлган. Шайхнинг умумий миршикорлари сони етти юз нафарга етган. Бухоро хонлигининг турли вилоятларида миршикорлар бўлганлиги маълум. Миршикорлар сонининг 700 гача деб кўрсатилишида бир мунча ошириш бўлиши мумкин, бу ерда ер эгалари, йирик мулкдорлар томонидан ҳайвонларни гуруҳ-гуруҳ бўлиб қувлаш учун мажбуран жалб этилганлар ҳам ҳисобга олингани аниқ. Овнинг кўлами жуда кенг бўлиб, овладидиган ҳайвонлар салмоғи ҳам катта эди. Хожа Саъд Қоракўлда кенг қамровли ов ташкил этганда, ҳар куни 200-250 кийикнинг овланганлиги манбалардан маълумдир.

Тарихчи Бадриддин Кашмирийнинг «Равзат-ур ризвон ва ҳадиқат ул-ғилмон» асарида баён қилинишича, шайбонийлар ҳукмронлиги даврида Қоракўлда катта ҳаммом қурилган, шунингдек 1578-1579 йилларда маҳобатли Муҳаммадёр Султон жоме масжиди барпо этилган. Муҳаммад Шайбонийнинг учинчи ўғли Севинч Муҳаммад султоннинг ўғли Муҳаммадёр султон бўлиб, у 1550-1554 йилларда Бухорода ҳукмдорлик қилган. Юмшоқ табиат, ҳаё-андишали, очиқ қўллик ва саховату диёнатда етук инсон бўлиб, ушбу масжид унинг номи билан аталган.

XVI асрда бир неча жамоат иншоотлари қурилиши ниҳоясига етказилиб, Қоракўл марказида Зарафшон (Қоракўлдарё) дарёсига тахта кўприк қурилган.

Хўжаликни изга солиш, савдо-сотикни ривожлантириш мақсадида шайбонийлар даврида ҳам пул ислоҳоти ўтказилиб, тангалар зарб қилишда

янгилик киритилган. Жумладан, олдинги ҳукмдорлар томонидан зарб этилган тангалардаги ёзувлар устига янги тамғалар зарб қилиниб, муомалага чиқарилган. Бу даврда, асосан динор номи билан юритилган жуда кўп миқдордаги мис тангалар ва вазни 3 грамм бўлган кумуш тангалар муомалада бўлган.

XV асрда Қорақўл ўрта асрларга хос шаҳар тусига кирган эди: аҳоли яшайдиган маҳаллалар ҳамда ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ дўконларининг расталари, бозорлар, жамоат иншоотлари (масжид, ҳаммом ва бошқалар) умумий қалъа девори (ўша пайт тили билан айтганда Ҳисор) билан ўраб олинган эди. Шаҳар истехком деворида дарвозалар ўрнатилган бўлиб, улардан бирининг номи XV аср тарихий ҳужжатларида қайд қилинган – «дарвозаи об» (сув дарвозаси). Қорақўлдарё сувининг қалъа ичига кирадиган жойи шу дарвоза яқинидан бўлгани боис шундай номланган. Шаҳарда жоме масжиди фаолият кўрсатган.

Шайбонийлар замонида Бухоро хонлигининг Ҳиндистон, Туркия, Россия билан савдо ва дипломатик алоқалари ривожланган. Хонликдан ташқарига чиқадиган савдо йўллариининг бир қисми Қорақўл орқали ўтган. Чунки Каспий денгизидан куруқлик орқали келадиган савдо йўли, Марв орқали Афғонистон, Эрон ва Ҳиндистонга борадиган савдо йўли туфайли бу ерда ҳам савдо-сотиқ ривожланиб, карвонсаройлар барпо этилган. Қорақўлдаги карвонсаройлардан иккитасининг эгаларининг исмлари ҳужжатларда ёзиб қолдирилган: Қурбон Мурғакий (Қорақўлнинг Мурғак қишлоғидан) ва Мавлоно Сарвий.

Қорақўл шаҳрида бу даврда катта ҳаммом бўлганлиги юқорида қайд этилган эди. Ана шу ҳаммомнинг сув билан таъминланиши ҳам диққатга сазовордир. Манбалардан маълумки, ўрта аср шаҳарларида, хусусан Бухорода ҳам, шаҳардаги мавжуд ҳаммомларни машкоблар ҳовузлардан мешлар орқали сув ташиш йўли билан таъминлаб турганлар. Қорақўлда эса ҳаммомга сув махсус ясалган ариқча – обрах орқали етказилган.

Бу даврда Қорақўл шаҳрида кўпгина ҳунармандчилик устахоналари бўлган. Ҳунармандчилик, савдо-сотиқ, деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачилик ва ипакчилик ривожланган.

Шайбонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида Бухоро хонлигида мавжуд бўлган турли хил солиқ ва йиғимлар ҳақида «Равзат ар-ризвон ва ҳадиқат ал-ғилмон (Жаннат боғи ва ғилмонлар ҳадиқаси)» асарида маълумот берилиб, Абдуллахоннинг айрим фармонларидан парчалар келтирилган. Масалан, 1572 йил август-сентябр ойида Абдуллахон томонидан берилган фармонда «молу жиҳот, муқаррарий, ихражот, миробона, коҳ, тарҳ, собун ва шу сингари олиқ-солиқлар» хусусида гап боради. Демак, XV асрда Бухоро хонлигида, шу жумладан Қорақўлда ҳам амал қилган солиқ-йиғимларга қуйидагилар кирган. Муқаррарий – аниқ ва белгилаб қўйилган солиқлар; ихражот – давлат идораси хизматчиларининг харажатларини қоплаш учун аҳолидан тўпланадиган солиқ; миробона – миробларнинг маоши учун халқдан йиғиладиган солиқ; коҳ – қўшиннинг эҳтиёжи учун халқдан тўпланадиган ем-хашак йиғими; тарҳ – мажбурият (бунда раият-аҳоли давлат омборидан бирон нарса, кўпинча дон-дун сотиб олганда қиммат нархлар билан олиб, сотганда арзон сотишга мажбур бўлган); собун (сабан) – ер ҳайдашга киришилганда ва ҳосил йиғиштириб

олинганда ўтказиладиган маросим ва уни ўтказиш учун аҳолидан тўпланадиган йиғим¹.

XV1 асрда деҳқончилик қишлоқ хўжалигида асосий ўринни эгаллаб, омон, кетмон, ўроқ, темир ва ёғоч белкурак каби иш қуролларидан фойдаланилган. Ғалланинг ўн хил нави экилган. Бундан ташқари, шоли, оқ жўхори, мош, нўхат, маккажўхори, ловия ва пахта экилган. Сабзавотчиликда сабзи, пиёз, саримсоқ пиёз, шолғом ва турп асосий ўринда эди. Полиз экинларидан турли навдаги қовун, қовоқ(кади) экилган. Бедазорлар кўп бўлган. Узумчилик ривожланган. Узумдан сирка ва сироп олинган.

Хулоса қилиб айтганда, XV1 асрда Қорақўл шаҳар сифатида маълум бўлиб, шоир Муҳаммад Солиҳ айтганидек «кўчаси ва қўғони мустаҳкам» эди.

4-§. Аштархонийлар даври

1601 йилда шайбонийлардан бўлган Пирмуҳаммад II нинг тахтдан ағдарилиши билан ушбу сулола ҳукмронлиги ҳам тугаган. Мовароуннаҳрда Жўжихон наслидан бўлган аштархонийлар сулоласи ҳукмронлиги бошланган. Асли ўзи аштархонлик бўлган шахзода Жонибекнинг ўғли Боқи Муҳаммад (1601-1605) янги сулолани бошлаб берган.

Муҳаммад Юсуф Муншийнинг «Муқимхон тарихи» асарида аштархонийлар давлатида амал қилган урф-одатлар, давлат бошқарувида турли хил қавмларнинг иштироки ҳақида қуйидагича маълумот берилади: « Хоннинг чап томонида ҳарбий юришлар, жанговар ҳолатларда қўшиннинг тузилиши ва жойлашуви, ҳаракатига бошчилик қиладиган нақиб-сайидлар, уларнинг орқасидан эса дўрман, қушчи, найман, қўнғирот номли ўзбек қабилаларининг оқсоқоллари жой олишган. Улардан қуйироқда буюк оталиқ-оталиқи бузург, унинг орқасидан шахзодалар ва ўғлонлар, баҳодирлар ўтиришган. Булардан кейин дўрман, қушчи, найман қабилаларининг унчалик машҳур бўлмаган вакиллари ўтириб, уларнинг орқасидан қарлуқ, буйрак, уйлик қабилалари вакиллари жой олишган. Ўнг томонда биринчи ўринда шайхулислом, ундан кейин қозийи-бузург (буюк қози), кейин хожалар, садрлар ўтиришган. Улардан кейин қози-аскар, кейин аълам (муфтийлар бошлиғи) ва раис, кейин қарақийёт ва кенегас қабилалари вакиллари, уларнинг кетидан дўрман, қушчи, найман қабилаларининг ўрта бўғин вакиллари жойлашган. Хоннинг рўпарасида эса, биринчи ўринда манғитлар, иккинчи ўринда дўрманлар ўтирган»². Бу поғонали тизим ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, аштархонийлар сулоласи ҳукмронлиги давридаги бошқарувни ўзбек қабилалари вакиллари ўртасида тақсимлаб олинганини, вақт ўтиши билан уларнинг ўринлари ва мавқелари ҳам ўзгариб туришини кўрсатади.

XVII аср ва XVIII асрнинг биринчи ярмида Бухоро хонлигида ўзбек қабилаларининг вакиллари бошқарув тизимида юқори лавозимларни эгаллаб олдилар. Манғитлар вакиллари энг юқори амалдор лавозими бўлган оталиқ лавозимини, дўрманлар парвоначи ва Қарши вилоят ҳокими лавозимини, қатағонлар Бухоро олий ясовули лавозимини эгалладилар³. Аштархонийлар

¹ Б.Аҳмедов. Тарихдан сабоқлар.265-266 бетлар.

² Муҳаммад Юсуф Мунши. Муқимханская история. Т.1956,19-20 бет.

³ Г.Хидоятлов. Менинг жонажон тарихим. Т. 1992, 206-бет.

даврида марказий ҳокимият кучсиз бўлиб, ўзбек қабилалари бошлиқларининг мавқеи баланд эди.

Аштархонийлар ҳукмронлиги йилларида Хива хони Абулғози Баҳодирхон ва ундан кейин Анушахон Бухоро ва Самарқанд атрофига тез-тез ҳужум қилиб турган. Убайдуллахон (1702-1711) ҳукмронлиги даврида ўзаро низолар, урушлар кўпайган, тўхтовсиз юришлар натижасида хазина бўшаб қолган, иқтисодий аҳвол оғирлашган. 1708-1709 йилларда пул ислоҳоти ўтказилиб, натижада пулнинг қиймати тўрт мартага тушиб кетган. Норозилик кучайиб, ғалаёнлар бошланган. 1709 йилда хонликнинг барча вилоятларида халқ ғалаёнлари ва феодаллар исёнлари бўлиб ўтади. Аштархонийлар даврида қирққа яқин солиқлар жорий этилди. Убайдуллахон даврида пул тизимининг инкирозга учраганлиги халқни талашда ўз ифодасини топди. Битта кумуш тангадан тўртта танга зарб этила бошлади ва натижада унинг қадри 4 баробар тушиб кетиб, солиқлар амалда 4 баробарига кўпайди. Бунинг оқибатида эса, мамлакатнинг иқтисодий ҳаёти бутунлай фалажга учради. Савдогарлар ва ҳунармандлар ўз дўконларини ёпиб қўйдилар, барча савдо ишлари тўхтаб қолди. «Оддий халқ ва камбағаллар мушкул аҳволда қолдилар, кундалик ейиш-ичишдан маҳрум бўлдилар, ҳатто кафан учун мато тополмай, жонларини худога топширдилар», дейилади «Убайдуллонома» да. Бухорода халқ кўзғолони кўтарилиб, халойиқ сарой сари босиб борди. «Бу босмачилар тўдаси, -дейилади «Убайдуллонома»да – саройнинг баланд равоқли дарвозаларини тош отиб бузишга киришди, ҳақоратлар қилиб, бақириб сўқинди»¹. Демак, сабр косаси тўлиб-тошган халқ сарой олдида тўпланган, тош ва таёқлар билан қуролланиб, солиқлар камайтирилишини ва хон амалдорларининг ўзбошимчалигига барҳам берилишини талаб қилган. Вазият жуда кескинлашиб, хавфли тус олган. Убайдуллахон саройи ва пойтахт тақдирини таҳлика остида қолган. Пойтахтни қўриқлаш учун Убайдуллахон томонидан масъул киши деб тайинланган қушбеги Худоёрбий (манғитлар сулоласини бошловчининг бобоси) Қорақўлдаги қўшимча ҳарбий кучларни пойтахт ҳимоясига чақиради.

Қорақўлдаги ҳарбий кучларнинг асосини ўзбек қабилалари аскарлари ташкил этарди. Хоннинг мунтазам армияси йўқ эди. Асосий куч қабилалар лашкарларидан иборат эди.

Бухорода юз бериши мумкин бўлган воқеадан кўрқиб кетган Худоёр парвоначи манғит Қорақўлнинг ҳокими Муҳаммад Ёр эшикоғабоши дўрманга одам юборгани учун у Қорақўлдаги қўшимча кучларни Бухорога олиб келиб, аркнинг дарвозаси олдида жойлаштиради. Қорақўлдаги қабилаларнинг асосий қуроли қилич ва найзалар, камон ҳамда учли ўқлар бўлиб, сипоҳларга маош тўланмасди, уларга босиб олинган юртларни талаш ҳуқуқи бериларди. Улар озиқ-овқатни қатнаган йўлларида топишлари керак эди. Қисқаси, Қорақўлдаги қўшин мунтазам бўлмасдан, балки зарурат бўлганда тўпланадиган лашкардан ташкил топган эди.

Қорақўлдан етиб келган қўшимча кучлар пойтахтнинг марказида, Регистон майдонига жойлашади, қабилаларнинг юртлари (ўтов-чодирлари) шу ерда пайдо бўлади. Шаҳар аҳолиси бундан хавфсираб, зудлик билан

¹ Мир Муҳаммад Амин Бухорий. Убайдуллонома. Т. 1957, 158- 159-бет.

қуролланиб олади. Бухоро шаҳрида аҳоли ўртасида Худоёр парвоначи исёнчи қўшин ва амирлар билан тил бириктирган ва Абулфайзхонни тахтга чиқармоқчи деган, шунингдек, хиваликлар шаҳарга хужум қилмоқчи деган миш-мишлар тарқалган эди. Барчани, қурол-яроғ кўтаришга қурби етган одамларни қуроллантирадилар. Бухоро шаҳрида узлуксиз навбатчилик жорий этилади. Шаҳар мудофааси кучайтирилади. Охир-оқибатда халқнинг норозилиги, ғалаёни шафқатсизлик билан бостирилади¹. Кўзғолончиларнинг раҳбари Девонаи Панжсадмани ва яна уч киши дорга осилади. Ҳукумат ён берган, янги кумуш танганинг қиймати икки баробарига камайтирилган.

Убайдуллахон ҳукмронлиги даврида бир гуруҳ дин вакиллариининг обрў-эътибори баланд бўлиб, уларнинг саройдаги мавқелари, давлат ишларига аралашувларига ҳам имкон берарди. Улар вақти-вақти билан саройда бўлиб у ёки бу масалада хон ҳузурига кириб турган. Ана шундай дин арбобларидан Хожа Давлат ва Хожа Ниҳолни кўрсатиб ўтиш ўринлидир. Хожа Давлат тариқат пири бўлиб, тариқат сабоғини буюк пир, шайх Ҳабибуллоҳ (1748 йилда вафот этган)дан ўрганган. Айтишларича, Хожа Давлат ўзининг каромати билан Жавшан Қалмоқнинг Убайдуллахонга нисбатан суиқасд тайёрлаётганлигини олдиндан айтган экан. Бироқ, Убайдуллахон бунга ишонмаган. Бунинг устига Иброҳим девонбеги ва Жавшан қушбеги Қалмоқ бирлашиб олиб, Хожа Давлат ва Хожа Ниҳолга тухмат уюштирган ҳамда уларнинг мол-мулкани мусодара қилдирган. Хожалар улардан узр сўрашиб, Маккага ҳаж қилишга рухсат оладилар. Амир Иброҳим девонбеги ва Жавшан қушбеги бу билан чекланмай, уларни изидан Араб ясавул деган ўз одамани юбориб, таъқиб этадилар. Хожалар йўлга чиқишиб, Қоракўлнинг Шўркўл деган жойига етганида Жавшан Қалмоқ Араб ясавулга шундай дейди: «Сени лавозимингни ошираман, сен эса хожаларни Амударёгача етиб бормасидан ўлдирасан». Қоракўлнинг қишлоқларидан бирида Араб ясавул бир кишини топиб, унга хожаларни қийнаб ўлдиришни буюради. Шунда Хожа Давлат унга қараб: «Уйинг куйсин, мен сенга нима ёмонлик қилдим» – дейди. Шу кечанинг ўзидаёқ ўша кишининг уйи куйиб, кул бўлган, аммо қўшниларининг уйига ҳеч нима бўлмаган. Хожанинг ўлдирилган куни 1711 йил 17 июн. Бу воқеани қоракўллик Аюб Хожа ўз кўзи билан кўрган². Шундай қилиб, 1711 йилда уюштирилган фитна натижасида Убайдуллахон ўлдирилади ва тахтга унинг укаси Абулфайзхон чиқади. Ҳокимиятни аввал Жавшан Қалмоқ, уни ўлдирганларидан кейин эса қушбеги Абдуллобий ўз кўлига олади, кейинроқ Муҳаммад Ҳакимбийнинг таъсири кучаяди. Марказий ҳокимият янада заифлашади ва охир-оқибатда Бухоро хонлиги Эрон ҳукмдори Нодиршоҳнинг таъсири остига ўтади. 1738 йилда Нодиршоҳнинг ўғли Ризоқули Мовароуннаҳрга юриш бошлайди. Абулфайзхон Хива хони Элбарсхондан кўмак сўрайди. Қарши қамал қилинади. 1739-1740 йилларда Бухоро хонлиги билан Эрон ўртасида аввал Қаршида, сўнгра Қоракўлда тўқнашувлар бўлиб ўтади. Қарши атрофида Абулфайзхон ва Ҳакимбий оталиқ Хива хони Элбарсхон билан иттифоқ тузиб, 60 минг аскарини Нодиршоҳга қарши қўйган эди. Шу вақтда Қаршида Дониёлбий ҳоким эди.

¹ История Бухара с древнейших времён до наших дней. Т. 1976. 120-бет.

² Мир Муҳаммад Амин Бухорий. Убайдуллонома. Т. 1957, 282-283-бет.

Абулфайзхон лашкарини жамлаб, Қаршига келиб 15 кун қаттиқ жанг олиб борди, лекин натижаси бўлмади. Гарчанд Бухоро кўшини сон жиҳатдан устун бўлса-да, Эрон кўшинидан енгилади. Мағлубиятнинг асосий сабаби-эронликлар янги қурол-яроғ билан қуролланиб олганлиги, уни яхши ўзлаштирганлиги эди.

«Нодиршоҳ Бухорога келганида ўзбакилардин олти минг кишини интихоб қилиб, аларга Раҳимхонни сардор айлаб, Эрон ва Ҳиндистон расмича, анга хон лақабини бериб, ўзи ила бирга олиб кетиб, яна қайтариб юбормоғи, бу мулкга бил-кулли тасаллў ва тасаҳиб бўлмоғига сабаб бўлди».

Бухоро хонлигининг шу пайтда қалъа ва қўрғони мустаҳкам деб саналган Қоракўлда 1740 йилда Эрон шоҳи Нодиршоҳнинг кўшини билан Бухоро хонлиги кўшини ўртасида жанг бўлиб ўтади. Бухоро кўшини енгилади. Абулфайзхон Нодиршоҳ билан сулҳ тузишга ҳаракат қилади. «Абулфайзхон хурсанд бўлуб, миннатдорчилик тадорикига шуруъ айлаб беҳисоб арпа, буғдой, гуруч, қўй ҳозирлаб Абулфайзхон уламо ва содот ва аъёни мамлакат ила Қоракўлда бир-бирларига мулоқот қилғонда, Нодиршоҳ кўп эъзоз кўрсатиб, ёнида ўлтирмоқга амр қилиб, Абулфайзхоннинг бошига тож кийдириб, «Абулфайзшоҳ» хитоб қилиб, бир кечадин кейин қайтмоқга ижозат бериб, Нодиршоҳ икки кундин кейин Бухорога – Чаҳорбакрга келиб тушди ва Мовароуннаҳр ҳукмронлигини Абулфайзхонга топширди¹.»

Ушбу воқеалар тафсилотини Мирзо Салимбек шундай баён этади. «Абулфайзхон беандишалик қилиб, Нодиршоҳ олдида боришни қабул қилмади. Бу хабар Нодиршоҳга етиб борди. 1152 ҳижрий (1739-1740) йилда Нодиршоҳ Чорбакирнинг шимолидаги Қўруққа келиб тушди. Абулфайзхон уни Чорбакирга келганини эшитиб, ноилож унинг ҳузурига борди. Бундан хабар топган Нодиршоҳ 12 минг кишини Чорбакирдан Бухорогача бўлган йўлнинг икки томонига саф торттиради ва катта тантана билан кутиб олади. Ҳакимбий оталиқни икром қилиб, мамлакатдаги вилоятларнинг омонлиги ва бошқаришни унинг ихтиёрига берди. Нодиршоҳ ҳузурига Абулфайзхон билан бирга қуйидаги вилоятлар ҳокимлари ҳам борган эдилар: Ҳисор ҳокими – Муҳаммад Аминбек, Шаҳрисабз ҳокими – Олимбий Кенегас, Қабодиён ҳокими – Якубий Дўрманий, Хатирчи ҳокими – Ғайбуллобий Баҳрин, Дабусия ҳокими – Абдусатторбий, Нурато ҳокими – Тағой Муродбий Барқут. Нодиршоҳ Ҳакимбий оталиққа буюрдиким, лашкарнинг олуқ-солиғи учун 2 минг харвор (харвор-1 эшакка ортилган юк) ғалла вилоятлардан шоҳнинг саркори билан етказсинлар. Нодиршоҳ Ҳакимбий оталиққа шундай деди: «Мовароуннаҳрдан 10 минг лашкар тўпла, уларга ўзингнинг ўғлингни (Раҳимхон) бошлиқ қилиб менга берасан. Абулфайзхон икки қизини Нодиршоҳга тортиқ қилади, бир қизини ўзига, иккинчисини эса укаси Али Қиличхонга никоҳлайдилар. Нодиршоҳ 25 кун давомида Чорбакирда бўлиб, кейин Ҳакимбий оталиқни кўмагида Чоржўйга қайтади ва бу ердан Ризоқулихонни Машҳадга жўнатиб, ўзи Хоразмга юриш бошлайди»².

Эрон ва Бухоро муносабатларининг бундай ҳолатга тушиб қолишининг бир неча сабаблари, омиллари мавжуд эди. Қарши ва Қоракўлда олиб борилган

¹ Мирза Олим Маҳдуми ҳожи. Тарихи Туркистон.Т.,2008, 168-бет.

² Кашкўли Салимий. Бухоро. 2003,281-283 бет.

урушлар шуни кўрсатадики, Нодиршоҳ қўшини сон жиҳатидан устун бўлмасда, янги ўқ отар қурооллар билан жанг қилиш тактикасининг моҳирлик билан ўзлаштирилганлиги ҳамда қўшинда артиллерия, тўп-замбаракларининг унумли ишлатилиши урушнинг тақдирини олдиндан ҳал қилиб қўйди. Нодиршоҳ замонасига кўра кучли армия тузди. Унда 8 минг сипоҳ бўлиб, асосий қисмини ёлланма отрядлар ташкил этарди. Армияда оғир пилта милтиқлар билан қуроолланган 12 минг кишилик махсус корпус, 120 та тўп ва улардан отиладиган 10 мингта ўқ бўлиб, тўпчилар корпуси 300 кишидан иборат эди. Аини вақтда, Аштархонийлар армиясининг асосий қурооллари учли ўқлар, камонлар, найзалар ва қиличлар бўлиб, ўт очувчи қурооллар асосий эмас эди ва кенг қўлланилмасди. Бухороликларнинг ўзлари ҳам бу урушга нисбатан икки хил қарашда эдилар. Оталик Ҳакимбий, унинг укаси Дониёлбий ва ўғли Раҳимбийлар ҳамда бир гуруҳ йирик феодаллар (мулкдорлар) Абулфайзхоннинг Нодиршоҳ билан сулҳ тузиши тарафдори эдилар. Хоннинг атрофидагилар эса манғитларни хоинликда айблаб, уруш олиб боришни хоҳлар ва сулҳ тузишга қарши эдилар. Шундай қилиб, хонликнинг марказида, пойтахтда икки ҳокимиятчилик пайдо бўлиб, хон ва оталиқ ўртасида ўзаро мулоқот йўқ эди. Бу эса, охир-оқибат урушни Эрон фойдасига ҳал қилди ва Абулфайзхон Эронга қарам бўлиб қолди.

1743 йилда Ҳакимбий оталиқ вафот этди. 1745 йилда Гули Сурх байрамида Миёнкол қипчоқлари исён кўтариб, тартибсизликни келтириб чиқарди. Раҳимбий манғитни Нодиршоҳ Эронга чақириб, Абулфайзхонни тахтдан ағдаришни талаб қилди.

1747 йилда Бухоро хонлигида реал катта мавқега эга бўлиб олган Ҳакимбий оталиқнинг ўғли Раҳимбий Эрондан Бухорога қайтади. Нодиршоҳ давлатининг ҳамма жойида унга қарши ғалаёнлар кўтарилган ва шу туфайли йўллар хавф-хатарли эди. Раҳимбий ҳарбий отряди билан савдо қарвонларига қўшилиб, уларни ҳимоя қилиб, Марвга келади. Бухоролик савдогарлар Марвдан Чоржўйга ўтадилар ва Қоракўлга етиб келиб, шу ерда тўхтайдилар. Раҳимбий Қоракўл қалъасига жойлашиб олади ва шу ердан туриб Бухорога чопар йўллайди. Чопар Бухорога олиб келган мактуб орқали Раҳимбий бухороликларга тинчлик ва хавфсизликни таъминлашни ваъда қилади. 1747 йилда Раҳимбий бошчилигидаги фитначилар Абулфайзхонни ўлдирадилар¹. 1747 йилда Нодиршоҳ ўлимидан кейин Бухоро Эронга тобеликдан халос бўлиб, мустақиллигини тиклади. 1753 йилда Раҳимбий ҳокимиятни тўла эгаллаб, янги сулолани бошлаб беради, у ўзини «Амир» деб эълон қилади, чунки Раҳимбийнинг отаси оталиқ эди, бобоси Худоёрбий Убайдуллахон даврида вазир, қушбеги эди, хон авлодидан эмас эди. Шу тариқа Бухорода амир ҳокимияти ва амирлик тузуми вужудга келди.

Аштархонийлар ҳукмронлиги даврида 1702-1711 йилларда Қоракўлда Муҳаммад Ёр эшикоғабоши дўрман ҳокимлик қилган, 1721-1725 йилларда эса Ҳаким Мирохўр Туркман ҳокимлик қилади. Абулфайзхон Ҳаким Мирохўрни шунчалик яхши кўрар эдики, уни ўғлим деб атарди². Хўжа Самандар Термизийнинг «Дастур-ал-мулк» асарида кўрсатилишича, шу даврда Қоракўл

¹ История Бухара с древнейших времён до наших дней, 121-123 бет.

² Абдурахман Талий. История Абулфайхана. Т., 1959, 68-бет.

марказида баланд гумбазли Тошмачит қурилган. Унинг жанубида эса «Жом-авлиё» мақбараси мавжуд бўлган (Ушбу тарихий обидалар 1940 йилларгача ҳам тарихдан гувоҳ сифатида сақланиб қолган эди. Шу йилларга келиб, «ўтмиш саркитини тугатиш» баҳонаси билан буздириб юборилди).

Аштархонийлар даврида яшаб ўтган тарихчилар Абдурахмон Толий, Мир Муҳаммад Амин Бухорийлар ўзларининг асарларида Қорақўл тўғрисида маълумот берган. Абдурахмон Толий ўзининг «Абулфайзхон тарихи» асарида Қорақўлни ўрта аср шаҳри сифатида тилга олади. Убайдуллахон ҳукмронлиги даврида сарой тарихчиси бўлган Мир Муҳаммад Амин Бухорий ўзининг «Убайдулланом» асарида Қорақўл шаҳри тўғрисида тўхталиб, «Ўрта Осиёдаги шаҳарлар орасида Қорақўл шаҳри қўрғони энг мустаҳкам қўрғондир» деб ёзади.

Аштархонийлар даврида ер эгалиги муносабатларида давлат мулки, хусусий мулк, вақф мулки ва бошқа мулклар амалда бўлиб, катта-катта мол-мулклар ўқув юртларига, мадрасаларга, мадрасалардаги мударрислар ва талабаларнинг таъминоти учун вақф қилиб берилар эди. Масалан, 1704-1708 йилларда Бухоро шаҳрида барпо этилган Болойи Ҳовуз мадрасасининг 1716 йилда тузилган вақф ҳужжатида Қорақўл вилоятидаги Қизилча мавзесидан эллик жуфти гов (150-200 гектар) ер мазкур мадрасага вақф мулки қилиб ўтказилганлиги кўрсатилади¹.

XVII асрнинг бошидан XVIII асрнинг ўрталаригача давом этган аштархонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида Қорақўл шаҳар сифатида ўз мавқеига эга бўлди, ўзаро урушлар, тож-тахт учун курашлар гирдобига тортилди.

1. Хива-Бухоро муносабатларида Қорақўл.

Абулғози Баҳодурхон (1603 йил 23 августда Урганчда туғилган-1664 йил апрелда Хивада вафот этган) 1643-1664 йилларда Хива хони лавозимини эгаллаб турган. У ҳукмдор бўлиб турган пайтда бир неча марта Бухоро хонлиги ҳудудларига ҳарбий юришлар уюштирган. Бу даврда Бухорода аштархонийлардан бўлган Надр Муҳаммадхоннинг катта ўғли – Абдулазизхон ҳукмдор эди. У 1645 йилда Бухоро хонлиги тахтига ўтиради.

Абулғозихон ҳукмдор бўлиши баробарида тарихчи ва табиб бўлиб, ундан «Шажарайи тарокима», «Шажарайи турк» ва «Манофаъул инсон (инсонга фойдали маслаҳатлар)» деб номланган тарихий ва тиббий асарлар мерос бўлиб қолган. Унинг «Шажарайи турк» асарида Хива хонлиги томонидан Бухоро хонлиги ерларига, шу жумладан Қорақўлга юриш қилинганлиги тўғрисида маълумот берилган: «Тақи кўй йили Бухоронинг устига отландилар. Кўкардлик теган ерга етканда Бекқули иноқни минг йигит бирлан Қорақўл устига юбордилар. Тақи ўзлари Суюнч-болонинг устига юрудилар. Бориб Суюнчи ва тақи ўттуз-қирик кентни Бухоронинг дарбозасига чобдилар. Кўп мол олиб ўлжа ва асир қилиб қайтиб, Кўкардлик тушдилар. Уч кундан сўнг Бекқули иноқ ҳам Қорақўлни чопиб, кўп мол олиб ўлжа ва асир қилиб хонга қўшулдилар. Бир неча кундан сўнг хони жаннатмакон давлат бирлан қайтиб келиб Хивақ

¹ А.Жуманазар. Ўргимчак китоби, 77-бет.

туштилар». «Андин сўнг шу йили Қоракўл устига отландилар. Тақи бориб Қоракўлни яхши чопиб қайтиб Кўрдуш теган ерга тушдилар. Аммо Абдулазизхон Қаршида эрди ва Бухоронинг ичиндаги беклар Қоракўлнинг чопилғонин эшитиб, минг киши билан отланиб Кўрдушда хоннинг ортиндин етиб рўбарў бўлдилар. Тақи уриша билмай қоча бердилар. Ул беш минг кишиндин юз киши қочиб кутулди. Андин ўзгасининг тамомини тутуб ўлтурдилар. Бир неча халқ қочиб келиб Қоракўлнинг қалъасига кириб қабалди. Хони гитистон ҳам қайтиб келиб Қоракўлнинг қалъасига етиштилар. Тақи қалъани олдилар. Бу қалъани тарож қилиб, халқни ўлжа ва асир қилиб Урганч тарафга мутаважжих бўлдилар. Бир неча кундин сўнг хони жаннатмакон фатҳ ва нусрат бирлан келиб Хивага туштилар»¹. «Товуқ йилининг аввалинда, камар ҳамал буржида эрди, отланиб бориб, Ёйчини Наразимгача, бу тарафи Қоракўлгача чопиб, кўп ўлжа олиб қайтдилар». «Абдулазизхон ва Қосимхон эшитиб, Бухородин отланиб Кўкардлик келиб, қочқундан хабар олиб, рўбарў бўлурға тоқат қила олмай қайтиб қочиб, юз меҳнат ва машаққат бирлан Бухорога бориб турур»². Юқоридаги маълумотлардан шу нарса маълум бўлмоқдаки, Хива хони Абулғози Баҳодурхон 1655,1658,1662 йилларда Бухоро хонлиги ерларига, хусусан Қоракўлга юриш қилади ва Қоракўл қалъаси атрофида ҳамда ичкарисидида қаттиқ жанг бўлиб, хиваликлар ғолиб келиб, кўпчилик аҳоли асирга олиниб Урганч томонга олиб кетилади.

Ўрта Осиё хонликлари ўртасида ўзаро урушлар кейинги даврда ҳам давом этган. Хусусан, Бухоро хонлиги ва Хива хонлиги ўртасида бундай урушлар тез-тез такрорланиб турган. Турган гапки жанг майдони сифатида кўпинча Қоракўл ҳудудлари танланган, чунки бу ҳудудлар чегарада жойлашган эди. Худди шундай юришлар 1681 ва 1686 йилларда Хива хони Анушахон томонидан уюштирилади. Қоракўл, Бухоро, Самарқанд, Насаф ва Кеш шаҳарлари бундан катта зиён кўради³. Хўжа Самандар Термизийнинг «Дастур-ал-мулк» асарида Хива қўшинларининг 1681,1685 ва 1686 йилларда Бухоро, Қоракўл ва Самарқандга уюштирган босқинчилик юришлари ҳақида маълумот берилади. Бухорода Надр Муҳаммад, унинг ўғли Абдулазиз, кейин Субҳонқулихон хонлик қилган йилларида Бухорога хиваликлар ўн тўққиз марта юриш уюштирдилар ва бу ердаги маҳаллий аҳолига катта зиён етказдилар.

Хива хони Шерғозихон ҳукмронлиги (1714-1728) даврида ҳам Хива Бухоро муносабатлари ёмонлашиб қолди. Бухорода марказий ҳокимият заифлашди. Бундан фойдаланган Балх вилояти 1711 йилда, Самарқанд вилояти 1723 йилда мустақил бўлиб ажралиб чиқди. 1720 йилда Тошкентни қалмоқлар босиб олди. Шу аснода Хива хони Шерғозихон ҳам Бухоро хонлиги ерларига даъвогарлик қилиб қолди. Бухоро хонлигида катта мавқега эга бўлган қатағон қабиласи вакиллари қози Самъойи Ҳисорий бошчилигида Хива хони Шерғозихонни Бухоро тахтига ўтказмоқчи бўлди. «Абулфайзхон тарихи» да ёзилишича, шу йилларда Шерғозихоннинг босқинчи отряди Бухоро хонлиги чегараларини бузиб ўтиб, Қоракўлга ҳужум қилиб, унинг ҳудудларини талаган. Бухоро хонлиги ерларидан Вобкентга ҳам ҳужум уюштирилган. «Вобкентда

¹ Абулғози Баҳодурхон. Шажарайи турк. Т.1992.185-бет.

² Абулғозий Баҳодирхон. Шажарайи турк,186-бет.

³ Б. Аҳмедов. Улугбек. Т. 1994. 197-бет.

ҳам бир неча марта ёғийлар билан тўқнашув бўлиб ўтди. Ёғийлар қўшини 30 минг аскаргача, ҳукумат қўшини эса 6 минг кишигача эди». «Тўрт юз нафаргача бўлган ёғийлар (босқинчилар) асирга олинди ва ўлдирилди. Айтишларича, ёғий томонидан ўн мингга яқин одам ҳалок бўлган. Қорақўлга ҳужум қилган талончиларнинг бир отряди у ердан қочиб келиб, Хўжа Ўбон чўлида сувсизликдан ҳалок бўлган»¹. Бундай урушлар, ўзаро тўқнашувлар натижасида Мовароуннаҳр бўлиниб кетди.

1714-1717 йилларда Россия Бекович-Черкасский бошчилигидаги ҳарбий экспедициясини Хива хонлигига жўнатган бир вақтда бундай ўзаро урушлар бемаъниликдан бошқа нарса эмас эди. «Бўлинганни бўри ер» мақоли тўғри бўлиб турган бир вақтда Бухоро билан Хива ер талашиб турар, бунинг жабрини эса Қорақўлга ўхшаган чегара ҳудудлари тортар эди.

1723 йилда Россия подшоси Пётр I томонидан элчилар учун тайёрланган харитадан голландиялик хариташунос Абрахам Маас нусха кўчирган. Ушбу нусхани Йоханнес ван Гелен Нюрнберг (Германия) шаҳрида 1735 йилда нашр эттирган. Харита «Каспий денгизи ва ўзбеклар мамлакати» деб аталган. Ушбу харитада Бухария (Бухоро) вилоятидаги шаҳарлар қаторида Зарафшоннинг қуйи оқимида, дарёнинг чап қирғоғида Қорақўл шаҳри кўрсатилган эди. Демак, бу даврга келиб европаликлар ҳам Қорақўл деган шаҳар мавжудлигини эътироф этган эди.

5-§. Манғитлар даври

Муҳаммад Раҳимбий бошлаб берган манғитлар сулоласи ҳукмронлиги даврида Бухоро амирлигида марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш, жойларнинг мустақил бўлишга уринишларини бостириб туриш, Ўрта Осиёда устунликка эришиш учун қирғинбарот ва талонтарош урушлари бўлиб турди. 1806, 1825, 1842 ва 1843 йилларда Бухоро амирлиги билан Хива хонликлари ўртасида ҳарбий тўқнашувлар бўлиб ўтди. Бухоро тарихида «Амири Маъсум» деб ном олган Амир Шохмурод ҳукмронлиги (1785-1800) даврида диний арбоб Шайх Сафарнинг таъсири кучли бўлиб, унинг истаги ва хоҳиши билан Шохмурод Афғонистон шиаларига ғазавот уруши эълон қилади. Ушбу воқеа ҳақида «Фатхномаи Султоний» (Насруллохоннинг расмий тарихи) асарининг муаллифи Муҳаммад Мир Олим Бухорий шундай деб ёзади: «Амир Шохмурод Самарқанд, Жиззах, Миёнкол, Каттакўрғон, Карминадан, шунингдек Марвдан туркман ҳарбий бўлинмаларини чакириб олишни ва уларни унинг ихтиёрига юборишни амр қилди. Бундан ташқари, у Қорақўлдаги ҳарбий кучларни ва Бухоронинг етти туманидан, Насафдан, Ғузордан кучларни Амударё қирғоқларига жамлашни буюрди. Қўнғирот, Дахисари ва Бойсун қабилалари оқсоқолларидан ўз кучларини жўнатишни сўради. Бу юришда 150 минг кишилиқ ҳарбий қўшин, 20 минг ислом тарғиботчилари-руҳонийлар иштирок этишган»². Бу пайтда Қорақўлда ҳам минг нафар аскар сақланар эди. Амир Шохмурод Бухоро аҳолисини бождан, ҳунармандларни кундалиқ йиғимлардан, меҳнат мажбуриятидан ва солиқдан озод этувчи тархон ёрлигини берди. Хирож

¹ Абдурахман Талий. История Абулфайхана. Т., 1956, 66, 133-134, 138-бет

² Т. Саидкулов. Очерки историографии истории народов Средней Азии. 136-бет.

ва никоҳ пули, тарози ҳақи ва бошқалар камайтирилиб, суд тизими қайта тузилди. Зарафшон водийсининг сунъий суғориш тизими қайта тикланди. Бироқ унинг натижаси Қорақўлгача етиб келмади.

Мирза Шамс Бухорий (XIX аср) нинг кўрсатишича, урганчлик Элтузархон икки-уч минг киши билан Бухоро ҳудудига бостириб кириб, икки-уч йил ичида Бухоронинг қишлоқ аҳолисидан 40-50 минг кишини Урганчга олиб кетган. Унинг катта қисмини Қорақўл аҳолиси ташкил этган.

«1806 йилда Хоразм хони Элтузархон Бухоро атрофини талон-тарож қилиб, эллик минг қўй ва бир неча минг туя олиб кетди. Яна бир неча маротаба келиб, Бухоро атрофини ғорат қилди. Охири Амир Ҳайдар Хоразм устига ўттиз минг аскар юборди. Бу хабарни эшитиб Элтузархон ўн икки минг аскар илан Жайхун дарёсидан Бухоро тарафига қараб ўтуб, икки қўшун бир-бирларига муқобил бўлганда Хоразм қўшуни тайёр бўлолмаганидан саросима бўлуб, Элтузархон бошлуқ кемага тушуб қоча бошлаганини кўруб, аксар Хоразм қўшуни кемага тушармиз деб ҳужум қилғонда, кема ботиб, ҳамма ҳалок бўлиб, дарёнинг усти ҳаммаси қаро бўрк бўлуб кўрунди»¹. Элтузархон ва унинг яқинлари ҳам ҳалок бўлиб, укаси Қутлуғмурод асирга тушади. Амир Ҳайдар уни Хоразмга хон қилиб жўнатади. Аммо хоразмликлар уни хохламай, Муҳаммад Раҳимхонни хон қилиб кўтарадилар.

Хива хони Муҳаммад Раҳимхон даврида Хива ва Бухоро хонлиги ўртасидаги муносабатлар унчалик яхши бўлмай, томонлар вақти-вақти билан бир-бирларига босқинчилик юришларини уюштириб турардилар. Бухоро амири измида бўлган бир қатор мулкларга Муҳаммад Раҳимхон томонидан аёвсиз босқин уюштирилади, талон-тарож қилинади, ғорат қилинади, Қорақўл ва Бухоронинг бошқа вилоятларидан беҳад ва беадад асирлар қўлга киритилиб Кўҳна Урганч (Туркменистоннинг Тошҳовуз, Дашовуз вилояти) га ва унинг атрофларига жойлаштирилади.

Бухорода Амир Ҳайдар ҳукмронлиги даврида, 1819 йилда Хива хони Муҳаммад Раҳимхон бир неча марта лашкар билан келиб Чоржўй вилоятини, икки йил Бухоро атрофини ва туманларини талон-тарож қилиб кўп бедодликлар қилди. Шу йилларда амир Шохмуроднинг кичик ўғли Дин Носирбек ибн амир Маъсум Марвдан тўрт минг лашкари билан Чоржўй устига юриш қилади. У Марвликларнинг қўзғолонига бошчилик қилади. Бунга жавобан амир Ҳайдар Ниёзбек парвоначи бошчилигидаги ўн минг аскарни Чоржўйга юборади. Ниёзбекнинг лашкари Дин Носирбекнинг икки минг лашкарини ҳалок этиб, унинг қолган лашкарини то Марвгача таъқиб этиб боради ва Марвдаги Султон банди (тўғон)ни бузиб, орқага қайтади. Марвда сувсизлик бошланиб, экинлар қуриб қолади. Дин Носирбек Машҳадга қочиб кетади. 1806-1810 йилларда Марв қаровсиз қолади, унда ҳоким бўлмайди. Шундан кейин амир Ҳайдар томонидан туркманлардан икки юз хонадон Марвга кўчирилиб, уларнинг сардори – Ёрлақабий бу ерга ҳоким қилиб тайинланади ва у ўн йил давомида шу лавозимда ишлайди. Амирнинг фармонида мувофиқ Аёзбий Марвга бориб, у ердан Ёрлақабий бошлиқ икки юз хонадонни Бухоро ерларига кўчириб келтиради. 45 йил давомида (1843-1888)

¹ Мирзо Олим Маҳдум ҳожи. Тарихи Туркистон. Т., 2008, 175-бет.

Марв ва унинг атрофи хароб бўлди. У иккала хонлик ўртасидаги тўқнашувнинг қурбонига айланди. Олиб борилган ҳарбий юришларда Чоржўй, унинг атрофлари, Фараб ва Қорақўл ҳудудларида яшовчи аҳоли ҳам катта зарар кўрди¹. Муҳаммад Раҳимхон (1775-1825) 1812-1818 йилларда Марвдаги така туркманлар устига юриш қилиб, уларни Хива хонлигига қўшиб олган. 1823-1824 йилларда у Бухоро амирлигига тегишли бўлган Қоқиштувон, Оғор ва Бойканд қалъаларига талончилик юриши қилган. 1821 йилнинг 18 июнида Хива хони томонидан Дўстимбий ва Бекижонбек Бухорий бошчилигидаги ўзбек, ёвмут, човдур ва йимроли қабилалари вакилларида иборат етти минг кишилик катта ҳарбий гуруҳ Бухоро чоповулига юборилади (талон-торож қилиш учун). Улар Қорахожи устидан юриб Қорақўлни чопмоқ (таламоқ) учун Қандаҳор қумига кирадилар ва ташналикдан 40 киши, шу жумладан Жаҳонгирбек Бухорий ва Қутлуғмурод юзбоши ҳам ҳалок бўлади. Шу йилнинг ўзида хивалик Мурод сардор ҳам 150 кишилик гуруҳи билан Хўжа Канфас қўрғонидан ўтиб, Элжик билан Хўжа Канфас ўртасидаги кирнинг устида Қорақўлдан келаётган Элжик савдо карвонини талади ва Тузлокдан кўп кишини асир қилиб олиб кетди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, Қутлуғмурод иноқ бошлиқ 20 кишилик ёвмутлар гуруҳи Фарабга келиб, Қорақўлнинг жанубига ҳужум қилди. Аммо амир Ҳайдарнинг қўшинига тегишли бўлган қоровул қисмига дуч келиб орқага қайтиб кетишди (Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-икбол. Т.2010, 453-470-бет). 1825 йилда Бухоро амири Ҳайдар билан Хива хонлиги ўртасида тинчлик сулҳи тузилган.

Муҳаммад Раҳимхон даврида Хива, Бухоро ва Эрон ўртасидаги муносабатлар яхши бўлмаган. Оллоқулихон (1825-1842), Раҳимкулихон (1842-1845) ва Муҳаммад Аминхон (1845-1855) даврларида Марв шаҳри учун Бухоро амирлиги билан тез-тез урушлар бўлиб турган. Хива хонлиги Марвни эгаллаб Хўжа Ниёзбийни у ерга ҳоким қилиб тайинлаган. Бухоро амири Насруллохон Хивага сафарга чиқиб Марвда тўхтаган. Шунда туркманлар Марвга ҳужум қилиб, унинг ҳокимини ўлдириб, калласини амирга совға қиладилар. Марвликлар амир ҳокимиятини тан оладилар, аммо хазинага солиқ тўламайдилар. Амир Насруллохон Осимхўжа Қорақўлийни Марвга қози қилиб юборади².

Хива хони Раҳимкулихоннинг фармони билан Авазхўжа шайхулислом, Худоёрбий, Саййид Назарбий ва Одинабий оталиқлар, Эрназар иноқ, Бекмонбий, Тоғой мироб ва Валиниёз доруға, Муҳаммад Яъқуб меҳтар, Абдуллоҳ ясовулбоши, Муҳаммад Яъқуббойнинг ўғли Гадойниёз маҳрам ва Муҳаммаджонхўжа ҳамда навкарлар жамоаси ҳижрий 1259 (1842) йилнинг муҳаррам ойи 27 кунда Қорақўлга етиб келадилар. Бу ерда олдинроқ жангу-жадал учун мўлжалланган қурол-яроғлар, тўпу тўпхоналар тайёрлаб қўйилган эди. Бир кунлик дам олишдан кейин хиваликлар Марвга қараб йўл олади. Хива қўшини 11 кунда Қорақўлдан Марвга етиб боради ва бу ерда Марв қалъаси бошлиғи Ниёзмухаммадбой уларни кутиб олади. Марвда 33 кун турилганда орқаларидан одам бориб, Бухоро амири Насруллохоннинг аскарлари Амудан ўтиб, Хоразмга йўл олганлиги ҳақида маълумот беради. Бухоро қўшини

¹ Мирза Салимбек. Кашкўли Салимий. Таворихи мутақаддимин ва муттаахирин. Бухоро.2003, 294-бет.

² Мирзо Олим Маҳдум ҳожи.Тарихи Туркистон.Т.,2008, 195-бет.

Чоржўй кечувидан ўтган ва Хива ерларида эди. Хиваликларнинг бир қисми Марвда қолиб, бир қисми орқага қайтади. Бухоро лашкари Марвга юриш қилади ва уни бўйсундиради.

1842-1845 йилларда хиваликлар Бухоро амирлиги сарҳадларига кетма-кет 7 марта юриш қиладилар. Бу юришлар талончилик ва босқинчилик характерида эди. Бундан асосан маҳаллий аҳоли, фуқаролар ва уларнинг мол-мулки зиён кўрган. Ана шу юришларнинг тўртинчиси тўғрисида шундай дейилади: «Ямут қабиласига тегишли бўлган Қутлуғмурод сардор бошлиқ хиваликлар хондан рухсат олиб, Элжик билан Қорақўл ўртасидаги масофада Бухоро шахрига туяларда туз олиб бораётганларни ва чўпонларни талади». Бу юришлар «Чоповул», «Чопқун» деб аталиб, талончиликдан иборат эди. Хиваликлар Бухоро амири томонидан қўйилган қоровул пунктларига хужум уюштирар, қўп миқдорда мол-мулк, қўй, туя ва отларни ўлжа тарзида олиб кетар эди.

Раҳимқулихоннинг буйруғи билан Муҳаммадамин Иноқбек бошчилигидаги лашкарлар Кўтурдли, Ишмақўй, Чашмо, Ўкуз илғаси, Йўлайритти, Учбош деган манзиллар орқали йўл босиб Қорақўлга тегишли бўлган Оққалъа устига юриш қилади. Оққалъа аҳли ичкарига қамалиб олади ва мудофаа жангини бошлаб, тўфангандозликка ўтади. Шунда Иноқбекнинг ғазаби қўзғаб, қалъа устига бостириб боришга буйруқ беради ва аскарлар қалъа деворидан ошиб ўтадилар. Қалъа ичидаги мудофаачиларнинг омон қолганлари, аёллар ва болалар асирга олинади ҳамда қалъа ичкараси вайрон қилинади¹.

Қорақўлга қарашли бўлган ушбу Оққалъани эгаллаб, талон-тарож қилганларидан кейин аскарлар Иноқбекнинг буйруғи билан ҳар бир даста ўз амири, ҳар бир гуруҳ ўз саркардаси билан тўрт томонга от суриб Олот бозоригача ҳаммаёқни вайрон қилиб, бирин-кетин Хўжақалъа, Янгиқалъа, Қумқалъа каби 22 қалъани ярим кун муддат ичида эгаллаб оладилар. Ушбу талончилик юришини Огаҳий қуйидаги маснавий билан таърифлаган:

*Асир айлабон аҳлу атфolini,
Толаб жумла асбобу амволини.
Олиб, қўймай эски палосигача,
Палоси демай бўрәсигача.*

Шу таҳлитда 2-3 кун ҳаракат қилинса, Қорақўл ва Бухоро вилоятининг аксарият ҳудудини қўлга киритишлари мумкин эди (Хиваликлар хужум қилган қалъалар унчалик катта бўлмаган ва аҳоли яшайдиган асосий манзиллардан чеккада жойлашган ҳамда зарурат туғилганда ўзини-ўзи ҳимоя қилар эди). Аммо шу вақтда Хива хони Раҳимқулихондан ёрлик олиб келинади. Унда айтилишича, Бухоро амири Насруллохон Қўчқор мирохўр деган элчиси орқали амирнинг қилган ишидан пушаймонлигини (Марвдаги уруш назарда тутилади), икки мамлакат ўртасида сулҳ тузиш зарурлигини Хива хонига маълум қилган эди. Шу сабабли хивалик лашкарларнинг эгаллаган ҳудудидан нарига ўтмасдан, орқага қайтишлари буюрилган. Оққалъанинг ғарбий жанубида лашкарлар тўпланиб, Хоразмга қараб йўл оладилар.

Хива хони Раҳимқулихон 1844 йил сафар ойининг 28 кунида Бухоро амирининг элчиси Қўчқорбек мирохўрга ўзининг мулозимларидан Раҳматиллоҳ

¹ Огаҳий. Зубдату-т-таворих. Т. 2009, 131, 174-бет.

Қоракўзни ҳам кўшиб Бухоро амирига мактуб йўллайди: «Агар амир Насруллоҳнинг нияти холис бўлиб, мақсади сулҳ билан келишиш бўлса, бизнинг хоҳишимиз шудир; агар ғарази бўлиб, нияти талаш ва саваш бўлса, муҳораба майдонига чиқсинким, биз ҳам шунга тайёرمىз. Шу икки ишнинг қайсиси мақбул бўлса, шунисини ихтиёр қилсинким, иккиси ҳам бизнинг мақсадимизга мувофиқдир¹. Ўша йили ражаб ойининг 10 кунда Хиванинг элчилари Раҳмонберди Охунд билан Раҳматуллоҳ Қоракўз Бухоро элчилари Олимхўжа билан Ҳусайинхонбий ҳамроҳлигида Хивага қайтиб келиб, амирнинг дўстлик ва ҳамжиҳатлигини изҳор этдилар. Ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш учун Хива элчилари ҳам шу мақсад билан Бухорога жўнатилади. Қисқа фурсатга бўлса ҳам ўзаро сулҳ тузилади. Марвга юриш қилиш учун Бухоро томони ҳам, Хива томони ҳам Чоржўй кечувидан ўтишган ва албатта, иккала томон лашкари ҳам таянч истехком сифатида Қоракўл худудидан фойдаланган ва бунинг оқибатида тинч аҳоли зиён кўрган.

«Хива хони Оллоқулихон ибн Муҳаммадраҳимхон келиб, Бухоро тавобиотидин ғорат ва тарож қилиб, кўп асирлар ва моллар олиб кетди. Иккинчи йили амир Насруллоҳон Чоржўй шахридин ўтуб, Оллоқулихон устига бориб, Фатанга ном мавзени забт этиб, аммо муҳорабада асир тушганларни қатл қилмай, балки, бил- акс, уларга инъому эҳсон қилди». Ушбу юришда амир кўшини Қоракўл орқали Аму бўйига етиб келган, сўнгра Чоржўй шахридан ўтиб хиваликларга хужум қилган эди.

Мирзо Олим Маҳдум Ҳожининг «Тарихи Туркистон» асарида ёзилишича, 1834-1835 йилда Эрондан Абдусамад Табризий деган доно, фозил, ҳунарманд ва закий киши Бухорога келади. У тез орада обрў-эътиборга эришиб, Бухоро заминида сақланаётган Эрон асирларидан икки юз кишини сотиб олиб, жуда яхши таълим-тарбия беради ва инглиз тартибида аскарликка тайёрлайди. Абдусамад Амир Насруллоҳон эътиборига тушади ва унга ноиблик рутбаси берилади. Аммо айрим манфаатдор кишилар уни амирга ёмонлашлари оқибатида орага совуқлик тушади. Ана шундай бир вақтда амирнинг Шаҳрисабзга юриши амалга оширилади ва Абдусамад бу юришда амирга қарши чиқади. 1851-1852 йилда Эрондан Шохруҳхон ибн Иброҳимхон Бухорога келади ва уни Абдусамад Табризий хизматига мубошир ва мутавалли қилиб тайинлайдилар ҳамда Қоракўлнинг бошқарувини унга инъом қиладилар². Шохруҳхон Эрон шоҳи Муҳаммадшоҳ Қожорнинг амакиваччаси эди.

Амир Насруллоҳоннинг ҳукмронлиги (1826-1860) даврида Туркистон минтақасида Россия-Англия манфаатлари ўзаро тўқнашди. Насруллоҳоннинг 1837 йилда ҳарбий ислоҳот ўтказганлиги, кўшин сонини 40 мингдан оширганлиги, бир қатор ерларни (Хўжанд, Ўратепа, Тошкент, Жиззах ва Зомин) Қўқон хонлигидан Бухорога қайтариб олганлиги, Марвни бўйсундирганлиги(1843), Шаҳрисабзни узил-кесил эгаллаганлиги(1856), марказий ҳокимиятни мустаҳкамлашга ҳаракат қилганлиги – буларнинг барчаси Россия ва Англия ҳукмрон доираларини бефарқ қолдирмади.

¹ Огаҳий. Зубдату-т-таворих. Т. 2009, 180-бет.

² Мирзо Олим Маҳдум ҳожи. Тарихи Туркистон. Т., 2008, 185-бет.

Инглизлар Бухорога бир неча бор элчилар юбориб, амир Насруллохондан Шахрисабзни ўз ҳукмдори (Искандар Валлома)га қайтаришни ва Карки қалъасини афғонлар бошқарувига беришни талаб қилдилар. Бухорога кетма-кет элчилар жўнатилди. Афғон элчилари орқасидан келган ўн кишилик инглиз элчилари гуруҳи эса Афғонистон билан Бухоро ўртасида тинчлик ўрнатиб бериш эвазига Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги чегараларидаги Қорақўл ва Чоржўй қалъаларини Дўстмуҳаммадхонга беришни талаб қилди. Дўстмуҳаммадхон 1855-1863 йилларда майда хонликларни ҳамда Қандахор, Ҳиротни ўз давлатига қўшиб олган, Афғонистоннинг ҳозирги чегарасигача бўлган ерларини ўз бошқарувига киритган эди. Юқоридаги талаб билан инглизлар Ўрта Осиёда руслар босқинига қарши турадиган Дўстмуҳаммадхон бошлиқ ҳукуматларини ўрнатмоқчи бўлдилар. Аммо бундай кескин ва қатъий талаб қўйилиши Бухоро амирини ташвишлантириб қўйди. Чунки, бу пайтга келиб Россия империяси Қўқон хонлиги чегараларига турли йўллар билан яқинлашишга уринаётган, амирлик эса ташқи сиёсат бобида Россияга нисбатан хайрихоҳлик позициясида эди. Шу боис, Насруллохон юзага келган вазиятдан таҳликага тушиб қолди. Амир узоқ иккиланишлардан сўнг бир ойча муддатда элчиларни ушлаб тургач, қатъий қарор қилишга аҳд этди ва рад жавобини берди¹.

Қорақўл ва Чоржўй қалъаларининг Афғонистон ҳукумати ихтиёрига берилишини талаб этилиши бежиз эмас эди. Ҳақиқатдан ҳам бу пайтга келиб Россия Ўрта Осиёни забт этиш учун астойдил ҳаракат қилаётганлиги инглизларга маълум эди. Уларнинг режаларига кўра русларнинг Хива хонлиги ва Каспий денгизи йўналиши бўйича Бухорога юришида Қорақўл ва Чоржўй муҳим таянч пункт ролини ўйнаши мумкин эди (Аммо руслар бошқа йўналиш билан ҳужум қилдилар).

Амир Насруллохон ҳукмронлиги даврида, 1830-1834 йилларда Бухорода бўлган П.И. Демезоннинг маълумотларига кўра, шу даврда Бухоро давлати Қорақўл, Бухоро(ўзининг етгита бўйсунувчи туманлари билан), Кармана, Миёнкол (Каттакўрғон), Самарқанд, Жиззах, Қарши, Левоб, Балх вилоятларидан иборат эди². Бу ерда Қорақўл вилоят сифатида кўрсатилади.

XIX асрнинг 30-40 йилларида Бухоро амирлигида ўн тўққиз минг ёлланма аскар бўлиб, шундан ўн икки минг аскар вилоятларда, икки ярим минг аскар Самарқандда, икки ярим минг аскар Қаршида, минг аскар Майманада, минг аскар Қорақўлда сақланган. Қорақўлдаги минг кишилик аскар Ёйчи ва Чоржўйда сақланар эди. Сипоҳликка 15 ёшдан 70 ёшгача бўлган эркаклар олиниб, уларнинг маошлари жуда кам эди. Армия хизмати умр бўйи давом этган. Жума кунлари ҳарбий машқлар ўтказилиб, қолган кунларда аскарлар бошқа ишларга жалб этилган. Армия қисман ихтиёрий, қисман мажбурий тарзда аскарлар билан тўлдириб турилган. Армия доимий ҳаракат қиладиган, мунтазам армия эмас эди. Бу даврда аскарлар XVII аср бошларида ишлаб чиқарилган пилта милтиқлар билан қуролланган. Бутун амирлик қўшинида ўн та тўп бўлиб, шунинг тўрттасигина жангавор ҳолатда эди. 1860-1870 йилларда амирлик ихтиёридаги қўшинда ўн-ўн бир минг киши хизмат қилар эди.

¹ М.Содиқов. Бухоро ва Афғонистон яқин ўтмишда//Мозийдан садо.2008.1-сон, 43-бет.

² Записки о Бухарском ханстве. М. 1983,39-бет.

Амир Насруллохон даврида Қоракўлда Мирзо Ибодуллобий ҳокимлик қилган. Маъмурий бошқарув маҳаллий уруғлар бошлиқлари қўлида бўлиб, маҳаллий бошқарув бўғинида ишловчи амалдорларнинг кўпчилиги маош олмасди. Амалдорларга маош тўлаш, асосан XX асрнинг бошларидан, амир Саййид Олимхон ҳукмронлиги давридан амал қила бошлаган.

Бухоро амири Музаффархон отасининг ҳукмдорлиги даврида Карминага волий эди. У Кармина ва унинг атрофларини обод қилиш учун Зарафшон дарёсини Қалъаи Бус тарафига оқизади, яъни канал-ариқ қаздиради. Бу ҳаракати билан Қалъаи Бус ва унинг атрофларини обод ва маъмур қилади. Лекин бунинг оқибатида Қоракўл заминларида сув танқислиги келиб чиқади ва кўп зироатгоҳлар, деҳқончилик масканлари хароб ҳолга келиб қолади¹. Ушбу ҳолат ва унинг оқибатлари тўғрисида шу даврда Қоракўлда қозилик қилган Мулла Абдулвоҳид ўзининг амир Музаффархонга ёзган шикоятномасида батафсил маълумотлар беради. Манғитлар ҳукмронлиги даврида Қоракўл аҳолиси Хива ва Бухоро ўртасида бўлиб ўтган тўқнашувлардан кейин катта талофат кўрган, чекка ҳудудларда истиқомат қилган аҳолининг бир қисми мажбуран кўчириб кетилган, кўпгина қалъалар вайрон этилган. Манғитлар даврининг охириги ўн йилликларида, 1917-1920 йилларда содир этилган ижтимоий-сиёсий ўзгаришларнинг оқибатлари амирликнинг турли ҳудудларида истиқомат қилувчи маҳаллий аҳоли турмуш тарзига жиддий таъсир кўрсатади, бегуноҳ одамлар қурбон бўлади, эл-юрт тинчлиги бузилади, ҳаёт кечириш оғирлашади.

1918 йил 2 мартда Туркистон Халқ Комиссарлари Совети раиси Ф.И.Колесов бошчилигидаги қизил аскарлар отрядлари Бухоро амирлигига ҳужум бошлайдилар. Мақсад – амир ҳукуматини ағдариб ташлаш ва Совет ҳокимиятини ўрнатиш. Биринчи тўқнашувда, яъни Фатҳобод яқинида амир қўшини мағлубиятга учраб, шаҳарга чекинди. Кейин музокаралар бошланди. Колесов 3500 кишилик қўшин билан юриш бошлаган эди. Музокарани чўзиш натижасида амир Олимхон ўз қўшинини 35 минг кишига етказди ва шаҳарни ҳимоялашга зўр эътибор берилди. Амирнинг буйруғи билан Карманадан Қоракўлгача бўлган 170 км лик темир йўл изи бузиб ташланди. Колесов қуршовда қолди ва 5 мартда чекинишга буйруқ берди. Тошкентдан ёрдамга чақирилган Колузаев бошчилигидаги қизил аскарлар отряди 11 мартда Кармана шаҳрини эгаллаб, Қизилтепада Колесов отряди билан қўшилди ва қатъий ҳужумга ўтишди. Бунинг натижасида Хатирчи, Зиёвуддин, Мир, Кармана, Қизилтепа, Қоракўл ва Чоржўйни босиб олдилар. Вазият мураккаблашди. Амир ҳукумати музокара олиб боришга ҳаракат қилди ва 17 мартда Колесов сулҳ музокараси учун Самарқандга етиб келди. 1918 йил 25 мартда Қизилтепа сулҳи деб ном олган битим имзоланди. Бунга кўра амир Олимхон ўз қўшинини 12 минг кишидан оширмаслиги лозим эди. Колесов юриши Туркистон Совет ҳукуматининг ҳақиқий башарасини намоён қилди.

1918 йилги Колесов воқеаларини Қоракўлнинг қишлоқларида истиқомат қилган оддий халқ шундай ном билан атаган: «Кичик тала-тўп». «Катта»си 1920 йилги сентябр воқеаларини англатган. 1918 йил март ойининг бошларида

¹ Мирзо Олим Маҳдум ҳожи. Тарихи Туркистон. Т., 2008, 189-бет.

амирнинг жарчилари бутун амирлик ҳудудига жар солиб, ҳаммани муқаддас урушга, кофирларга қарши «ғазавот» га чорлаган, даъват этган ва кимда-ким ушбу даъватга қўшилмаса ўзи қатл этилиб, мол-мулки талон-тарож қилинади деб огоҳлантирган. Ана шундан кейин Бойканд амлоклигининг Дўрман қишлоғидаги мўмин-мусулмонлар ушбу чорловга «лаббай» деб жавоб беришган. Уларнинг қишлоғи бўйлаб Чоржўй-Когон (янги Бухоро) темир йўл излари ўтган эди. Дўрманликлар темир йўл бўйидаги темирйўлчилар пунктини бузиб ташлайдилар, релсларни қўпора бошлайдилар. Шу атрофда бўлган Колесов отряди аскарларига бу хабар етиб боради ва кичик отряд етиб келиб, темир йўл бўйлаб қишлоқ аҳолисига қарата ўқ ота бошлайдилар. Аҳоли саросимага тушади, чунки улар қуролланмаган эдилар. Шу боис пала-партиш ҳолда Қорақўлдарё томонга қараб чекина бошлайдилар. Қишлоқ кексаларининг гувоҳлик беришича, кўпчилик одам сувга ғарқ бўлган, айримлар қизил аскарлар ўқиға учиб ҳалок бўлишган, кимларнидир чопиб ташлаганлар, кимдир хашак ғарамига беркиниб жон сақлаган, кимдир ёнғин ичида қолиб кетган. Дарёнинг кечувида битта қайиқ бўлганлиги ва баҳор пайтида сувнинг кўпайганлиги сабабли кўпчилик сувга чўккан, у пайтда дарёнинг оқими анча тез бўлган. Амир ҳукуматининг «ғазавот»га чорлови дўрманликларга қимматга тушган бўлсада, улар ўзларининг чин мусулмон эканлигини исботлашган. Юқорида зикр этилган «ур-йиқит» лар оқибатида, қишлоқ аҳлининг бир гуруҳи темир йўл ёқасидаги рус ишчилари «будка» сини бузиб ташлашган ва ундаги нарсаларни олиб кетишган. Олиб кетилган нарсалар ичида рус сандиғи ҳам бўлиб, у ушбу сатрлар муаллифининг уйида ҳозиргача ҳам сақланиб келмоқда.

Бухоро босқини – қизил армиянинг Бухоро амирлигини тугатиш ва унинг ҳудудида шўролар ҳокимиятини барпо этиш мақсадида уюштирган босқини (1920 йил 28 август-2 сентябр). 1920 йилнинг 16-18 августида Чоржўйда Бухоро коммунистларининг 4-қурултойи бўлиб у амирга қарши кўзғолон кўтариш тўғрисида қарор қабул қилган. Тарихда «Ялпи кўзғолон» деб аталган бу ҳаракат 1920 йил 23 августдан Бешим Сардор (Бешим Сеитназаров) деган коммунист бошчилигида ёлланма туркман отлиқларининг Чоржўй яқинидаги Сақор бозорни ишғол қилиши билан бошланган. Бешим Сардор ва Чоржўй коммунистлари дарҳол эски Чоржўйни ишғол қилганлар, юздан ортиқ амалдорлар дарҳол қамоққа олиниб, Чоржўй беклиги хазинаси қўлга киритилиб, бойликлар Чоржўй ревкоми ва янги ҳукумат ихтиёрига ўтган. Чоржўй ревкоми «Бухоро халқи номидан» Туркистон фронтига ёрдам сўраб, мурожаат қилган, аммо Бухоро халқи қурултой қароридан ҳам, Бешим Сардор исёнидан ҳам беҳабар эди. М.Фрунзе» ёрдам» тўғрисидаги мурожаатни олгач, қизил армия қўшинларини 4 та зарбдор гуруҳга бўлган: Самарқанд, Каттакўрғон, Чоржўй ва Когон. Жумладан, Чоржўй гуруҳи Чоржўйни эгаллаб, Амударёнинг Афғонистон билан чегараларини назорат қилиши, Фараб ва Қорақўлни эгаллаб, қўшимча буйруқни кутиб туриши лозим эди. 1920 йил 29 августдан бошлаб эски Бухоро ҳам ҳаводан, ҳам ердан қаттиқ бомбардимон қилинган, шаҳар обидаларининг бешдан бир қисми вайрон этилган, минглаб бегуноҳ одамлар ҳалок бўлган, 2 сентябрда Арк эгаллаб олиниб, қизил байроқ ўрнатилган. Бухородан кейин қизиллар амирлик таркибидаги 27 бекликни ҳам бирин-кетин эгаллаган, шу жумладан Қорақўлни ҳам эгаллаган.

1. Ижтимоий-иқтисодий ҳаёт.

Бухоро амирлигида манғитлар ҳукмронлиги даврида, айниқса кейинги манғит амирлари даврида ер-сув муносабатлари, қишлоқ хўжалиги ўзига хос кўринишга эга бўлиб, одатда ерлар уч турга бўлинган эди: 1) мулки султони-давлат ерлари; 2) мулк-хусусий мулкдорлар ерлари; 3) вақф-диний муассаса ерлари.

Аҳолининг 85%ини деҳқонлар ташкил этиб, улар амирликнинг 15% ерига эгалик қилган. Қишлоқларда мулкӣ ва ижтимоӣ табақаланиш кучли эди. Қишлоқ аҳли батрақлар, мардикорлар, майда деҳқонлар, ўрта ҳол деҳқонлар ва йирик ер эгалари каби мулкӣ табақаланиш асосида турмуш кечирар эди. Батрақлар – ерсиз деҳқонлар энг қуӣи табақа бўлиб, улар қарол, етим ва корандалардан иборат эди. Мардикорлар ҳам кўпчилиқни ташкил этиб, уларнинг аксариятини 0,1 десятинадан 1 десятинагача бўлган ерга эгалик қилувчилар ташкил этар эди. Улар малакасиз ишчи бўлиб, маълум бир ишни бажариш учун муайян бир муддат (бир кун, бир ҳафта, бир ой ва бир мавсум) га ёлланар эди.

Ўзининг хўжалигида 1 десятинадан 3 десятинагача ерига эга бўлган деҳқонларни майда деҳқон дейишган. Одатда улар ўз оиласи ва деҳқончилик воситалари билан хўжалик юритишган. Йирик ер эгаларининг ўзи ҳам 3 тоифага бўлинар эди: 1) йирик бойлар (30-50 десятина ерга эга); 2) ўрта бойлар (15-20 десятина ерга эга); 3) кичик бойлар (7-10 десятина ерга эга). Ушбу даврда қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарувчи кучларнинг чорикорлик, ижарачилик ва шерикчилик кўринишидаги муносабатлари амал қилар эди.

Қишлоқ хўжалигида турли хил солиқлар қўлланилар эди. Умумий ҳолда амирлик ҳудудида 40 дан ортиқ турли хил солиқ ва йиғимлар амал қилганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Масалан, солиқлардан бир тури бўлган танобона солиғи йилига икки марта олинган: баҳорги танобона, кузги танобона. 1890-1891 йилда Қорақўлдан амирлик хазинасига 13997 танга, 14000 танга ва 14004 танга миқдорида танобона солиғи тўланган. Мулки хирожда ер солиғи одатда ҳосилнинг $\frac{1}{3}$ дан $\frac{1}{5}$ гача бўлган қисми, мулки ушр, шунингдек даҳяк ерлардан $\frac{1}{10}$ ҳисса солиқ олинган. Булар давлат ерларига тегишли бўлган. Миробона солиғи суғориш учун жорий қилинган бўлиб, 1 қўш ердан бир ман миқдорида ғалла олинган. Солиқларнинг кўплигидан энг аввало, қишлоқ хўжалиги билан машғул кишилар азият чекишган. Камбағалларни аяб ўтирмаганлар, бунинг оқибатида уларнинг бир қисми хонавайрон бўлиб қолаверган. Амир Музаффархоннинг амалдорларидан бири бўлган Сайид Мирак ясовулнинг амирга ёзган мактубида шундай дейилади: «Қорақўл аҳолисидан Камолбой, Солтиқбой, Тоирбой, Қобилбой жаноби олийларига (амирга) қуӣидагиларни маълум қилган: «Абдуллабек мирохур бизнинг арпамизни молият (мол) рўйхатиға ёзди. Биз жаноби олийларига шикоят ёзиб, ариза қилган эдик ва жавобни олиб, унга, яъни Абдуллабек мирохурга мурожаат қилдик. У эса бизни қамаб қўйди»¹. Кўриниб турибдики, шикоят қилувчиларнинг аҳволи хўжайинларини қизиқтирмаган.

¹ К.М.Мирзаев. Амляковая форма феодальной земельной собственности в Бухарском ханстве. 49-бет.

Шайбонийлар давридан амал қилиб келаётган «танҳо» бериш анъанаси манғитлар сулоласининг кейинги вакиллари даврида одат тусини олди ва кучайди. Шундай ҳолатлар ҳам бўлдики, бутун-бутун қишлоқларни ҳам танҳо сифатида мансабдор шахсларга бериб юборилди. Масалан, амирликда катта мавқега эга бўлган Авлиёқулбек бий бутун бошли Бойканд қишлоғини танҳо сифатида ўз мулкига олган эди. Ана шу Авлиёқулбек бий додхоҳнинг Қорақўлдаги Осиё қишлоғида ҳам «танҳо»си бўлиб, 14 минг тангалик даромадга эга эди. Шунингдек, Хўжақулбек тўқсоба қўнғиротнинг Арғун қишлоғида (6 таноб ер майдони, 100 тангалик даромади билан) Содиқбек қоровулбегининг Зоғорақаш қишлоғида (200 тангалик даромади билан), «танҳо» мол-мулки бор эди¹. «Танҳо» амир ҳукумати томонидан амалдорларга берилар, бунинг учун шахсан амирнинг ўзи фармон чиқариб, ёрлик бериши зарур бўлган. Айрим ҳолларда «танҳо» бир неча амалдорларга биргаликда фойдаланиш учун берилган. «Танҳо» эгалари-танҳодорга берилган ер қайси ҳудудда жойлашган бўлса, шу ҳудудни амалдорлари ундан солиқ-тўлов ундирган. Бу иш билан амлоқдорлар шуғулланган. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб танҳо ерлари ҳам мерос бўлиб ўтадиган бўлган. Ерлардан ташқари, тегирмонлар ҳам танҳо мулкка айлантирилган. Танҳо мулклар жойлашган ҳудудда истиқомат қилувчи деҳқонларнинг баъзан такрорий солиқ тўлашига ҳам тўғри келарди. Бу ҳолат танҳодорнинг вафот этиши билан боғлиқ бўлиб, амалдорлар аввалги танҳодор тўплаган солиқни тан олмасдан, янгидан солиқ ундирган. XIX асрнинг охирида амирликнинг Комот, Сомжон, Хайробод ва Қорақўл туманларида танҳо ер-мулкларининг ҳолати текширилган. Ерлар билан бирга, танҳога айлантирилган тегирмонлар ҳам текширувдан ўтказилган. Танҳога эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи амирнинг фармони бўлмаса ёки йўқолган бўлса, амалдорлар танҳони давлат ихтиёрига ўтказишга, мусодара этишгача ҳаракат қилишган².

Одатда барча мулклардан, вақф мулкидан ҳам солиқ олинган. Аммо айрим ҳолларда, амирлар, вилоят ҳокимлари томонидан тайинланган солиқчилар азалий урф-одатга биноан, кўпинча вақф мулкидан солиқ олмаганлар. Сабаби вақф мулклари савоб иш сифатида қабул қилинган. XIX асрда ер-сув муносабатларида кенг амал қилган мол-мулк кўринишларидан бири даҳяқдор (ўндан бир улуш)лик бўлиб, фақат амирнинг ҳукми билан бу мулк эгасидан солиқ олиш тақиқланган. 1827 йилда амир Насруллоҳон томонидан имзоланган ҳукмномада Қорақўл вилоятининг Зиёрат ариғидан суғориладиган 100 таноб ер Мирзо Абдурахимга тегишли эканлиги, ушбу даҳяқдорлик мулкидан солиқ олиш тақиқланиши, солиқ йиғувчилар ва назоратчилар буни инобатга олиши ҳамда қоидага амал қилиши кўрсатилган³.

Қишлоқ хўжалигида мулкчиликнинг амал қилиши ер эгалари, ерга ишлов берувчилар, ерни ижарага олувчилар ўртасида тузиладиган олди-сотди шартномалари асосида шаклланган эди. 1905 йилда Умурбойнинг ўғли

¹ Х.Тўраев. Регисты актов по истории феодального института танха в западной Бухаре. Т. 1991. 66,98,133,139-бет.

² Х.Тураев. Документы архива кушбеги – важный источник для изучения феодального института танха// Из истории культурного наследия Бухары. Т. 1990. 116-117 бет.

³ Документы к истории аграрных отношений в Бухарском ханстве. Т. 1954.170-бет.

Хўжакулбой Қорақўлнинг Қатортепа қишлоғида ўн таноб ерни Турсунхўжанинг ўғли Зиёутдин хўжага 6000 тангага сотган, олди-сотди шартномасига кўра, ерни олган киши ойига 120 танга миқдорида ижара пулини тўлаши керак бўлган. Яна бир шартномада айтилишича, 1905 йилда Хўжакулбой Қорақўлнинг Хўжан деган жойида Обидхўжанинг ўғли Нарзуллохўжага даҳяк бўлган 9 таноб ерни ва уй-ҳовлисини сотган. Ернинг нархи 6 минг танга деб белгиланган. Шартноманинг шартига кўра, тўрт ой мобайнида ернинг хўжайини ушбу шартномани бузиши ва пулни харидорга қайтариши мумкин эди. Юқоридаги олди-сотди шартномасидан кўриниб турибдики, Хўжакулбой ўз ерини, мол-мулкини сотиб юбориб мулксизлар ва ерсизлар қаторига ўтган¹.

Ер-сув муносабатларида суғориш тизими – ирригация иншоотлари билан боғлиқ чора-тадбирлар ҳам муҳим рол ўйнаб, бунинг натижасида суғориладиган ерларнинг ҳолати бир мунча яхшиланар, суғориш тизими тартибга солинар эди. Манбаларга кўра Қорақўлда суғориш тизимини, яъни миробликни амирликнинг катта девонбегиси назорат қилган². Аммо бу ишни доимо ҳам сидқидилдан бажармас эдилар, аксарият амалдорлар ўз вазифасини суистеъмол қилар эди. Ирригация тизимини таъмирлаш учун кетадиган харажатларни аҳолидан йиғиб олардилар. Таъмирлаш ишига қатнашмаганлардан жарима ундирар эдилар. Аммо тўпланган маблағ кўпинча талон-тарож қилинарди. Қорақўл туманидаги йирик амлоқдорнинг оғайниси Ҳамзахўжа Хайробод ариғини таъмирлаш учун тўпланган маблағнинг икки минг тангасини амирлик хазинасига топширмаган. Бу маблағ ариқни таъмирлаш ҳашарига бормаганлардан жарима сифатида тўпланган эди. Ариқ ва каналлар қазилар, сув ҳавзаси ва шохобчаларини тозалар, мавжуд суғориш тизими иншоотларини таъмирлаш ёки янгиларини қуриш вақтида ҳашарга чиқмаганлардан олинган жарима боқи пули деб аталиб, Бухоро амирлигида ҳар бир кишига кунига 2 тангадан жарима солинган. Унинг бир қисми суғориш ишларига сарфланиб, ортгани давлат хазинасига топширилган. Ҳамзахўжа Қорақўлнинг бозорида оломон олдида ҳашарга бормаганларни дўппослаб, улардан жарима пулини ундириб олган эди. Иноятулло Хўжа раиснинг амирга юборган маълумотида ҳашарга жами 38 киши борганлиги, аслида эса 800 киши бориши лозимлиги кўрсатилган. Демак, ҳашарга бор-йўғи 5% одам борганлиги шу пайтларда оммавий сафарбарлик ишларининг кўпайиб кетганидан, одамларнинг бундай мажбурий ишлардан бешиб кетганлигидан далолат беради.

XIX асрда, XX асрнинг бошларида пахтачилик қишлоқ хўжалигида муҳим аҳамият касб этган. Қорақўлда ҳам бу даврда пахта (ғўза) экилган. Унинг ер майдони миқдори суғориш тизимига ва бозордаги ғўзага бўлган талабга боғлиқ эди. Л.С.Соболев 1870 йилда пахтачилик ҳақида шундай деб ёзган эди: «Ғўзани кўпроқ Қорақўл ва Бухоро туманида экишади. Бир таноб ерга 15 фунтгача экишади, 3 мартагача суғорилади, апрелда экилади. Қорақўлга ўхшаган туманда ер остида намнинг кўплиги учун, ғўзани суғоришга унчалик кўп сув талаб этилмаган. Йиғим-терим сентябрда бошланган. Ғўза

¹ К.З.Хакимова. Крестьянство Бухарского эмирата в конце XIX-начале XX в. 79-бет.

² Мирзо Олим Маҳдум ҳожи. Тарихи Туркистон. Т., 2008, 239-бет.

етиштиришнинг 3 шартини мавжуд: 1) апрел ойи ҳавосининг жуда совуқ ва нам бўлмаслиги; 2) июн-июлда атмосферанинг намлиги кескин ўзгармаслиги; 3) октябрнинг совуқ келмаслиги»¹. Ер остида намнинг кўплиги сувнинг кўплиги туфайли эмас, балки ернинг шўрлангани боис намнинг сақланиб туриши билан изоҳланади.

Умуман олганда, маҳаллий «ғўза» пахтаси ҳунармандчилик ва маҳаллий газламалар ишлаб чиқаришга мослашган бўлиб, кўп асрлар мобайнида ички ва ташқи бозор талабини қондириб келган. Унинг маҳаллий иқлим ва шароитга мос тушадиган томонлари ҳам бор эди. Пахта пишиб етилганда чанокнинг тўла очилмаслиги шамол пайтларида ҳосилнинг ерга тўкилиб, нобуд бўлишидан ҳамда чанг-тўзонлардан сақлаган. Булардан ташқари, маҳаллий пахтанинг камсувликка чидамлилиги, уни сув камроқ бўлган пайтларда ҳам экиш имконини берган. Ҳосил етиштирилганда чаноклари териб олиниб, сўнгра ундан пахта толаси ажратилган. Замон тақозоси билан «ғўза» пахта нави ўзининг камҳосиллиги ва толасининг калталиги билан тўқимачилик саноатига мос тушмай, Америка пахтаси билан рақобатлаша олмай қолган. Шу сабабли ҳам 1870 йиллардан Америка пахта навини иқлимлаштириш ишлари бошланган. Бу иш билан дастлаб бухоролик йирик савдогарлардан Х.Сайидумаров 1850-йиллардаёқ шуғулланган, аммо кейинчалик эътибор берилмаган эди². Ўрта Осиёда, шу жумладан Бухоро, Қорақўлда ҳам маҳаллий «ғўза» пахтасининг икки хил нави экилган: «қизил пўчоқ» ва «маҳаллий ғўза». «Қизилпўчоқ» пахтанинг толаси оқ рангда, «маҳаллий ғўза»нинг толаси эса қизғишроқ рангда бўлган.

Россия империясининг Бухородаги сиёсий агентлигини берган маълумотига кўра, 1904 йилда пахта олди-сотдиси билан шуғулланувчи фирмалар сотиб олинadиган пахта учун олдиндан аванс (бўнак) пули тўлашган. Амирлик бўйича 1904 йилда 1220 минг танга, шу жумладан Қорақўл пахтаси учун 250минг танга бўнак пули тўланган. Пахтани сотиб олувчи Россия фирмалари хом ашёни кўпайтиришдан манфаатдор эдилар, шу боис ҳам олдиндан маблағ тўлаб қўярдилар.

XIX асрнинг 70-йилларида суғориладиган экин ерларининг умумий ҳажми Бухоро амирлигида 2.891742 десятина бўлса, Қорақўлда 19530,0 десятина бўлган³.

1888 йилда Бухоро амирлигида – Чоржўй беклигида Россиянинг «Кедрин ва К²» савдо-саноат компанияси томонидан Америка пахта навини маҳаллийлаштириш (иқлимлаштириш) бўйича тажриба амалга оширилган. 1889-1892 йилларда амирликнинг Кармана, Чоржўй, Вобкент, Зиёвиддин, Шеробод, Бўстон, Ғиждувон каби беклик ва туманлари қаторида Қорақўлда ҳам Америка пахта нави иқлимлаштирилган. Қорақўлда шу йилларда маҳаллий ва Америка пахта навининг ҳар биридан 50 минг таноб ерга чигит экилиб, ҳосил олинган. Одатда бир таноб ерга ярим пуд (8 кг) ҳажмида чигит экилиб, ўртача бир таноб ердан 12 ботмон миқдорида пахта ҳосили олинган. Америка навидан олдин бу ерда оқ ғўза (толаси оппоқ, тоза) ва малла-ғўза (толаси анча қизилроқ

¹ М.А. Абдураимов. Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве. Т. 1966. Том-1. 241-бет.

² Ҳ.Зиёев. Тарих – ўтмиш ва келажак кўзгуси, 139-бет.

³ А.Х.Ҳамроев. Некоторые черты феодального способа производства в Бухаре в XIX века. Т.1975. 14-бет.

рангда) нави экилган. Пахта толасининг нархи қиш пайтида Россияга жўнатиш учун сотиб олинган вақтда юқори бўлган. Ўртача бир ботмон пахта 4 тилло, бир ботмон чигит 30-40 танга, пахта ёғининг бир пуди 12 тангага сотилган¹.

1898 йилнинг 1 январидан 28 февралигача Қорақўлда 16998 пуд миқдорида пахта сотиб олинган. Асосий харидорлар рус енгил саноати фирмаларининг вакиллари бўлган. 1899 йилнинг январ-октябр ойларида Қорақўлда сотиб олинган пахталар 8440 пудни ташкил этган². Пахта толасини олиб кетиш анча арзон ва қулай бўлгани учун рус фирмалари уни тозалашга кўп куч-ғайратларини сарфлашган ва охир-оқибатда Туркистон ўлкасида пахта тозалаш заводлари қурила бошлаган, шу жумладан Қорақўлда ҳам.

1888 йилдан бошлаб «Бр. Шлос берг» савдо уйи йирик пахта савдосини олиб борган. Унинг Самарқанд, Бухоро ва Қўқонда идоралари ишлаб турган. У Андижон, Наманган, Қўқон, Самарқанд, Асака, Каттакўрғон, Бухоро, Термиз, Қорақўл, Қува ва ўлканинг бошқа жойларида минглаб пуд пахтани харид қилиб олган. Масалан, ушбу савдо уйи томонидан 1888-1889 йилда 200 минг пуд пахта харид қилинган бўлса, 1896 -1897 йилда 1.395750 пуд пахта харид қилинган. «Н.Худрин ва Ўрта Осиё саноати ширкати» пахта билан савдо қилувчи энг йирик харидорлардан бири ҳисобланган³.

XIX асрнинг 30-40 йилларида хом ашёнинг 1 пуди 13-14 тилла, ипак калавасининг 1 пуди 30-32 тилла миқдорда баҳоланиб, Қорақўлда ҳам ипакчилик ривожланган. Пахта хом ашёси маҳаллий бозорда сифатига қараб сотиб олинган. Чанғалоқларидан тозаланган пахта (маҳаллий нав, уни чаноқларидан тозалаш қийин бўлган)нинг 8 пуди (1-ботмон) 48-52 танга баҳоланиб, Қарши ва Чоржўйнинг шундай пахтаси 42-46 тангага сотиб олинган. Чаноғидан (чанғалоғидан) тозаланган пахтанинг 8 пуди (1 ботмон) 6-8,5 тиллага сотилган. Пахта толасидан тўқилган газламанинг бир аршини 4-20 танга миқдорда баҳоланиб, одатда у биринчи навли пахта толасидан тайёрланмаган⁴.

Қорақўлда ҳам Бухоронинг бошқа жойларидагидек, ғалланинг беш тури экилган: буғдой, 40 кунлик сўк, арпа, тарик ва жўхори. Бир таноп ердан 4-8 ботмон миқдорда буғдой ҳосили олиниб, унинг бир ботмони бозорда арзон бўлганда 16 тангага, қиммат бўлганда эса 1 тилла (1тилла 21 тангага тенг)га сотилган. Унинг бир ботмони 16 тангадан 26 тангагача сотилиб, бир ботмон буғдойни янчиб ун қилиш учун 2 танга ва 2 чойрак ун берилган. Шунингдек, тарикнинг бир ботмони 5-6 танга, арпанинг бир ботмони 8-8,5 танга, жўхорининг бир ботмони эса 7 танга миқдорда сотилган.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан олинадиган ҳосил, даромад қуйидагича бўлган: бир таноб пахта ердан-48 тилла, бир таноб буғдойдан 72 танга, бир таноб арпадан 40 танга, бир таноб тарикдан 20 танга, бир таноб жўхоридан 140 танга.

Сабзавотлардан бодринг, карам, пиёз, сабзи, турп, шолғом, лавлаги, нўхат экилиб, 100 дона бодринг 1 танга, бир бош карам 1 танга, бир ботмон пиёз 3-4

¹ Н. Хаников. Описание Бухарского ханства. 143-144 бет.

² Ҳ.Зиёев. Ўзбекистон мустамлака ва зулм исканжасида. Т. 2006. 184-187 бетлар.

³ Ҳ.Зиёев. Тарих – ўтмиш ва келажак кўзгуси, 182-183-бет.

⁴ Записки о Бухарском ханстве. М.1983.74-75 бет.

танга, бир ботмон сабзи 3-4 танга, бир ботмон турп 3-4 танга, бир ботмон шолғом 3-4 танга, бир ботмон лавлаги 4-танга, бир ботмон нўхат 17-18 тангага сотилган¹.

XX аср бошларига келиб, ерлар суғорилишига қараб тоифаларга ажратилган:

- а) сунъий суғориладиган;
- б) шартли суғориладиган;
- в) чиғир ёрдамида суғориладиган;
- г) булоқлар ва ҳовузлар орқали суғориладиган;
- д) лалми ерлар.

Қорақўл ҳудуди асосан сунъий суғориладиган ерлардан иборат бўлган. Шунинг учун ҳам сув билан таъминланишида доимий равишда муаммолар туғилиб келган. 1911 йилда суғориладиган ерларда қишлоқ хўжалик экинлари рўйхатга олинган. Шунга мувофиқ Қорақўл ҳудудида экиладиган майдонларнинг 23,9 %ини пахта, 49,3 %ини эса ғалла ташкил этган. Пахта сунъий суғориш йўли билан, ғалла асосан суғорилмасдан, яъни обпартов ёки қоқлама усули билан етиштирилган. (Ғаллани етиштириш усули ҳақида сув билан таъминланиш масаласининг таҳлилида маълумот берилади). Тадбиркор деҳқонлар сувсизлик, камсувлик шароитида қовун, оқжўхори етиштиришнинг ўзига хос усулини кашф этишган. Бу усул «варқони» деб аталиб, «тўғон боши деҳқончилиги» маъносини англатган. Бунинг учун танлаб олинган ер обдон тайёрланиб, кейин қовун экилиб, экин униб чиқиб гуллаши арафасида жўяк тортилмасдан, ёйма ҳолда – ёппасига сув қуйилган, ер ўз тобига келиши билан майин юмшатилиб, ҳар бир палакнинг остига тупроқдан «тўпча» қилиб борилган. Бу усул оқжўхорига нисбатан ҳам қўлланилган. Ушбу усул қўлланилиши натижасида қовун ва оқжўхори пишиб етилгунча бошқа суғорилмаган ҳамда етарлича ҳосил олинган.

Қишлоқ хўжалиги билан бир қаторда чорвачилик, қўйчилик ҳам Қорақўлда яхши ривожланган. Бухоро қорақўлчилигининг асосий маркази сифатида Қорақўл амлоқдорлиги эътироф этилган, қўйлар боқиладиган яйловлар Амударё, Қарши ва Қорақўл оралиғида жойлашган Ўрта чўл зонасида эди. Бухоро амирлиги Россиянинг вассали бўлиб турган даврда қорақўлчилик қарийб олти мартага кўпайди². 1900-1913 йилларда ҳар йили 1,5-2 млн. дона қорақўл териси етиштирилган.

Турли ижтимоий ва мулкый табақалар ўртасида келишмовчилик, зиддиятлар, баъзан эса тартибсизликлар, ҳаттоки кўзғолонлар ҳам бўлиб турган. 1897, 1901, 1905, 1907 йилларда шундай норозиликлар бўлиб ўтган. 1905 йилги деҳқонлар норозилиги, ғалаёнлари Қорақўлда ҳам авж олган, бутун ҳудудни қамраб олган.

2. Саноат ишлаб чиқариши, савдо-сотиқ ва йўллар.

Россия тарихчиси, Бухоро амирлиги ҳудудларини анча мукаммал ўрганиб чиққан Д.Н.Логофетнинг ёзишича, XIX асрнинг ўрталарида Қорақўл беклигининг тузли кўлларида туз хом ашёси қазиб олинган. Бунда асосий иш

¹ Н.Ханыков. Описание Бухарского ханства, 145-151 бет.

² Т. Тухтаметов. Россия и Бухарский эмират в начале XX век. Душанбе. 1977. 92-бет.

кўлнинг тагида қатлам бўлиб қотиб қолган тузларни ковлаб олишдан ва уларни қуритиб сотиш учун тайёрлашдан иборат бўлган. Бухоро амирлигида Қорақўлдан ташқари Ҳисор, Балжувон, Дербент, Нурота беклиги ҳудудидан ҳам тоғли жойлардан очиқ ҳолда туз олинган ва маҳаллий бозорга савдога чиқарилган. Бу пайтда бозорда бир ботмон тузнинг нархи 5 танга эди.

Бухоро амирлигининг Нурота, Ҳисор, Қабодиён, Қўрғонтепа ҳудудлари каби Қорақўлда ҳам ўзига хос тўқимачилик ишлари бажарилган ва айрим маҳаллий аҳамиятга молик бўлган товарлар етиштирилган. Буларга гиламча (шолча), кийгиз (намат), турли хил қоп-қанорлар, эгар учун мослама, кўй жуни билан туя жунини аралаштриб тўқилган бўз мато (сукна)ни киритиш мумкин¹. Бу ерда ишлаб чиқарилган кийгизлар Россиянинг Сибир губернияларига, яъни совуқ ҳудудларига олиб кетилган.

Май, шароб ишлаб чиқариш расман тақиқланган бўлишига қарамай, айрим жойларда, масалан Душанбе, Қарши, Шаҳрисабз ва Ҳисорда яшайдиган бухоро яҳудийларига (жухудларга) вино етиштиришга рухсат этилган эди. Жухудлар одатда шибирғони ва қора рангли узумдан вино тайёрлашган. Бир ботмон шибирғони узумнинг бозордаги нархи 8-12 танга эди. Фақат улар винони мусулмонларга сотмаслиги шарт қилиб қўйилган эди. XX аср бошига келиб, темир йўллар қатнови йўлга қўйилганидан кейин, ана шу темир йўл станциясига яқин жойда, шу жумладан Қорақўл станцияси яқинида француз компаниясига тегишли бўлган вино заводи қурилган. Қорақўлдан темир йўллар 1887 йилдан бошлаб ҳаракат қила бошлаган.

Бухоро амирлигида, шу жумладан Қорақўлда ҳам йирик саноат ишлаб чиқариши, ишчилари сони 50 нафардан ортиқ бўлган корхоналар жуда кам бўлган. Асосий ишлаб чиқариш ҳунармандчилик, хусусан темирчилик бўлиб, XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошида Қорақўлда ўн-ўн беш нафар темирчилик устаси бўлган ва улар асосан кетмон ва бошқа қишлоқ хўжалик асбобларини ясашган². Пахтани қайта ишловчи хусусий корхоналар эндигина пайдо бўла бошлаган эди. Қорақўл терисини сотиб олиб унга ишлов берадиган заводлар мавжуд бўлиб, улар саноат ишлаб чиқаришининг илк кўринишида, ҳунармандчилик шаклида эди. Қорақўл станциясида хусусий тадбиркор Левинга тегишли Қорақўл терисини сотиб оладиган завод ишга туширилган эди³. 1860-1870 йилларда Бухоро шаҳрида ташкил этилган тўқимачилик корхоналари тўғрисида тўлиқ бўлмасада, айрим маълумотлар мавжуд. Ҳомидий Қорақўлий деган кишининг Пухтабофон мавзесида беқасаб ишлаб чиқарадиган корхонаси бўлиб, унда 80 нафар ишчи ишлаган⁴. Пахта тозалаш заводи илк бор 1890 йилда Ярославль катта манифактураси томонидан Когонда қурилган. 1998 йилда рус тадбиркори Л.Н.Левин томонидан Қорақўлда ҳам пахта тозалаш заводи ишга туширилган. Ўша пайтда йилига 25 минг тонна пахта хом ашёсини қайта ишлар эди. Темир йўлнинг ишга туширилиши муносабати билан пахта тозалаш заводлари ҳам темир йўл станциялари яқинида қурила бошланган⁵. Пахта

¹ Д.Н. Логофет. История завоевания Бухарского ханства. 269,271-бет.

² О.А.Сухарева. Позднефеодальный город Бухара конец XIX – начало XX века. 33-бет.

³ Л.И.Ремпел. Далёкое и близкое. Бухарские записи. Т. 1981.62-бет.

⁴ О.А.Сухарева. Позднефеодальный город Бухара конец XIX – начало XX века. 87-бет.

⁵ Ҳ.Зиёев. Ўзбекистон мустамлака ва зулм искажасида. Т.2006.199-бет.

тозалаш заводининг ишга туширилиши муносабати билан маҳаллий халк вакилларида бўлмасада, умуман саноат ишчилари қатлами Қорақўлда ҳам вужудга келган ва аста-секин маҳаллий ишчиларнинг шаклланишига асос солган.

Ўрта Осиё темир йўлининг ишга туширилиши муносабати билан темир йўл бекатлари яқинида турли хил саноат ишлаб чиқарилиши, қурилиш объектлари ташкил этила бошлаган. Жумладан, XX асрнинг дастлабки йилларида Қорақўл станциясига яқин жойда ўнта унчалик йирик бўлмаган ғишт заводлари қурилиб ишга туширилган¹. XIX асрнинг ўрталаригача Ҳиндистоннинг Кашмиригача 3000 чақиримлик бўлган савдо йўли Шимолий Хуросон йўли орқали ўтган: Бухоро-Чоржўй-Марв-Сарахс-Машҳад-Ҳирот-Қандахор-Қобул-Пешавор-Лохор².

XIX асрнинг иккинчи ярмида Қорақўл ҳудудидан ўтган савдо йўллари қуйидаги йўналишда эди: 1) Каттақўрғон-Зиёвуддин-Кармана-Бухоро-Қорақўл-Битак кандак. Йўлнинг умумий узунлиги 283 чақиримни ташкил этган; 2) Каттақўрғон-Қорақўл-Майли тўқай-Петрово-Александровск (Тўрткўл). Узунлиги 577 чақиримни ташкил этган; 3) Қорақўл-Бухоро-Ғиждувон-Нурота. Узунлиги 200 чақиримни ташкил этган.

Россия Бухорони ўз вассалига айлантиргач, 246 чақиримлик масофада бўлган Зирабулоқ-Бухоро-Қорақўл-Чоржўй йўли карвон йўли сифатида ишлай бошлади.

Кейинги йилларда Эрон-Бухоро, Бухоро-Хива савдо йўли Қорақўл ҳудуди бўйлаб ўтган. Савдо карвонлари Эроннинг Машҳад шаҳридан зарур молларни олиб 5-6 кунлик йўлни босиб ўтиб, Сарахсга келишган, у ердан 4 кунда Марв (Мари)га, 8 кундан кейин Чоржўйга, 3 кундан кейин Қорақўлга, ундан 1, бир ярим, 2 кунда Бухорога етиб келган. Савдогарлар карвонбошига юк ортилган ҳар бир туяси учун 3 тилло нақд тўлашган.

Хива хонлиги билан Бухоро амирлигини боғлаб турган савдо йўли ҳам Қорақўл орқали ўтган. Савдогарлар ўз юкларини Хивадан Урганчгача от, туяларга ортиб олиб келишган. Урганчдан юklar Амударё йўналишида кема ва қайиқларга ортилиб Чоржўйгача олиб келинган. Чоржўйда юklar кемалардан туширилган, туяларга ортилган ва улар Қорақўлга олиб келинган. Агар туялар Бухорога тегишли бўлса, Қорақўлгача бир кунлик йўл бўлган. Хивадан Бухорогача от билан 4-5 кунда, арғумоқ (бу отлар тез чопадиган, учқур ва чиройли бўлиб, оддий отлар 10-15 тилла бўлса, буларнинг нархи 50-100 тиллагача бўлган) от билан 3 кунда, туялар билан 10-15 кунда (Бухоро туялари бўлса 10 кунда, қирғиз туялари бўлса 15 кунда) етиб келинган. Ҳар бир туядаги юк учун бир ярим тилло нақд тўланган.

3. Маданий ҳаёт

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг биринчи чорагида Қорақўл ҳудудларида ҳам маданий-маърифий ўзгаришлар, албатта узилишлар, қийинчиликлар билан бўлсада, амалга оширилган. Қорақўллик Муҳаммад Али

¹ Т.Тухтаметов. Россия и Бухарский эмират в начале XX века. 123-бет.

² Г.А.Михалева. Узбекистан в XVIII-первой половине XIX века: ремесло, торговля и пошлины. Т. 1991.72-73 бет.

Ҳожи Абдушукурбой амир Абдулаҳадхон (1885-1910) даврида қозикалон лавозимида ишлаган. Шу кишининг саховатпешалиги оқибатида Бухоро шахрининг Азизон гузарида 35 хужрадан иборат, Қоракўли гузарида 10 хужрадан иборат мадраса қурилган. Қоракўли гузаридаги мадраса 1892 йилда, Азизон гузаридаги мадраса эса 1894 йилда қурилади. Мадрасаларга Абдушукурбой номи берилади. Азизон гузаридаги мадраса талабаларининг ва ўқув жараёнининг таъминоти учун Қоракўл туманидаги Тузатли қишлоғидан хуррихолис (барча солиқлардан бутунлай озод этилган) ҳисобланган 300 таноб ер вақф сифатида расмийлаштирилган¹. Д.Н Логофетнинг 1911 йилда нашр этилган китобида Қоракўлда ҳам мадраса бўлганлиги қайд этилади². Олий таълим берувчи маскан-мадраса Қоракўлда ҳам фаолият кўрсатган ва Қоракўл мадрасаси деб аталган. Қоида тариқасида мадраса Қоракўл бозорига яқин жойда жойлашган.

XIX асрда яшаб фан-маданият тараққиётига муносиб ҳисса қўшган тилшунос олим, шоир ва элчи ҳамда сайёҳ сифатида Шайх Сулаймон Бухорий Қудратиллоҳ ал-Қундузий номини зикр этиш лозим. У 1821 йилда Қоракўл туманининг Қундуз қишлоғида туғилган. Ота-онаси саводли кишилар бўлганлиги учун ҳам у ёшлигидан савод чиқаради. Бухоро мадрасаларида таҳсил олади ва ўз даврининг мукаммал илмларидан хабардор бўлади. Адабиётга ҳавас қўяди, шарқ классиклари Навоий, Лутфий, Мунис, Огаҳий ва бошқаларнинг асарларини мутолаа қилади. «Нақший» таҳаллуси билан шеърлар ёзади. 25 ёшида, яъни 1846 йилда Бухоро амири Насруллоҳон уни Туркия давлатига элчи қилиб юборади ва бир вақтнинг ўзида Истанбулдаги ўзбек қавмининг раиси ҳам қилиб тайинлайди.

У Истанбулда кўп йиллар яшаб, матбаа ишлари билан машғул бўлган, китоб чиқариш, нашриёт ишлари билан шуғулланган. Истанбулда у «Муҳожирин» деб аталган турк қабилаларининг илмий жамиятига аъзо қилиб сайланади ва 1875 йилда Венгриянинг Сакден шаҳрида ўтказилган туркшуносларнинг халқаро анжуманида шу жамият номидан қатнашади. Сулаймон Бухорий томонидан Аҳмад Яссавий, Сўфи Оллоёр, Амир Умархоннинг бир қатор китоблари нашр этирилган. Шайх Сулаймон Бухорий ўз саёҳати давомида Эрон, Афғонистон, Туркия, Ҳиндистон ва Хитойда бўлади, бу мамлакатлар халқларининг урф-одатлари ва маданияти билан яқиндан танишади.

Сулаймон Бухорий кўп йиллик илмий тадқиқотларини жамлаб, «Луғати Чигатой ва Турки Усманий(икки жилдли)» луғатини тузади. Луғатнинг муқаддима қисмига 186 мисрали «Манзумаи чигатой» автобиографик шеърий асарини киритади. Бу ерда «Мунда баъзи ера аъзо бўлдум, фахрий хизматлар ҳамро ўлдум» деган мисралар орқали унинг Истанбулда тезда танилиб, машхур бўлгани ҳақида маълумот берилади. Мазкур луғатнинг биринчи жилди саккиз минг сўздан таркиб топган бўлиб, у 1882 йилда Истанбул шаҳрида «Меҳрон» матбаасида нашр этилади. Масалан, алтмиш сўзининг маъноси ўрта асрларда туркий халқларда душман қисмлари жойлашган манзилларни аниқлаш билан шуғулланувчи айғокчи гуруҳ (разведка). Бу сўз Зарафшонда кўп ишлатилган.

¹ А.Жуманазар. Ўргимчак китоби. 1-китоб.38-39 бет.

² Д.Н.Логофет. Бухарское ханство под русским протекторатом. СПб, 1911, с.340.

Ўрта Осиё туркий-бадий адабиётидан намуналарни ўз ичига олган луғатнинг иккинчи жилди ҳозиргача ҳам топилмаган. Муаллифнинг эътирофича, ушбу иккинчи жилд тугалланган ҳолатда бўлган. Сулаймон Бухорийнинг мазкур луғати жой номлари ва география атамалари жиҳатидан ҳам қимматли манба ҳисобланади. Чунки унда Яқин ва Ўрта Шарқдаги шаҳарлар ва бошқа аҳоли масканлари тўғрисида ўта муҳим маълумотлар бор эди. С. Бухорийнинг меҳнати самараси шундаки, ушбу китобда Аҳмад Яссавийдан Завқийга қадар ўтган юз нафарга яқин ўзбек шоирларининг асарларидан намуналар келтирилади. Биргина Навоий асарларидан 400 дан ортиқ мисол қаламга олинган¹. Филология фанлари доктори Нишонбой Ҳусанов «Шайх Сулаймон Бухорийнинг ҳаёти ва ижодий мероси» номли рисоласини нашр эттирган, унда шоирнинг ҳаёт йўли ва ижодий мероси илмий тадқиқ этилган. Шайх Сулаймон Бухорийнинг ҳаётини ўрганишда татар олими Шаҳобиддин охунд Маржонийнинг кундалиги муҳим аҳамиятга эга, чунки у 1881 йилда шарққа сафарга чикқанида Сулаймон Бухорий билан учрашган эди. Маржонийнинг сафар таассуротлари битилган хотира дафтариини кейинчалик ўғли Ризоуддин ибн Фахриддин чоп эттирган. «Рихлатул Маржоний» деб номланган ушбу китобда шундай маълумотлар бор: «Шайх Сулаймон Қудратуллох Қундузийнинг ўғлидир. У Қоракўл вилоятининг Қундуз қишлоғидандир. Онаси тарафидан Убайдуллох эшон Қоракўлий ва Яҳё эшон Туркмоний билан қариндошлиги бор». Рисолада Шайх Сулаймон Бухорийнинг Туркиянинг XIX аср охиридаги сиёсий ҳаётида фаол иштирок этгани баён қилинган. Чунончи у Туркия султони Абдулҳамидга яқин маслаҳатчилардан бири бўлган. Амирликнинг Туркиядаги Шехбендери (элчиси) лавозимида ишлаган. Султон номидан Европа давлатлари вакиллари билан музокаралар олиб боришда қатнашган². Шайх Сулаймон Бухорийнинг қачон вафот этганлиги ҳақида аниқ маълумот йўқ, аммо ҳижрий 1298 йилда Иғнос Қунушнинг у билан учрашгани, татар олими Шаҳобиддин охунд Маржонийнинг шаввал ойининг 3-санасида у билан суҳбат қурганига қараганда ҳижрий 1298 йилда у ҳаёт бўлган. Ҳижрий 1298 йилда Истанбулда Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикматлар» и чоп этилади ва унда «Бу асар биринчи марта «Муҳожирин» жамиятининг раиси марҳум Сулаймон Афанди томонидан нашр этилмоқда» дейилишига қараганда, Сулаймон Бухорий ҳижрий 1298 (мелодий 1882-1883) йилда вафот этган.

Манғитлар даврининг охириги йилларида Қоракўлда яшаб ўтган шоирлардан бири сифатида Умар шоир Вали ўғлини қайд этиш лозим. Умар шоир Вали ўғли 1846 йилда Қоракўлнинг Човли қишлоғида таваллуд топиб, 1916 йилда, 70 ёшида оламдан ўтган. Шоирнинг «Замона», «Топилмас», «Сув керак», «Қоракўлнинг таърифи» каби шеърлари бизгача етиб келган. Қоракўллик шоир «Сув керак» шеърида воҳадаги сувсизлик масаласини ёритган.

Қораун қишлоғида 1876 йилда таваллуд топган Жумакул шоир Жуманиёз ўғлининг «Карсон», «Балли хабар эшитсам», «Муборак бўлсин» каби шеърлари бизгача етиб келган. У 1962 йилда вафот этган.

¹ Ш. Нурматов. Қоракўл таронаси. 31-бет.

² А.Халилов. Қоракўллик жаҳонгашта олим. //Бухоро мавжлари. 2009.4-сон.

Даббоқи қишлоғилик Фармон шоир 1897 йилда таваллуд топган. Кўп шеърлари бизгача етиб келмаган. «Кўк улоқни кўрмадингми, Қуллижон?» шеъри бор.

Бобоқул Эргаш ўғли 1912 йилда Мироб қишлоғида туғилган. «Бухоронинг таърифи» деган шеъри сақланиб қолган.

Ўзбек янги театри тарихини махсус ўрганган Б. Пестовскийнинг «Инқилоб» журналининг бир неча сонларида эълон қилинган мақоласида Қоракўл шаҳрига яқин бир қишлоққа 1909 йилда «ўзбек театри ўйналди» деган хабар етиб борганлиги қайд этилади. Ўзбек театри 1909-1910 йилларда ташкил топа бошлаган бўлиб, юқоридаги маълумотдан 1909 йилда Қоракўлда театр намоиши бўлиб ўтганлиги маълум бўлади¹.

1914 йилда амирликнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби янги усул ёки усули жадида мактаби Қоракўлда ҳам ташкил этилган. Янги усул мактабининг ташкил этилишида шу пайтда Қоракўлнинг қозиси бўлиб ишлаётган Мулла Икром ва маҳаллий йирик амлоқдор Ғулом Қодирнинг роли катта бўлган. Бу пайтгача амалда бўлган мактаблар эски усулда, яъни куруқ ёдлашга асосланган эди. Янги усулдаги мактаб эса ҳарфларни ёзиш, ҳижолаб-бўғинлаб ўқиш орқали фаолият кўрсата бошлади. Бундан ташқари бундай мактабда дунёвий фанлар ҳам ўқитилар эди. Қоракўллик жадидлардан Сулаймон Хўжа томонидан мусулмон адабиётлари келтирилиб тарқатила бошланган. Сулаймон Хўжа ўзининг илғор ғоя ва фикрлари билан «Бухорои Шариф», «Турон» рўзномаси саҳифаларида чиқиб турган. У Қоракўлда маориф ишини жонлантириш учун қўлидан келганча ҳаракат қилади. Аммо 1918 йилда бўлиб ўтган Колесов воқеаларидан кейин амир ҳукумати жадидлардан ўч ола бошлаши билан Сулаймон Хўжа ҳам ўлдирилган². «Ўша йилларда Қоракўл бозорида газета сотиладиган дўкон пайдо бўлди. Бу дўконда Сулаймон Хўжа деган киши большевистик газеталарни сотар эди. Газеталарни Сулаймон Хўжанинг ўзи катта шаҳарлардан олиб келарди. Айни вақтда унинг ўзи саводсиз одамларга газета материалларини ўқиб берарди. Бухоро амирлиги тугатилиши арафасида эса, амирнинг айғоқчилари Сулаймон Хўжани тутиб олиб, Бухорога олиб кетадилар. Уни амирнинг жаллодлари орқасига 40 дарра, қорнига 40 дарра уриб ўлдирадилар»³. Амир ҳукумати 1918 йилги Колесов воқеаларидан кейин бутун мамлакатда оммавий қатағонликни амалга оширган ва 3000 киши жадид сифатида ноҳақ қатл этилган. С.Айний ҳам Бухоро атрофларидаги туманларда, хусусан Ғиждувон, Шофиркон, Вобкент, Қоракўл, Ванғози, Кармана, Хатирчи каби туманларда минглаб кишилар жадидликда айбланиб, ноҳақ ўлдириб юборилган деб ёзади⁴. Юқорида қайд этилган Мулла Икром «Икромча», «Қози Икром» номлари билан машҳур бўлган Бухоро уламоларидан бўлиб, янгилик тарафдори, янги усул мактабларининг очилишини, уларнинг афзаллигини ҳаммадан олдин эътироф этган амир ҳукуматининг ягона амалдори эди.

Манғитлар ҳукмронлиги даври (1756-1920) да Бухоро амирлигининг бошқа ҳудудлари каби Қоракўлда ҳам ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётда

¹ Жадидчилик: ислохот, янглиниш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. 119-бет.

² И. Умняков. К истории новометодной школы в Бухаре. 90-92 бет.

³ «Олға» газетаси, 1987, 8-октябр. «Актив ташвиқотчи эди».

⁴ Қ. Ражабов. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. 11-бет.

юксалиш деярли сезилмайди, халқнинг турмуш даражаси оғирлигича қолган. Қоракўлдарё сувининг етарли даражада бўлмаслиги оқибатида қишлоқ хўжалик экинларидан ҳосил олиш жуда қийин кечган, айрим йилларда умуман қурғоқчилик кузатилган. Бухоро ва Хива ўртасидаги муносабатларнинг таранглашуви натижасида келиб чиққан ҳарбий тўқнашувлардан биринчи навбатда Қоракўл худуди ва аҳолиси зиён кўрган. Темир йўлнинг қурилиши, айрим саноат корхоналарининг пайдо бўлиши муносабати билан янги ижтимоий табақа шаклланиши бошланган, янги усул мактаблари қийинчилик билан бўлсада, аста-секин ташкил этила борган.

4-БОБ. ҚОРАҚЎЛ ВОҲАСИНИНГ СУВ БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШИ

1-§. Қоракўлнинг суғориш тизимидаги улуши

«Бухоронинг суви оз бўлуб, Зарафшон дарёсидин келтурмак ва бир неча нахрлар қоздурулса ҳам, аксар ёз фаслида кифоя қилмайду» – деб ёзган эди Мирзо Олим Маҳдум ҳожи ўзининг «Тарихи Туркистон» деган китобида¹.

XVI-XIX асрларда Самарқанд ва Бухоро воҳаси ўртасида Зарафшон сувини тақсимлаш муҳим масала бўлган. Масаланинг моҳияти шундаки, бу даврда сув тақсимооти масаласи билан Бухоро амирлигининг йирик амалдори – оталиқ шуғулланган². Шунингдек, «Абдуллонома»да ҳам оталиқнинг вазифасига сув хўжалигини ва хонлиқнинг ирригация иншоотлари қурилишини бошқариш кириши айтиб ўтилади. «Бухоро суви Самарқанддан то Қоракўлгача ва барча туманларнинг суғорилиши ва сувининг тенг тақсимооти оталиқнинг ихтиёридадир»³.

Зарафшон суви ҳақида Бобур шундай деб ёзади: «Самарқанднинг бағот ва маҳаллоти ва яна неча тумоноти бу сув била маъмурдур. Бухоро ва Қоракўлгачаки, ўттиз-қирқ йиғоч йўлга ёвуқлашур. Кўхак суйи била маъмур ва мазруъдир. Мундоғ улуғ дарё асло зироаттин ва имораттин ортмас, балки ёзлар уч-тўрт ой Бухороға сув етмас»⁴. Демак, XVI аср бошларида ҳам Зарафшон суви Қоракўлгача ёз ойида тўла етиб келмаган.

Бухоро амири Шохмурод ўзини «Амир ул-Умаро» деб атаган. У ўзини «Оталиқ» деб атамаган. Чунки у энди кўғирчоқ хонга бўйсунмас, ундан маслаҳат олмас эди. У охириги сохта хонни тахтдан ағдариб, ўрнига янгисини тайинламади, ўзини «олий мансабдор» деб ҳисоблади. Аммо у оталиқ лавозимини бекор қилмади. Манбаларда унинг даврида оталиқнинг нима иш билан шуғулланганлиги ҳақида деярли маълумот йўқ. Амир Шохмурод «Оталиқ» лавозимини «Амир ул-Умаро» лавозимидан ажратади, унга янги, фуқаровий вазифалар беради. Шунга кўра, оталиқнинг зиммасига Бухоро сувининг устидан умумий назорат олиб бориш, бундан ташқари, Зарафшон сувини Самарқанддан то Қоракўлгача бир хил миқдорда тақсимлаш устидан ҳам назорат қилиш вазифаси юклатилган. Бу тақсимоот сувнинг кўп ва кам оқиши даврида ҳам бир хилда – тенг тақсимланиши лозим эди. Шунингдек, оталиққа сувни бошқариш-бош мироблик вазифаси (Бухоронинг бош канали-Шохрудни ҳам) ҳамда Бухоро атрофларини кечаси назорат қилувчи район комендантлари – миршаб бошлиғи-доруға лавозими ҳам топширилган⁵.

Сув тақсимооти муаммолари, сув танқислиги, айрим йилларда, умуман сувнинг бўлмайд қолиши тўғрисидаги маълумотлар кўп манбаларда қайд этилган. Жумладан, Қоракўлнинг қозиси Мулла Абдулвоҳиднинг Бухоро амири Музаффархон (1860-1885) га ёзган шикоят мактубида Қоракўл воҳасида

¹ Мирзо Олим Маҳдум ҳожи. Тарихи Туркистон. 191-бет.

² Записки о Бухарском ханстве. М. 1983. 136-бет.

³ Мирзо Олим Маҳдум ҳожи. Тарихи Туркистон. 239-бет.

⁴ З.М.Бобур. Бобурнома, 44-бет.

⁵ Анке фон Кюгелген. Легимитация Среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII-XIX в.в) . Алматы. «Дайк Пресс.» 97-бет.

сувнинг етишмаслиги, Бухоронинг бошқа туманларининг ва Қоракўлнинг сув тақсимоотидаги улушига амалдорлар томонидан риоя қилинмаслиги тўғрисида қимматли маълумотлар берилади. Ушбу маълумотга биноан, сувнинг улуши ҳар бир маъмурий туман учун «равоқ» деб номланган меъёрга ажратилган. Бу ўлчов меъёри Зарафшон дарёси бўйлаб кўприклар орқали амалга оширилган: Кармана кўприги, Меҳтар Қосим кўприги, Чоҳор Минор кўприги ва Жондор кўприги. Кўприкларда пишиқ ғишлардан қилинган арклар орқали сувнинг миқдори ўлчанган. Бир равоқ – сувнинг шундай меъёрий миқдорики, у билан юз минг таноп ерни суғориш мумкин бўлган. Ушбу миқдордаги суғориладиган ер майдонини кишилар туман деб аташган. А.Навоийнинг «Мажолис-ун-нафос» асарида ҳам дарёдан чиқарилган асосий сув магистралидан сув ичадиган юз минг таноп ер майдони туман деб аталиши ҳақида айтиб ўтилган. Зарафшон дарёсининг Самарқанд ва Бухоро воҳалари учун белгиланган сув миқдори (сувнинг кўп ёки озлигидан қатъий назар) 42 равоққа тенг деб олинган¹.

Зарафшон дарёсида Карманада ўрнатилган сув ўлчагичдан Бухоро воҳаси учун 21 равоқ миқдоридаги сув юборилган. Шундан 0,625 равоқ сув Ҳазора, Тошрабод, Узлушкент, Чоргав учун; 1,250 равоқ Шофиркон ва Амиробод учун; 1 равоқ Султонобод ва Пирмаст учун; 1 равоқ Харконруд учун; 2 равоқ Комот ва Хитфар учун; 1,125 равоқ Коми Абу Муслим учун; 3 равоқ Шохруд учун; 1,250 равоқ Сомжон учун; 0,625 равоқ Калтий, Дехмун ва Ушав учун; 2, 125 равоқ Хайробод ва Тороб учун; 1,125 равоқ Мохон ва Кўли Калон учун; 5 равоқ Қоракўл учун².

Демак, Зарафшоннинг Бухоро воҳасидаги қисми – Қоракўлдарёнинг сув миқдори ўша вақтдаги гидротехник иншоот орқали ўлчанган. А.Муҳаммаджоновнинг фикрича, 1962 йилда ўтказилган археологик тадқиқотлар натижасида Меҳтар Қосим кўприги, Чоҳор Минор кўприги ва Жондор кўпригининг пайдо бўлиши даври XVI асрнинг иккинчи ярмига, яъни Абдуллахон II даврига тўғри келади деб хулоса чиқарилган. Зарафшон дарёси суви оқимини равоқлар билан ўлчаш ва тақсимлаш тизими Абдуллахон II даврида жорий этилган³. Меҳтар Қосим кўприги шайбоний ҳукмдор Убайдуллахон томонидан қурилган.

2-§. Қоракўл воҳасида сув тизими тарихи

Зарафшоннинг ўрта ва қуйи қисмида сув билан таъминланиш масаласи ҳақида фикр юритилганда, энг аввало Зиёвиддин беклиги ва Қоракўл воҳаси тилга олинган. Сувнинг ўртача ва кам миқдорда оқиши муносабати билан мазкур ҳудудларда суғориш тизимида қийинчиликлар юзага келиши табиий ҳол деб қаралган. Қоракўлнинг сув таъминоти билан амирликнинг юқори мансабдорларидан бири бўлган катта девонбеги (девонбеги калон) шуғулланган.

Зарафшоннинг энг қуйида жойлашган Қоракўл воҳасида сув таъминоти жуда ночор аҳволда бўлган. Биринчидан, қишки сувлаш ва баҳорги сув тошқини муносабати билан Қоракўл воҳаси экин ўстириш даврида оқава

¹ А.Муҳаммаджонов. История орошения Бухарского оазиса. 131-бет.

² А.А.Семёнов. Бухарский трактат о чинах и званиях и об обязанностях носителей их в средневековой Бухаре. М-Л. 1948. 145-147 бетлар.

³ А.Муҳаммаджонов. История орошения Бухарского оазиса. 132-бет

сувларни, жумладан, шўрланган сувларни қабул қилиб оларди, шу боис шўрхок ва шўрланган ерлар кўпайиб борарди. Иккинчидан, Зарафшонда сувнинг кам бўлган йилларида сув оқими Қоракўлгача етиб келмасдан, бу ерлар чўлга айланиб қоларди. Ҳаттоки обпартов усули ёки нимжўй усули билан сувни кўтариб ташлаш ҳам ижобий натижа бермасди¹.

Қоракўл ҳақида ёзма манбалар кўп эмас, суғориш тарихи ҳақида жуда кам материал мавжуд. Қоракўл воҳасидаги суғориладиган ер майдонлари тўғрисида турли вақтда турлича фикрлар билдирилган. Айримлари Қоракўл гуллаб-яшнаган замин (бу вақтда Қоракўлдарёнинг суви кўп бўлган), бошқалари эса Қоракўл сувсиз, худди чўлга ўхшайди (сувнинг кам бўлган йилларида) деб таърифлашган. Қоракўлнинг Қундуз қишлоғидан чиққан Шайх Сулаймон Бухорийнинг ёзишича, «Бухорода етти туман, Қоракўлда етти ярим туман бўлган». XIX асрнинг 70-йилларида Зарафшон дарёсининг юқори ва ўрта оқимини тадқиқ этган рус тадқиқотчиси Л. Н. Соболев ҳам шунга яқин маълумот беради: «бундан 300 йил муқаддам Қоракўл мавзеси Бухоро туманлари ичида энг яхши суғорилган туман бўлган; бухороликлар то Абдуллахон давригача бўлган вақт ҳақида шундай дейдилар: «Бухоро етти туман, Қоракўл етти ярим туман», яъни Бухорода суғорилган ер майдони етти туман, Қоракўлда эса етти ярим туманга тенг бўлган»². Қоракўлнинг қозиси Абдулвоҳиднинг шикоятномасида эса шундай дейилади: «Мен одамлардан, уларнинг айтганларидан билдимки, Қоракўл сувга бўлган ўз улушига эга эмас ва сув тақсимланганда унга тегишли бўлган қисми ажратиб берилмайди». Юқоридаги маълумотлардан шу нарса маълум бўладики, Қоракўл воҳасига беш равоқ, яъни тахминан беш юз минг таноп ер майдонини суғориш учун етарли бўлган сув миқдори ажратилган. Бу миқдор Қоракўлдарёнинг Бухоро шаҳридан 22 км жанубий ғарбида жойлашган, махсус иншоот – Пули Жондорда белгиланган (пишиқ ғиштдан қилинган кўприкда барпо этилган). А. Муҳаммаджоновнинг ёзишича Пули Жондорда Қоракўл учун юборилган сувнинг миқдори беш равоқ, яъни бутун Бухоро учун ажратилган сувнинг 23,8 % ни ташкил этган³. Аммо Қоракўл воҳаси амалда қанча миқдорда сув билан таъминлангани ҳақида аниқ маълумот мавжуд эмас. Ижтимоий-сиёсий вазиятларга қараб сувнинг тақсимланиши ўзгариб турган. Кейинги даврларда сув тақсимотида равоқ миқдори ишлатилмаган.

XIX асрга тегишли тарихий ҳужжатлардан маълумки, амир Ҳайдар (1800-1825) даврида Бухорода сув тақсимоти қайта кўриб чиқилган, Бухоро воҳаси оладиган сувнинг 3/14 қисми Қоракўлга тегишли деб белгиланган⁴.

Бу миқдор аввалгисидан 2 % га камдир. Бундан қуйидагича хулоса чиқариш мумкин: биринчидан, Қоракўл муайян сувга эга бўлган; иккинчидан, Бухоронинг суғориш тизимидаги сув тақсимотида ўзгариш бўлсада, Қоракўлнинг улуши деярли камаймаган; учинчидан, XVI-XIX асрлардаги сув тақсимотидан маълумки Қоракўлнинг суғориладиган майдони Бухоро туманларидан катта эмас, балки унинг чорак қисмидан камроғини ташкил

¹ А.Муҳаммаджонов. История орошения Бухарского оазиса. 134-135-бет.

² Ўша жойда, 136-бет.

³ Ўша жойда, 137-бет.

⁴ Бухоро вилояти тарихий ўлкашунослик музейи қўлёзмаси, инвентар №9831/12, 2^б варак.

этади. Кейинги фактни 1960-1962 йилларда қадимги Қорақўл воҳасидаги суғориш тизимларини тадқиқ этган археологик қазилмалар ҳам тасдиқлайди, Қорақўл воҳаси Бухоро воҳасидан анча кичик.

Зарафшоннинг суви кўп бўлган йилларда Қорақўлга сув етиб келган, тўлиқ бўлмасада воҳа сув улушини олиб турганлиги аниқ. Аммо сув кам бўлган йилларда аҳвол бутунлай бошқача бўлган. Бундай ҳолларда, кўпинча шахсан Бухоро амирининг фармони билан Қорақўл учун сув юборилган. Ариқ ва каналларнинг бир қисми бекитилиб, уларнинг суви Қорақўлга йўналтирилган. Бироқ, сув кам бўлган пайтда Қорақўлни сув билан таъминлаш учун барча канал ва ариқларни тўсиб қўйиш лозим бўлган. Яна Қорақўлнинг қозиси Абдулвоҳиднинг мактубига мурожаат қиламиз: «Мен ўзим лаънатланган марҳум амир (Насруллоҳон)нинг фармонига кўра бир неча марта Хайробод ва Комот каналларини бекитдим ва сувни Қорақўлга йўналтирдим, шу боис қорақўлликларнинг дуоларини олдим»¹. Яна шундай маълумот ҳам борки, Бухоро амири Музаффарнинг фармонига мувофиқ Шохруд каналининг мироби Абдулвосе мирохур қарийб барча йирик каналларни (Зарафшондан сув олувчи) бекитган ва 21 кун давомида сув Қорақўлга қараб оққан.

Демак, Зарафшонда сув кам бўлган йилларда Қорақўл воҳаси фақат асосий каналларни бекитилиши натижасида сув билан таъминланар, яъни обпартов усулида сув ичар эди. Аммо XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, аҳвол ёмонлашади, сув танқислиги кучаяди. «Қорақўл аҳолиси бу йилда 2-3 марта сувнинг етишмаслиги тўғрисида шикоят қилишди. Фақатгина махсус вакилнинг ва амир ёрлиғининг ёрдами билан Дуобдан 30 тошдан 40 тошгача миқдорда сув олишлари мумкин бўлди. Бу сувдан эса Хайробод, Каллазор ва Бойканд ҳам фойдаланади ва шунинг 15-20 тошигина (ярмиси) Қорақўлгача етиб келади. Гарчанд ушбу сув билан ҳовузлар тўлдирилиб, қалъа атрофидаги ерлар, сувга яқиндаги ерлар суғорилсада, беш юз минг таноп узокдаги ва сувнинг куйисидаги ерлар суғорилмай қолади. Уларнинг ҳовузлари қуриб қолган, ичимлик сувини ҳам қудуқлардан олишади ва қудуқлардаги сувлар кундан-кунга камайиб бормоқда». Шундай маълумотлар ҳам борки, айрим йилларда сув Қорақўлга мутлақо етиб келмаган ва сувсизликдан ҳатто Денгизкўл ҳам қуриб қолган. Қорақўллик муаллиф шуни эътироф этадики, ортиқча сувлар Коми Абумуслим, Коми Касаба, Комот ва бошқа каналлардан кўлларга чиқариб юборилган ва Денгизкўлга етиб келмаган, натижада яқин-атрофлардаги ерларга зарар етказилиб деҳқонлар ерга экин экиш даврини ўтказиб юборишган².

Сувсизлик, сув билан таъминланишдаги камчиликлар бир қатор муаммоларни келтириб чиқарган, Қорақўл воҳасида деҳқончиликка катта зарар етказилган, турли хил норозиликлар ва ҳатто тартибсизликларни келиб чиқишига олиб келган. «Қорақўлнинг кўпчилик аҳолиси ўзининг ночорлигидан, камбағаллигидан шикоят қилишар ва айтар эдилар: «мана 25 йил бўлмоқдаки, бизнинг юртимизга сув учун масъул бўлган кишиларнинг назари

¹ Бухоро вилояти тарихий ўлкашунослик музейи қўлёзмаси, инвентар №9831/12, 1^б, 3^б варак).

² Бухоро вилояти тарихий ўлкашунослик музейи қўлёзмаси, инвентар №9831/12, 3^б варак.

тушмайди, шу боис бизнинг аҳволимиз тўғрисида уларнинг аъло ҳазратлари қаердан ҳам билсин»¹.

Сув тақсимоти билан шуғулланган мироблар кўпинча ўз вазифасини тўғри бажармаган, ўз вақтида сув бермаган, суғориш тизимининг ҳолатига эътибор бермаган. Бу ҳақда қатор фактлар, маълумотлар мавжуд: «Айтайлик, Бухоро туманларидан ўн тош сувни юборсалар, йигирма тош деб ҳисоблайдилар, мободо йигирма тош юборилса, унда аминлар буни албатта қирқ тошга етказадилар. Шу таҳлидда юборилган икки юз тош сувдан, ниҳоят Бойканддан Қорақўлга қараб бор йўғи йигирма тошгина сув оқиб боради (тош-ўша пайтдаги сувнинг миқдорини белгиловчи меъёр). Юборилган сув аввало юқоридаги туманларга, сўнгра Хайрабод туманига ва ниҳоят сувнинг озгина қисми Қорақўлга етиб келади. Натижада қозининг иши кўпаяди. Уларнинг аминлари ва қилган ишлари ҳақида яхши маълумотга эга бўлган ҳолда, умидворлик билан, сидқи дилдан ўз шикоятимни баён қилмоқдаман»². Бухоро амирлигидаги мавжуд кўприк ва тўғонларни, канал ва ариқларни тозалаш, таъмирлаш учун вақти-вақти билан ҳашар ўтказиб турилар эди. Ушбу ишга қатнашмаганлар жарима тўлашган. Бу жарима «Боқи пули» деб аталиб, давлат хазинасига юбориларди. Аммо кўпинча ушбу маблағ йўлда йўқолиб қолар эди, яъни талон-тарож қилинар эди. Бу соҳада амалдорларнинг суистеъмолчилиги юқори даражада бўлган. Масалан, Иноятулло Хўжа раиснинг амирга юборган маълумотида қайд этилишича, Қорақўл туманидаги амлоқдорнинг оғайниси бўлган Ҳамза Хўжа томонидан Хайробод ариғи учун ўтказилган ҳашарда қатнашмаганлари учун аҳолидан тўпланган 2000 танга «боқи пули» давлат хазинасига топширилмаган.

XIX асрнинг 70-йилларида Самарқандда хизмат қилган подшо ҳукуматининг ирригатори З.Жижемский шундай деб ёзган эди: «Қорақўл Шохруд ва Вобкент воҳасида ишлатилган сувдан ёки тасодифий сувлардан фойдаланишга мажбур эди»³.

Қорақўлда Мулла Абдулвоҳид қозилик қилган даврда (1860-1870) ҳақиқатдан ҳам сув билан таъминланишнинг аҳволи оғир бўлган, Қорақўл сувдан маҳрум қилинган эди. Шунинг учун ҳам диёнатли қози белгиланган сув улушига эга бўлмаган ҳолда, қандай қилиб давлатга солиқ тўлаш мумкин деб ҳайрон бўлган. Доимий сувсизлик, унинг оқибатидаги ҳосилсизлик, шак-шубҳасиз Қорақўл аҳолисининг ўз ерларини тарк этиб кетишига олиб келган. Масалан, 1885 йилда Амударёнинг чап қирғоғида, Жийдали деган жойнинг рўпарасида Тўқай-Қош деган жойда Қорақўлдан кўчиб борган ўттиз оила яшаган. XIX асрнинг 60-70 йилларидаги вазиятни Қорақўл қозиси шундай таърифлайди: «Ҳаттоки қашшоқлар ҳам, гарчанд оёқларини зўр-базўр боссаларда, жаҳонгашталикка мойиллик бериб, ўзининг юртини ташлаб, Самарқанд билан Хоразм ўртасидан ўзига яхшироқ бир жой топиб олишга уринди. Кимки, кучи ҳам, йўлда еб-ичишга озиқ-овқати ҳам бўлмаса, ўзларида тоқат-бардош тўплаб тақдирларини кутар, худога сиғиниб тоат-ибодат қиларди». Шундай қилиб, XIX асрнинг иккинчи ярмида Бухоро амирлигида сув

¹ Бухоро вилояти тарихий ўлкашунослик музейи қўлёзмаси, инвентар №9831/12, 4а варақ.

² Бухоро вилояти тарихий ўлкашунослик музейи қўлёзмаси, инвентар №9831/12, 3а варақ.

³ З. Жижемский. Ирригационное дело в долине Зерафшана.// Туркестанские ведомости, 1888, №6.

билан таъминланиш, суғориш тизими тушкунликка юз тутта бошлади, сув хўжалиги издан чикди ва воҳанинг энг куйисида жойлашган Қорақўлда бу ҳолат жуда оғир кечди. Сувсизлик ва сув танқислиги оқибатида XVIII асрнинг иккинчи ярмига нисбатан XIX асрнинг биринчи ярмида экин майдонлари кескин қисқарди. Жами экин экиладиган ер майдони 36,7 минг десятина бўлиб, шундан 19 минг десятинаси (51,8%) экилди, 17,6 минг десятинаси (48,2%) кузги шудгор билан қолди, ғалла майдони 10,3 минг десятина (54,2%), пахта майдони 4,8 минг десятина (25,3%), беда майдони 2,7 минг десятина (14,2%), жўхори майдони 0,4 минг десятина (2,2%), полиз экинлари 0,7 минг десятина (3,6%) ни ташкил этди. Асосий ўринни баҳор ва кузда пишиб етиладиган экинлар эгаллади; пахта, беда, жўхори, полиз экинлари охириги ўринни эгаллади; сувни кўп талаб этадиган шоли эса, экилмайдиган бўлди¹.

Сувнинг камлиги шароитидан келиб чиқиб деҳқонлар ўзига хос усулни ишлаб чиққанлар. Бу усул қоқлама деб ном олган ва у ҳақда XIX асрнинг иккинчи ярмига оид манбаларда маълумотлар учрайди. Масалан, Қорақўлда сув етишмаслиги муносабати билан қоқлама усулида ерга ишлов берилиши айтиб ўтилган. Абдулвоҳиднинг ҳужжатида шундай дейилади: «кузги шудгор учун қолдирилган ерларни қоқлама деб айтишади»². Аммо бу билан кузги шудгорни тушунтириш қийин. Шу боисдан ҳам А. Муҳаммаджонов томонидан 1958 -1964 йилларда маҳаллий аҳоли ўртасида дала ёзувлари олиб борилган. Шунга кўра қоқлама учун ажратилган ерни эрта баҳордан тайёрлай бошлашган. Ер сатҳи қуриб қолмасдан, шўрланган жойларда эса ҳали қиш вақтидаёқ ишлов бериш бошланган. Бу жараён кўп марта ерни ҳайдаш билан боғлиқ бўлиб, у икки босқичга бўлинган. Биринчи босқич, июн охиригача давом этган. Ёз чилласида ерни ҳайдаш вақтинча тўхтатилган. Бу даврни лўлабби шудгор деб аташган. Ушбу вақтда тупроқ юзасидаги барча зараркунандалар, курт-қумурскалар қуёш нуридан ҳалок бўлишган. Августдан яна ерни ҳайдаш бошланган, бу иккинчи босқич бўлиб, сентябргача давом этган. Охир-оқибатда ер майдони ўртача 6-10 марта ҳайдалган. Ишбилармон деҳқонлар йилига ушбу мавсум учун 5-10 тадан поза (сахтик)-омоч тайёрлаб қўйишган. Сентябрьда эса ерни тишли барона билан молалаганлар, тупроқ юзасидаги қаттиқ кесаклар эзилган, буни дандана мола деб айтилган. Шунинг билан ерни кузги шудгорлаш деб аталган жараён тугаган. Экиш олдидан иккинчи босқичдаги барона қилиш 6-8 мартагача бажарилган. Хулоса қилиб айтганда ушбу жараён 6 ойни ўзига қамраб олган агротехник ишни ташкил этган.

Қоқлама усулида ишлов берилган майдонларга одатда буғдой ва қисман арпа экилган, ҳосил кейинги йил ёзида йиғиб олинган ва йиллик деб аталган. Унинг ҳосилдорлиги суғориладиган ерникидан кам бўлмаган: ҳар танопадан 15-20 пуд (тахминан гектаридан 10-13 центнер) ғалла олинган³.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, қоқлама усулида деҳқончилик қилиш асосан сув кам бўладиган туманларда амалга оширилган: Конимех, Зандана, Ромитан, Хайробод ва Қорақўл. Қорақўлда ғалла экинлари асосан қоқлама усули билан етиштирилган ва шу боис қорақўлликлар уни ўзларининг

¹ А. Муҳаммаджонов. Кўрсатилган асар. 142-бет.

² Бухоро вилояти тарихий ўлкашунослик музейи қўлёзмаси, инвентар №9831/12, 3а варақ.

³ А. Муҳаммаджонов. Кўрсатилган асар. 144-бет.

кашфиёти деб ҳисоблашган. Ушбу ишлов бериш усули XIX асрнинг иккинчи ярмида – XX асрнинг бошларида Зарафшон дарёсининг қуйи оқими атрофларида амалда бўлган.

1911 йилда Бухоро амирлигининг мавжуд суғориладиган ерларида қишлоқ хўжалик экинлари рўйхатга олинган, шу жумладан Бойканд ва Қорақўлда ҳам. Ушбу маълумотга кўра Қорақўлда етиштириладиган пахта майдони умумий ер майдонининг 23,9% ни, ғалла 49,3%ни, беда 14,2%ни, жўхори 6,3%ни, бошқа экинлар эса 7,3%ни ташкил этган¹. XIX асрнинг охирига нисбатан ғалла майдони 5 % га, пахта майдони 2%га қисқарган.

Кам суғориладиган ва суғорилмайдиган ерларни аниқлаш учун Бухоро воҳасида «дан» термини ишлатилган. Бир «дан» - минг таноп ерга тенг бўлган. Бухоро амирлигида, одатда Қорақўл вилоятида ва Вобкент, Ромитан, Жондорда ерлар «дан» билан белгиланган. Бошқа жойларда «данг» термини қўлланилиб, у олтидан бир таноп ерга тенг бўлган. Умуман, «данг» термини унумдор ерларга нисбатан ишлатилган². Л.С.Соболев 1870 йилларда пахтачилик тўғрисида шундай деб ёзади: «Бу экин унчалик кўп суғоришни талаб этмайди ва шу боисдан ҳам қаерда сув кам бўлса, ўша ерда экилади», «Зарафшон округида ғўзани кўпроқ Қорақўл ва Бухоро туманида экишади. Бунинг сабаби ушбу туманлардаги суғоришга боғлиқ», «Қорақўлга ўхшаган туманда, ер остида намнинг кўплиги учун ғўзани суғоришга унчалик кўп сув талаб этилмаган»³.

Бухоро ҳукмдорлари ҳам Хива хонларига ўхшаб, сув бўйида жойлашган туманларни жазолаб сувдан маҳрум қилишган. Масалан, Зарафшоннинг қуйи қисми бўлган Қорақўлдарё Азизобод (Зармитон қишлоғидан қуйироқда) деган жойда иккита каналга бўлиниб, каналнинг боши «Дуобе» (Икки сув) деб номланган эди. Шу ердан битта канал Жондор, Бойканд (Сайёд) ва Қорақўлга, иккинчи канал эса Бухоро ва унинг атрофига келар эди. Иккинчисининг номи Шохруд эди. Кўп ҳолларда Бухоро ҳукмдорлари у ёки бу баҳона билан Жондор, Бойканд ва Қорақўл деҳқонларини сувдан маҳрум этарди. Бу ҳол кўпинча сувсизлик вақтида юз берарди. Бойканд ва Қорақўл воҳаси сув кўп бўлган вақтларда Бухоро учун ортиқча сувни чиқариб ташлайдиган сув ҳавзаси ролини ўйнар эди⁴. XIX-XX асрларда Қорақўлдаги суғориш тизими қуйидаги ариқлар (наҳрлар) дан иборат эди: Зайниддин, Зиёрат, Мўғул, Сўк-сўк, Талхон Сайёд, Тўнг Бешариқ, Уйғур. Ушбу ариқлар орқали 150 дан зиёд қишлоқларнинг ерлари суғорилган; бундан ташқари кўплаб ҳовузлар ва қудуқлардан фойдаланилган. Ариқлардан фойдаланишда чиғирлар ишлатилган.

3-§. Амударё сувини Бухоро ва Қорақўлга олиб келиш учун саъй - ҳаракатлар

Амударё сувини Бухорога олиб келиш, Зарафшоннинг қуйи қисмидаги ерларни суғоришда ундан фойдаланиш режасини дастлаб маърифатпарвар Аҳмад Дониш илгари сурган эди. Аммо унинг режаси ўша муҳитда амалга ошиши мумкин эмас эди, чунки Бухоро амирлигида бундай режани амалга

¹ Тарих шохидлиги ва сабоқлари .Т. 2001.129 –бет.

² М.Абдураимов. Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве. Том 1. Т. 1966.219-220-бет.

³ М.Абдураимов. Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве. Том 1. Т. 1966.241-бет.

⁴ М.Абдураимов. Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве. Том 1. Т. 1966.273-бет.

ошириш учун на маблағ, на техник асос, жиҳоз, асбоб-ускуна бор эди, амирликнинг ўзи Россиянинг вассали бўлиб қолган эди.

Аҳмад Дониш ўзининг Манғитлар тарихига бағишланган рисоласида бундан кейин Бухоро, Қарши ва Миёнкол ерларини Амударёдан каналлар ёрдамида сув келтириш билан суғориш ғоясини илгари сурган эди. Чунки Самарқанд ва унинг худудидан ўтувчи Зарафшон сувининг назорати эндиликда руслар ихтиёрига ўтган эди. 1873 йилги сулҳ шартномасига мувофиқ Хўжанд, Ўратепа, Панжикент, Самарқанд ва Каттакўрғон шаҳарларидан тортиб Зирабулоққача бўлган ерлар, шарқий Бухорода эса Шугнон, Вохон, Рўшон вилоятлари, айниқса Зарафшон дарёси юқори ҳавзасининг қўлдан кетиши амирликдаги халқларни асосий ҳаёт манбаи – сувдан маҳрум этди, бу ҳол Бухоро амирлигини Россияга иқтисодий жиҳатдан қарамлигини янада оширди. Амир ҳукуқий жиҳатдан мустақил ҳукмдор саналса ҳам, ҳақиқатда рус подшосига қарам эди.

Амир Музаффар Донишнинг ғоясини, таклифини рад этди. Буни у Амударёдан очиқ каналлар билан сув келтиришнинг умумий фаровонликка зидлиги, душманлар хоҳлаган пайтда сувни ифлослантириши мумкинлиги тўғрисидаги фикрлар билан асослади.

Бухоро-Афғон чегарасини эгаллашга ҳаракат қилаётган ва энг муҳими Ўрта Осиёда етиштирилаётган пахта хом ашёсини тўла ўзиники қилиб олишга уринаётган, уни етиштириш ва сотиш бўйича монополияни эгаллаётган Россия ҳукумати ҳамда унинг Туркистондаги маъмурияти Бухоро ерларида сув таъминоти яхшиланишидан умидвор ва манфаатдор эди.

Зарафшон водийсининг юқори қисми подшо Россияси томонидан босиб олинганидан сўнг Самарқанд маъмурияти билан Бухоро амирлиги ўртасидаги муносабатларда сув масаласи алоҳида ўрин тутди. 1872 йилда ҳар икки томон вакиллари иштирокида Бухоро ва Самарқанд сув тақсимоти комиссияси тузилди. Комиссия Бухоро ва Самарқанд ўртасидаги сув тақсимотининг қадимий тартибларини муҳокама қилиб, мавсумда Бухоро учун икки марта – 15 апрелдан 15 майгача ва 15 августдан 15 сентябргача дарёни «обпартов» (сув ташлаш) ёки «нимжўй» (ярим арик) қилишга қарор қилди.

1880 йилда Зарафшон округининг ҳарбий губернатори Самарқанд ирригация бўлимининг бошқарувчиси инженер З. Жижемскийга топшириқ бериб, Бухорони сув билан таъминланиши учун бошқа сув манбаларини ўрганиб чиқишни буюради ва шунга мувофиқ дастлабки хомаки вариант яратилади. Яратилган канал лойиҳасига кўра, у Амударёнинг ўнг қирғоғидан, Карки шаҳридан 16 чақирим юқорида, Хўжа Айрон деган жойдан бошланиши керак эди. Унинг узунлиги 180 чақиримни, кенглиги 170 метрни, чуқурлиги эса 4, 26 метрни ташкил этган. Ушбу канал лойиҳасини амалга ошириш учун 350 минг ишчининг меҳнати талаб этилган. Карки яқинидан ўтказиладиган ушбу канал Бухоро ва Қорақўл оралиғидаги, Чоржўй ва Бурдалиқ оралиғидаги янги ерларни ўзлаштиришни ва бу ерларга 25 минг хўжаликни кўчириб келтиришни таъминлаши керак эди. 1886 йилнинг январида Туркистон генерал губернаторлиги маъмуриятида юқоридаги лойиҳа кўриб чиқилди. Канални қуриш учун 350 минг эмас, балки 20444 минг ишчи керак бўлиши ҳисоблаб чиқилди ва лойиҳа рад этилди.

1889 йилда Ўрта Осиё темир йўли қурилиши бошлиғи генерал-лейтенант М.Н.Анненковнинг фармойишига кўра бир гуруҳ рус инженер-техниклари Амударёнинг ўнг қирғоғидан Бухоро воҳаси учун сув келтириш масаласи билан шуғулланди. Каркидан темир йўл линияси бўйлаб Бухоро, Қорақўл ва Фарабгача бўлган рельеф ўрганилди. Каналнинг бошланиш жойи Чоржўй шаҳридан 215 чақиримлик масофада бўлиши белгиланди¹. XIX асрнинг 80-90 йилларида Самарқанд воҳасида суғориладиган деҳқончилик майдони кенгайтирилиб, Зарафшон сувининг кўпи ана шу воҳанинг юқори қисмида сарф этила бошланди. Бунинг оқибатида Бухоро воҳаси, айниқса дарёнинг қуйи оқими тез-тез сув танқислигига учраб турди. Сув масаласини Бухоро ва Самарқанд сув тақсимооти комиссияси 1894, 1895 ва 1902 йилларда қайта-қайта муҳокама қилди. Комиссия Бухоро ва Самарқанд воҳаларидаги ер майдонлари ҳажмини ҳисобга олган ҳолда қуйидагича қарор қилди: 1) Зарафшонда сув қанча бўлишидан қатъий назар, дарё сувининг учдан икки қисми (67%)ни Самарқандга, учдан бир қисми (33%) ни Бухорога ташлаш; 2) мавсумда икки марта (2 апрелдан 20 апрелгача ва 18 августдан 5 сентябргача) Бухорога ташланадиган сув миқдорини камайтириш. Аммо бу билан сув тақсимооти масаласи ҳал этилмади.

1896 йилнинг августида 1889 йилги олиб борилган ишлар натижасига асосланиб, самарқандлик савдогар Я. Рехтзамер рус ва чет эллик акционерлар номидан Россиянинг Бухородаги Сиёсий агентига мурожаат қилиб, Амударёдан сув олиб келиш учун канал қурилишини унга ижарага беришни Бухоро ҳукуматиغا тавсия қилишини сўради. Яна у рус акционерларининг «Амударё канали жамияти»ни тузишни таклиф қилди ва бунинг учун 4,5 миллион рубл кредит ажратилишини маълум қилди.

1896 йилнинг 4 октябрида Я. Рехтзамер Россия ва Бухоро амирлиги ўртасидаги махсус шартнома лойиҳасини тузди ва уни Россиянинг Бухородаги Сиёсий агентига тақдим этди. «Амударё канали жамияти» 48 йиллик муддатга ташкил этилиб, каналнинг узунлиги тахминан 300 чақиримни ташкил этар, Қорақўл беклигида минимум 60 минг ва максимум 100 минг десятина ишлатилмаган, кўриқ ва бўз ерларни суғоришни йўлга қўйишни кўзда тутар эди. Я. Рехтзамернинг таклифига кўра, Амударё канали Каркидан 130 чақирим нарида, Келифга яқин жойдан бошланиб, Қарши чўлини кесиб ўтиб, Когон ва Бухоро шаҳарларидан то Қорақўл беклигигача бориши керак эди, унинг узунлиги 300 чақиримни ташкил этарди. Канални қуриб битказиш учун 27,106 минг метр куб тупроқ ишларини бажариш кўзда тутилган².

1896 йилнинг кузида Россиянинг Бухородаги Сиёсий агенти В. Игнатъев Останакул девонбеги воситасида Я.Рехтзамернинг лойиҳасини, тақдимномасини амир Абдулахадхонга топширди. Амир кўп мулоҳаза қилиб, ишнинг мураккаблигини, уни хусусий тадбиркорларга ишониб бўлмаслигини айтиб, маълум қулай вақтгача бу таклифни амалга ошириб бўлмайди деган хулосага келди. Аммо 1899 йилга келиб Бухоро яна сувсиз қолди ва шу йили амирликнинг техник ишлари бўйича мудири Х.В.Гельман томонидан канал

¹ А.Мухаммаджонов. История орошения Бухарского оазиса. 213-бет.

² А.Мухаммаджонов. Кўрсатилган асар. 214-215 бет.

қурилиши масаласи яна кўтарилди. Унинг лойиҳасига мувофиқ канал Келифдан 100 чақирим юқорида, Термиз шаҳри яқинидан бошланиб, Келифнинг шимолидан ва Қаршининг ғарбидан айланиб ўтиши, Бухоро яқинида Зарафшон билан қўшилиши керак эди. Каналнинг узунлиги 445 км.ни ташкил этарди. 1899 йил июнда Туркистон генерал-губернатори С.М. Духовский канал қурилиши билан боғлиқ материаллар билан танишиб чиқди ва ишга инженер Петровни таклиф қилди. Петров лойиҳа 20-25 миллион рубл бўлишини айтди. Туркистон генерал-губернаторлиги маъмурияти канал қурилиши билан боғлиқ маълумотларни ўрганар экан, яқин келажақда бундай улкан иншоотни қуриб бўлмаслигини эътироф этди. Генерал-губернаторнинг 1902 йилнинг 12 феввалида Россия ҳарбий министрининг Бош штабига ёзган мактуби бунини тасдиқлайди: «Бухоро хонлигида Амударёдан сув олиш имконияти, менимча амалга ошмайдиган иш, шундай катта ҳажмдаги ишни бажариш осон эмас, қолаверса бунинг учун зарурий маблағ ҳам, техника ҳам йўқ, ҳозирча бу ишнинг натижаси ҳақида фикр билдириш мумкин эмас». Шу тариқа канал масаласи 1910 йилгача кўтарилмади. 1910-1916 йилларда шу масала юзасидан махсус изланишлар олиб борилди¹.

1911 йилнинг май ойида Туркистон Генерал-губернатори А.В.Самсонов Петербургда амир Олимхон билан учрашиб, Бухоро амирлигида гидротехник қидирувлар олиб бориш учун жами 750 минг рубл ажратилиши хусусида келишиб олди. 1912-1916 йилларда олиб борилган гидротехник қидирувларга таянган инженер А.В.Чаплыгин Зарафшон водийсида сув хўжалигини тартибга солиш лойиҳасини ишлаб чиқди, унинг лойиҳаси икки вариантдан иборат эди. Биринчи варианты фақат Қорақўл воҳасини суғориш учун мўлжалланган Аму-Қорақўл машина-канали қурилиши лойиҳаси эди. Унга кўра Аму-Қорақўл канали дарёнинг ўнг қирғоғидан, Чоржўй шаҳри ёнидан, темир йўл магистрали бўйлаб то Қорақўлгача келар эди. Узунлиги 52 км.ни, суғориш қуввати – секундига 19,3 метр куб сувни ташкил этарди. Каналнинг бош қисмида 31 чақиримлик масофада «дизел»типидаги двигатель билан таъминланган иккита насос станцияси қурилиши режалаштирилиб, биринчи насос станцияси Амударё сувини 3 метрга, иккинчиси эса 6 метрга кўтариб бериши керак эди. Лойиҳада канал бўйлаб 4 та регулятор ва 10 та кўприк қурилиши белгиланган эди. Ушбу канални қуриб битказиш учун 2,9 млн. метр куб тупроқ ишларини бажариш кўзда тутилган. Канал лойиҳаси сметаси 3,1 млн. рублга тенг бўлган. Хулоса қилиб айтганда, А.В.Чаплыгиннинг мазкур лойиҳаси амалга оширилганда Аму-Қорақўл канали билан Қорақўл воҳасида 19 минг десятина ер суғорилиши ва яна 17 минг десятина кўрик ва бўз ерлар ўзлаштирилиши мумкин эди². Чаплыгиннинг иккинчи вариантдаги лойиҳасига кўра Амударёдан Чоржўй кўприги ёнидан, темирйўл бўйлаб параллел равишда Фараб, Хўжадавлат, Қорақўл, Яккатут, Мурғак, Когон, Қуйимозорнинг жануброғидан тўғри шимолий йўналишда канал ўтказилиши режалаштирилиб, Дуоба яқинида сувнинг бир қисми Шохруд каналига берилиши, қолган қисми эса Қорақўлдарё орқали Вобкентдарё билан қўшилиши керак эди. Каналнинг узунлиги 153 км.га

¹ А. Мухаммаджонов. Кўрсатилган асар. 216-219 бет.

² А.В. Чаплыгин. Урегулирование водного хозяйства Зеравшанской долины. М. 1925. 74-80 бет.

тенг бўлиб, ишлаш қуввати секундига 56 метр кубни ташкил этган, каналнинг қумликдан ўтадиган қисмини бетон қилиш кўзда тутилган. Лойиҳанинг умумий қиймати 29 млн. 641 минг рублни ташкил этган. Лойиҳага кўра ушбу канал 171 минг десятина ерни, шу жумладан 135 минг десятина майдонни Бухоро воҳасида, 36 минг десятина майдонни Қорақўл воҳасида суғоришга қодир эди¹.

А.В.Чаплыгиннинг 1920-йиллардаги лойиҳалари амалга ошмади. Бухоро Республикаси ҳукумати томонидан 1923 йилда Амударё сувини Бухоро ерларига оқизишга қаратилган сунъий суғориш иншоотларини барпо этиш режаси ишлаб чиқилди, аммо амалга ошмади. 1928 йилда бўлиб ўтган СССР Марказий Ижроия Комитетининг 4-чақириқ IV сессиясида Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши раиси Ф.Хўжаев маъруза қилиб, Зарафшон ирригация системасини реконструкция қилиш вазифасини илгари суради. Ушбу режага мувофиқ 1-навбатда 53минг гектар янги ер суғорилиши, 273 минг гектар ернинг суғорилиши тартибга солиниши керак эди. Унинг 2-навбатида эса 296 минг гектар янги ер суғорилиши, 570 минг гектар ернинг суғорилиш ҳолати яхшиланиши кўзда тутилган эди. Бу вазифани амалга ошириш учун 70 миллион сўмлик маблағ талаб этилган². Аммо бу вазифанинг бажарилиши ҳам Қорақўлнинг суғориш тизимини яхшиламади. 1940 йилда Амударё сувидан фойдаланиш масаласи Бухоро вилоят партия қўмитаси котиби бўлган Мавлонов томонидан кўтарилди, аммо уруш арафасида бу масалани ҳал этишнинг иложи бўлмади.

1940-1951 йилларда Каттақўрғон шаҳри яқинида табиий чуқурликда Ўзбекистонда биринчи бўлиб, Каттақўрғон сув омбори қурилади. Унинг суви билан Самарқанд, Бухоро вилоятларидаги 94 минг гектар ер суғорилган ва 150 минг гектар ернинг сув таъминоти яхшиланган. Бироқ, Қорақўл воҳасининг сув таъминотида катта ўзгариш бўлмаган.

1958 йилда Зарафшон дарёсининг этак қисмидаги чуқурликлардан бирининг атрофини кўтариш йўли билан Бухоро вилоятида Қуйимозор ва Когон темирйўл бектлари оралиғида Қуйимозор сув омбори қурилди. 1965 йилда Аму-Бухоро машина канали ишга туширилганига қадар сув омбори сувидан канал орқали ирригация шохобчаларига сув тарқатилиб, ушбу сувдан маълум миқдори Қорақўл воҳасига ҳам етиб келар эди. Ҳозирда сув омбори магистрал канал билан биргаликда 94 минг гектар ерни суғоради.

Собиқ Совет давлати 1950-йилларда бутун мамлакатда янги ерларни ўзлаштириш сиёсатини олиб борди ва шу мақсадда Ўзбекистонда ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Шулардан бири, Амударё сувини Бухоро воҳасига чиқариш бўлди. Аму-Бухоро машина-канални қуриш иши 1963 йилда Амударёнинг ўнг қирғоғидан, Чоржўй шаҳридан 12 км.юқорида бошланди. Каналнинг биринчи навбати 1965 йилда, иккинчи навбати эса 1976 йилда қурилди. Қурилиш ишига 46,4 млн.сўмлик маблағ ажратилиб, унда 3,5 мингдан ортиқ механизаторлар, монтажчилар, электропайвандчилар меҳнат қилишди. Каналнинг умумий узунлиги 400 км.ни ташкил этади. Магистрал каналда 65 гидротехника иншооти, 11 насос станцияси мавжуд. Каналнинг сувни максимал

¹ А.Муҳаммаджонов. Кўрсатилган асар. 222- бет.

² Ф.Хўжаев. Асарлар. 2-том, 250-бет.

кўтариш баландлиги 111 метрни, максимал сув ўтказиш имконияти эса, секундига 270 метр кубни ташкил этади¹.

Аму-Бухоро канали билан бир вақтда Аму-Қорақўл канали ҳам ишга туширилди. Канал суви Олот ва Қорақўл тумани ерларини суғоради, Олот, Қорақўл ва Сайёт насос станциялари сувни кўтариб беради. Канал Амударёнинг ўнг қирғоғида Юмаланди қирлари этагидан бошланади. 1963 йилда қурилган, узунлиги 55 км.ни ташкил этади. Сув ўтказиш имконияти секундига 48 метр куб. Унинг суви ёрдамида Олот ва Қорақўл туманларидаги 50 минг гектарга яқин экин майдонлари суғорилади. Сув дарёдан махсус қазилган 28 км.узунликдаги канал орқали бош ростлагич қурилган жойларга оқиб келади ва насос станциялари орқали кўтарилиб берилади. Аму-Қорақўл канали бош ростлагичдан Олот насос станциясигача (36 км.масофада) тубининг эни 5-6 метр бўлган қадимги дарё ўзанидан ўтади, Олот шаҳрини кесиб ўтиб, чўлнинг кумли барханлари орасидан давом этади. 1984 йилда Зарафшоннинг қадимги ўзани таъмирланиб, ундан Амударё суви оқизилмоқда. Олот насос станциясида сув 8,2 метр баландликка кўтариб берилади. Олот насос станциясидан Қорақўл насос станциясигача 16,2 км.узунликда каналдан сув оқади².

Шундай қилиб, XIX асрнинг охириги ўн йилликларида режалаштирила бошланган канал қурилиши XX асрнинг 60-70 йилларида амалга оширилди. Амударё сувининг Қорақўл заминига келтирилишини аҳамияти катта эди. Бу пайтга келиб Қорақўл воҳасида заиф, кам шўрланган ер майдонлари 58,4 %ни, ўртача шўрланган ер майдонлари 8,3%ни, кучли шўрланган ер майдонлари эса 12,2%ни, шўрли, шўрхок ерлар 18%ни, ноқулай шароитли кумлик ва кўллар 3,1%ни ташкил этганлиги инobatга олинса, сувнинг Амударёдан олиб келинишининг Қорақўл қишлоқ хўжалиги учун нақадар муҳимлиги аён бўлади³.

¹ Ўз.МЭ.1-жилд, 292-бет.

² Ўз.МЭ. 1-жилд, 300-бет.

³ Институт «Ўз.Гипроводхоз». Проектное задание Аму-Каракулского машинного оросительного канала. Часть 2. книга 9.Т.1958,12-бет.

5-БОБ. ҚОРАҚЎЛ СОВЕТЛАР ДАВРИДА.

1-§. 1920 йиллар: маъмурий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ўзгаришлар.

1920 йил 2 сентябрдаги амалга оширилган давлат тўнтаришидан кейин, 6 сентябрда Павловский бошчилигидаги қизил аскарларнинг кичик отряди Қоракўлга келди ҳамда ҳозирги Дехқон бозори ўрнида бўлган Саидбойнинг ҳовлисида йиғилиш ўтказилди. Марказий ҳокимият инқилобий кўмита (Рев.ком) қўлига ўтиши муносабати билан жойларда ҳам бу иш амалга оширилган. 1920 йил 22 сентябрда БХСРнинг Вақтинчалик инқилобий кўмитаси томонидан маҳаллий инқилобий кўмиталар тузиш тўғрисидаги низом қабул қилинади¹. Қоракўлда ҳам Совет ҳокимиятининг қуйи бўғини инқилобий кўмитанинг туман ижроия кўмитаси ташкил этилган. Инқилобий ижроия кўмита раиси қилиб Ҳожи Йўлдошев, Абдужаббор Маҳмудов эса кўмитанинг саркотиби этиб сайланган².

1920 йил 2 октябрда Туркфронт сиёсий бошқармасидан Муҳаммад Эрмуҳаммедов Қоракўлга милиция ташкил этиш учун юборилади. 1924-1930 йилларда Қоракўл милициясига Қурбон Шеров раҳбарлик қилган. 1920 йилнинг 6-8 октябрида Бухоро Халқ вакилларининг 1-умум Бухоро курултойи бўлиб ўтади ва унда икки минг делагат қатнашади. Ситораи Моҳи Хоссада бўлиб ўтган ушбу курултойнинг охириги йиғилишида Бухорони Халқ Совет Республикаси деб эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Ушбу курултойда ҳокимият органлари сайланиб, Ф. Хўжаев бошчилигида саккиз соҳа бўйича вазирлар (нозирлар) тайинланади³. Мазкур курултойда Қоракўлдан Раим Оқсоқол, Мулла Бобокул Расулбердиев, Олот худудидан Раҳмонқулбой, Искандар Ҳасановлар қатнашган⁴. 20 октябрда Қоракўлда Халқ вакиллари курултойи бўлиб, Қоракўл икки туманга ажратилади: Қоракўл ва Фарабни ўз ичига олган Олот туманлари. 24 октябрда Халқ вакиллари иштирокида сайлов бўлиб ўтади. Қоракўл тумани ижроия кўмитасига Раим Оқсоқол, Олот тумани ижроия кўмитасига эса Раҳмонқулбой раис этиб сайланади. Халқ вакиллиги органи бошлиғи этиб Қоракўл туманига Фаттоҳ Юсупов, Олот туманига Даврон Жумаев тайинланади. 25 октябрда туман партия ташкилотининг конференцияси бўлиб ўтади ва унда Қоракўл тумани партия ташкилотига жиғачилик Ҳайдар Жумаев, О.Шариповлар раҳбар этиб сайланадилар.

Ҳокимиятни қўлга олган болшевик ҳукумат зудлик билан хўжалик ишларини йўлга қўйишга киришди, энг аввало пахта ишлаб чиқариши билан боғлиқ соҳаларда тегишли ўзгаришлар амалга оширилди.

1920 йилнинг ноябрида БХСР ҳукумати қарори билан пахта, ёғ-мой ва жун ишлаб чиқариши билан машғул бўлган саноат корхонаси – «Бухоро текстиль» номи билан ташкил этилади. Ушбу корхонанинг Бухоро Республикаси бўйича 13 та маҳсулот қабул қилувчи пунктлари бўлиб, шу

¹ История БНСР (1920-1924). Сборник документов. Т. 1976. 50-бет.

² Ш. Нурматов. Қоракўл таронаси. 91-бет.

³ О.Эшонов. Бухоро Халқ Совет Республикасининг ташкил топиши. Т. 1955. 26-бет.

⁴ Б.Йўлдошев. Ҳаёт сўқмоқлари. Т. 2005. 40-бет.

жумладан Қоракўлда ҳам ташкил этилган эди. Қоракўлда йилига 20 минг таноб маҳаллий, 10 минг таноб Америка навли пахта экилган¹.

БХСРнинг ҳудудидан ўтадиган Зарафшон дарёсининг 24 та бош суғорувчи каналлари бўлиб, уларнинг узунлиги 10-50 км гача эди. БХСР Ер ишлари нозирлигининг маълумотига кўра 1921 йилнинг октябридан 1922 йилнинг августигача олиб борилган ирригация чора-тадбирлари натижасида Қоракўл туманида сув бўлмаган жойларда ҳам сув билан таъминланиш яхшиланган ва ҳаттоки шоли етиштириш йўлга қўйилган². Шу йилларда Қоракўлда 200 таноб ерга шоли экилган. БХСР ҳукумати томонидан 1923-1924 йилда гидрометрик пост ва станциялар жорий қилинади. Шу жумладан Қоракўлда ҳам битта сув ўлчайдиган пост ташкил этилади³.

1920-1924 йилларда БХСР ҳукумати томонидан ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ишлар амалга оширилган. Жумладан, 1923 йилда Қоракўл станциясида пахта тозалаш заводининг янги биноси қурилган. Завод ҳузурида 12 квартирага эга бўлган иккита бино қуриб битказилган. Заводга тегишли шинам клуб ҳам ишга туширилган⁴. Бухоро Республикасининг ички аҳволи, иқтисоди ва маданияти тўғрисида ўша даврдаги маҳаллий матбуот органларида турли хил маълумотлар, хабарлар чоп этилиб турган. «Бухоро ахбори» газетасининг 1921 йил 27 январдаги сонидида «Қоракўлда театр» номли мақола босилган. 1921 йилда Қоракўлда бир неча пьесалар намоиши ташкил этилганлиги ҳақида хабар берилади. Жумладан «Қози калон», «Кўҳна Туркистон», «Турсунали боди» пьесалари намоиш этилиб, аҳоли томонидан яхши кайфият билан томоша қилинган. Шу ўринда қайд этиш лозимки, театр сахналаридан мафкуравий курашда унумли фойдаланилган. Айни шу йиллардан бошлаб, «Қизил чойхона», «Қизил кутубхона», «Қизил томошахона», «Қизил емакхона» каби масканларни кўпайтиришга зўр эътибор берилга бошланган.

1920-1924 йилларда БХСР ҳукумати томонидан маҳаллий ёшлар чет элларга таълим олиш учун юборилган. 1923 йилда Бухоро Республикасининг Москвада таълим олаётган талабалари орасида қоракўллик дурадгор-устанинг 18 ёшар ўғли Хўжакул Тиллаев ҳам бор эди.

1924 йилда ЕПО (Ягона истеъмолчилар жамияти) қайта ташкил этилади. Шу жумладан Қоракўлда ҳам истеъмолчилар жамияти тузилиб, унинг 1923-1924 йилдаги жамғарма кредити 3342 сўмни ташкил этган⁵. 1924 йил 9 апрелда БХСР ҳукуматининг йиғилишида Қоракўл-Вобкент тор изли темир йўл қурилишининг лойиҳаси кўриб чиқилган. Аммо лойиҳа амалга оширилмай қолади. (Мустақилликдан кейинги даврда Бухоро-Олот шаҳарлараро поезди қатнови йўлга қўйилди)

1925 йилнинг 12-17 февралда Ўз.ССР советларининг 1-съезди Бухорода бўлиб, Қоракўлдан Қора Сиддиқов унда қатнашди, шу съезддан кейин Ўзбекистон ССР ва Туркменистон ССРнинг ташкил топиши муносабати билан Фараб тумани ҳудуди Олот тумани ихтиёридан чиқарилиб, Туркменистонга

¹ История БНСР(1920-1924). Сборник документов. Т. 1976. 299-бет.

² И.А.Алимов. Аграрных преобразования в народных советских республиках Хорезма и Бухары. 52,68 бет.

³ История БНСР(1920-1924). Сборник документов. Т. 1976. 310,338-бет.

⁴ Туркестанская правда. 1924.24 ноябр.

⁵ История БНСР(1920-1924). Сборник документов. Т. 1976. 400-бет.

берилади. Шунинг учун Олот тумани маъмурий бирлик сифатида тугатилиб, Қоракўл туманига қўшилади. Бошқарув органлари учун давлат бинолари етишмаганлиги туфайли, улар учун давлат фойдасига мусодара қилинган бой-бадавлат кишиларнинг хонадонлари ажратиб берилади.

Кооперация органларини таркибий жиҳатдан қайта қуриш уни ривожланишида сезиларли туртки бўлди. 1925-1927 йилларда универсал қишлоқ-хўжалик ва матлубот кооперациялари мавжуд эди. 1926 йилда Қоракўлда РайПО (район матлубот жамияти) ташкил этилди. Матлубот жамиятига Тоғай Жумаев раис этиб сайланади. Матлубот жамияти таркибида ишчилар манфаатлари учун хизмат қилувчи, ишчи таъминоти билан шуғулланувчи ишчи кооперативи (ширкати) ҳам Қоракўл станциясида «Тўқимачи» номи билан ташкил этилиб, унинг асосий фаолияти пахта тозалаш заводи ва темир йўл ишчиларига зарурий товарларни етказиб беришга қаратилган эди. Ишчи кооперативи асосан европалик ишчиларни таъминотига хизмат кўрсатган, унинг бошқарувидаги 16 ходимнинг бирортаси ҳам маҳаллий миллат вакилларидан бўлмаган¹. Кооперативга аъзо бўлганлар аъзолик ҳиссасини тўлашган. Ишчи кооперативининг иш фаолияти демократик асосда ташкил этилиб, сайлов асосида бошқарилган. Ишчиларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш мақсадида кооператив аъзоларига қарзга мол, маҳсулот бериш ташкил этилган. «Тўқимачи» ишчи кооперативининг 1927 йилга белгиланган қарз бериш (кредит) суммаси ўн минг сўмни ташкил этган.

Объектив жиҳатдан олганда, кооперация қишлоқда бозор муносабатларини тиклаш ва хўжалик ҳаётини жонлантириш борасида муҳим воқеа бўлди. Аммо кооперация аҳолини мустақил, ҳеч кимга боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқарувчи субъектлар сифатида ташкил этилган тақдирдагина ижобий аҳамиятга эга бўлиши мумкин эди. Афсуски, коммунистик раҳбарият кооперация орқали қишлоқ оммасини социалистик қурилишга жалб қилишга интилиб, кооператив ҳаракатга бозор иқтисодиётига ёт бўлган сиёсийлашган унсурларни киритди, кооператив бирлашмаларнинг иқтисодий ва ижтимоий мустақиллигини чеклаб қўйди.

1920 йилларнинг ўрталаригача кооперация демократик тамойиллар асосида ривожланди, шу даврдан кейин маъмурий-буйруқбозлик таъсирига тушди.

1926 йилда туман коммунал хўжалиги ташкил этилиб, унга Тошпўлат Шермухаммедов раҳбар этиб тайинланади. Унинг фаол иштирокида туман марказий касалхонаси, маъмурий бино ва маданият уйи клуби қурилади. Бу бинолар ҳозирги кулоқ-бурун ва кўз касалликлари бўлими, хўжалик ҳисобидаги юрак-қон-томир касалликлари бўлими, деҳқон бозори ўрнидаги бинолар бўлган. Маданият боғи барпо этиш учун ер ажратилиб, кўчатлар экилади (Ҳозир бу боғ Т. Шермухаммедов боғи деб аталади). Т. Шермухаммедов 1920 йил ноябр ойида Қоракўлда уезд (туман) партия қўмитаси ҳузурида ташкил этилган уч ярим ойлик ташкилотчи кадрлар тайёрлаш курси (30 киши ўқиган)да таҳсил олиб, 1921 йилдан то умрининг охиригача Қоракўл коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи вазифасида ишлади. Олотдаги С. Айний, А. Пушкин ва Н.

¹ Б.Мирзакулов. Бухорода кооперациянинг шаклланиши ва ривожланиши тарихидан. //Навқирон Бухоро.1992. 2-сон.

Крупская номли мактабларнинг ўқув бинолари, 1927 йилда қурилган туман марказий касалхонаси бинолари қурилиши унинг номи билан боғлиқдир. Ушбу биноларнинг қурилиш ишларида машҳур ўймакор уста Ширин Муродов ҳам қатнашган. Қоракўл шаҳри марказидаги Сарибозор канали бўйидаги оромгоҳ боғнинг барпо этилишида ҳам унинг хизмати катта бўлган. Т. Шермухаммедов ўша пайтда от ва ҳўкиз кучи билан ҳаракатга келтириладиган баландликка сув чиқариш мосламасини қурдиради.

1922-1924 йилларда қишлоқ хўжалик бирлашмалари, ерни биргалашиб ишлаш ширкатларини тузиш авж олди. 1924 йилда Бухоро Халқ Совет Республикасидаги қишлоқ хўжалик кооперацияси ва бирлашган хўжаликлар сони 7500 тага етди. Шу ширкатлар орқали деҳқонларга уруғлик, пул ёрдами бериб турилди. Қоракўлда ҳам турли хил ширкатлар, артеллар ташкил этила бошлади. Жумладан, ўртоқлик ширкатлари 1922 йилдан тузила бошлади. Ҳозирги Қозон қишлоғи ҳудудида жойлашган дастлабки ширкатни тузишда Қора Сиддиқов фаоллик кўрсатди. Етти киши билан тузилган ширкат 1925 йилга келиб 260 хонадонни ўз сафида бирлаштирган эди. 1926 йилда Човли қишлоғида ҳам ўртоқлик ширкати ташкил этилиб, унинг дастлабки фаол аъзоларидан бири Арслон Тўраев эди. 1927 йилда Жиғачи қишлоғида ҳам ўртоқлик ширкати тузилиб, бунда Абдуқодир Эрсариевнинг хизмати катта бўлди. 1925-1929 йилларда бутун Ўзбекистонда амалга оширилгани каби, Қоракўлда ҳам ер-сув ислоҳоти ўтказилади. Унинг асосий мақсади бой-бадавлат одамларнинг, собиқ амалдорларнинг ерларини олиб, камбағалларга тақсимлаб беришдан иборат эди. Зарафшон округидан тавсия этилган ғиждувонлик Болта Аҳмедов туман ер-сув ислоҳоти комиссиясига раислик қилади.

Мураккаб ижтимоий-иқтисодий ҳодиса бўлган 1925-1929 йиллардаги аграр ислоҳот ўз мазмуни ва пировард оқибатларига кўра зиддиятли тусда эди. Ислоҳот натижасида бир томондан, ерсиз камбағал деҳқонларнинг бир қисми ерга эга бўлиб, қишлоқ аҳлининг аҳволи бир оз яхшиланган бўлса, иккинчи томондан, асрлар оша қишлоқларда шаклланган ижтимоий-психологик тартиб, миллий қадриятлар бузилишини бошлаб берди. Аграр ислоҳот натижасида кўпгина камбағал хўжаликлар ер олиб фаол товар ишлаб чиқарувчиларга айландилар, хўжалик юритишнинг натура шаклларида бозор шаклларига ўта бошладилар. Ўртаҳол деҳқонларнинг хўжалик самарадорлиги маълум даражада кўтарилди. Умуман олганда, ерсиз ва кам ерли деҳқонлар ер билан тўлиқ таъминланмадилар. Мусодара қилинган ерларнинг асосий қисми жамоа хўжаликларига берилди, умумий деҳқон хўжаликларининг учдан бир қисми камбағал бўлиб қолаверди. Ер-сувни национализация қилиш асосан тугалланиб, қишлоқ хўжалигини давлат монополиясига олиш учун моддий шарт-шароитлар яратилди.

1926-1927 йилларда Қоракўлда ҳам қарз (кредит) ширкатлари тузила бошлади. Артеллар тузилиши ҳам шу даврга тўғри келади. Ер-сув ислоҳоти ишига муносиб улуш қўшган Мурод Саидов тумандаги Акмал Икромов номли артелга ишга киради. 1928 йилдан туманда батраклар уюшмаси, кооператорлар уюшмаси, ер-ўрмон иттифоқи каби турли хил бирлашмалар фаолият кўрсата бошлади. 1928-1930 йилларда дастлабки жамоа хўжаликлари (улар кичик эди) ташкил этила бошланди. Масалан, Миришкор қишлоғида ташкил этилган

«Пролетар» жамоа хўжалигига Ашур Файзиев раислик қилди. Сайётда ташкил этилган дастлабки қишлоқ хўжалик артелига Саид Бердиев, Асад Ҳайитов раислик қилди. Артелнинг ер майдони 66 гектарни ташкил этар эди. 1929 йилда туман ер-ўрмон иттифоқига чармгарлик Аҳмад Ражабов раислик қилади. 1925-1930 йилларда Қораун қишлоғилик Дурди Бекматов туман батраклар уюшмасининг котиби бўлиб ишлади. 1925-1929 йилларда Қоракўлда ташкил этилган турли хил кооператив – ширкат, артел, уюшма ва бирлашмалар битта мақсад – Марказдан туриб амалга оширилаётган, демократик тамойилларни қўпол равишда бузиб, зўрма-зўракилик билан, мажбурийлик йўли билан амалга ошириш кўзда тутилаётган ёппасига жамоалаштириш сиёсати учун хизмат қилган.

1926-1927 йилларда Ўзбекистон бўйлаб амалга оширилган хотин-қизлар озодлиги ҳаракати муносабати билан жойларда ҳам хотин-қизларни эски феодализмнинг турли хил асоратларидан «озод» қилиш учун чоратадбирлар ўтказилади. 1926 йилда эски Бухорода Мешерякова бошлиқ хотин-қизлар армияси тузилади, штаб ҳар бир уездга ўз вакилларини юбориб советларга сайлов, ер-сув ислоҳоти бўйича мажлислар ўтказди. Штаб ишида барча районлардан вакиллар фаол қатнашган. Жумладан, Қоракўл туманидан Шамсиддинова эрк ва зиё учун курашган фидойи аёллардан бири ҳисобланади¹. Шу йилларда қоракўллик аёллардан Махфират Мавлонова (1926-1933 йилларда хотин-қизлар клубига мудирлик қилади), Шукур Машарипова (ипакчилик ширкатини бошқарган), Ражаб Орипова, Гўзал Ражабова, Сафаргул Тошева, Тошбиби Ёвмутова, Парчиной Бобониёзова, Турсуной Чўллиева, Қамар Давронова ва бошқалар паранжи ташлаш, саводсизликни тугатиш, турли хил артел ва ширкатлар ташкил этишда фаоллик кўрсатишган².

1927 йилда хотин-қизлар ўртасида оммавий «хужум» ҳаракати амалга оширилиб, унинг иштирокчиларидан бири бўлган Махфират Мавлонова шундай хотирлайди: «Туманимиз марказида бўлган бир йиғилишда 127 нафар хотин-қиз паранжисини ўтга отди. Ўшанда мен райкомда хотин-қизлар орасида ишлаш секторининг мудираси эдим. Бухоро шаҳридаги Ф. Ҳўжаев номли хотин-қизлар ўртасида ишлаш комиссиясининг 3 ойлик курсида ўқидим. Мен ва дугонам Қуллиева (марҳум) биринчилардан бўлиб паранжини улоқтириб, бошқаларни ҳам озод бўлишга чақирдик. Уйма-уй, қишлоқма-қишлоқ юрардик, вақтимизни аямасдик. Пўлатой Шарипованинг хонадонида бўлиб, паранжини ташлашга даъват этганимда Султон бободан икки қамчи таёқ еганимни ҳали ҳам эслайман. Бир куни Сайётда мажлис қилиб, аёлларни паранжи ташлашга даъват этдик. Шу ерда бизни «босмачи» (курсив бизники – М.Б) лар ўраб олишди. Қисқа муддатли тўқнашув бўлиб ўтди. Бир дугонамиздан айрилиб қолдик. Мен эса пахта орасига кўмилиб ётиб қутилиб қолдим»³. Паранжини ташлаш масаласи осонлик билан амалга ошмаган. Чунки бу иш миллийликка, мусулмончиликка зид эди. Буни дастлабки даврда ҳатто аёлларнинг ўзи ҳам хоҳламаган. Олиб борилган тарғибот-ташвиқот натижасида бу ишнинг туб мақсади халққа етказилган. Юқорида қайд этилаётган «босмачи» лар миллийликка,

¹ Бухоро ҳақиқати, 1968, 5 январ.

² «Олға», 1990, 23 август, 1 сентябр.

³ «Олға», 1987, 26 сентябр.

урф-одатни ҳимоя қилишга уринганлардир. Албатта янгиликка қаршилик кўрсатиш, нодонлик, жоҳиллик каби иллатларни ҳам унутмаслик керак.

«Хужум» ҳаракатининг асл мақсади фақат паранжи ташлашдан иборат эмасди. Унинг асосий мақсади хотин-қизларни ижтимоий ишлаб чиқаришга кенг жалб этиш эди. Шу мақсадда хотин-қизлар артеллари ташкил этилди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида аёлларнинг фаоллиги оширилди. Озодликка эришган аёллар меҳнатга шу қадар берилган эдики, эркаклар ҳам ортда қолиб кетди. «Хужум» кампанияси давомида жиддий камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Шошма-шошарлик билан амалга оширилди, миллий хусусиятлар ҳисобга олинмади. Хато ва камчиликларга қарамасдан «Хужум» ўзбек аёлининг озодликка чиқишида, тенг ҳуқуқлиликлга эришишида, ижтимоий ҳаётда эркаклар билан баробар мавқега эга бўлишида муҳим тарихий босқич бўлди.

1920 йилларда ва ундан кейинги йилларда Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида партия ва совет аппарати учун ходимлар тайёрлаш олий мактаби фаолият кўрсатган. Ушбу мактабда Бегандик Назаров, Шариф Эгамбердиев, Саноқул Файзиев, Шукур Машарипова ва бошқалар таълим олишган ҳамда туманнинг турли соҳаларидаги лавозимларда ишлашган. Масалан, Б.Назаров «Олот», «Зиёрат» жамоа хўжалигида (1933-1936) раис, кейин туман ижроия комитети котиби бўлиб, Ш.Эгамбердиев туман партия қўмитасида партия кабинетини мудирлиги бўлиб, Ш.Машарипова туман ижроия қўмитасида, С.Файзиев туман партия қўмитасида ва туман ижроия қўмитасида масъул ходим бўлиб ишлади.

Биринчи тиббиёт маскани 1922 йилда қорақўллик Саидбойнинг мусодара этилган ҳовлисида ташкил этилиб, унда россиялик фельдшер В.Г.Галалов иш бошлаган. 1924 йилда Олтин Полвон деган қандолатфуруш бойнинг мусодара қилинган уйида биринчи дорихона очилиб, унинг мудирлиги А.В.Хипс деган дорихона бўлиб, тайёр дорилар Бухоро шаҳридан олиб келинган.

1924 йилда Бухоро шаҳрида Тропик тиббиёт институтининг ташкил этилиши муносабати билан қорақўллик Раҳим оқсоқолнинг ташқи ҳовлисида мазкур институтнинг Қорақўл бўлими очилади ва унинг бош ҳаками қилиб Н.А. Фомин тайинланади. Тропик станциянинг асосий вазифаси – шу йилларда кенг тарқалган ришта ва безгак касалликларини йўқотиш бўлган, зеро туман аҳолисининг учдан бир қисми шу касалликка чалинган эди.

Биринчи касалхона 1927 йилда очилиб, унинг имконияти 25 ўриндан иборат бўлиб, бош ҳаким вазифасини О.В.Топов бажарган. Шу йили ҳукуматнинг фармойишига асосан бу ерга Быков ва Беляев деган шифокорлар ишлашга келган. Касалхона очилган вақтда унинг ихтиёрида битта от қўшилган ёғоч арава бўлган бўлса, 1931 йилга келиб икки от қўшилган арава «тез ёрдам» транспорти вазифасини бажарган.

1927 йилда туманда ижроия қўмита таркибида соғлиқни сақлаш бўлими ташкил этилиб, унга И.Н. Красильников раҳбарлик қилган. 1928-1932 йилларда бўлимда М.З.Зарипова, Р.Бекчаев, М.Е.Трусовалар ишлашган¹. 1920 йилларда туманда саводсизликни тугатиш мақсадида турли хил муддатда ўқув курслари ташкил этилади. Шу пайтларда тумандаги хат-савод ўргатадиган мактабда

¹ Р.Носиров, Ш.Нурматов. Доруш-шифо. Т. 1997. 9-10 бет.

мудир, икки нафар муаллим ва 50 нафар талаба бўлган. 1926-1929, 1930-1933 йилларда саводсизликни тугатиш курсларининг ташкил этилишида Бўрон Бердиев, Аҳмад Ражабов, Махфират Мавлонова каби маҳаллий халқ вакиллариининг хизматлари катта бўлди. 1929-1930 йилда Бухоро шаҳридаги ўқитувчилар тайёрлаш курсида таълим олган Б.Бердиев туманда ўқитувчилик қилди, кейинчалик бир неча йил туман халқ маорифи бўлимининг мудирини бўлиб ишлади. Шу йилларда «ШКМ» – «Коммунистик ёшлар мактаби» ташкил этилган. Уни тугатганлар ҳам қишлоқларда муаллимлик қилган. Сайётлик (Солур қишлоғидан) Э.Ниёзов шу мактабни тугатиб 16 ёшдан муаллимлик қила бошлаган. Кундузи мактаб ёшидаги болалар ўқитилган бўлса, кечкурунлари катта ёшдаги одамлар ўқитилган. 1929 йилдан бошлаб латин ёзувидаги ўзбек алифбосида ўқитиш амалга оширилган. Араб имлосида савод чиқаришдан кўра латин имлосида савод чиқариш анча осон бўлган ва кўп вақтни талаб қилмаган. Ўзбекистон ССР МИҚ 1928 йилнинг августида «Янги ўзбек ёзувига ўтиш тўғрисида» қарор қабул қилди ва янги алифбога ўтишни тугаллаш муддатини 1930 йилнинг охири деб белгилади. Бу тадбирнинг айна шу пайтда ўтказилиши халқимизга жуда оғир юк бўлиб тушди. Чунки бу тадбир жуда катта маблағларни талаб этар эди. Янги ўзбек алифбосини ўрганиш мажбурий бўлиб, алифбони ўрганишни истамаган кишилар эса «саводсиз» деб эълон қилинган. Саводсизликни тугатиш учун ҳаммаси бўлиб 2 йилу 4 ой вақт берилди, табиийки, бундай қисқа муддатларда ушбу вазифани бажариб бўлмасди. Бунинг устига, ўқитувчиларнинг етишмаслиги, мактаблар учун биноларнинг деярли йўқлиги, дарсликлар ва ўқув қуролларининг йўқлиги бу вазифани белгиланган муддатларда бажариш мумкин эмаслигини кўрсатди¹. 1920 йилларда бутун мамлакатда бўлгани каби Қорақўлда ҳам «маданий инқилоб» амалга оширилади. Қисқа муддатли ўқув курслари, муаллимлик курслари, саводсизликни тугатиш курслари, кечки мактаблар ташкил этилган, шунингдек, «қизил чойхона», «қизил қироатхона», клублар иши йўлга қўйилган, газета ва журналлар тарқалган, «худосиз»лар, яъни атеистлар жамиятлари фаолият кўрсата бошлаган.

2-§. «Босмачилик» ёки қаршилик кўрсатиш ҳаракати.

«Миллий иттиҳод» ташкилотининг режаси ва амалга оширган ташкилий фаолияти натижасида 1920-1924 йилларда Зарафшон водийси ҳудудини «Босмачилик» деб ном олган ҳаракат қамраб олади. «Миллий иттиҳод» ёки «Иттиҳоди тараққий» деб номланган яширин ташкилот дастлаб Туркистон жаидлари томонидан тузилиб, 1920 йилнинг ноябрида Мунавварқорининг Бухоро Халқ Совет Республикаси маориф нозирлигида вақф бўлими мудирини вазифасида ишлаши муносабати билан ташкилот маркази Тошкентдан Бухорога кўчади. Ташкилотнинг шу вақтдаги асосий мақсади Бухоро Республикаси, умуман Туркистон минтақасини советлаштириш ва руслаштириш сиёсатидан сақлаб қолиш, юрт мустақиллигига эришиш эди. Туркистон минтақасида совет режимига қарши қуролли ҳаракатни уюштириш ва шакллантиришда қуролли ҳаракатнинг йўлбошчилари – кўрбошилар муҳим рол ўйнаган.

¹ Т.Рахмонов. XX асрнинг 30 йилларида Ўзбекистондаги ижтимоий ва маданий ҳаёт. Бухоро.2011, 112- бет.

Совет даври адабиётида «Босмачилик» деб аталган ҳаракат аслида Совет тузумига, большевиклар олиб бораётган сиёсатга нисбатан қаршилик кўрсатиш ҳаракати бўлиб, Ғарбий Бухорода унга Мулла Абдуқаххор, Жўра Амин, Мурод Мешкоб, Метан Полвон, Наим Полвон ва бошқа йирик кўрбошилар раҳбарлик қилган¹. Метан Полвон ва Наим Полвон Мулла Абдуқаххорнинг укалари эди.

1920 йилнинг сентябрида амир Саййид Олимхон Бухоро амирлиги пойтахтини тарк этгач, Бухоро шаҳри атрофидаги фуқаролар Ғиждувон, Пирмаст, Вобкент, Хўжа Ориф, Хутфар, Вағонза, Қорақўл туманлари аҳолиси, тахминан ўн беш минг нафар одам қизил аскарларга қарши курашга тўпланди. Амирнинг фармони билан Мулла Абдуқаххор бухоролик фидокор фуқароларга йўловчи сардор қилиб тайинланди². Мулла Абдуқаххор раҳбарлигида Бухоро ва Карманадаги ўнлаб кўрбоши дасталари бирлаштирилди. Архив маълумотларига қараганда, унинг қўл остида Бухоронинг ғарбий қисмидан 20 нафар кўрбоши тўпланган³. Мулла Абдуқаххор Қоровулбеги (1884-1924)-Ғарбий Бухородаги мужоҳидлар қўшинининг етакчиси эди. Ғиждувон туманидан бўлган Мулла Абдуқаххор кўрбоши қарийб беш йил давомида қизил аскарларга қарши кураш олиб борди. Хўжа Убонлик Мулла Абдулжаббор, Қорақўлнинг Бойканд мавзесидан Мурод Полвон, шофирконлик Ўрмон Полвон, Остон қоровулбеги, Ҳайит Аминлар унинг энг яқин сафдошлари эди⁴.

Қаршилик кўрсатиш ҳаракати томонидан Бухоро музофотларидан Қорақўл, Хайробоод, Варғонзе, Кармана, Нурота, Зиёвуддин, Хатирчи, Лақ-лақа, Хўжа Ориф, Хўжайи Жаҳон қарийб бир йил давомида ушлаб турилган ва ушбу ҳудудларда Совет тузуми бекор қилинган.

Амир Олимхоннинг ёзишича, Мулла Абдуқаххор бошчилигидаги курашчилар 25 минг нафардан ортиқроқ жамоани ташкил этган. Бу рақамни Совет давлати архиви ҳужжатлари ҳам тасдиқлайди⁵. Бир ой ичида большевиклар қўлидан икки минг беш отар милтиқ, юз минг дона беш отар милтиқ учун ўқ, ўнта пулемёт ва учта броневиқ машинаси ўлжа қилиб олинади. Мулла Абдуқаххор большевиклардан анчагина ҳарбий асбоб-ускуналардан ўлжа олиб, Нурота вилоятини ўзига марказ қилиб олади. Бухоро жаҳидларидан бўлган Абдулҳамид афанди (ҳарбий вазир) Мулла Абдуқаххорга олти минг инглиз фунти, иккита пулемёт ҳадя қилади⁶. 1921 йилнинг охирига келиб Анвар Пошо қўл остида 20 минг киши ҳаракат қилган. Ғарбий Бухорода Мулла Абдуқаххор, Жўра Амин, Аъзам Хўжалар Анвар Пошо билан яқин алоқада бўлишган. 1922 йил март ойининг бошида Мулла Абдуқаххор бошчилигидаги кучлар Бухорога кириб келади, унинг олти дарвозасини эгаллаб олиб, бир неча соат мобайнида шаҳарни ўз қўлида ушлаб туради. Шўро ҳукумати 1922 йил апрелидан катта ҳарбий кучни Бухорога ташлайди. Тажрибали ҳарбийлардан генерал Н.Е.Какурин, ундан сўнг А.П.Павловлар бу ерга етиб келдилар.

1923 йилнинг феврал ойида Амударё яқинида ва Қорақўл атрофларида Очил Сардор ўзининг 45 нафар жасур йигитлари билан кураш олиб борган.

¹ Қ.Ражабов. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. 22-бет.

² С.Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. 20-бет.

³ Қ.Ражабов. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. 52-бет.

⁴ Муҳаммад Али Болжувоний. Тарихи нофеий. 118-бет.

⁵ 50 лет Бухарской народной революции. 115-бет.

⁶ С.Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. 23-бет.

Фараблик Очил Сардор, Ғойиб Сардор ва Қилич Сардор каби кўрбошилар Қорақўл ҳудудларида қизил аскарларга, шунингдек, шу йилларда ташкил этилган кўнгилли дружиначиларга қарши кураш олиб борган (1921-1924 йилларда маҳаллий аҳолининг маълум қисми орасидан кўнгилли-дружиначилар ташкил этилиб, улар регуляр Қизил армия қисмларига кўмаклашишган ва кўпчилики ташкил этмаган). Шу йилнинг баҳор-ёзида Ғарбий Бухорода жанглари қизиб кетади. Ҳаракатнинг кўзга кўринган кўрбошларидан бири Остон кўрбоши жангларида бирида ҳалок бўлади. Унинг ўлиmidан кейин Мулла Абдуқаҳхорнинг ёрдамчиси қилиб Аъзам Хўжа (Аъзам Ҳожи) тайинланади. Худди шу пайтда Бухоро вилоятидаги Жўра Амин, Тўра Амин, Ҳамро Полвон, Мурод Полвон, Нурус Хўжа каби кўрбошилар Аъзам Хўжага бўйсунар эдилар¹.

Аъзам Хўжанинг ўзига бино қўйиб «Эшони Аъзам», «Ғозий саркарда» деб улуғлашларини талаб қилиши натижасида айрим кўрбошилар билан муносабатлари кескинлашади. Масалан, 1923 йил апрел ойида Жондор туманининг ғарбида жойлашган Ойтўда қишлоғида бойкандлик Мурод Полвон билан Аъзам Хўжа қаттиқ жанжаллашади, бошқа кўрбошиларнинг аралашуви билан муроасага келинади.

Қорақўл туманида ҳаракат қилаётган Мурод Полвон сафдошлари Жўра Амин ва Ҳайит Полвонлар билан биргаликда 1923 йил апрел ойи охирида қизил аскарларнинг маҳаллий гарнизонига муваффақиятли ҳужум уюштирадilar. Қаршилиқ кўрсатиш ҳаракати қатнашчилари томонидан Жондор атрофларида қизил аскарларнинг иккита аэроплани (самолёти) уриб туширилган. Ғарбий Бухородаги истиқлолчилик ҳаракати бошида турган Мулла Абдуқаҳхор Қизилқум чўлларида қизил аскарлар билан бўлган тўқнашувларнинг бирида 1924 йилнинг охирида ўлдирилади.

Қаршилиқ кўрсатиш ҳаракати фаолларидан бири бўлган Жўра Амин 1889 йилда Жондор туманидаги Жўйзор қишлоғида туғилган эди. Унинг йигитлари Жондор ва Қорақўл туманларида қизил аскарларнинг 13-ўқчи корпуси билан жанг олиб боради. Жанглари аёвсиз, шафқатсизлик билан олиб борилган. Қизил армия ўқчилар корпуси кўмондони А.П.Павлов ўз штабини Жондор тумани марказига жойлаштиради. Олиб борилган шиддатли жанглари натижасида Жўра Аминнинг йигитларини енга олишига кўзи етмаган Павлов қабиҳ ишга қўл уради. Жўра Аминнинг турмуш ўртоғини Эргаш исмли чақалоғи билан асирга олиб, гаров тариқасида Бухоро шаҳридаги Ғозиён мадрасасида ташкил этилган қамоқхонада бир ярим йил мобайнида ушлаб туради². Аммо шунга қарамай, Жўра Амин келиб қизил аскарларга таслим бўлмайди. Жондорлик бу мард кўрбоши қизил аскарларга таслим бўлмагандан кейин, унинг гаровда ушлаб турилган оила аъзолари отиб ташланади. Жўра Амин бўлса яна бир неча йиллар давомида кураш олиб боради. Унинг йигитлари билан қизил аскарлар ўртасидаги сўнгги жанг 1926 йилнинг май ойида ҳозирги Пешкў туманидаги Хўжа Убон зиёратгоҳи яқинида бўлиб ўтади.

¹ Қ.Ражабов. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. 112-114-бет.

² Р.Қиличев. Отам босмачи эмасди. Бухоро ҳақиқати. 1993. 13-феврал сони.

Ҳаракатнинг кўзга кўринган етакчиларининг бирин-кетин ҳалок бўлиши қорақўллик Мурод Полвонга жиддий таъсир этади ва у асирга тушади. Уни сургун қилишга ҳукм чиқарадилар. Аммо сургунга юбориш вақтида НКВД ходими Павловскийнинг фикри ўзгариб уни озодликка қўйиб юборади. 1887 йилда Қорақўлнинг Сайёд қишлоғида таваллуд топган Мурод Полвон ёшлигидан бошлаб кураш билан шуғулланиб келган ва Бухоронинг сўнгги амири Саййид Олимхоннинг назарига тушган полвон. 1918-1920 йиллардаги воқеалар уни ҳам ўз гирдобига тортади ва таъсирига олади, у «Босмачилик» ҳаракати ёки қаршилик кўрсатиш ҳаракати билан боғланиб қолади ва 1926 йилгача қизил армия қисмларига қарши Жондор ва Қорақўл туманлари ҳудудларида кураш олиб боради. 1926 йилда НКВД томонидан озодликка қўйиб юборилган Мурод Полвон ўз қишлоғига қайтиб келиб осуда ҳаёт кечири олмайди. «Сен амирнинг одамисан, сени қаматамиз» деган таҳдид ва таъналардан безор бўлиб қолган Мурод Полвон оиласи билан Олот туманидаги Буржоқ қишлоғига кўчиб кетади. У 1939 йилгача шу ерда яшаб, уруш арафасида оламдан ўтади. У узок умр кўрмади, 52 йил яшади, аммо эл-юрт учун қўлидан келган ишни қилди, амирлик ҳудудидаги кураш мусобақаларида обрў-эътиборга эришди, ўз юрти мустақиллиги учун курашди. Унинг авлодлари Қорақўлнинг Қозон қишлоғида яшамоқда. Мурод Полвон ва унинг ҳаёт йўли тўғрисида сайёдлик қаламкаш Юсуф Рўзи Бойкандий «Бухоронинг олд полвони» номли тарихий-саргузашт роман яратган¹.

1990 йилларга келиб, «Босмачилик» деган ҳаракатга нисбатан қарашлар тубдан ўзгарди, унинг асл моҳиятига объектив баҳо берилди. Тўғри, ҳаракат иштирокчиларининг айримлари асосий мақсад – истиқлолчиликдан чекинган. Лекин ҳаракатнинг кўпчилигини совет тузумига, унинг советлаштириш ва руслаштириш сиёсатига қарши турганлар ҳамда шундай кайфиятдагиларни қўллаб-қувватлаганлар ташкил этганлиги айтилиши ҳақиқатдир.

3-§. «Колхоз»лаштириш, «кулоқ» қилиш ва сиёсий қатағонлар даври.

1920 йилларнинг биринчи ярмида Совет давлати томонидан амалга оширилган биринчи ер-сув ислоҳоти, иккинчи ярмида амалга оширилган иккинчи ер-сув ислоҳоти, ширкат-кооператив хўжаликларни барпо этиш сиёсати, 1928-1932 йиллардаги колхозлаштириш кампанияси оқибатида юртимиздаги ўзига тўқ, бой-бадавлат оилалар, кейинчалик ҳатто ўрта ҳоллар ҳам бадарға қилинган, кўчириб юборилган. 1928 йил 23 октябрда Ўзбекистон ССР Ер ишлари комиссари ўринбосари Немцович, ушбу вазирликнинг махфий бўлим бошлиғи Петровлар Бухоро ва Фарғона округларига махфий хат жўнатадилар. Ушбу хатда Бухоро округидан кулоқ қилиниши лозим бўлган бойларнинг номлари ҳам кўрсатилган. Раҳбариятнинг кўрсатмасига кўра, хатда номлари зикр этилган бойлар ўз яшаш жойларидан узокқа кўчирилиши, имкони борича бир-биридан олисроққа, яъни алоҳида-алоҳида жойлаштирилиши, уларга унумсиз тупроқли, қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз, шарт-шароити оғир жойлардан ер берилиши лозим эди.

¹ Юсуф Рўзи Бойкандий. Бухоронинг олд полвони. Т.2006.

1928 йил 1 ноябрда Бухоро округ ижроия комитетининг «Бой хўжаликларини кўчириш ва тугатиш» тўғрисидаги йиғилиши бўлиб ўтади. Унда Бухоро округ ижроия комитети раиси Ҳасанов, ер ишлари бўлими бошлиғи Ўрмонов, округ прокурори Ҳамидов қатнашади. 1928 йил ноябр, декабр ойларида ушбу масала юзасидан ташкил этилган комиссиянинг йиғилиши бир неча марта бўлиб ўтади. Рўйхатда кўрсатилган бойларнинг мол-мулки ҳисоб-китоб қилиниб, уларни оила аъзолари билан бирга кўчириш, бойлигини мусодара қилиш ҳақида қарор қабул қилинади. Мазкур қарорда кўрсатилишича, уларнинг уй-жойлари, ундаги бойликлар, ерлари, барча турдаги чорва моллари, тегирмон, жувоз, ун, буғдой, ғўза, жўхори, ёғоч-тахталар, сомон, мола, ўтин, чарм, туз, омон, белкурак, ўроқ, болта, занжир, тарози, қоп, арқон, қамчи ва ҳ.к.ларнинг барчаси тортиб олинган, уларнинг баҳоси ҳам чиқарилган.

Бухоро округи бўйича рўйхатга олинган бойларнинг 6 нафарини Оренбургга сургун қилишга қарор қилинган. Қолган бойлар Фарғона округининг Марғилон районида сургун қилинади. Жами рўйхатга олинганлар сони – 23 нафар бўлган. Махфий мактубда номлари қайд қилинганлар орасида қорақўлликлардан қуйидагилар бор эди:

1. Ўринов Қурзобой оқсоқол – Шўрқашон қишлоқ советидан, Катта Баёт қишлоғидан.
2. Олимов Мулло Ражаб – Бозорхўжа қишлоқ советидан, Лағ-лақ қишлоғидан.
3. Раҳмонбердиев Авлиёқул амин – Сўк-сўк қишлоқ советидан, Зоғорақаш қишлоғидан.
4. Абдухолиқов Жаббор – Қозон қишлоқ советидан, Дарғабоғ қишлоғидан.
5. Мадийёров Соат Полвон – Олот қишлоқ советидан, Қизилобод қишлоғидан.
6. Ўринов Чўлли – Шўрқашон қишлоқ советидан, Катта Баёт қишлоғидан.

Ўзбекистон КП МК 1930 йил 17 февralида «Коллективлаштириш ва қулоқ хўжаликларини тугатиш тўғрисида» қарор қабул қилган. ЎзССРда қулоқлаштириш кампанияси 1930 йил февralидан бошлаб авж олган. 1930 йилда ҳукуматнинг юқоридаги қарори билан беш минг киши «қулоқ» қилиниб, Ўзбекистондан чиқариб юборилган. Мазкур адолатсиз қонунга мувофиқ, қулоқ қилинган мулкдорларнинг ўзлари Россиянинг совуқ юрти – Сибирга, Кавказ ва Украинага сургун қилинган бўлса, уларнинг оилалари бошқа жойларга кўчирилган, сиёсий ҳуқуқлар (сайлаш ва сайланиш)дан, армия сафида хизмат қилиш, белгиланган жойдан четга чиқиш каби фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум этилиб, мол-мулклари мусодара қилинган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети 1931 йилнинг 1-6 августда қулоқ қилиш ва сургунга жўнатиш бўйича 25 нафар масъул ходимлардан иборат ўз вакиллари Республка туманларига, жумладан Ҳамробоевни Қорақўл туманига юборди. Натижада 1932 йилда Қорақўлдан 145 хўжалик, яъни 941 нафар киши қулоқ қилинди (Маълумотлар Р.Шамсутдиновнинг «Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун. Т.2003» китобидан олинди, 191,192,302-бет). Дурри бой (Кўйдим қишлоғидан), Ҳамробой, Бозорбой (Сайёд қишлоғидан), Жўрабой (Дўрман қишлоғидан), Қорабекбой (Зиёрат қишлоғидан), Гулматбой (Қувача қишлоғидан) ва

бошқаларнинг бошига ҳам ана шундай қора кунлар тушади¹. Мадрасада ўқиб, олий маълумот олган, анъанавий эски мактабда қишлоқ болаларига сабоқ берган Қувача қишлоғилик Мулла Одилни 1930 йилда «халқ душмани» деб, сазойи қилишиб, соч-сақолини қирганлар, ўзини узоқ Сибирга, оиласини эса Мирзачўлга кўчирганлар. Мулла Одилга ўз она юртини қайтиб кўриш насиб этмади, оиласи ва ўғил-қизлари 1952 йилда Қорақўлга қайтиб келди.

Қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш сиёсатидан аввал бу ерда беш мингта майда ва кам маҳсулли деҳқон хўжаликлари мавжуд бўлиб, 1932 йилга келиб «ёппасига жамоалаштириш кампанияси» тугалланади ҳамда бунинг натижасида саккиз минг гектар экин ерига эга бўлган 117 та жамоа хўжалиги (колхоз) ташкил этилади. Шу йилларда туманда 8-8,5 минг тонна пахта хом ашёси етиштирилган.

1929 йилнинг кузидан эътиборан совет давлати кооперативлаштиришнинг хилма-хил шакллари тугатишга, мавжуд бўлган бир қанча кооператив тизимларини (матлубот, ишлаб чиқариш) давлатлаштириш йўлига ўтди. Кооперацияни барча турлари ва соҳалари бўйича ривожлантириш сиёсатини ёппасига жамоалаштириш йўли билан алмаштирди. Бу йўл эса ихтиёрийлик принциплари асосида эмас, балки «юқоридан белгилаш» йўли билан амалга оширилди. Ёппасига жамоалаштириш сиёсати асосан зўравонлик усули билан амалга оширила бошланди. Анъанавий иқтисодий муносабатлар бузилди. Давлат органлари қишлоқ аҳлига қанча ва нима экишни, етиштирилган маҳсулотни қандай нарх билан топширишни юқоридан туриб айтадиган бўлди. Қишлоқ аҳолисининг бадавлат қатламларига қарши мислсиз қувғинлар уюштирилди, қишлоқ аҳлини зўрлик билан колхозларга киритиш бошланди. Деҳқонларни зўрлик билан колхозларга киришга мажбур этдилар. Қаршилиқ кўрсатишга уринганлар ижтимоий мавқеи ва моддий аҳволидан қатъий назар «кулоқ» қилинди. Ўз ССРдаги қишлоқ аҳолисига фуқаролик паспорти бериш таъқиқланди. Колхозчилар бошқа жойга бориш ва бошқа жойда яшаш ҳуқуқидан маҳрум этилди. Мажбурий меҳнат куни минимуми жорий қилиниб, уни бажармаганлар аёвсиз жазоланди.

Қорақўлда ҳам жамоалаштириш амалга оширилди. Дастлаб, унчалик катта бўлмаган қишлоқ хўжалик артели, ширкати ташкил этилган. Сайётнинг Жанафар қишлоғида «3-интернационал» номли жамоа хўжалиги тузилган. Ғўза сочма усулда экилиб, гектаридан ўртача 7-8 центнер пахта ҳосили олинган. Белгиланган кунлик минимум – нормани бажаргани учун битта обинон берилган. Бир ярим, икки норма пахта тераман деганлар жон-жаҳди билан тинимсиз меҳнат қилган². 1931 йилнинг баҳорида «Шағол» қишлоғида ҳам қишлоқ хўжалик артели ташкил этилиб, унда 6 нафар батрак ва 12 нафар вояга етмаган ёшлар ишлай бошлаган. Тез оради бу артел «8-март» номли жамоа хўжалигига айлантирилиб, экин майдони 80 гектарга етказилган, пахта ҳосилдорлиги 8 центнерни ташкил этган³. Бу вақтда ўртоқлик ширкатлари ҳам фаолият кўрсатган. 1930-1931 йилларда сайётлик Шариф Эгамбердиев шундай ширкатлардан бирига раислик қилган.

¹ Қорақўл таронаси. 92-бет.

² «Олға», 1987, 6 октябрь.

³ «Олға», 1988, 6 ноябрь.

Давлатга топширилган пахта хом ашёси эвазига кооператив орқали батракларга – колхозчиларга буғдой, чой ва ёғ берилган. Ерга ишлов бериш оддий кўл меҳнати билан амалга оширилган. Омоч билан ер ҳайдалган, ҳўкизлар етишмаслиги боис, уларнинг ўрнига эшак ва туялардан ҳам фойдаланилган. Тўғри, дастлабки тракторлар ҳам бўлган, аммо улар жуда кам эди. Колхозлар билан бир қаторда машина-трактор станциялари (МТС) ташкил этила бошланди. «Фордзон» маркали тракторлар олиб келинди. Масалан, 1930 йилда Бухоро шаҳрида тракторчилар курсида ўқиб, тракторчи бўлган Мурод Сайидов шу маркали трактор билан иш бошлаган.

1931 йилда Қорақўл туманида (Олот билан бирга) 16 минг 508 гектар ерга чигит экилиб, 15 минг 14 тонналик пахта ҳосили етиштирилади, ҳосилдорлик ўртача 9 центнерни ташкил этади¹. Қишлоқ ҳўжалигини жамоалаштириш деҳқонларнинг давлат томонидан асоратга солинишига олиб келди. Ғалла етиштириш қисқарди, чорвачиликка зиён етди, пахта монополияси оқибатида қишлоқ аҳлининг аҳволи оғирлашди. Деҳқон ҳўжаликларини ёппасига жамоалаштириш, кулоқ қилиш сиёсатидан кейин Совет давлати янада кескинроқ тадбирларни амалга ошира бошлади. Қатағон қилиш, «Халқ душманлари» ни излаб «топиш» ва уларни шафқатсиз жазолаш кампанияси авж олди. Қорақўл ҳам бундан четда қолмади. 1937 -1938 йилларда Ўзбекистонда 41 мингдан зиёд киши қамоққа олиниб қатағон тегирмони тагига ташланган деб кўрсатилади. Республикада фаолият кўрсатган «Учлик» нинг раиси Дреник Апресян бўлган. Ишларни кўриш учун бир минутдан уч минутгача вақт ажратилган. Ҳар бир «Учлик» мажлисида 500-600 тагача иш кўрилиб, шунча одамлар тақдири ҳал қилиниб юборилаверган.

Жиноят ишининг жилдига «Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 66-моддаси билан айбланган Абдуваҳобов Ботир Эшоннинг 71-сонли иши» деб ёзиб қўйилган. 1864 йилда Қорақўлнинг Арабхона қишлоғида туғилган Ботирхоннинг ота-онаси у бир ёшга тўлмасдан Туркменистоннинг Фараб тумани ҳудудига кўчиб кетишади. 1920 йилда у 55 ёшга тўлганда, Бухорода инқилоб бўлиб, Эшон оила аъзолари билан туғилиб ўсган ерларига қайтиб келади. Ботир Эшон Қорақўл туманидаги собиқ Охунбобоев номидаги колхозга кўчиб келади. Лекин бу ерлар ҳам нотинч, умрида Қуръондан бошқа китоб ўқимаган Эшон учун ўз ўрнини топиб олиш оғир эди. Шунга қарамасдан у колхозга кирди, ўғил-қизлари ҳам бошқалар қатори ишлай бошлашди. Фақат у ўз эътиқодига содиқ қолди: Худодан тонмади, тоат-ибодатини қанда қилмади. Орадан яна 20 йилдан ошиқ вақт ўтади. Эшоннинг невара-чеваралари 100 дан ошиб кетади. Ўзи янада қарийди, ёши саксондан ошиб соқолида битта ҳам қора туки қолмайди. 1941 йил эди. Каттақўрғон сув омбори қурилишига аҳолини жалб этиш бошланиб, Ботир Эшонни ҳам сув омбори учун ер қазिशга жўнатишади. Саксон ёшар чол ҳам кечаю кундуз ишлашга мажбур қилинган. «Кундузию кечаси билан халқни ишлатиш, тинкасини қуриштириш, бунча азоб бериш нимага керак» – деган гапни айтгани учун эшонни давлатга қарши саботажда айблаб, қамоққа олишган. Сал ўтмай, унинг дин пешвоси эканлиги, никоҳ ва жаноза ўқиганлиги жиноий ишга қўшиб қўйилади. Яна бир пайтларда

¹ «Олға», 1996, 21 декабр.

«Масжидлар бузилиб, пойқадам жойлар оёқ ости қилинмоқда, диний бинолар омборхоналарга айлантирилмоқда, ёшлар эътиқодсиз бўлиб кетаяпти, бунинг охири вой бўлиши мумкин, бу сиёсат кўп ҳам тўғри бўлмаса керак» деган гаплари ҳам жиноят ишидан ўрин эгаллади. Натижаси аниқ: Бухоро вилоят НКВД (Ички ишлар Халқ комиссарлиги) бошқармаси раҳбарлари Диев, Семикин, Гапонов, Фетисов, Алиев, вилоят прокурори Полянскийлар томонидан нуроний чол – Абдувахобов Ботир эшон Совет ҳокимиятига қарши ташвиқот юритишда айбланиб судга берилган. У 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш ва қўшимча беш йил сиёсий ҳуқуқдан маҳрум этишга ҳукм қилинади. Истиқлол арафасида унинг номи оқланди. Ботирхон эшоннинг кейинги тақдири бизга номаълум. Ҳозирги вақтда Ботир эшоннинг авлодлари Қорақўл, Олот туманларида ва Чоржўй вилоятининг Фараб туманида истиқомат қиладилар¹.

Қорақўл тумани Ўтиқ Дўрман қишлоғилик табиб – Мулла Нажмиддин Қораев ўзининг шифо бахш этиши, кўп касалликларни даволаши билан қўшни Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларида ҳам ўз мухлисларига эга эди. 1930 йилларда Қорақўл тумани НКВД идораси бошлиғи бўлган амалдорнинг ўғли ҳам бошқалар қатори, безгак касалига чалинади ва у табибни чақириб, бир кунда ўғлимни даволайсан деб буйруқ беради. Нажмиддин табиб эса «Оллох берган дардга, Оллохнинг ўзи шифосини ҳам беради, мен Оллохдан илтижо қилувчи бир табибман» дейди ва балого қолади. Уни ҳукумат сиёсатида қарши чикқанликда айблаб, қамокқа жўнатишган. 1937 йилда Владивостокка юборишган. Нажмиддин Қораев ўша ерда вафот этиб, қабри ҳам ўша ерда қолиб кетган. Дўрманлик Мўмин Беҳбудов Владивостокда бўлганда унинг қабрини кўрган.

1934 йилда Қорақўлга Ўз.ССР Марказий Ижроия Комитетининг раиси Йўлдош Охунбобоев келади. Унинг билан бирга шоир Миртемир ҳам ташриф буюради. Й. Охунбобоев Қорақўл тумани ижроия комитетининг раиси бўлиб ишлаётган Жума Сафаров билан учрашади ва «Шағол» қишлоғида бўлади. 1936 йилда пахта теримининг якунида, кузда Қорақўлнинг Жандикўл деган майдонида бир ҳафта мобайнида ҳосил тўйи берилиб, халққа тўйдан олдин бир вагон гуруч сотилди, 30 минг сўм пул тарқатилди, Тошкентдан артистлар, Қаршидан катта полвонлар келишди².

Сиёсий катағонлар 1930 йилларнинг охирига қадар, уруш бошлангунича давом этган. 1935-1936 йилларда Ўзбекистон ҳукумати раиси Ф. Хўжаев Қорақўлга келиб, Мулла Бўри Мўминовнинг чорбоғида меҳмон бўлган. Шу пайтда Саид Аҳмад Шукуров колхозга раислик қилган. Тақдирнинг тақозоси билан Мулла Бўри Мўминов (вилоятда қорақўл териси савдоси билан шуғулланган, тери тайёрлаш ва қабул қилиш идорасининг бошлиғи), Даббаки қишлоғилик колхоз раиси Саид Аҳмад Шукуров ва яна 40 га яқин қорақўлликлар Ф. Хўжаевнинг «Издошлари» ва «Халқ душмани» сифатида қамокқа олинган³. 1932 йилда Ўзбекистон Республикаси давлатга пахта тайёрлаб бериш режасини бажармади. Мамлакат раҳбари И. Сталин бунинг учун Ф.Хўжаевни айбдор деб билди. Шу йилларда пахта етиштиришга ҳаддан

¹ Ф.Қиличев. Зулматдан садолар. Т., 1994, 59-62-бет.

² «Олға». 1987, 13 октябрь.

³ Б.Йўлдошев. Ҳаёт сўқмоқлари. 62-71 бет.

зиёд эътибор берилаётган эди. Совет давлати пахта мустақиллиги учун курашаётган давр эди. Ф.Хўжаев пахта монополиясига қарши чикди, алмашлаб экишни талаб қилди, қорақўлчиликни камайтирилишига қаршилиқ қилди. Шу масалалар юзасидан Ф.Хўжаев Қорақўлга келган эди. «Халқлар отаси»нинг фикрича, «Халқ душман»ларини колхозлардан излаш керак эди, улар колхозларда «ювош» ва «муқаддас» кўринишда ишлар эдилар – омборчи, хўжалик мудир, ҳисобчи ва секретар-котиб вазифасини бажарардилар. Сталиннинг фикрича, айнан ана шулар, колхозлар «тарафдор»лари – «халқ душман»лари эди, улар колхозларга қаршилиқ қилар, зараркунандалик билан шуғулланар, уларни зимдан «емирар» эдилар¹.

«Издош»ларни таъқиб этиш оммавий тарғибот ва ташвиқот йўли билан бирга олиб борилган. 1937 йилда Дўрман қишлоғида (Сталин номли колхозда) колхозчиларнинг умумий йиғилиши бўлиб ўтган. Тумандан вакил келиб, колхоз аъзолари олдида ваъз ўқиган. Унинг айтишича, Қорақўлда ҳам Ф.Хўжаевнинг «издош»лари бўлган ва улар албатта «халқ душман»ларидир. Вакилнинг гапига қараганда, «Ф.Хўжаев буғдой унига керосин қўшган». Ушбу йиғилишнинг қатнашчиси бўлган Тангрикул Мирзакулов умрининг охиригача ҳам бу айбловнинг «маъно»сини тушунмади. Қандай қилиб унга керосин қўшиш мумкин? Йиғилиш аҳли Ф.Хўжаевни ва унинг қорақўллик «издош»ларини «халқ душман»и эканлигини «тасдиқлаб», уларнинг жазоланиши учун «розилик» беришган. «Сталинча демократия» ана шундай эди.

1937-1938 йилги қатағонлар тўғрисида 1939 йилга келиб бирмунча пасайди. Мамлакатнинг иқтисодиёти, ички ҳаётида анча мўътадиллик бошланди. Ташқи хавф-хатар кучайган сари, ички аҳвол, иқтисодий ривожланиш маълум даражада юксала борди. Аммо бу жараён ўта марказлашган ҳолда, маъмурий-буйруқбозлик тизимининг шафқатсиз тартиб-қоидалари асосида давом этди. Қорақўл халқи, меҳнаткашлари қатор оммавий сафарбарликларга жалб этилди. Каттакўрғон сув омбори ва маҳаллий сув иншоотларини таъмирлаш, янгиларини ишга туширишда халқ жонбозлик кўрсатиб ишлади. Каттакўрғон сув омбори қурилишининг биринчи навбатида қорақўлликларга Аҳмад Ражабов раҳбарлик қилади. 1940 йилда 40 кунлик муддатда 17 км узунликдаги «Бурдалиқ – Қорақўл» номли канални қозиш лойиҳаси қабул қилинади, қозиш ишида кунига 7500 киши қатнашиши ҳам белгиланади, аммо бу иш амалга ошмайди². Техника, замонавий машина, асбоб-ускунаси бўлмаса ҳам, халқ қўл кучи билан меҳнат қилди. Унинг турмуш тарзи, ҳаёт фаровонлиги ўзгармасада, барибир ишлади, чунки у шунга мажбур эди.

1936-1937 йилларда Зарафшондан Олотнинг Эшакчи массивидаги қишлоқларга оқадиган Тайқир катта ариғи кўмилиб қолган эди. Шунинг учун ҳам 1939 йилда Қорақўлда жамоа хўжаликлари аъзолари ва бутун меҳнаткашлар кучи билан «Тайқир» ва «Саройбозор» каналлари қайта таъмирланди³.

1939 йилнинг декабрида жуда қисқа муддатда Қорақўл туманида 3500 нафар жамоа хўжаликлари аъзолари иштирокида 58,5 минг метр куб ҳажмдаги

¹ Рубен Сафаров. Ф.Хўжаев//Бухоро ҳақиқати, 1988, 24 май.

² Красний пролетарий. 1940, 10 октябрь.

³ 50 лет Бухарской народной советской революции. 168-бет.

тупроқ ишлари бажарилиб, 60 та сунъий суғориш тармоқлари ҳамда битта кўприк куриб битказилди¹.

1940 йилнинг бошларида Яккатут темир йўл станциясидан Қорақўл тумани марказигача бўлган 24км узунликдаги тош ётқизилган автомобил йўлини куриб битирадилар². Йўл курилиши, асосан қўл кучи билан амалга оширилган, минглаб одамлар жалб этилган, меҳнат интизоми жуда қаттиқ бўлган.

1930 йилларда туманда пахтачиликни ривожлантиришга эътибор кучайган. 1938 йилда «Янги турмуш» (кейинчалик унинг ўрнида катталашган «Правда» жамоа хўжалиги ташкил этилади) жамоа хўжалигида биринчи марта 100 тонналик пахта хирмони яратилади. Бундай самарали ишни амалга оширишда Пўлатой Бердиева каби аёлларнинг ҳам хизмати катта бўлган. Шунинг учун ҳам у ва бошқа илғор аёллар – пахтакорлар мамлакат пойтахти – Москвага бориб, собиқ СССР Советлари Ижроия Комитетининг раиси М.И.Калинин билан учрашадилар ҳамда юксак мукофот билан тақдирланадилар. Шулар қаторида П. Бердиева ҳам ўзининг Зағоракаш қишлоғига ўша даврнинг юқори мукофоти бўлган Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан қайтади. Мамлакат раҳбарияти пахта хом ашёсини етиштиришни турли йўллар билан «рағбатлантирар», аммо меҳнат шароитига, меҳнатга ҳақ тўлашга эътибор бермасди. Маҳаллий халқларнинг турмуш тарзи, яшаш шароити билан ҳеч кимнинг иши йўқ эди.

1930 йилларда Қорақўлда ҳам мамлакатнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби, қишлоқ хўжалигини ёппасига жамоалаштириш сиёсати маъмурий-буйруқбозлик йўли билан, зўрлик ва мажбурийлик билан амалга оширилди, қаршилик қилганлар таъқиб қилинди ва жазоланди. Айнан шу йилларда «маданий инқилоб» деган кампания ҳам амалга оширилди, мажбурийлик асосида халқнинг ёзуви, имлоси алмаштирилди, у ўзининг тарихий манбасидан бебаҳра қилиб қўйилди. Республика аҳолиси лотинлаштирилган янги ўзбек алифбоси асосида тўла саводхон бўлмай туриб, яна янги бир алифбога – рус ёзуви асосидаги янги ўзбек алифбосига ўтишга қарор қилинди. 1940 йилнинг 7 январидан бошлаб Т.Қори-Ниёзий раислигида янги алифбога ўтишнинг Ўз.ССР ХКСкомиссияси ўз ишини бошлаб юборди³.

1940 йилнинг 1 сентябридан бошлаб ўқув юртларида янги алифбони ўрганишга қарор қилинди. Қорақўлда ҳам янги алифбога ўтиш 1940-1941 ўқув йилидан бошланди. Араб имлосидан воз кечилиб, ҳали узил-кесил лотин имлосини ўзлаштирмаган оддий халқ учун бу тадбир ўзига хос қийинчиликларни келтириб чиқарди, расман саводлилар кўпайган бўлса-да, амалда саводсизлар кўпайди.

Ижтимоий-иқтисодий ҳаёт жуда ночор, оғир аҳволда эди. Кийим-кечак, саноат моллари етишмас эди, озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллиги тез-тез бўлиб турар, аҳолининг меҳнат билан банд бўлган қатламигина «Заборная книжка» – ширкатлар орқали таъминланадиган дўконлар дафтарчасига эга

¹ Правда Востока. 1939, 18 декабрь.

² Красная Бухара. 1940, 21 февраль.

³ Правда Востока. 1940, 10 январь.

бўлиб, қолганларнинг, айниқса кўпчиликини ташкил этадиган қишлоқ аҳолисининг таъминоти ночор эди.

4-§. 2-жаҳон уруши йилларида Қорақўл.

1939-1945 йилларда бўлиб ўтган 2-жаҳон уруши собиқ Совет Иттифоқида яшаган бошқа халқлар қатори ўзбек халқига ҳам оғир мусибатларни олиб келди. Нашр этилган «Хотира» китобида 1941 йил 22 июндан то 1945 йил 3 сентябргача бўлган даврда Қорақўл тумани бўйича 1854 кишининг урушда ҳалок бўлган ва бедарак кетганлиги қайд этилган¹.

Уруш йилларида жангоҳларда, жуда оғир шароитларда жанг қилиб, мардлик ва жасоратни намоиш этган қорақўллик баҳодирлар кўп эди. Янгибозор қишлоқ кенгашидан фронтга кетган Ҳайтов жанговарлиги билан машҳур бўлиб, ўзининг пулемети билан моҳирона жанг қилиб, душмanning пиёда қисмларини тор-мор этишда жасурлик намунасини кўрсатган. Сайётлик Тўра Лоҳатов 1923 йилда туғилиб, 7 йиллик мактабни тугатгач, урушга кетади. Ўзининг 6 йиллик хизмати давомида Воронеж вилоятидан то Берлингача жанг йўлини босиб ўтади, икки марта ярадор бўлиб, «Қизил Юлдуз» ордени, иккинчи даражали «Ватан уруши» ордени ва «Жасорати учун» медали билан тақдирланади².

1923 йилда Туркменистоннинг Мари шаҳрида врач оиласида туғилган, миллати рус бўлган Юрий Быков фронтда мисли кўрилмаган жасоратни намоиш этди (отаси врач сифатида 1920 йилларда туманга келиб қолган). 1942 йилда жанубий фронтда ўқчилар полкида сержант бўлиб хизматни ўтаётган Ю. Быков «Царево» районида, «Безымянной» тепалигида, Ажим-Ушқай аҳоли пунктида, 1943 йил Керчь районида пулеметчи сифатида душмanning пиёда қисмларига қақшаткич зарба бериб, уларнинг мустаҳкамланган истеҳкомларини тор-мор этишда жонбозлик кўрсатди. Керчь районида бўлиб ўтган, кучлар тенг бўлмаган жангда Ю. Быковнинг шахсан ўзи 60 дан ортиқ немис солдати ва офицерини йўқ қилди. Дастлаб взвод командири, сўнгра ўқчилар полкидаги пулемет ротасининг расчёт командири сифатида жанг олиб борган Ю. Быков ғалабадан кейин 3 кун ўтгач (1945 йил 12 май) ҳалок бўлди. Уни Германиянинг Франкфурт – Одер шаҳрида дафн этдилар. Қорақўллик сержант, Қизил байроқли 383-ўқчи дивизиясининг 691-ўқчи полкидаги 2-пулемет ротасининг расчёт командири Ю. Быков 1944 йил 16 майда Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвон билан тақдирланди. Унинг номи абадийлаштирилиб, ўзи ўқиган мактаб ва тумандаги бир кўча уни номига қўйилди. Бухоро вилояти бўйича 9 киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлиб, шулар қаторида қорақўллик Ю. Быков ҳам бор эди.

Жиғачи қишлоқ кенгашига қарашли Ваҳм қишлоғилик Худойкул Ҳошимов 1919 йилда туғилган ва 1939-1946 йилларда армияда хизмат этган. Берлинни қўлга олиш ҳарбий операциясининг иштирокчиси бўлган Х.Ҳошимов уруш йилларидаги мардлиги ва жасорати учун «Қизил Юлдуз», 1 ва II даражали «Ватан уруши» ордени (ушбу орденнинг тўлиқ ковалери, яъни I, II, III

¹ Хотира китоби, Бухоро вилояти. Т.1994,304-388 бет.

² Бондаренко С., Шнейдерман А. Колхоз ишлаб чиқаришининг етакчи кучи. Т., 1958 ,19-бет.

даражасини олган киши Совет Иттифоқи Қаҳрамонига тенглаштирилган), иккита «Жасорати учун», «Прагани озод қилгани учун», «Берлинни озод қилгани учун» медаллари билан тақдирланган¹. Саид Ғаниев 1943 йилда фронтга кетади. Душманга қарши олиб борилган оғир жангларда қатнашиб, кўрсатган жасорати учун иккита «Жасорати учун» медали, III, II даражали «Шуҳрат» ордени билан тақдирланган.

Киров жамоа хўжалигидаги Дарғабоғи қишлоғидан урушга кетган Сайлихон Файзиев жангларнинг бирида душман томоннинг қуршовида қолиб асирга олинади. Уни фашистлар концлагерида «Туркистон легиони» га жалб этадилар. «Туркистон легиони» урушда асирга тушган туркистонликлардан ташкил этилган бўлиб, 1944 йилнинг январида ушбу «легион» нинг бир отрядини (унинг таркибида 28 нафар ўзбек бор эди) югослав партизанларига қарши курашиш учун Черногорияга юборишади, шу ерда С. Файзиевнинг ишораси билан фашистларни йўқ қиладилар ҳамда ўқ-дориларни отларга ортиб, тоғдаги партизанлар хузурига жўнаб кетадилар². У немис фашистларига қарши кураш олиб бораётган Югославия, Болгария партизан отрядларига қўшилади. 1946 йилда уйига қайтади ва 2 ой ўтар-ўтмас қамоққа олиниб, хоинликда айбланади. Жазо муддатини Қозоғистоннинг Қарағанда вилоятида ўтказди. 1954 йилда Қорақўлга қайтиб келиб, МТСда темирчилик устахонасида ишлайди. 1974 йилда Тошкентга келган болгариялик собиқ командири генерал Боян Михнев Чобанов уни ёнига чақиртиради, аммо улар кўриша олмайдилар, дўстлик алоқалари давом этади, ёзишиб турадилар. Сайлихон Файзиев «Киевни мудофаа қилишдаги иштироки учун», «Ғалабанинг 20 йиллиги», «Ғалабанинг 30 йиллиги» медали билан тақдирланган. С.Файзиевнинг уруш йилларидаги ҳаёти тўғрисидаги маълумотлар ёзувчи А.Эгамназаровнинг «Шарқ юлдузи» журналининг 1990 йил 5-сонида эълон қилинган «Саргардонлик» ҳужжатли қиссасида батафсил берилган³. 1941 йил 16 августда 270-сонли буйруқ эълон қилинган бўлиб, унга кўра асирга тушганлар ўта кетган дезиртир (ҳарбий хизматни ташлаб кетган) деб эълон қилинган, уларнинг оиласи эса сотқин оиласи сифатида қамашга маҳкум этилган эди. Уруш даврида турли сабаблар билан душман қуршовида қолиб асирга тушганларнинг тақдирлари жуда аянчли бўлди, улар ёмғирдан қутилиб, қор бўронига учрадилар, немис фашистлари концлагеридан халос бўлганлар урушдан кейин совет қамоқхонасида ўтиришди, чунки совет тузуми авф этиш, кечириш деган нарсани умуман тан олмас эди.

Танк колонналари ва самолёт эскадрильялари, бронопоездлар, кемалар қуришга маблағ тўплаш ҳаракати кенгайиб кетди. Ўзбекистондан тўпланган маблағлар билан қурилган мана шу танк колонналарига, эскадрильяларига «Совет Ўзбекистони», «Ўзбекистон 20 йиллиги», «Ўзбекистон мўл-кўлчиси», «Ўзбекистон комсомоли» деган номлар берилди. Зиёрат қишлоқ кенгашида яшовчи Тўй Баротов «Ўзбекистон комсомоли» жанговар танклар колоннаси қурилишига ўз шахсий жамғармасидан 15 минг сўм пул топширган. Кўплаб

¹ «Олға», 1990, 6 ноябрь.

² Ўзбекистоннинг янги тарихи, 2-том, 484-бет.

³ Дарғабоғилик партизан қисмати. // «Олға», 1990, 18 октябрь.

аёллар ўз тақинчоқларини танк, самолёт қурилиши жамғармасига беришган. Давлат ҳарбий заёмларига ёзилиш йўли билан ҳам катта маблағ тўпланган.

Уруш йилларида туман қишлоқ хўжалиги, бутун иқтисодиёт тармоқлари фронт эҳтиёжлари учун ишлаган. Жуда қаттиқ тартиб ўрнатилган. Кун бўйи далада ишлаган колхозчилар кечаси ҳаво мудофааси машқларига жалб этилган. Давлат Мудофаа Комитетининг «СССР гражданларини ҳарбий ишга ёппасига мажбурий ўргатиш тўғрисида» 1941 йил 17 сентябрдаги қарорига мувофиқ 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркакларнинг ҳаммаси ҳарбий ўқувга тортилди, ҳарбий таълим бериш ишлари ҳарбий сафга чақирилмасдан, ишдан ажратилмасдан ўтказилди. Ўқув пунктлари завод, муассаса ва колхозларда ташкил этилди¹. Меҳнат таътили, дам олиш куни унутилган, иш куни узайтирилган. Шу йилларда «Правда» (кейинги Октябр жамоа хўжалиги ҳудудида бўлган) жамоа хўжалигига раислик қилган Э.Ниёзов пахта ҳосилдорлигини оширишда юқори натижаларга эришган. Ҳосилдорлик 20 центнердан 40 центнерга кўтарилган ва шу даврда звено бошлиқлари бўлиб ишлаган Бозор Бекматов ва Саид Нуруовлар пахтачиликдаги ютуқлари учун ҳукумат томонидан тақдирланган.

Уруш даври тартиби-қоидаси ўта кучли, шафқатсиз эди. Қоракўлнинг Чармгар қишлоғида 1901 йилда туғилган Аҳмад Ражабов бир неча йил давомида турли даражадаги масъул лавозимларда ишлади, МТС директори бўлди, Ўз.ССР Олий Кенгаши депутати бўлди ва 1943 йилда туман партия қўмитасининг 1-котиби этиб сайланди. Шу йил туманда пахта ҳосили 13-14 центнерга тушиб қолди. Уруш бошланиши билан пахта экишни камайтирмаган ҳолда, ўз-ўзини озиқ-овқат билан таъминлаш вазифаси қатъий қилиб қўйилди. Аммо бунинг моддий-техник таъминоти, ишчи кучи билан таъминлаш масаласи ҳисобга олинмади. Қўл меҳнати кўпайиб кетди, техника ишдан чиқди, меҳнатга яроқли эркакларнинг бир қисми меҳнат батальонларига олиб кетилди, ишга яроқли колхозчилар сони 20% га қисқарди, асосий ишчи кучини ёш болалар, аёллар ва кексалар ташкил этарди. Пахта ва ипак каби маҳсулотлар бу пайтда муҳим стратегик хом ашё ҳисобланарди. Сталин режими эса, маҳаллий шароитни ҳисобга олмас, фақат ижрони таъминлашни талаб қиларди. 1944 йилнинг 23 апрелида бўлиб ўтган Бухоро вилоят партия комитетининг бюросида А.Ражабов «Партия ташкилотига раҳбарлик қилолмай давлат режаларини бажармаганлиги учун ишдан олиниб, партиядан ўчирилсин ва иши терговга оширилсин» деган қарор қабул қилинди. Шунга асосан у 3 йил муддатга мажбурий хизматга ҳукм қилинди. Тўғри, бир йилдан сўнг ҳукм бекор қилинди, аммо унинг депутатлик дахлсизлиги, партиядан ўчирилиши сабаблари мавҳумлигича қолаверди. Сталинизм сиёсати шафқат нималигини билмас эди².

Уруш йилларида туман партия комитетининг биринчи котиби (1943-1944) бўлиб ишлаган Аҳмад Ражабов, туман ижроия комитети раисининг ўринбосари бўлиб ишлаган Болта Саидов, шу йилларда «Правда» колхозига раислик қилган Ё.Сафаров, тумандаги «Қизил штрумчи» артелига раислик қилган Нурулло Рўзиев, тумандаги МТС га директорлик қилган Эгамберди Раҳимбердиев, туман партия қўмитаси тарғибот ва ташвиқот бўлими мудири

¹ Ўз.ССР тарихи.Т.1974, 477-бет.

² П.Аҳмедов.Хуррият посбонларидан бири//«Олға», 1990 , 1 сентябрь.

бўлиб ишлаган Шокир Аминов, туман қишлоқ матлубот жамияти (сельпо) бошқаруви раиси бўлиб ишлаган Тоғай Бехбудов, «Коммуна йўли» (кейинги Ўзбекистон) жамоа хўжалигида ҳосилот кенгаши раиси бўлиб ишлаган пахтакор Дурди Бекматов, «Пролетар» жамоа хўжалигига раислик қилган Ашур Файзиев, «Правда» (кейинги Октябрь) жамоа хўжалигига раислик қилган Эшонқул Ниёзов, туман милициясига бошчилик қилган Ҳамдам Аслонов, Октябрь жамоа хўжалигида пахтачилик бригадасига бошчилик қилган Ниёз Бозоров, «Қизил Октябрь» жамоа хўжалигида звено бошлиғи бўлиб ишлаган Шарофат Баракаева, «Правда» (кейинги Октябрь) жамоа хўжалигида звено бошлиғи бўлиб ишлаган Бозор Бекматов, Саид Нуоров ва бошқа минглаб фронт орти меҳнат зарбдорларининг фидокорона хизмати фашизм устидан қозонилган буюк ғалабани таъминлашга муносиб ҳисса бўлди.

1943 йилда Қоракўл туманидаги «Пролетар» жамоа хўжалиги деҳқонлари пахтадан 22 центнер ҳосил олишиб, тумандаги энг юқори кўрсаткичга эришдилар. 1944 йилда ўзбек жангчилари республика меҳнаткашларига мурожаат этиб, кўпроқ ҳосил олиш ва шу орқали ғалабага ҳисса қўшишга чакирадилар. Ана шу мурожаатга жавобан Қоракўлдаги Ворошилов номли жамоа хўжалиги теримчилари Нур Камолов, П.Жўраева, Зулайхо Ашурова, Ҳикматой Ҳайитовалар ҳар куни 120-130 кг.дан пахта териб давлатга топширганлар¹. 1943 йилда Бухорога кўчирилган Харьков велосипед заводи ҳузурида токаръ, чилангарлар тайёрловчи курслар очилди ва унда Қоракўлдан ҳам икки киши ўқиди ва МТСга ишга келди².

Уруш одатдаги турмуш тарзини тубдан ўзгартириб юборди. Урушнинг дастлабки кунларидан бошлаб озиқ-овқат ва саноат моллари кескин камайиб кетди. Кўчириб келтирилган аҳолининг уй-жой ва озиқ-овқат билан таъминланиши масаласи бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқарди. Уруш ҳар бир хонадонга ёпирилиб кирди, одамларни оғир синовларга ва азоб-уқубатларга гирифтор этди. Туман марказидаги аҳоли, ишчи-хизматчиларни озиқ-овқат билан таъминлаш «карточка» тизими орқали амалга оширилди, кунига 400-500 грамм паст навли нон берилди, қарамоғдагиларга эса ушбу меъёрдан бир ярим баробар камроқ нон берилди. Гўшт, балиқ, ёғ, ёрма, макарон каби маҳсулотлар ҳам белгиланган норма асосида «чипталар» орқали тарқатилар, кўпинча «чипталар» товар билан таъминланмасди.

Меъёрланган тақсимот қишлоқ аҳолисига нисбатан умуман қўлланилмаган. Ўрнатилган тартиб-қоидага мувофиқ қишлоқлардаги аҳоли озиқ-овқат молларини матлубот кооперацияси дўконларидан давлатга топширилган маҳсулотлар миқдориغا қараб белгиланган нормалар бўйича сотиб оларди. Саноат моллари киши бошига йилига 6 метр ип-газлама, 3 метр жун-газлама, 1 жуфт пойабзални ташкил этган. Пойабзал буюмларига бўлган талаб мутлақо қондирилмаган, оддий «қўлбола пойабзал» тикиб кийишган.

Уруш йилларида қишлоқларда аҳвол жуда оғир кечди. Қишлоқ аҳли, меҳнаткашлар меҳнат кунларига оладиган натура (маҳсулот) тўлови ва шахсий ёрдамчи хўжаликларида етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари

¹ Вклад трудящихся Узбекистана в Победу в Великой Отечественной войне. Т., 1975, 93-бет

² Бухоро тарихи масалалари, 161-бет.

ҳисобига ўзларини озиқ-овқат билан таъминлашлари зарур эди. Аммо бу маҳсулотлар жуда чекланган миқдорда эди. Колхозлар деҳқонларга амалда пул тўламаганлар. Пул ўрнига мажбурий равишда давлат заёмлари, ҳарбий заёмлар берилган. Меҳнат кунларига жуда кам миқдорда маҳсулот берилган. Натижада озиқ-овқат масаласи оғирлашган, аҳоли турли хил ёввойи ўтлар, шўра ўт, қичитқи ўт, ёввойи бугдой (ғумай), ловия, беда ва бошқа нарсаларни истеъмол қилганлар.

Қишлоқлардаги оғир моддий шароит мураккаб эпидемия вазияти билан янада чуқурлашди. Санитария шифокорларининг камлигидан, тиббий ходимларнинг етишмаслигидан тиббий пунктлар деярли ишламасди, дори-дармонлар етишмасди. Бунинг оқибатида туман қишлоқларида турли хил юқумли касалликлар: вабо, чечак, ичбуруқ, ўлат, терлама кабилар кенг тарқалди. Болалар ўлими авж олди. Асосий ишчи кучи фронтда бўлгани, меҳнатга яроқли бўлган аҳолининг бир қисми меҳнат батальонларига мардикорликка олиб кетилгани боис хаттоки ўлганларни дафн этишда ҳам муаммолар туғилган. Масалан, Катта Дўрман қишлоғида тобутни «Қобул ота» қабристонигача олиб боришга яроқли одам топилмагач, қишлоқнинг кексалари қишлоқ четигача бир амаллаб тобутни олиб чиқишган ва шу ерга дафн этишган (ушбу жой ҳозирги кунда Дўрман қабристонига айлантирилган).

Уруш йилларида фронтга сафарбар этилмаган эркаклар турли хил жисмоний меҳнат қилишга жалб этилган. 1944 йил 8 августда Бухоро вилоят ижроия қўмитасининг 539-сонли қарори асосида Қоракўл туманидан 15 киши (ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилганлардан) Ўрта Осиё нефть қурилиши бошқармасининг қурилишларига жисмоний меҳнат қилишга жалб этилган. Ушбу қарор туман ҳарбий комиссариати томонидан амалга оширилган¹. Иккинчи жаҳон уруши даврида немис фашизмига ва япон милитаризмига қарши курашда Қоракўлдан 3500 нафар аскар иштирок этди. Шундан 1500 нафардан ортиғи қайтиб келди, қолганлари жангоҳларда душман ўқидан ҳалок бўлди ёки бедарак кетди. Фронтга бормаганлар бошқа мажбурий ишларга сафарбар этилди, кексалар, аёллар ва ўспирин-болалар меҳнат frontiда фидокорона ишлади ҳамда ғалаба учун муносиб ҳиссаларини қўшди.

5-§. Қоракўл 1945-1990 йилларда.

Урушдан кейинги йилларда халқнинг турмуши анча оғир кечди. Кўпчилик оилалар ўз боқувчиларидан, ота-оналар фарзандларидан, ёшгина гўдаклар оталаридан айрилиб қолдилар. Уруш даҳшати соя солмаган, ораламаган оила қолмади. Қоракўллик баҳодирларнинг 1854 нафари бу бало, офат чангалидан омон қайтмадилар. Халқнинг мусибати ва йўқотиши жуда катта эди.

Бироқ беш йил давом этган машаққатли урушнинг ғалаба билан тугалланиши келажакка катта умид уйғотди, бутун куч-қудратни фақат тинч ҳаёт маромини тиклашга, иқтисодиётни тинч ҳаётга мослаштиришга, уруш оқибатларини барҳам топтиришга йўналтириш имконини берди. Халқ олдида қўйилган вазифа залворли, айни вақтда мураккаб эди ва уни урушдан кейинги ғоятда оғир шароитда ҳал этиш талаб этиларди. Мамлакат пахта

¹ О.Сирожов. Бухоро фидоийлари. Бухоро. 1995, 75-76 бет.

мустақиллигининг гаранти сифатидаги асосий ўрин Республика зиммасига юклатилиши, аммо буни амалга оширишнинг реал имкониятларининг йўқлиги вазиятни оғирлаштирар эди. Пахтачиликни ривожлантириш учун қатор чоратадбирлар комплекси ишлаб чиқилди. 1946 йилнинг февралида ҳукуматнинг махсус қарори қабул қилиниб, унга кўра пахта етиштириш режаси икки ярим бараварига оширилди. Пахта йиғим-терими кампанияси устидан юқори давлат органларининг назорати ўрнатилди.

1947 йилда Қорақўл пахта тозалаш заводида ишчилар таъминоти (ОРС) бўлими мудир бўлиб ишлаган Рабби Бобожонов шу йиллардаги қийинчиликлар ҳақида шундай дейди: «Заводда 500 нафар ишчи-хизматчи ишлар эди. Ишчиларга ҳар кунига 500 граммдан нон бериларди. Заводдаги иш шароити, меҳнат жараёни жуда оғир эди. Ҳар бири 200 кг. вазнли кип тойлари қўл кучи билан вагонларга юкланарди. У вақтларда пахта сетка ёки қанорларда, от ва ҳўкиз қўшилган араваларда ташиларди. Ҳар бири 70-80 кг. вазнли пахта солинган қанорларни орқалаб 9 метр баландликка – бунтга олиб чиқиш ниҳоятда машаққатли ва оғир эди»¹.

Қисқа муддатларда пахтачиликни, айниқса пахтани йиғиб-териб олишни комплекс механизациялашни тугаллаш вазифаси қўйилган эди. Қишлоқ хўжалик машиналарини ва пахта териш машиналарини ишлаб чиқаришга зўр берилди. 1949 йилда СХМ-48 русумли пахта териш комбайнлари далага чиқарилди. Қорақўлда урушдан кейинги йилларда иккита МТС мавжуд бўлиб, уларнинг биттаси Янгибозорда, иккинчиси туман марказида эди. 1945 йилда Бухоро шаҳридаги тракторчилик курсини тугатган Қораун қишлоғилик Умрзоқ Ондаев Янгибозордаги МТСга ишга келди, «НАТИ» маркали трактор хайдовчисига шогирд бўлди. Мазкур МТСда Нарзулла Бозоров, Ҳамро Эргашов ва Камол Ҳамроев каби механиклар йиғилган тракторларни созлар эдилар². Ўрнатилган қоидага кўра, туманнинг ҳамма тракторлари шу иккала МТС да тўпланган, навбати билан жамоа хўжаликларига ишлаш учун юбориб турилган. 1953 йилга келиб, тракторлар хўжаликларнинг ихтиёрига берилди. Шу йили У.Ондаев ҳам «ХТЗ» маркали трактор билан ўзининг қишлоғига қайтди.

1949 йил. Шу йилда Қорақўл марказидан Жиғачига борадиган йўл қурилиши амалга оширилди. Иш жараёни жуда оғир кечди. Чунки бу пайтда туман ихтиёрида замонавий йўл қуриш техникаси йўқ эди ва иш минглаб меҳнаткашларнинг оддий қуроллари – кетмон, белкурак ва замбил билан бажарилди. Йўл қурувчилар атрофдан тупроқни халта, замбил ва ғалтакларда ташишган ҳамда уни ҳозирги ҳолатдаги баландликда кўтаришган. Йўлнинг юза қисми учун қирлик жойдан махсус элак ва ғалвир орқали кичиги ёнғоқдек, каттаси муштдек келадиган тошлар (шағал, чағил)ни тўплаб олишиб, эшакларга ортилган кашша (қамишдан тўқилган, хуржунга ўхшаган, оғзи катта юк ташиш воситаси)лар билан Жиғачигача ташиб келтирилган. Меҳнат интизоми жуда қаттиқ бўлиб, белгиланган нормани бажариш қатъий талаб этилган. Эшаклардан йиқилиб майиб-мажруҳ бўлган аёллар ва болалар-ўспиринлар (улар шу пайтда асосий ишчи кучи эди) анчагина бўлган. Мазкур йўл қурилишининг

¹ «Олға», 1987, 10 октябрь.

² «Олға», 1990, 20 декабрь.

иштирокчиси бўлган Р. Шерназаровнинг хотирлашича, 16 яшар бир йигит шағал конини топаман деб ўра қазиган ва уни тупроқ-тош босиб қолган.

1950 йилларда қишлоқ хўжалигидаги аҳвол яхши эмасди. Жамоа хўжаликларидан давлатга маҳсулот етказиб беришни кескин ошириш талаб қилинди, бунда маҳаллий ва хўжалик имкониятлари эмас, балки давлат эҳтиёжлари ҳисобга олинди. Давлат қишлоқ хўжалик маҳсулотларини деярли текинга оладиган бўлди. Деҳқонларни талашга қаратилган сиёсат улар тўлашга қурби етмайдиган солиқлар солиш билан бирга қўшиб олиб борилди. Масалан, қишлоқ аҳли биттадан ортиқ сигир сақлаши мумкин эмасди, мева берадиган ҳар бир туп дарахтдан ҳам солиқ олинарди. Шу билан бир вақтда деҳқонларнинг шахсий томарқа хўжалиги микдори ҳам доимий суратда қисқариб борди. Агар 1950 йилгача томорқа участкасининг микдори 0,15 -0,25 га. деб белгиланган бўлса, 1950 йил январиди бошлаб 0,12-0,15 га. га туширилди. Қирқиб олинган ерлар жамоа хўжаликлари ихтиёрига ўтказилди. Қўшимча маҳсулот олиш манбаи қисқарди. Колхозчилар меҳнатига ҳақ тўлаш имконияти ҳали колхозларда тўла шаклланмаган эди. Колхозчиларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юришига ҳали ҳам рухсат йўқ эди. Энг ёмони, уларнинг эркинлик ва ҳуқуқлари ҳамон чекланган эди. Улар паспорт олиш ҳуқуқига эга эмас эди. Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик учун ҳақ тўлаш, меҳнат таътили, пенсия таъминоти колхозчиларга нисбатан ҳамон қўлланилмасди. Аҳолининг уй-жой, яшаш шароити, турмуш даражаси ёмон аҳволда эди, маиший ва тиббий хизмат кўрсатиш даражаси ниҳоятда паст эди.

Ўзбекистонда 1952 йилда 1940 йилга нисбатан деярли икки барабар пахта хом ашёси етиштирилди. Аммо бу натижа табиий ўсиш ҳисобига эмас, минг-минглаб ўзбек деҳқонларини аёвсиз ишлатиш, мажбурийлик йўли билан қўлга киритилди. Қишлоқ хўжалигида пахта яккаҳокимлиги тўла ва узил-кесил ўрнатилди.

1953 йилга келиб вазият бир мунча ўзгарди, ҳокимиятнинг алмашинуви туфайли айрим ўзгаришлар амалга оширилди: жамоа хўжаликларининг қарзлари бекор қилинди, давлатга маҳсулотлар етказиб бериш ҳажми маълум даражада камайтирилди, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархи бир оз оширилди, қишлоқ аҳолисининг парранда ва майда уй ҳайвонларини кўпайтириши рағбатлантирилди, томорқа участкаларидан олинадиган солиқлар камайтирилди¹. Бунинг натижасида аҳолининг турмуш тарзида маълум даражада сезиларли ўзгаришлар бўлди. Аммо муаммолар тўла ҳал этилмади. Қишлоқ аҳолининг турмуш тарзи ҳамон паст даражада эди. Электрлаштириш, техника тараққиёти қишлоқда деярли йўқ эди. Масалан, «Октябр» жамоа хўжалигида 1957 йилда ўрта ҳисобда 8 марта от қўшилган культивация билан, 5 марта трактор культивацияси билан ва бир неча марта кетмон чопиғи билан ишлов берилган. Қишлоқ маданиятини оширишга қаратилган айрим тадбирлар амалга оширилган. Шу жамоа хўжалигида 1957-1963 йилларда 520 та типовой уй қуриш режалаштирилган (амалда 50 та қурилган), касалхона ва туғриқхона қурилган, 850 ўринли клуб биноси қурилган ва ҳ.к.².

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи, 2-том, 537-538 бет.

² Бондаренко С., Шнейдерман А. Колхоз ишлаб чиқаришининг етакчи кучи. Т., 1958, 21-бет.

Мамлакатнинг пахта мустақиллиги учун кураш, кейинчалик пахта яккаҳокимлигининг кучайиши, бунинг устига ҳар бир республиканинг ўз-ўзини озиқ-овқат маҳсулоти билан таъминлашининг талаб қилиниши оқибатида оддий меҳнаткаш халқнинг аҳволи оғирлашган. Бироқ халқ ҳаммасига чидаган, сабр-тоқат билан «социализмнинг гуллаб-яшнаши» учун сидқидилдан меҳнат қилган.

1950 йиллар тўғрисида меҳнат фахрийси бўлган Шарофат Баракаева шундай дейди: «Техника йўқ эди, замбил билан эшакларга кашша юклаб ерни текислар эдик, маҳаллий ўғитни ҳам қўл кучи билан чиқариб, ерга тўкар эдик. 1950 йилда райкомнинг биринчи котиби Эгамберди Раҳимбердиев далани айланди ва менинг звеномдаги бир туп ғўзадан 150 дона етилган кўсакни санади. Тинимсиз меҳнатимиз самараси юқори бўлган. Хатто америкаликлар келиб биздан тажриба алмашиб кетишган. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари бўлган Нуриддин Муҳитдинов, Собир Камоловлар ташриф қилишган ва меҳнатимизга тасаннолар айтишган¹. (Ушбу ҳосилдорлик кўрсаткичи бугунги пахтачилик тажрибаси нуқтаи назаридан шубҳали кўриниши мумкин).

1950 йилларда тумандаги жамоа хўжаликлари орасида пахтачилик ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда бошқалардан анча ўзиб кетган хўжалик-Октябр жамоа хўжалиги бўлиб, саккиз йил давомида (1950-1958) пахта ҳосилдорлигини 25 центнердан 42 центнергача оширди. 1950 йилда 11 та кичик қишлоқ хўжалик артелларини бирлаштириб, 1322 гектар экин экиладиган ер майдониغا эга бўлган ушбу колхозда 540 хонадон бирлашган ва 1770 киши меҳнат қилишга яроқли эди. Октябр жамоа хўжалиги 1954, 1956 йилларда ўтказилган Бутун Иттифок қишлоқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида қатнашиб (51 киши қатнашган) юқори кўрсаткичларга эришди. Ушбу хўжаликнинг звено бошлиғи Аваз Чориев 1957 йилда гектарида 60 центнер пахта ҳосили олган, звено бошлиғи Жумагул Бурхонова 42 центнер ҳосил олган, колхоз аъзоси Баҳри Жўраева бир мавсумда қўл кучи билан 12 тонна пахта териб топширган. Юқорида қайд этилган юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичлари учун Шарофат Баракаева, Тангри Жумаев Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони билан, 14 киши мамлакат ордени ва медаллари билан тақдирланган.

Тумандаги мавжуд жамоа хўжаликларида меҳнаткашларга-колхозчиларга бажарилган ишга ҳақ тўлаш ҳамон меҳнат минимуми, белгиланган меҳнат куни ҳисобидан амалга оширилган. Юқорида зикр этилган, тумандаги энг илғор хўжалик деб ҳисобланган «Октябр» номли жамоа хўжалигида 1957 йилда ҳар бир меҳнат куни учун колхозчиларга ўрта ҳисобда 25 сўмдан пул ва 3 кг. дан дон берилган. Шу хўжаликнинг аъзоси бўлган Бўлди Жумаева бир мавсумда 16 тонна пахта териб 498 меҳнат кунини, Баҳри Жўраева эса 12 тонна пахта териб 443 меҳнат кунини ишлаган².

1950 йилларда тумандаги турли хўжалик, корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилиб ўз касб-корининг устаси бўлган, зарбдор кишилар

¹ «Олға», 1987, 6 октябр.

² С.Бондаренко, А.Шнейдерман. Колхоз ишлаб чиқаришининг етакчи кучи. Т. 1958, 4-5, 21- бет.

ҳақида фикр юритилганда туман халқ суди раиси бўлиб ишлаган Болта Саидов, туман ички ишлар бўлимига бошчилик қилган Салим Бехбудов, туман қишлоқ хўжалик бўлимини бошқарган Ражаб Ҳамидов, пахта тозалаш заводи тайёрлов пункти мудир, аграноми бўлиб ишлаган Бегандик Назаров, «Октябрь» жамоа хўжалигига раислик қилган Сулаймон Қурбонов, «Москва» жамоа хўжалигига раислик қилган Шерқул Каримов, «Правда» жамоа хўжалигига раислик қилган Ёдгор Сафаров, «Октябрь» жамоа хўжалигида раис ўринбосари ва бригада бошлиғи бўлиб ишлаган Ниёз Бозоров, «Жиғачи» қишлоқ кенгашига қарашли «Сталин» жамоа хўжалигида партия кўмитаси котиби ва бригадир бўлиб ишлаган Худойқул Ҳошимов, 1-МТС директорининг ўринбосари бўлиб ишлаган Бобомурод Очилов, 2-МТС директорининг ўринбосари бўлиб ишлаган Саноқул Файзиев, 1-МТСда аграномлик қилган Ашур Файзиев ва юзлаб меҳнат фидойиларининг номларини қайд этиш лозим. Буларнинг тинимсиз ва фидокорона меҳнатлари эвазига тумандаги турли тармоқларда юқори кўрсаткичларга эришилди. 1956 йилда туманда пахта ҳосилдорлиги ўртача 20,2 центнерни ташкил этди. 1959 йилга келиб Қорақўл далаларидан жами 25 минг 500 тонна пахта хом ашёси йиғиштириб олинди ва давлатга сотилди.

1960-1970 йилларда туманда саноат ишлаб чиқарилиши, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, маданият, соғлиқни сақлаш, маориф тизими ва бошқа соҳаларда сезиларли ўзгаришлар амалга оширилди. 1955-1965 йилларда мамлакат бўйлаб амалга оширилган кўрик ва бўз ерларни ўзлаштириш сиёсати туфайли ирригация ва мелиорация ишларига ҳам маълум эътибор берилди. Чунки 1965 йилда Бухоро вилояти бўйича шўрланмаган ерларнинг салмоғи бор-йўғи 9,8 % ни ташкил этди¹. Пахтани квадрат уялаб экиш ва икки томонлама ишлов бериш амалга оширилиб, кетмонсиз ишлов бериш жорий этилди². Шу йилларда Аму-Қорақўл, Аму-Сайёт каналлари қуриб ишга туширилиб, бунинг натижасида Амударё суви 64 метр баландликка кўтариб берилди. Шу йилларда туман марказий стадиони қуриб ишга туширилди. 1971-1975 йилларда туманда 10 мингдан ортиқ ҳовли-уйлар электрлаштирилди, 70 % дан ортиқ хонадонлар газлаштирилди (балонли газ), барча оилалар радиолаштирилди, ҳар 100 хонадонга 70 та телевизор ва радиоприёмник, 50 та холодильник ва 40 та кир ювиш машинаси тўғри келди.

Туман маданий ҳаётида ҳам ўзига хос силжишлар бўлди. Маданий-оқартув ишлари, кино, клуб ва кутубхоналар иши бир мунча жонлантирилди. Қишлоқларда радиоузеллар, кўчма киноустановка, кўчма театрлар намоишларига талаб ва эҳтиёж кучайди. Тумандаги «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалигининг бадий-ҳаваскорлик жамоаси ўзининг фаоллиги билан томошабинлар эътиборини қозонди. 1963 йилги пахта йиғим-терими даврида ушбу жамоа томонидан 93 та концерт ва спектакл намоиш этилиб, шу йилги Республика кўрик танловида фахрли 3-ўринни эгаллади³. Туманда телевизион кўрсатувларни тарқатиш учун телестанция ишга туширилди. Электр токининг қувватини ошириб бериш учун электростанция ишга тушди. Маиший хизмат

¹ Советская Бухара, 1966, 30 март.

² Асатов У., Сааков В. Новь древней земли. Т., 1981, 122-бет.

³ Экономика и культура Бухарской области после великого октября. Т., 1969, 140-бет.

кўрсатиш комбинати ишга туширилди. Туманнинг «Бухоро» ва «Октябрь» номли жамоа хўжаликларида маиший хизмат кўрсатиш уйлари ташкил этилди.

1968-1969 йилнинг қиш фасли қаттиқ келди. Ҳаво ҳарорати 40 даражагача пасайди. Амударё суви музлади ва Чоржўйга ўтадиган темирйўл кўпригининг равоқларига қалин муз тикилиб қолди. Музни портлатиб кўрилди, бўлмади, кўприк олдида сув кўтарилиб атрофга хавф сола бошлади ҳамда сув тошқини юз берди. 16 январ куни сув дарёнинг ўнг қирғоғидан ошиб, Туркменистон Республикаси Чоржўй вилоятининг Фараб тумани ҳудудига бостириб кела бошлади. Сув тошқини ҳақидаги хабар тез тарқалиб, Ўзбекистон Республикасида ҳукумат комиссияси тузилди ҳамда бу ерга етиб келди. Қорақўл тумани партия кўмитаси қутқарув штабига айланди. Шу пайтда туман партия кўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлаётган Даврон Қурбонов бошчилигидаги туман раҳбарияти, хўжаликлар раҳбарлари зудлик билан иш бошладилар. Шу куннинг ўзидаёқ Қорақўлдан 30 та автобус йўлга отланди. 17 январ куни туман жамоа хўжаликлари ва корхоналар ҳисобидаги барча юк машиналари ҳамда Бухоро шаҳридан 150 та автобус Фарабга етиб борди. Вазият жуда қалтис эди. Бекорга сув балосидан ўзинг сақла деб айтилмаган. Тошиб келаётган сув шиддат билан қишлоқларни ўз домига тортар эди. Чикиб кетишга улгурмаган одамлар уйлариининг томига, баланд тепаликларга, дарахтларга чиқиб олишган ва нажот кутардилар. Одамларни оғир машиналарда, қайиқларда сув кечиб қутқардилар. Табиий офат билан олишув бир ярим сутка давом этди. Фараб аҳолисидан бирон киши ҳам офат қурбони бўлмади. Туманнинг бутун аҳолиси Қорақўлга кўчирилди (бу пайтда Олот тумани ҳам Қорақўл таркибида бўлгани учун бу ерга ҳам аҳоли жойлаштирилган). Одамларни автобусга чиқариш тугалланиши билан оппоқ қор ёға бошлади. Фалокат орқага чекинган эди.

Туркменистонлик қардошлар меҳмонхоналарга, барча жамоа хўжаликларидаги оилаларга жойлаштирилди ва улар учун зарурий бўлган ҳамма нарса муҳайё қилинди. Қутқарув комиссиясининг қарори билан улар учун 85 ўринли шифохона, 150 ўринли ошхона очилди. Дастлабки беш кун мобайнида 100 тонна ун, 15 тонна гуруч, 10 тонна гўшт, 3000 жуфт этик ва бошқа кийим-кечак етказиб берилди. Фарабликларнинг ўқувчи фарзандлари мактабларга қатнаб, ўзбек муаллимларидан сабоқ олди.

Одамларни кўчириш пайтида Шахзода исмли аёлнинг дарди кўзғаб, тўлғоқ тутди, автобусни тўхтатиб, аёлни йўлга яқин бўлган «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалигидаги (ҳозирги Олот туманида) туғриқхонага олиб боришди ва шу ерда икки ўғил дунёга келди. Агар улар ҳаёт бўлишса, бугунги кунда 44 ёшдаги навқирон инсонлар бўлиб, ўзбек-туркман дўстлигининг ёрқин тимсолларидирлар¹.

Кўп ўтмай ҳаёт изга тушди, Фарабдаги сув тошқини оқибатлари бартараф этилиб, кўчирилган аҳоли ўз жойига қайтарилди. «Мен ўшанда «Москва» жамоа хўжалигининг раиси эдим. – деб хотирлайди кейинчалик уруш ва меҳнат фахрийси бўлган Саид Ғаниев. – Сентябрь ойида туманимиз вакилларида бир гуруҳи Фарабга меҳмон бўлиб боришди. Биз янги қурилган иморатларни, оппоқ

¹ 1. «Олға», 1996, 4 сентябрь.

пахтазорларни кўрдик. Фарабнинг «Коммунизм» жамоа хўжалиги билан Қоракўлнинг «Москва» хўжалиги ўртасида ўртоқлик иттифоқи тузилди. Ўша йили ҳамкорликда Ўзбекистон билан Туркменистон чегарасида «Дўстлик боғи» барпо этилди».

«1969 йилнинг январ ойи ёдимдан сира чиқмайди. Фарабни сув босди. Одамлар чекка жойларга, қир устига чиқиб жон сақлашди. – деб хотирлайди фараблик тракторчи Абди Қурбонов. – Аҳолини зудлик билан Қоракўлга кўчиришди. Мен ўз фарзандларимни «Шарқ юлдузи» колхозида яшовчи Жўракул Ҳамроевнинг уйидан топдим»¹.

Тарихга бир назар ташланса, Амударё ўтмишда ҳам шундай «қалтис ҳазил» лар қилиб турган. Жумладан, 1887 йилда худди 1969 йилги каби сув тошқини бўлиб, Фараб аҳолиси ўртасида кўп қурбонлар содир бўлган. Шундан кейин 1929 йилда ҳам дарёнинг суви кўпайиб ўзанига сиғмай қолган.

1975 йил 9 майда, фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 30 йиллиги муносабати билан туманда урушда ҳалок бўлганлар ва бедарак кетганлар хотирасига бағишланган ёдгорлик монументи ўрнатилди. 1975-1980 йилларда туман янги маъмурий биноси ишга туширилди. 1976-йилнинг апрелида Газли шаҳрида бўлиб ўтган кучли ер силкиниши пайтида туман аҳолиси зилзила оқибатларини тугатишга катта ҳисса қўшди ва яқиндан ёрдам берди.

1980 йилда аҳоли сони 67,8 минг кишига етиб, туманда маъмурий бошқарув тизими қуйидаги қишлоқ кенгашларидан ташкил топган эди: Жигачи, Охунбобоев, Сайёт, Қораун, Зиёрат ва Қоракўл. Туманнинг ер майдони 10,72 минг км² ни ташкил этади. Туманда шу пайтда қишлоқ хўжалик тизимида 11 та жамоа хўжалиги фаолият кўрсатар эди: К.Маркс номли, Ленин номли, М.Горький номли, Киров номли, Бухоро, Ўзбекистон, Москва, Правда, Искра, Октябрь ва Коммунизм. Булардан ташқари битта давлат хўжалиги ҳам мавжуд эди. 1990 йилда туманда 13 та жамоа хўжалиги («Янги ҳаёт» номли, «Партия XXVII съезди» номли жамоа хўжаликлари янгидан ташкил этилди), 4 та давлат хўжаликлари («Партия XXVI съезди», Пойкент, Қоракўл ва Тошкент номли хўжаликлар) фаолият кўрсатди.

Туманда экин майдонлари 439 минг га.ни ташкил этиб, шундан 13,776 минг га. ерга пахта, 1,8 минг га. ерга дон экинлари, 555 га. ерга картошка, сабзавот, полиз экинлари, шунингдек, 2 минг га. ерга ем-хашак экинлари экилар эди. Шу жумладан, 1,1 минг га. ерда мевазор, тутзор ва токзор ташкил этилган эди. Туман хўжаликларида 6,5 минг бош қорамол (шу жумладан 1,7 минг бош сизир), 42,5 минг бош қўй ва эчки, 316 бош от ва туя, 19,414 бош парранда боқилар эди. Шу йилларда туман хўжаликлари давлат режаси бўйича йилига ўртача 50,8 минг тонна пахта хом ашёси, 1931,7 тонна ғалла, 3884 тонна сабзавот, 11785 тонна гўшт (тирик вазнда), 3660 тонна сут, 1000,8 минг дона тухум, 3305 тонна жун ва 294,5 тонна пилла етказиб берарди².

Бу даврга келиб туман ҳудудидан ўтадиган асосий сув манбаи бўлмиш, Қоракўлдарё ўзининг азалий вазифасини ўтамас, асосан зовур-ер ости сувларини оқизувчи коллектор вазифасини бажарар эди. Туман ҳудудидаги

¹ Бухоро ҳақиқати, 1988, 7 июнь.

² Ўзбек Совет Энциклопедияси. 14-том, 173-бет.

майдонларда саноат ишлаб чиқариши учун зарур бўлган фойдали қазилма бойликлардан гил, кум-тош, шағал, туз, нефть ва газ захиралари мавжуд эди.

1979 йилда амалга оширилган аҳолини рўйхатга олиш натижаларига кўра тумандаги аҳолининг 94,2 % ни ўзбеклар, қолганини рус, татар, туркман, қозок ва бошқа миллатлар ташкил этди. 1980 йилга келиб, туманда қуйидаги йирик корхоналар фаолият кўрсатди: пахта тозалаш заводи, колхозлараро қурилиш ташкилоти (МСО), 20-сонли Бухоро вилоят кишлоққурилиш трестига қарашли 3-механизациялашган кўчма колонна (ПМК-3), автобаза (139-сонли), «госкомселхозтехника»нинг туман бирлашмаси, нефть базаси, ғишт заводи ва маиший хизмат кўрсатиш комбинати.

Туман ҳудудида жойлашган 33 та умумтаълим мактабларида 1979-1980 ўқув йилида 19636 нафар ўқувчи таълим олди. Мактаблараро ўқув ишлаб чиқариш комбинатлари ташкил этилди. 50 та кутубхона, 17 та клуб, 24 та киноустановка орқали аҳоли ўртасида маданий-маърифий ишлар олиб борилди, ғоявий-мафкуравий тарғибот ва ташвиқот амалга оширилди. Шунингдек, 575 ўринли 2 та касалхона, 28 фельдшерлик-акушерлик пунктлари, санитария-эпидемиология станцияси, 1 та поликлиника, 5 та амбулатория, 2 та туғриқхонада 105 врач ва 407 ҳамшира халқ саломатлиги йўлида хизмат кўрсатди.

Туманда нашр этилаётган «Олға» номидаги газетанинг адади 3300 нусхадан иборат бўлиб, 1962 йилдан бошлаб шу номда нашр қилинар эди. Газета 1931 йилдан бошлаб, «Большевик суръати» номи билан нашр этилган. Ўша пайтда унга Хўжаназар Нафасов муҳаррирлик қилган. Маълум муддат газета «Коммунистик суръат» номида ҳам нашр этилган¹.

Қорақўл туманидаги темирйўл бекати – Қорақўл станцияси расман 1951 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг аҳолиси 1979 йилда 10 минг кишини ташкил этди. Мазкур ҳудудда туманнинг асосий корхоналари жойлашган эди. Жумладан, пахта тозалаш заводи, нон комбинати, маиший хизмат кўрсатиш комбинати, 3-қурилиш монтаж колоннаси, «Ўз.селхозтехника»нинг туман бошқармаси, автобаза жойлашган эди. Шунингдек, 2 та ўрта мактаб, 2 та клуб, кинотеатр, 3 та кутубхона, болалар боғчаси ва яслиси, болалар ва аёллар маслаҳатхонаси, поликлиника, аптека, 5 та фельдшерлик-акушерлик пунктлари шу ҳудудда фаолият кўрсатар эди².

Туманда хўжалик соҳасидаги ишлаб чиқаришнинг умумий ҳолда ривожланишида асосий эътибор кишлоқ хўжалиги тармоғига қаратилган. Масалан, 1966-1971 йилларда туманда етиштирилган пахтанинг умумий миқдори 163 минг тоннани ташкил этган бўлса, 1971-1975 йилда бунга қараганда 30 минг тонна кўп, яъни 193 минг тонна пахта хом ашёси етиштирилган. Шунингдек, 1971-1975 йилларда туман кишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари томонидан 4067 тонна буғдой, 3159 тонна гўшт, 10403 тонна сут, 6789 тонна полиз маҳсулоти, 12661 тонна сабзавот маҳсулоти етиштирилди.

Республикадаги энг кекса пахта тозалаш заводларидан бири бўлган туман пахта тозалаш заводининг қуввати йилига ўртача 100-110 минг тонна пахта хом

¹ «Олға», 1991, 29 март.

² Ўзбек Совет Энциклопедияси. 14-том, 174-бет.

ашёсини тозалашга етказилди. Заводга тумандан ташқаридан ҳам пахта хом ашёси ташиб келтирилган¹.

1960-1980 йилларда тумандаги соғлиқни сақлаш бўлими фаолиятида сезиларли ўзгаришлар бўлди. 1967-1970 йилларда туман марказий касалхонаси учун янги бино қурилди. Б.Шойимов бошчилигидаги кўчма колонна қурувчилари бино қурилишида иштирок этишди. 1978 йилда марказий касалхона биноси ҳудудида икки қаватли туғриқхона биноси ишга туширилди. 1980 йилларда икки қаватли юқумли касалликлар бўлимлари, болалар поликлиникаси бинолари фойдаланишга топширилди. 1969 йилда туман аҳолиси ўртасида қораоқсоқ (бруцеллёз) касаллиги тарқалди. Бу хасталик билан оғриган беморларни даволаш учун 1970-1976 йилларда Ж.Жумаев бошчилигида 25 даволаш ўрнига эга бўлган алоҳида бўлим очилди.

Шу йилларда туман аҳолисига хизмат кўрсатган матлубот жамияти савдо-сотиқнинг кенг йўлга қўйилишида, меҳнат аҳлини зарурий маҳсулотлар билан таъминлашда, маиший турмушни яхшилашда ўзига хос вазифани бажарди, озиқ-овқат маҳсулотлари, саноат ва хўжалик молларини етказиб беришдек масъулият шу соҳа вакиллари зиммасига юклатилган эди. Туман матлубот жамиятига 1936-1962 йилларда Жўракул Юсупов, Нажмиддин Мўминов, Шукур Раҳматов, Жуманазар Ҳамидов, Рўзи Раҳимов, Пирим Бекмуродов, Қурбон Бобоев, Турсун Носировлар раҳбар бўлиб ишлади. 1962-1980 йилларда туман матлубот жамиятига, савдо ташкилотига Отакул Мақсудов раислик қилди.

Қорақўл туманида хўжалик соҳаларида эришилган ютуқлар кўплаб меҳнат қаҳрамонларининг фидокорона хизмати эвазига қўлга киритилди. Булар қаторига Республикада хизмат кўрсатган врач П.И. Курбатова, Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Ражаббой Холмуродов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор, Ленин номли жамоа хўжалиги бригадири Тангри Ҳамдамов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи, МСУ устаси Раҳим Худайкулов ва бошқа кўплаб меҳнат аҳлини киритиш мумкин².

1980 йилларда мамлакатда содир қилинган нохуш ишлардан бири – «пахта иши» ёки «Ўзбек иши» деб номланиб, бутун пахтакор халқ вакиллари каби қорақўлликлар ҳам қаттиқ азият чекишди. Кўплаб партия ва давлат органлари ходимлари, хўжалик ва корхона раҳбарлари айбли ва айбсиз ҳолларда таъқибга учради ва жазога тортилди. Республика бўйича 40 мингга яқин фуқаролар тергов қилинди. Хўжаликлар раисларининг 60% дан ортиғи, қишлоқ хўжалик мутахассисларининг 45% и, пахтачилик бригадалари бошлиқларининг 30 % идан ортиғи лавозимидан олиб ташланди. Фақатгина, мустақиллик шарофати билан «пахта иши», «Ўзбек иши» деб ном олган ушбу жараён «иштирокчилари» айбсиз деб топилди ва кўпчилиги оқланиб, адолат қарор топди.

1985 йилнинг декабридан бошлаб туман партия комитетининг биринчи котиби бўлиб ишлаган Ш.Қ.Гатаулин туманда ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маиший турмушни юксалтиришга ҳаракат қилди. Бу пайтда туман

¹ Х.Муминов, А.Музафаров. Бухарская область. Т., 1976, 81-82 –бет.

² Х.Муминов, А.Музафаров. Бухарская областт. Т., 1976, 83 –бет.

миқёсида 2,5 минг нафар партия аъзоси бўлиб, улар 89 та бошланғич ташкилотга бириккан эди. Республика партия марказий комитетида инструктор бўлиб ишлаган, иқтисод фанлари номзоди даражасини эгаллаган Гатаулиннинг ташаббуси билан вилоятда биринчилардан бўлиб ғўзани ердан туриб пуркаш йўли билан дефолиация қилишга ўтилди, пахта далалари биологик усулда ҳимоя қилина бошланди, 400 дан ортиқ очик усулда қурилган сув қудуқлари устига айвонча, атрофига чамбара қурилди, бунинг оқибатида юқумли касалликлар, айниқса гепатит касаллиги анча камайишига эришилди¹.

1988 йилнинг июн ойида Қорақўлда Ўзбекистон ва Туркменистон вакиллариининг дўстлик ва қардошлик учрашуви бўлиб ўтди. Икки халқ ўртасидаги маданий алоқалар мустаҳкамланди, делегациялар алмашинуви бўлиб ўтди.

1988 йилда кооперация тўғрисида қонун қабул қилиниши муносабати билан туманда ҳам кооперативлар, ширкатлар тузила бошланди. Дастлаб «Лаззат», «Қорақўл» номли кооперативлар ўз фаолиятини бошлади, кейин «Роҳат», «Шодлик», «Лола», «Саёҳат», «Темирйўлчи» каби кооперативлар ташкил этилди. Шу йилнинг охиригача туманда 30 та кооператив фаолияти йўлга қўйилди².

1985-1990 йилларда тумандаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маиший ҳаётда бир мунча силжишлар бўлиб ўтди. «Қайта қуриш» деб ном олган сиёсат маълум даражада айрим ўзгаришлар бўлишига замин яратди. Шу йилларда «Мактабни қайта қуриш-ҳамманинг ва ҳар бир кишининг иши», «Ижара пудрати – озиқ-овқат маъмурчилигига олиб борадиган энг қисқа йўл», «Демократиялаш орқали – социализмнинг янги қиёфаси сари» каби даъватлар ва чорловларга жавобан турли тадбирлар амалга оширилди. Масалан, «Оталар куни», «Ягона сиёсий кун» каби ўқишлар жорий қилинди. Мактабларда олти ёшдан бошлаб ўқишга қабул қилишга ўтилди. Амалга оширилган ушбу тадбирлар, даъватлар «Социализм» нинг «Янги қиёфа»сини яратиш йўлидаги сўнгги уринишлар бўлиб, кутилган натижага эришилмади.

1985-1990 йилларда Қорақўл шаҳрида 13 миллат вакиллари ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликда истиқомат қилди. Шаҳар ҳудудида фаолият кўрсатаётган корхона, ташкилот ва муассасаларнинг умумий миқдори 83 тага етди. Шаҳарда 6 та ўрта мактаб бўлиб, уларда 396 нафар педагог ёшларга таълим ва тарбия берди, ўқувчиларнинг умумий сони 4621 нафарга етди. 17-сонли Қорақўл ҳунар-техника билим юртида касб-ҳунарнинг бир неча турлари бўйича ишчи-мутахассислар тайёрланди.

Шаҳарда истироҳат боғи, туман ва иккита шаҳар маданият уйи аҳолига маданий оқартув хизматини кўрсатиб, 7 та кутубхонадаги китоблар жамғармаси 108 минг нусхага етказилди.

Шу йилларда шаҳарда 68 та савдо, 40 та умумий овқатланиш тармоғи, 8 та болалар боғчаси, 3 та поликлиника, 4 та аптека шаҳар аҳолисига хизмат кўрсатди. Шунингдек, шаҳар аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш тармоғининг

¹ Райком секретари. Бухоро ҳақиқати, 1988, 15 июнь.

² Кооперативлар. «Олға», 1988, 9 июль.

9 тури хизмат кўрсатди. Бу пайтга келиб шаҳар кўчаларининг сони 46 тага етди ва 5 та маҳалла комитети фаолият кўрсатди¹.

1979-1989 йилларда Совет қўшинларининг Афғонистонда бўлиши муносабати билан қорақўллик йигитларнинг ҳам бир қисми шу ерда ҳарбий хизматни адо этишди. Империячилик даъвоси билан олиб борилган бемаъни уруш натижасида қурбонлар ҳам бўлди, ногиронлар ҳам бўлди, ўнлаб оилалар фарзанд доғида қолди. 1987 йилнинг 20 мартада К.Маркс номли жамоа хўжалигидан ҳарбий хизматга чақирилган Жумакул Ўринов хизмат бурчини ўтаётиб, Афғонистон тупроғида ҳалок бўлди. Ҳарбий ҳаракатлардаги жасурлиги учун 3 та медал ва 1 та орден билан тақдирланган эди². Совет давлатининг ҳукмронликка даъвогарлик қилиш учун олиб борган ҳарбий ҳаракатлари халқ учун оғир мусибат бўлиб тушди.

Қорақўлда советлар ҳокимияти ҳукмронлиги йилларида қуйидагилар туман партия кўмитасига раҳбар (биринчи котиб) бўлиб ишладилар: Расулов, Қодиралиев, Қодир Йўллийев, Маҳсумов, Хўжаев, Қурбонов, Аҳмад Иброҳимов, Аҳмад Ражабов, Эгамберди Раҳимбердиев, Н.Насриддинов, Дадабоев, Метинбоев, Маҳмуд Мираков, Сано Жумаев, Солиҳ Ёдгоров, Даврон Қурбонов, Нишон Бозоров, Собир Жўраев, Исо Барноев, Рустам Тожиев, Шомил Гатаулин, Ғофур Ботиров, Рўзикул Собиров.

Туманда ижроия ҳокимиятининг қуйи бўғини бўлган ижроия кўмитасига турли йилларда қуйидагилар раислик қилишди: Ёдгор Нуруллаев, Жуманазар Ҳамидов, Аҳмад Ражабов, Пирим Бекмуродов, Солиҳ Ёдгоров, Саид Ғаниев, Собир Жўраев, Мўмина Сувонова, Рустам Тожиев, Анатолий Ортиқов, Усмон Умаров, Дониёр Тошов.

6-§. XX аср сиймолари.

Инсоният тарихида муҳим аҳамиятга молик бўлган, кўпдан кўп воқеа, ҳодиса ва жараёнларнинг шохиди бўлган XX асрда Қорақўлда ҳам қизиқарли, эҳтиросли ва мазмунли воқеалар, узундан узок давом этган жараёнлар, ўзгаришлар бўлиб ўтди. Ана шуларнинг барчаси инсонлар, шахслар ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бўлиб, уларнинг тақдири бевосита Қорақўл тарихининг бир бўлагидир. Зеро, тарихни инсонлар яратади.

Юсуповлар – ўзбек миллий кураши ривожланишига, унинг халқаро майдонга чиқишига ҳисса қўшган полвонлар сулоласи. Полвонлар сулоласи бошловчиси Юсупов Турсун бобо 1898 йилда Қорақўлнинг Қораун қишлоғида туғилиб, ўз даврида тўй ва сайил курашларида ном қозонган. У кураш сирларини Бухоро амирлигида «Енгилмас полвон» номи билан элга танилган бобоси Рўзибой полвондан, кураш маҳоратини отаси Юсуф полвондан ўрганган. Турсун Юсупов кўп йиллар давомида тумандаги «Ижтимоий» жамоа хўжалигида раҳбарлик лавозимида ишлади (1944-1970). Кураш мусобақаларини ўтказишга бош-қош бўлди, етти нафар полвон ўғилни вояга етказди. У 1982 йил 12 апрелда, 84 ёшида оламдан ўтди.

¹ Рақамлар сўзлайди. «Олға», 1987, 1 октябрь.

² Она қалбидаги жароҳат. «Олға», 1990, 5 июнь.

Назиркули Турсунов (1932-1954) – самбо бўйича спорт устаси, Самарқанд университетида ўқиган.

Жўракули Турсунов (1937-2001) – кураш, дзюдо ва самбо бўйича спорт устаси, Ўзбекистон чемпиони, фан доктори, профессор, Халқаро кураш академияси президенти (1999-2001).

Нурмухаммад Юсупов (1946) – кураш ва дзюдо бўйича спорт устаси, самбо бўйича халқаро миқёсидаги спорт устаси (2003), кўп карра Ўзбекистон чемпиони, мактаб ўқитувчиси, директори, туман касабаси уюшмаси раиси, самбо бўйича фахрийлар ўртасида жаҳон чемпиони (2003, Франция; 2004, Тожикистон).

Шермухаммад Юсупов (1949) – кураш, дзюдо ва самбо бўйича спорт устаси, шу турларда нуфузли мусобақалар ғолиби. Туман ўрмон хўжалиги бошқармаси директори ўринбосари, директори (1979-1991), Ўзбекистон ўрмон хўжалиги бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари (1991 йилдан).

Музаффар Юсупов (1952) – кураш мусобақалари ғолиби, дзюдо ва самбо бўйича спорт устаси, шу турларда Ўзбекистон чемпиони, Тошкент қишлоқ хўжалиги институтида ўқитувчи (1976-1979), Қорақўл туман қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи (1979-1997), Ўзбекистон Божхона қўмитасида бўлим бошлиғи (1997 йилдан).

Норкул Юсупов (1954) – кураш, дзюдо ва самбо бўйича спорт устаси, шу турларда ўтказилган нуфузли мусобақалар ғолиби, техника фанлари номзоди (1990), «Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ва ташкилотларда муҳандис (1978-2001), Халқаро кураш академиясининг президенти (2001 йилдан).

Комил Юсупов (1957) – кураш бўйича спорт устаси, самбо ва дзюдо бўйича халқаро миқёсидаги спорт устаси (1978, 1979), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи (1992), ТошДУ нинг юридик факултетини тугатган (1984), Ўзбекистон жисмоний тарбия институтини тугатган (1991), ҳарбий хизматчи (1976-1992), Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раисининг ўринбосари (1992-1996), раиси (2002-2004), «Камолот» жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари (1996-1999), раиси (1999-2000), маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари (2004 йилдан), кураш ва белбоғли курашнинг халқаро қоидаларини ишлаб чиққан, кураш бўйича ўтказилган нуфузли мусобақалар ташкилотчиларидан, Халқаро кураш ассоциацияси (ХКА) тузиш ташаббускорларидан бири, ХКА президенти (1998 йилдан), «Кураш» (1999), «Кураш халқаро қоидалари, техникаси ва тактикаси» (2005) китобларининг муаллифи, 2-даражали «Соғлом авлод учун» (1997), «Эл-юрт ҳурмати» (1999) орденлари, БМТнинг «Яхши ният элчиси» (2004) унвони билан мукофотланган¹.

Шермухаммедовлар. Тошпўлат Шермухаммедов – Қорақўл марказида, темирчи (мисгар) оиласида туғилган, тумандаги бир қатор қурилиш бинолари, маъмурий бино қурилиши, боғ яратилиши, коммунал хўжалик соҳасидаги ишлар унинг меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлиб, ўн икки фарзанднинг отаси. Тўнғич ўғли – Муртазо Шермухаммедов, иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлиб

¹ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 10-жилд, 345-бет.

Украинанинг Вотильёвка қишлоғида дафн этилган. Ўғиллари – Ҳайдар (марҳум), Саид, Самад (марҳум), Яҳё, Арслон, Баҳодир (марҳум) ва Омон Шермухаммедовлар; қизлари – Дилбар (марҳум), Нигора (марҳум), Жамила ва Замира Шермухаммедовалар.

Саид Шермухаммедов (1930й) – файласуф олим, фалсафа фанлари доктори (1973), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1980), Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги (2000), Самарқанд университетини тугатган (1953), Ўзбекистон КП Марказий Комитети Фан ва маданият бўлими мудири ўринбосари (1964-1965), маданият бўлими мудири (1965-1970), Ўзбекистон Маориф вазири (1970-1984), Ўзбекистон Педагогика илмий-тадқиқот институти директори (1984-1985), ТошДУ фалсафа факултетига кафедра мудири (1985-2002), профессор (2002 йилдан) лавозимларида фаолият кўрсатди. Илмий ишлари маданият назариясига бағишланган. Ўзбекистон фалсафа жамияти президенти (1990 йилдан) бўлиб ишлади. Беруний номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти лауреати (1992), «Шуҳрат» медали билан мукофотланган (1995). На языке единства. Т.1991. Мустақиллик – буюк неъмат, Т.1997. Философия человека, Т.2001. Истиқлол қуёши, Т.2002. каби асарлар муаллифи¹.

Ортиқ Вафоев (1936-2009) – Қоракўлнинг Жиғачи қишлоғида туғилган. 1954 йилда Пушкин номи мактабни олтин медал билан, 1959 йилда ТошДУнинг фалсафа факултетини имтиёзли диплом билан тугатиб, Бухоро Давлат Педагогика институтида ўқитувчи, доцент, кафедра мудири бўлиб ишлади (1959-1979), Бухоро вилоят партия қўмитасида фан ва ўқув юртлири бўлими бошлиғи (1979-1986), Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтида кафедра мудири (1986-1996), «Нуроний» жамғармасининг вилоят бўлими раиси (1996-2002), вилоят маънавият ва маърифат бўлими раҳбари, муовини бўлиб ишлади (2002-2009). 2000 йил 9 январда бўлиб ўтган Президентлик сайловида И.Каримовнинг Бухоро вилоятидаги ишончли вакили бўлди. 12 та рисола, 300 дан ортиқ илмий-назарий ва илмий-услубий мақолалар муаллифи. «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотланган.

Равшан Раҳмонов (1943-2013) - Қоракўл тумани марказида туғилган, Пушкин номи мактабни тугатган (1959), Самарқанд университетига таҳсил олган (1960-1965), Тошкентда номзодлик диссертациясини (1968), Москвада докторлик диссертациясини (1982) ҳимоя қилган, Бухоро Давлат Педагогика институтида ишлаган (1969-1982), Низомий номидаги Давлат Педагогика институтининг Навоийдаги филиалида директор (1982 йилдан), кейинчалик Навоий Педагогика институти ректори бўлиб ишлади. 1983 йилдан профессор.

Сулаймон Бўриев – 1946 йилда Қоракўлнинг Қораун қишлоғида туғилган, М.Горький номи мактабда ўқиган, Москва Давлат университетини тугатган (1968), биология фанлари доктори (1993), Бухоро Давлат университети илмий ишлар бўйича проректори (1993-1996), БухДУ кимё ва геология факултети ботаника кафедраси мудири (1996).

Очил Розиков – 1938 йилда Қоракўлнинг Бандбоши қишлоғида, чорвадор оиласида туғилган, Пушкин номи мактабни тугатган (1956), Бухоро

¹ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 10-жилд, 45-бет.

Педагогика институтида таҳсил олган (1957-1961), номзодлик (1967), докторлик (1982) диссертацияларини ҳимоя қилган, педагогика фанлари доктори.

Бевит Жумаев – 1944 йилда Қорақўлнинг Қуйи Жанапар қишлоғида туғилган, ТошДУнинг журналистика факултетини тугатган, «Бухоро ҳақиқати» газетасининг муҳбири, бўлим мудир, Когон тумани газетаси муҳаррирининг ўринбосари (1972-1978), Тошкентдаги Олий Партия мактаби тингловчиси (1978-1980), Бухоро вилоят партия кўмитасининг йўриқчиси (1981-1986), «Бухоро ҳақиқати» газетасининг бўлим мудир (1986-1990), вилоят ҳокимлиги кенгашининг катта референти, сектор мудир, вилоят ҳокимлиги аппарати Бош мутахассиси (1990-1994), вилоят ҳокимлиги аппарати халқ таълими, маданият, фан ва соғлиқни сақлаш, дин, миллатлараро муносабатлар ва жамоат ташкилотлари масалалари бўйича мутахассислар гуруҳи раҳбари, вилоят ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари, котибият мудир (1994-2000), вилоят оқсоқоллар кенгаши раиси, «Маҳалла» жамғармаси Бухоро вилоят бўлимининг раиси лавозимларида ишлади. «Дўстлик» орденининг соҳиби (2004).

Тилак Жўра – 1947 йилда Қорақўл туманининг Қуйи Жанапар қишлоғида туғилган, Ушинский номли мактабни тугатган, Тошкент Давлат университети журналистика факултетида таҳсил олган, ТошДУнинг журналистика факултети «Таржима назарияси» кафедрасида ишлаган, «Нозим Ҳикматнинг ўзбек шеърлари» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган (1986), доцент, СССР Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, шоир, 1994 йилда вафот этган. Унинг устози профессор Ғайбулла ас-Салом эди. Тилак Жўранинг «Райхон», «Олам остонаси», «Юлдузлар табассуми», «Чорраҳадаги уй», «Сандувоч», «Рухият» ва «Кекса деҳқон саргузаштлари» каби шеърӣ тўпламлари нашр этилган.

Шарофат Баракаева – 1918 йилда Сайётнинг Юқори Жанапар қишлоғида туғилган. 1934-1943 йилларда «Октябр» жамоа хўжалигида колхозчи, 1943-1955 йилларда шу хўжаликдаги пахтачилик звеносининг бошлиғи, 1955-1965 йилларда бригада бошлиғи бўлиб ишлаган ва ҳар бир гектар ердан 60 центнер пахта ҳосилини олишга эришган. Иккинчи жаҳон урушида аввал акаси билан, кейин эри билан ва ўғли билан ҳам ажралиб қолган. Пахтачиликдаги эришган юқори кўрсаткичлари учун 1957 йилда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони билан, 1964 йилда ЎзССРда хизмат кўрсатган пахтакор унвони билан тақдирланган. Собиқ СССР Олий Советининг депутати бўлган¹.

Абдуқодир Эрсариев – туманда пахтачиликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган, 1927 йилда Жигачи қишлоқ шўросини бошқарган, ўртоқлик ширкатларини ташкил этишда фаол қатнашиб туман ширкатлар уюшмасида инструктор, Зиёрат қишлоқ шўроси раиси, Ворошилов жамоа хўжалигида ҳосилот совети раиси, туман партия кўмитаси аппаратида масбул ходим лавозимларида фаолият кўрсатган.

Нурулло Рўзиев – 1907 йилда туғилган, 1925-1927 йилларда туманда биринчилардан бўлиб тракторчилик қилган, 1927-1929 йилларда Қорақўл пахта тозалаш заводида машинист ёрдамчиси бўлиб ишлаган, 1929-1930 йилларда Бухоро округ комсомол комитетининг секретари бўлиб ишлаган, 1930 йилда Тошкентдаги марксизм-ленинизм институтида ўқиган, 1939-1941 йилларда

¹ Бондаренко С., Шнейдерман А. Колхоз ишлаб чиқаришининг етакчи кучи, 7-8-бет.

Қашқадарё вилояти Ғузор тумани партия қўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлаган, 1941-1943 йилларда Қорақўлдаги «Қизил штурмчи» артелига раислик қилган, 1943-1945 йилларда «Конимех», «Жонгелди» давлат хўжаликларида партия қўмитаси котиби бўлиб ишлаган, 1945 йилда 38 ёшида вафот этган¹.

Шамсиддин Йўлчиев – 1952 йилда Сайётнинг Қуйи Жанапар қишлоғида педагог оиласида таваллуд топди. Мактабни тугатиб, Тошкент театр ва рассомчилик институтининг кино ва драма актёри бўлимига ўқишга кирди. Ўзи севган касбни эгаллаб С.Айний номидаги Бухоро вилоят мусиқали драма театрига ишга келди. Бухоро театри саҳнасида қўйилган спектаклларда Бегматов, Навоий, Субҳонқулихон, Сайидбоғбон, Сулаймон, Мирваққос, Маҳкам, Шокир ота, Ўзбек каби ролларни моҳирона ижро этди. Ўзбекистон халқ артисти унвонига мушарраф бўлган Ш. Йўлчиев чорак асрдан бери Олим Хўжаев номидаги маданият коллежида актёрлик маҳоратидан талабаларга сабоқ бериб келмоқда. 1999 йилдан бери театр директори, раҳбарлиги билан бирга саҳнада Й.Муқимовнинг «Ҳақ-рост» тарихий драмасида Ал-Бухорий, «Илоҳий висол» да Баҳоуддин Нақшбанд каби тарихий шахслар сиймосини яратди².

Маматқул Жўраев – Филология фанлари доктори, профессор, Қорақўл тумани Кетмондўғди қишлоғида туғилган, фолклоршунос олим. «Сеҳрли рақамлар сири» Т.1991 й. Ипак йўли афсоналари. Т.1993 й. Бухоро афсоналари. Т.2002 й. Наврўз қўшиқлари. Т.2007 й. ва бошқа илмий асарларнинг муаллифи. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг тил ва адабиёт институтида ишлайди.

¹ «Олға», 1987, 27 октябрь.

² Гулчехра Бону. Чўққиларга бўйлаган излар. Бухоро. 2007, 10-12, 20-21-бет.

6-боб. ҚОРАКЎЛ АТАМАСИ ВА ТОПОНИМЛАРИ.

1-§. Қоракўл терминининг келиб чиқиши тўғрисида

Қоракўл термини географик ном сифатида қадимдан қўлланиб келганлиги тарихий манбалардан маълум. Энг аввало терминнинг ёзилиши ва талаффузи тўғрисида шуни айтиш мумкинки, у турли даврларда турлича маъмурий бирлик, бошқарув бўғини сифатида ишлатилган.

Қоракўл Қирғизистонда (шаҳар, туман), Тожикистонда (оқмаскўл), Хива туманида (кўл) ва бошқа жойларда географик ном сифатида, кўй зоти номи сифатида, этник ном сифатида ишлатилган. VIII асрда ёзилган Култегин битиктошида илк маротаба Қоракўл номи ишлатилган (жой номи сифатида), X асрда «Бухоро тарихи» да тилга олинган.

Ҳозирги вақтда ўзбек тилида унинг энг кейинги талаффузи – Қоракўл. Айрим манбаларда, хусусан форсий-арабий ёзувларда уни Қарокўл тарзида ишлатишган. Бухоро тарихчиси Наршахий ўзининг китобида Бойканд ҳақида маълумот берар экан, бу ердаги кўлнинг номини Қарокўл деб атайди. Алишер Навоийнинг машҳур «Қаро кўзим» ғазалида «Қаро кўзим», «кўзим қароси» каби сўзлар ишлатилишидан келиб чиқилса, Қарокўл термини ҳам унчалик хато ишлатилмаган, кўлнинг қора рангда эканлигига ишора қилинади.

2007 йил 9 майда «Бухоронома» газетасида Б.Жумаевнинг «Атамалар тарихи:Қоракўл» номли мақоласи эълон қилиниб, унда «Қорайиб кўринган кўл-Қоракўл» ҳозирги Қоракўл тумани номининг келиб чиқишида асос қилиб олингани ҳақида маълумот берилади. Бу ерда кўлнинг қора ранги асос сифатида кўрсатилади.

Яна бошқа манбаларда, хусусан халқ оғзаки ижоди, афсона ва ривоятлардан келиб чиқиб, «Қара кўл», яъни кўриниб турган кўлга қараб айтилган таърифдан келиб чиққанлиги тўғрисида фикр билдирилади, кўлни кўрсатиш асос қилиб олинади.

Қадим замонларда Қоракўлнинг ўрни катта кўл бўлган экан. Кунлардан бир куни Бухоро подшоси бу ерга шикорга келибди. У кечаси ов қилиб юриб, кўлнинг ўртасида милтиллаб ёнаётган бир олов ёруғини кўриб қолибди. Шунда у ёнидаги одамларига қараб: – бориб ана шу олов ёққан одамга айтинглари, нима олса-олсину, фақат менинг олдимга бир келиб кетсин, – дебди. Подшо қирнинг устида қолибди, унинг мулозимлари қайиқларга ўтириб олов кўринган томонга қараб сузиб кетибдилар. Орадан кўп ўтмай мулозимлар бир деҳқон бобони олиб келибдилар. Бу бобо кўлнинг ўртасидаги шавоб (орол)да у бу экиб, деҳқончилик қилиб, кўлдан балиқ тутиб тирикчилик қилар экан. Подшо сўрабди: – бобо, бу ернинг тупроғи қандай? – Агар олтин эксанг ҳам кўкаради, – деб жавоб берибди бобо. Подшо бобони ўз жойига қайтариб юборибди-да, ўзи Қоракўлга (кўлга) қуйиладиган дарёга тўғон қуриб, сувни боғлашни буюрибди. Тез орада дарёга тўғон қурилибди ва тўғоннинг тепасидан ортиқча сувлар чиқиб турсин учун махсус тешиклар ҳам қолдирилибди. Шундан кейин сув пасайиб, сувдан бўшаган унумдор ерларга одамлар кўчиб кела бошлабдилар. Қоракўл ана шундай пайдо бўлган экан. Афсонадаги кўл тўғрисидаги гаплар Наршахийнинг таърифларига қисман мос келади.

«Қарокўл» ҳам эмас, «Қаракўл» ҳам эмас, балки «Қоракўл» термини яшовчан, замона талабига жавоб берадиган бўлиб чиқди.

Қоракўл қўй зотларининг шу ном билан аталиши ҳақида фикр юритиб, айрим тадқиқотчилар (У.Х.Камолов) «Қоракўл» номининг келиб чиқишини қадимий ўзбек шеvasида мавжуд бўлган «Қора гул» сўзига боғлашга ҳаракат қиладилар. Бу ерда асосий эътибор қўй терисидаги қора рангли гулга қаратилган. Бу фикр турклар бу ердаги кўлни «қора – гўл» деб аташидан келиб чиққан.

Йирик туркий қабилалардан бири бўлган Жалойирнинг кичик уруғлари ичида қоракўли деган уруғ ҳам бўлган. Ўзбек уруғлари ичида Жалойир қабиласининг икки йирик – қайчили ва болғали уруғлари ҳамда кичик уруғлари бўлган. Ана шу кичик уруғлардан бири қоракўли деб аталган. Жалойир қабилалари XIII-XIV асрда Оҳангарон ва Хўжанд атрофларида яшаган, Темур ҳукмронлиги даврида Зарафшон бўйларига кўчирилган. Турган гапки, бу даврда Қоракўл номи ҳаммага маълум эди. Демак, қоракўли уруғи Қоракўлга ном бермаган, балки унинг ўзи қоракўли номини олган (яъни Жалойирнинг Қоракўлдаги вакиллари).

К. Шониёзовнинг фикрича, қорахонийларнинг сулоласини бошлаб берган ҳукмдор-Абдулкарим Сотуқ Бугрохон (859-955) нинг номи Қорахон, яъни буюк хон деб аталган. Ўзбек миллий энциклопедиясида ҳам қорахоний ибораси шартли равишда сулола номи сифатида қўлланилиб, давлат ҳукмдорлари «Қорахон» – буюк хон унвони билан юритилганлиги айтилади¹. Демак, сулоланинг асосчиси катта хондир. «Шажарайи турк» да Мўғул хоннинг катта ўғлининг номи «Қорахон», яъни катта хон эканлиги ёзилади. Туркманларнинг йирик қабиласи бўлган «Эрсари»нинг катта, йирик уруғининг номи ҳам «Қора» деб аталган. Ўзбек тилидаги «Қорамол» сўзидаги «қора» – йирик, катта маъносини англатади: йирик ёки катта мол. Тоғли Қорабоғнинг маъноси қора рангли боғ эмас, балки катта боғдир. Туркий халқ бўлган қирғизларда қорақуртнинг маъноси катта бўри (қашқир), қорақулжанинг маъноси катта, улкан тоғ эчкиси (архар)дир. Наршахий ҳам туркийларнинг талаффузидан олиб, «Боргини фарох» – «кенг ҳавз» ни Қоракўл деб ёзганлиги аниқ. Бундан хулоса чиқарадиган бўлсак, 20 фарсанг ҳажмдаги бу «катта кўл»-«Қоракўл»дир. Агар кўлнинг рангига қараб номланган бўлса, форсий манбаларда уни бундай атамас эдилар. Чунки, «Қорасув»ни «сиёҳиоб» дейишган ва кейинчалик бу атама «сиёб»га айланиб кетган. «Қоракўл» атамасининг келиб чиқишидаги асосий негиз, асос – «кўл» ҳисобланади. Кўлнинг ҳажмидан келиб чиқиб «Қоракўл» атамаси пайдо бўлган.

Тадқиқотчи Ш.С.Камолиддиннинг ёзишича, юнон олими Птоломей (эрамининг 170 йилида вафот этган) нинг «Географиядан қўлланма» асарида Бухоро воҳасининг географик номларида «Харахорта» деган сувнинг номи қайд этилган. Ибн Ҳавқалнинг тузган харитасида (X аср) Зарафшон дарёсининг Харахаз деган кўлга бориб қуйилиши белгиланган. Ана шу ном ўз вақтида Птоломей томонидан Харахорта деб қайд этилган. Қадимги гидронимларда «Қора» – катта, буюк, «Оқ» – эса кичик, иккинчи даражали деган маънони

¹ ЎМЭ.11-жилд.84-бет.

билдирган. Харахарта каттакўл, қоракўлдир.Ш.С.Камолиддиннинг фикрича, эрамизнинг бошларида (I-II аср) Бухоро воҳасида туркий тилли аҳоли яшаган ва ушбу кўлнинг номи туркча Қоракўл деб аталган. Юнон саёҳатчиси Василио Ватаченинг 1730 йилда Лондонда нашр этилган Ўрта Осиё харитасида Зарафшон Қорасув деб, унинг қуйи оқимидаги шаҳар эса Қоракўл (Cagacol) деб қайд этилган. Қоракўл шаҳри дарёнинг қуйи оқимида, чап қирғоғида жойлашганлиги кўрсатилган. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ҳозирги Қоракўл туманининг номи туркий «Каттакўл» маъносини англатади.

2-§. Қоракўл маъмурий-худудий бирлик сифатида.

Қоракўл шаҳар сифатида бунёд этилишининг аниқ замони қадимги китобларда қайд қилинган ҳақида ҳозирча маълумот йўқ. Маълум бўлган ахборотларга кўра, Қоракўл шаҳри биринчи марта 1158 йилда ануштегинлар сулоласидан бўлган хоразмшоҳ Эл-Арслоннинг Самарқандга юриши муносабати билан зикр этилган.

Қоракўлнинг маъмурий бирлик сифатида қайд этилиши темурийлар даври билан бошланади. Самарқанд ва Бухоро ерларини бирма-бир таърифлар экан, З.М. Бобур шундай деб ёзган: «яна Қоракўл вилоятидур. Барчадин поён оброкдур. Бухородин етти йиғоч ғарб-шимолийдур. Яхши тумоноти бор»¹. Бу ерда Қоракўл вилоят деб таърифланади.

Б. Аҳмедовнинг «Амир Темур» тарихий романида Темурнинг 1362 йилда Қоракўлга келганлигидан, 1379 йилда Хоразм хукмдори Юсуф Сўфининг қўшини Бухоро ва Қоракўлга юриш қилганидан келиб чиқилса, бу даврда Қоракўл муҳим стратегик макон сифатида ўз мавқеига эга эканлиги маълум бўлади. «Баъзи тарихнависларнинг айтишича, -деб ёзади академик Б.Аҳмедов, – Хоразм лашкарининг Бухоро ва Қоракўлга қилган ёвузликларига жавобан Амир Темур Урганч шаҳрини вайрон этган эмиш».² Хўжа Самандар ат-Термизий ўзининг «Дастур ал-мулк» номли асарида «XV асрга келиб Қоракўл Бухоро хонлигининг етти беклигидан бири» деб ёзади. Тарихчи Бадриддин Кашмирийнинг «Равзат ар-ризвон ва ҳадиқат ал-ғилмон» асарида Қоракўлда муҳим қурилишлар олиб борилганлиги кўрсатилади (XVI аср).

М. Солиҳнинг «Шайбонийнома» асарида Қоракўл муҳим аҳамиятга молик қўрғон сифатида таърифланган:

*«Дедилар: ҳарна қилурсиз, қилингиз,
Урушур бўлсангиз, эмди келингиз,
Кўчамиз маҳкам эрур, қўрғон ҳам,
Ола олмас ани Султон, Хон ҳам»³.*

Ҳ.Вамберининг «Мовароуннаҳр ёҳуд Бухоро тарихи» китобида XVI асрнинг бошларида Қоракўлнинг муҳим стратегик марказ эканлиги қайд этилади.

Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Шарафномаи шоҳий» (Абдулланом) асарида ҳам Қоракўлнинг Бухоро хонлиги тахти учун олиб борилган курашларда Абдуллахон учун муҳим таянч қўрғони бўлганлиги, қалъасининг ўта мустаҳкамлиги айтиб ўтилади.

¹ З.М.Бобур. Бобурнома. Т. 1989. 47-бет.

² Б.Аҳмедов. Амир Темур. 193-бет.

³ М.Солиҳ. Шайбонийнома. Т. 1989. 63-бет.

«Ўрта Осиё шаҳарлари орасида Қоракўл шаҳри кўргони энг мустаҳкам кўргондир» – деб ёзади Мир Муҳаммад Амин Бухорий ўзининг «Убайдуллонома» асарида.

Хива хони Абулғози Баҳодурхон (1603-1664) нинг «Шажарайи Турк» асарида хиваликларнинг Қоракўлга юриши тўғрисида қимматли маълумот берилиб, Қоракўл қалъасидаги жанг, қалъанинг муҳофаази ва бошқа воқеалар баён этилади.

XVIII асрнинг бошларида Убайдуллохоннинг ҳукмронлиги даврида, Абулфайзхоннинг тахтга чиқишида Қоракўлдаги қўшимча ҳарбий кучлар муҳим рол ўйнаган. Эрон қўшини билан Бухоро қўшини Қоракўлда тўқнашган¹. Манғитлар сулоласи ҳукмронлиги бошланиши даврида амирликка қуйидаги ерлар кирган: Бухоро ўзининг атрофи билан, Самарқанд, Миёнкол, Қарши, Ғузор, Кармана, Қоракўл, Шаҳрисабз, Тошкент, Туркистон ва Амугача бўлган ҳудудлар².

1830-1834 йилларда Бухорода бўлган рус сайёҳи ва элчиси П. И. Демезон амирликда етти вилоят борлигини ёзар экан, Қоракўлни ҳам вилоят деб кўрсатган ва Қоракўлда минг нафар аскар сақланганлигини ҳам қайд этиб ўтган³. Амир Ҳайдар ўлимидан кейин Бухорога келган Э.Бернс манғитлар давлатини 9 вилоятга бўлиб таърифлаган: Қоракўл, Бухоро, Кармана, Миёнкол, Самарқанд, Жиззах, Қарши, Левап ва Балх⁴.

1827 йилнинг ёз ойида Амир Насруллохон томонидан имзоланган ҳукмномада ҳам Қоракўл вилоят деб кўрсатилган⁵.

1914-1916 йилларда амирлик қушбегиси томонидан маъмурий бирликлар қайта рўйхатдан ўтказилиб, унда Қоракўл туман сифатида қайд этилган. Бухоронинг сўнгги амири Саййид Олимхоннинг «Бухоро халқининг ҳасрати тарихи» асарида Бухоро мамлакати 28 бекликка бўлинганлиги қайд этилиб, Қоракўл ҳам беклик деб кўрсатилган⁶.

1920 йилда Қоракўл икки туманга: Қоракўл ва Фарабни ўз ичига олган Олотга бўлинади.

1925 йилда Ўзбекистон ССР ва Туркменистон ССРнинг ташкил топиши муносабати билан Фараб Олот туманидан ажратилиб, Туркменистонга берилади ва Олот тумани тугатилиб Қоракўлга қўшилади.

1925 йилда Ўз ССРда 7 та вилоят ташкил этилган эди: Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм.

1926 йилнинг 29 сентябрида Қоракўл тумани ташкил этилади. Шу йилда районлаштириш комиссияси томонидан Зарафшон вилоятининг Бухоро ва Ғиждувон уездлари ўрнида Бухоро округи ташкил этилиб, унинг таркибига етти туман (район), шу жумладан Қоракўл ҳам киритилган эди.

1943 йилнинг 14 феврилида Олот ҳудуди Қоракўл таркибидан чиқарилиб, алоҳида Олот маъмурий бирлиги – Олот тумани ташкил этилади.

¹ История Бухара с древнейших времён до наших дней. Т. 1976. 120-121 бет.

² Анке фон Кюгельген. Легимитация Среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков. г.Алматы. 77-бет.

³ Записки о Бухарском ханстве. М. 1983. 39-бет.

⁴ Анке фон Кюгельген. Ўша асар. 90-91 бет.

⁵ Документы к истории аграрных отношений в Бухарском ханстве. Т. 1954. 170-бет.

⁶ С. Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. Т. 1991. 27-бет.

1960 йилда Олот тумани маъмурий бирлик сифатида тугатилиб, Қорақўл тумани таркибига қўшилади.

1973 йил 26 декабрда Олот тумани маъмурий бирлик сифатида қайта ташкил этилиб, Қорақўл тумани таркибидан чиқади.

1983 йилда Республикада туманларни қисқартириш орқали маъмурий бирликларни ихчамлаштириш амалга оширилади ва Олот тумани ҳудуди яна Қорақўл туманига киритилади.

Ўзбекистонда 1988-1989 йилларда маъмурий бирликларни ўзгартириш бўлиб ўтади ва шунинг оқибатида 1989 йилда Олот мустақил маъмурий бирлик – туман сифатида охирги марта қайта ташкил этилади.

1914-1916 йилларда амирлик қушбегиси девонхонаси томонидан маъмурий бирликлар рўйхатга олинганда, Қорақўл туман сифатида қайд этилиб, унинг таркибида 9 та амлоқлик борлиги кўрсатилган. Амлоқликлар, асосан қишлоқларни суғорадиган сув тизими, яъни ариқлар номи билан белгиланган. Ушбу рўйхат тўлиқ бўлмаган ёки тўлиқ сақланиб қолмаган, айрим қишлоқлар номи тушириб қолдирилган.

1. Элоти Соён амлоқлиги (Соён элоти мулклиги). Ушбу амлоқлик (мулклик) таркибида қуйидаги қишлоқлар рўйхатга олинган:

Арғуни Мироб ариқ; Ач-бек; Ардал; Баланд масжид; Бегач (бекачи); Бичоқчи (пичоқчи); Бўрибек; Ганчи(ғанчий); Давлатбой; Дехнав; Заргар қайроқ; Қатор теппа; Кўк кўз; Қурбоққа чандир; Лабкон; Мироб ариғ; Пичоқчи (бичоқчи); Соини қоровул; Туз олди; Урганжи; Чагас; Шейх даҳбоши; Соини хидир айли.

2. Наҳри Зайниддин (Зайниддин ариғи) амлоқлиги. Ушбу амлоқлик таркибида 12 та қишлоқ бўлганлиги кўрсатилади:

Алимлар; Даббоқи (Даббақи); Зайниддин; Этикчи; Кўпаст; Лакки; Мир Пўлот; Роҳат; Тожик; Урганжи; Чармгар; Бобо Исоми.

3. Наҳри Зиёрат (Зиёрат ариғи) амлоқлиги. Унинг таркибида 12 та қишлоқ рўйхатга олинган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

Бандбоши; Ғозибек; Якка аълам; Қарға; Маҳаллайи шейх; Мурук; Юқори роҳат; Қуйи роҳат; Реги Ҳайдар; Хўжағони ғарўк; Шоғол; Шарофбек.

4. Наҳри Мўғул (Мўғул ариғи) амлоқлиги. Мазкур амлоқлик қуйидаги қишлоқларни ўз ичига олган эди:

Аллат (Олот); Бастам; Галавек; Қоровул; Кўмирчи; Кўпак кўли; Мўйи тоб; Рўдахўр; Тожикенд; Юқори хўжагон; Қуйи хўжагон; Чиғатой; Чиғирчи.

5. Наҳри Сўк-сўк (сўк-сўк ариғи) амлоқлиги. Амлоқлик таркиби 13 қишлоқдан иборат:

Адҳам; Даруни кўрғон; Жалойил (жалойир); Зоғоракаш; Эшакчи; Қаймоқчи; Кемачи; Пичоқчи; Работлиғ; Пирлар; Сари-бозор; Сўк-сўк; Қозон-қишлоқ.

6. Наҳри талҳон Сайёд (Талҳон Сайёд ариғи) амлоқлиги. Қуйидаги қишлоқлар унинг таркибида эди:

Оқ Пўлод; Асаджом; Ғазарчи; Гулкор(дилкор); Юқори элот; Қуйи элот; Қум қишлоқ; Қўнғурот; Қўрчи; Солиҳ-қоровул; Халифа; Ҳасан ёр; Ҳаштияк.

7. Наҳри Тўнг беш ариқ (Тўнг беш ариғи) амлоқлиги. Амлоқликда 11 та қишлоқ борлиги аниқланган:

Оқ работ; Арна; Дарға боғи; Қиёс; Қум қулоқ; Ним пайкал; Сайёд Султон-шоҳ; Чаурчи; Шакарбек; Қўча(кувача).

8. Наҳри Уйғур (Уйғур ариғи) амлоклиги. Унинг таркиби 17 қишлоқни ташкил этган:

Араб Абдал; Осиё; Вақф; Гули-қурбон; Жиғачи; Ипчи Чўли; Ячали; Қоз хўрдайи Қулончи; Қораҳожӣ; Кетмон дауди; Қирққалъа; Қулончи; Қулбе (қўлбо); Мироб; Урганжи; Човли; Қорауни Мирза-қалъа.

9. Тахти Қир амлоклиги. Унинг таркибига қуйидаги қишлоқлар кирар эди:

Оқ қўл; Осиё; Катта Баёт; Баҳрин-Баёт; Бери олон ёки бири олон; Эски сува; Эшакчи; Калта чўлоқ; Қассоб Баёт; Қизил қалъа; Қирнишон; Кесакли; Қўли Ханоқо; Қум кашон; Кундали; Мурғак; Мухтор Сайид Салим; Сўнғур; Чоркундали; Шир қишлоқ; Қорабоғ.

Ҳозирги вақтда Қоракўл туманида бўлган, аммо 1915 йилда Хайробод тумани (асосий қисми ҳозирги Жондор туманига тўғри келади) рўйхатига киритилган Бойканд (Пойканд) амлоклигида қуйидаги қишлоқлар номи зикр этилган:

1) Алика Хўжа; 2) Янги Мозор (Жондор); 3) Дўрман; 4) Қароли (Жондор); 5) Юқори Қулончи (Жондор); 6) Сайёд; 7) Солур; 8) Шўррабод; 9) Жанафар; 10) Қуйи Қулончи; 11) Оғор (Жондор).

Юқорида қайд этилган қишлоқлар ҳозирги Қоракўл, Олот ва Жондор туманлари ҳудудларида жойлашган бўлиб, уларнинг бир қисми тарихий қишлоққа айланиб улгурди, яъни номлари йўқолди: Совет тузуми даврида номлари алмаштирилди.

Шундай қилиб, XIX асрнинг охири-XX асрнинг бошларида Қоракўлда 10 та амлоклик (ҳозирги Олот ва Жондорга тегишлиси ҳам бор) мавжуд бўлиб, уларга бўйсунувчи 141 қишлоқ бор эди. Қишлоқлар рўйхати тўлиқ келтирилмаган деган маълумот бор. Авваллари ҳар 80 та аҳоли пунктдан 1 та маъмурий-ҳудудий бирлик ташкил этилган бўлса, кейинчалик ҳар бир туманда ўртача 120-140 та аҳоли пункти мавжуд бўлган. Барча туманларда маъмурий – солиқ-тўлов ҳокимияти қози ихтиёрида бўлиб, у ўз навбатида Бухоро Қози Калонига бўйсунган.

Қоракўлда маъмурий бошқарув турли даврда турли хил кўринишга эга бўлган. Ноиблик, ҳокимлик, вилоят, туман, беклик, амлоқдорлик каби атамалар ишлатилган. Масалан, Темурийлар даврида Қоракўлда Султон Ҳусайн арғун ҳокимлик қилган. Бобурнинг эътироф этишича, «Неча маҳал Қоракўл ҳукумати анда учун, Султон Ҳусайн Қоракўлийға машхур эди» . Бобур Қоракўлни вилоят деб таърифлаган.

1498-1500 йилда Бухорода Боқи Тархон (Темурийлардан) ҳукмронлик қилиб, Қоракўл унга суюрғол қилиб берилган эди.

М.Шайбонийхон даврида Қоракўлни Бобой Султон бошқариб, уни раис деб аташган. Шу даврда Қоракўл ноиблиги ташкил этилиб, уни Султон Маҳмуд бошқарганлиги манбалардан маълум. 1555-1557 йилларда Қоракўлда Бурхон Султон ҳукмдорлик қилган. 1580 йилларда Шохимбий арғун ҳокимлик қилган.

Аштархонийлар ҳукмронлиги даврида (1721-1725) Қоракўл беклигини Ҳаким Мирохур Туркман бошқарган. Убайдуллахон II даврида (1702-1711)

Қорақўлда Муҳаммад Ёр дўрман ҳокимлик қилган. Бундан олдин у хон саройида эшик оғаси лавозимида ишлаган. Манғитлар даврида, 1851-1852 йилларда Шохруххон ибн Иброҳимхон Қорақўлни бошқарган, у Эрон шоҳининг амакиваччаси бўлган. Шохруххон ҳукмдор Фатҳалишоҳ қожорнинг амакизодаси Меҳдикулихоннинг ўғли Иброҳимхон Заҳир уд-давла ўғлидир. У Қазвин, Астрободда ҳоким бўлган. 1847 йилда Техрондан кечаси қочиб Машҳадга келган. У ерда исёнчи Муҳаммад Ҳасан Солорга қўшилган. Солор уни ўғли Арслонхонга қўшиб, Бухоро амиридан исёнга ёрдам беришини сўраганида, Шохруххон шериклари билан Машҳадга қайтиб кетмай, то умрининг охиригача Бухорода қолган. Қорақўлни бошқариш унга суюрғол сифатида берилган ва унинг девонга берадигани 20 минг динорни ташкил этган. Амир Насруллохон даврида Мирзо Ибодуллобий Қорақўлга ҳоким қилиб тайинланган. XX асрнинг бошларида Қорақўлни йирик амлокдор Ғулом Қодир бошқарган.

Туман термини маъмурий бошқарув тизимида мўғуллар давридан бошлаб ишлатилган. Туман – туркий мўғулча сўз бўлиб, 10 минг деган маънони англатган. XIII-XIX асрларда 10 минг ва ундан ортиқ аскар етказиб бериш имкониятига эга бўлган маъмурий, ҳудудий бирлик Ўрта Осиёда туман деб аталган. Алишер Навоийнинг юз минг таноб ер майдонини туман деб атаганлиги манбаларда кўрсатиб ўтилган. Шунинг учун ҳам суғориш билан боғлиқ ҳолда, XVI-XVIII асрларда Қорақўл етти туман деб айтилган.

XIX-XX асрдаги бошқарув тизимида мувофиқ туман ёки беклик ўз навбатида амлокдорликларга бўлинган. Амлокдорлик термини арабча амлок, яъни мулк сўзининг кўпликдаги шакли бўлиб, дор – форс-тожикча эга маъносини билдиради. Бухоро хонлиги (амирлиги) даги бекликларга қарашли энг кичик маъмурий бўлинма амлокдорлик деб аталиб, уни бошқарган амалдор амлокдор деб аталган. Амлокдор аҳолининг ўзига тўқ вакилларида бўлиб, бек томонидан тайинланган ва бир неча катта ҳамда кичик қишлоқлар унинг ихтиёрида бўлган. Амлокдор хирож йиғиш, деҳқонлар етиштирган ҳосилни ҳисобга олиш, солиқ тўламаганларни жазолаш, жарима солиш каби ишлар билан машғул бўлиб, мирза (котиб), мироб, миршаб, амин ва оқсоқоллар ёрдамида амлокдорликни бошқарган. 1914 йилдаги маълумотга кўра, Қорақўл туманида амлокдорга 2250 сўм (рубл) маош тўланган. Амлокдорлик тарихан амлок ерларни бошқариш натижасида пайдо бўлган. У ер эгалиги шаклларида бири бўлиб, кўп меҳнатни талаб қиладиган суғориш ишларининг ҳукумат томонидан ташкил этилиши ва деҳқонларнинг унга қарам қилиб қўйилиши орқасида юзага келган. Амлок ерлар амир ихтиёрида бўлиб, унга экин эккан деҳқонлар ҳукуматга хирож ва бошқа солиқларни тўлаб турган. XIX-XX асрларда Бухоро амирлиги ҳудудларида 40 га яқин турли хил солиқ ва йиғимлар амалда қўлланилган. Амлокдор туркчада «бек» деб аталган. Туман ёки вилоятни амир томонидан тайинланган бек, қози ва раис бошқариб, улар амир номидан иш юритар эди, аммо амирнинг фармонисиз ва муфтиларнинг ривоятисиз фуқарони қатл эта олмасдилар.

1913 йилда ҳаваскор археологлар гуруҳи билан қадимги Бойканд шаҳри харобаларини ўрганишга келган Чоржўй гимназиясининг ўқитувчиси Л. Зиминнинг «Қадимги Бойканд харобалари» деган мақоласида айтилишича, уни

Яккатут станциясида маҳаллий ҳоким Хожа Мирза Икром амлоқдорлар (уезд бошлиқлари) ва беклар билан кутиб олган¹.

Бу ерда амлоқдорлар уезд бошлиқлари сифатида тилга олинган. XX аср бошларида Бухоро шаҳри атрофидаги туманлар тўғридан-тўғри амирликка бўйсунар эди. Уездлар туманлар демакдир. Яъни руслар томонидан туманлар ўрнига уезд атамаси ишлатилган. Бек – қадимий атамалардан бўлиб, М. Қошғарийнинг айтишича, уруғ бошлиқларининг унвони бўлган. Демак, XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида вилоятларни беклар (ҳокимлар), туман (амлоқдорлик)ларни амлоқдор (ҳоким)бошқарган. Шундан келиб чиққан ҳолда, Қоракўлдаги маъмурий бошқарув қуйидагича бўлган. Маъмурий-худудий бирлик сифатида уни амлоқдор бошқарган. Манбаларда бу амалдорнинг номи ҳоким деб ҳам кўрсатилган. Масалан, Амир Насруллоҳон Мирзо Ибодуллобийни Қоракўлга ҳоким этиб тайинлаганлиги ёзилган. Бий – Бухоро амирлигида хизмат поғонасининг 9-мансаби, аморатпаноҳ унвони бўлган. Бу унвонни олган шахс уни кейинги мансабларни эгаллаганда ҳам ўзида сақлаб қолган. ХУ1 асрда Қоракўлда Шоҳимбий ҳокимлик қилганлиги ҳам бунинг исботидир. Амлоқдор ўз қўли остидаги амлоқликлар (мулклар)ни бошқарган. Қоракўлда 9 та амлоқлик бўлган. Ҳар бир амлоқлик ихтиёрида 10 тадан 20 тагача қишлоқлар бўлган. Қишлоқлар оқсоқол, амин ва мироблар орқали бошқарилган.

Бухоро амирлигида туман ва вилоятларни бошқариш ўзига хос тарзда шаклланган эди. Масалан, 1915 йилда 27 та вилоят ва 11 та туман мавжуд бўлиб, туманларнинг барчаси Бухоро шаҳри-пойтахт атрофида эди ва уларнинг 9 тасида маъмурий бошқарув бўлиб, қолган 2 тасида (шимолий Руд ва жанубий Руд) эса йўқ эди. Улардаги солиқ, йиғим, тўловлар бевосита Бухоро шаҳрининг Садр-раиси томонидан амалга ошириларди. Бундан ташқари, ушбу туманларнинг кўпчилигининг бошқаруви марказий ҳокимият, яъни амир ҳукумати амалдорлари ихтиёрига берилган. Масалан, Шопуркомни эшикоқобоши, Амирободни чигатойбеги, Харқонрудни тўқсоба, Коми Абу Муслимни мирохури калон лавозимидаги сарой амалдори бошқарган.

Туманнинг ҳудуди катта бўлса, уни бошқариш учун, одатда вилоятларга тайинладиган беклар масъул этиб қўйилган.

Қоракўлнинг маъмурий бошқаруви ваколати турли даврларда турлича мансабдорларга берилган. Темурийлар даврида, саройда катта мавқега эга бўлган арғун қабиласи вакиллари (Султон Ҳусайин арғун), Шайбонийлар даврида хоннинг яқинларига (Ҳамза Султон, Султон Маҳмуд), ишончли бийларга (Шоҳимбий), Аштархонийлар даврида мирохур лавозимидаги мансабдорга (Муҳаммад Ҳаким), хон саройидаги эшикоқобоши лавозимидаги мансабдорга (Муҳаммад Ёр дўрман), Манғитлар даврида бийларга (Ибодуллобий) ва бошқа мансабдорларга Қоракўлни бошқариш ҳуқуқи берилган.

Маъмурий бошқарув бўғинида беклик бошқаруви туман ёки амлоқдорлик бошқарувидан йирикрок эди. Вилоятларни амир тайинлаган беклар ёки ҳокимлар бошқарар ҳамда туман, айрим шаҳарлар, қўрғонлар уларга бўйсунар

¹ Л. Жукова. Охрана культурного наследия в Бухарском и Хивинском ханствах// Ижтимоий фанлар. 2009. №1, 137 -бет.

эди. XX аср бошида Қорақўл Бухоро вилоятига бўйсунган. Бу даврда вилоят ва беклик атамаси қатъий ажратиб ишлатилмаган.

Беклик девонида юзга яқин амалдор ишлаган. Амлоқдорлик ёки туманда унга нисбатан камроқ амалдорлар ишлаган. Фарбий Бухорода, шу жумладан Қорақўлда ҳам амлоқдорлик «Кент» деб юритилган. «Канд», «Қанд», «Кент» терминлари қадимги туркий сўздан олинган бўлиб, шаҳар, қўрғон маъносини англатади. Кентларни ёки амлоқдорликни аминлар бошқарган. Бухоро амирлигида бир ёки бир неча кичик қишлоқни бошқарувчи ҳамда халқ томонидан сайланган амалдорлар «Амин» деб аталган. Амин ўз навбатида амлоқдорга бўйсунган, қишлоқни эса оқсоқол бошқарган ва у аминга бўйсунган, уни ҳам халқ сайлаган. Аминнинг асосий вазифаси аҳолидан ўлпон (хирож) ва бошқа солиқ йиғиш, аҳоли устидан назорат қилиш, сувни тақсимлашдан иборат бўлган. Бозорлардаги мол сотувчилардан бозор ҳақини олиш вазифаси ҳам аминлар зиммасига юклатилган. Амин ва оқсоқолни сайлаш халқ томонидан амалга оширилиб, сайловнинг муддати белгиланмаган эди. Халқ амин ва оқсоқолни қачонки қайта сайламаса, ўрнига бошқаси сайланган. Иккинчи томондан, амин ва оқсоқоллар лавозимида сайланган шахслар беклар томонидан тасдиқланган.

Бухоро амирлигида суд ишлари оғзаки ва ошкора тарзда қози томонидан бажарилган. Қозини амир тайинлаган. Амирликда Қози Калон олий мансаб ҳисобланиб, расмий қабул маросимида у амирнинг ўнг томонида ўтирган. Амирликнинг маъмурий-худудий бирлиги саналган бекликда бир ёки икки қозилик лавозими бўлган. Қозилар уламолардан тайинланган бўлиб, қозининг олдида муфтий ва мулозим лавозимидаги кишилар ишлаган. Бухоро шахрининг ўзида 12 нафар муфтийдан иборат бўлган қозихона фаолият кўрсатган. Суд ишлари асосан шариатга мувофиқ амалга оширилган. Бекликда ҳам муфтий лавозими амал қилган. Уларни бу лавозимга Қози Калоннинг шахсан ўзи тайинлаган. Бекликдаги қози турли хил даъво ва жанжалларни шариатга асосланиб ҳал қилган. Ҳукм чиқариш учун муфтийнинг ёзма ривояти асос бўлиб хизмат қилган. Қозилар суди айбловчи ва ижро этувчи асосий давлат органи мақомига эга бўлган. Абдуллахон II ҳукмронлиги даврида Меҳриддин исмли уламо Қорақўлда қозилик қилган. Амир Музаффархон даврида, яъни 1860-1885 йилларда Қорақўлда Мулла Абдулвоҳид қозилик қилган. У хўжалик ишлари, хусусан сув масаласи бўйича кўп маротаба амирга шикоят билан мурожаат қилган ва қорақўлликларнинг обрў-эътиборини қозонган киши ҳисобланади. Амир Абдулаҳадхон даврида Муҳаммад Али Абдушуқурбий Қорақўлда қозилик лавозимида ишлаган. 1914-1916 йилларда Қорақўлда Домла Икром (унинг бўйи паст бўлгани учун Икромча деб ҳам аталган) қозилик қилган. Тўлиқ номи Муфти Муҳаммад Икром ибн Абду Салом(1947-1925). У жуда маърифатпарвар инсон бўлиб, бу ерда замонавий, янги усул мактабларининг ташкил этилишига яқиндан ёрдам берган.

1924 йил 5 январда «Суд қурилиши тўғрисида»ги низом қабул қилиниб, унга мувофиқ БХСР да суд тизими қайта тузилди. Қозилар судида халқ маслаҳатчилари қатнашиши жорий этилди, коллегиял суд тизими йўлга қўйилди. Ўзбекистон ҳукуматининг 1928 йил 18 феврал қарори билан қозилик

судлари ўз фаолиятини тўхтатган. Амалий жиҳатдан 1930 йилларнинг бошларида ҳам улар ишлаб турган .

3-§. Қорақўл териси ҳақида

Ҳозирда бизга маълум бўлган манбаларга таяниб фикр юритадиган бўлсак, Қорақўл зотли қўйларнинг қачондан бошлаб кўпайтирила бошлаганлиги ёки қорақўл терисининг қачондан бошлаб савдо-сотикда пайдо бўлганлиги тўғрисида аниқ маълумотлар берилмаган. Бу тўғридаги дастлабки маълумот Наршахийнинг «Бухоро тарихи»да учрайди. Сомонийлар даврида, Х асрнинг биринчи ярмида Бухородан 4 фарсахлик масофада бўлган, Зарафшон дарёсининг қирғоғида жойлашган тарихий Шарғ қишлоғида бир бозор бўлиб, унда йилнинг қиш фаслида 10 кун савдо-сотик бўлиб турган ва шу бозорда ёғоч, тузланган балиқ, янги балиқ, мис, бўз ва қўй ҳамда қорақўл терисидан тикилган пўстинлар сотилганлиги тўғрисида маълумот берилади. Аммо, XII асрда, Қорахонийлар даврида бу бозордан фақат мис ва бўз олиб кетилганлиги айтилади (22-бет). Наршахийнинг китоби 943 йилда ёзилганлигини инобатга олинса, қорақўл терисидан тайёрланган маҳсулот Бухоро ҳудудида бундан 1100 йиллар олдин савдога чиқарилган.

XV асрда Россия, Татаристон ва Сибирдан мўйна ва тери олиб келинган, аммо тери олиб кетилмаган. 1639-1640 йилда Тоболск божхона пунктидан Ўрта Осиёдан 1649 донга, 1644 йилда эса 1645 донга тери олиб кетилган. Москва божхонасининг маълумотиغا кўра, XVII асрнинг 90-йилларида Астрахандан рус савдогарлари 92 бўлак Хива ип газламаси, 30 та қорақўл тери ва бошқа молларни Москвага олиб кетганлар. XVII асрнинг иккинчи ярмида Бухоро хонлигидан Рус давлатига ип-газлама, ипак газламаси, Бухоро териси (қорақўл), турли хил пичоқлар, гилам, пилла хом ашёси олиб кетилган. Тарихчи олим Ҳ. Зиёевнинг «Ўрта Осиё ва Волга бўйлари» деган китобида қорақўл терисининг савдоси тўғрисида шундай дейилган: «1715 йилда Пётр I томонидан Эронга элчи қилиб юборилган Белевиннинг кўрсатишича, Астраханда Бухоро ва Хива қорақўллари жуда қадрланган. Масалан, битта бухоро қорақўли 25-30 сўмга сотилган. Айни вақтда битта қалмоқ қорақўл териси 50 тийинга яқин турган. Ўзбек қорақўллари Россия савдогарларигина эмас, балки эронликлар ҳам сотиб олганлар». Бу ўзбек хонликларининг анча миқдорда Астраханга қорақўллар келтирганликлари ҳақида гувоҳлик беради¹. Демак, қорақўл териси 1650 йиллардан бошлаб ташқи савдога чиқарилган.

П.С.Палласнинг «Путешествие по разным провинциям Российской империи» деб номланган китобининг биринчи томида шундай дейилади: «Қирғизлар келтирган мўйналар ичида кўп сонли кўзи териси борки, улар қалмиқлар келтирадиган терилардан жуда сифатлилиги билан фарқ қилади ва мўйна бозоридаги асосий товар ҳисобланади». «Осиёлик савдогарлар томонидан келтириладиган асосий товарлар: олтин, кумуш, қимматбаҳо тошлар, кулранг ва қора рангли бухоро терилари (қорақўл тери-М.Б)»². Юқоридаги маълумотлардан шу нарса аён бўладики, XVIII асрда ҳам Ўрта Осиё ва Россия

¹ Ҳ.Зиёев. Ўрта Осиё ва Волга бўйлари. Т. 1965. 99-бет.

² П.С.Паллас. Путешествие по разным провинциям Российской империи. том-1. СПб. 1773.349-352 бет.

давлати ўртасидаги савдо-сотиқда қорақўл териси асосий маҳсулот сифатида муҳим рол ўйнаган. «Ўрта Осиё хўжалигида қўйчилик муҳим рол ўйнади. Бухорода қорақўл қўйлари кўпайтирилди, уларнинг терисига ташқи бозорда эҳтиёж катта эди ва у Бухородан ташқарида ҳам машҳур бўлган эди»¹. Бундай эътироф XVII асрнинг биринчи ва иккинчи ярмида Ўрта Осиё ва Россия савдо-сотиғи юзасидан қайд этилган. 1829-1837 йилларда Россиянинг Нижегород ярмаркасида Бухоро қорақўлининг бир донаси 5 рублдан, қозоқ қорақўлининг бир донаси эса 0,7 рублдан сотилган². Хулоса чиқарадиган бўлсак, XVII, XVIII, XIX ва XX асрларда Ўрта Осиё ва Россия савдосида, кейинчалик Европа ва дунёнинг барча мамлакатлари билан олиб борилган савдода қорақўл тери муҳим рол ўйнаган ва у Қорақўлнинг номини жаҳон бўйлаб тараннум этган, ёйган.

XIX асрда Бухоро амирлигидан ташқарига чиқариладиган маҳсулотлар ичида қорақўл терисининг салмоғи катта эди. Қорақўл терилари Бухоро амирлигидан Россияга 1870-1890 йилларда йилига 30-40 минг дона, 1914 йилга келиб эса йилига 1800 минг дона экспорт қилинган³. Биринчи жаҳон уруши муносабати билан хўжаликнинг издан чиқиши туфайли 1921 йилга келиб БХСРдан йилига 100 минг дона қорақўл тери экспорт қилинадиган бўлди⁴. Бухоро амирлигида ҳусндор, жингалакли қимматбаҳо тери берадиган қорақўл қўйчилиги энг кўп ривожланган эди, у, айтишларича ўзи ихтиро қилинган Қорақўл беклиги номи билан аталарди⁵. Амирликнинг Қорақўл амлоқдорлигида, Қарши, Кармана ва Келиф бекликларида қорақўлчилик кучли ривожланган эди, бу соҳа ғарбий Бухоро ҳудудларида тараққий этган эди.

Бухоро амирлигидаги қорақўлчиликнинг асосий маркази Қорақўл амлоқдорлиги ҳудуди бўлиб, у асосан Ўрта чўл зонасидаги ўтлоқларни ўз ичига олиб, Амударёдан тортиб Қарши ва Қорақўл ўртасида жойлашган эди⁶.

Қорақўлчилик маҳсулоти фақат ўзининг табиий кучи билан 1913 йилгача 1,5 млн.дан 2 млн. донагача кўпайган эди. У Бухоро-Афғонистон чегарасида яшаган туркманларнинг асосий машғулоти бўлган. Бухоро амирлигида етиштирилган қорақўлнинг ярмини туркманлар етиштириб берган.

«Биринчи жаҳон урушидан илгари қорақўл тери савдоси билан машҳур бўлган Германиянинг Бухородаги қорақўл ширкати тажриба ўтказди. Бу ширкат Бухородан туғадиган бир неча қўйни иқлими Бухоро билан бир хил бўлган Жанубий Америкага олиб бориб тажриба қилиб кўрган. Натижада бу қўйларнинг териси кутилгандек бўлмаган. Улардан қорақўл териси ўрнига юнги ўсган қўй терилари олинган. Мана бу, қорақўлчиликнинг фақат Бухоро сахро ва иқлимидагина бўлиб, махсус табиат тарафидан берилган бир бойлик эканлигини кўрсатадир» – деб ёзади «Озод Бухоро» газетаси 1923 йил 1 ноябр сонида.

Қорақўл тери билан боғлиқ бир воқеани В.Бережков ўзининг «Техрон 1943» номли тарихий романида баён этади. 1943 йилнинг 30 ноябр куни

¹ Материалы по истории Узбекской, Таджикской и Туркменской ССР. Ч.1, Л.1932,346-347,352-353 б.

² Г.А.Михалева. Узбекистан в XVIII – первой половине XIX века: ремесло, торговля и пошлины. Т. 1991.89-бет.

³ И.А.Алимов. Аграрные преобразования в Хорезме и Бухаре. Т. 1970. 9-бет.

⁴ О.Эшонов. Бухоро Халқ Республикасининг ташкил этилиши. 45-бет.

⁵ Г.Хидоятлов. Менинг жонажон тарихим. Т. 1992, 249-бет.

⁶ Д.Н.Логофет. В забитой стране. М. 1912. 98-бет.

кечкурун пайти Англия элчихонасида Уинстон Черчилл (Уинстон Черчилл Леопард Спенсер, 1874-1965, Буюк Британия давлат арбоби, 1940-1955 йилларда бош вазир бўлган) нинг 69 ёшга тўлиши муносабати билан ташкил этилган тантанали қабул маросимида И.В. Сталин (1879-1953, Совет давлат арбоби, ВКП (б)МК Бош котиби, мамлакат қурулди кучлари олий бош қўмондони бўлган) уни табриклаб қорақўл терисидан тикилган телпак ва рус халқи эртаклари сюжети асосида ишланган катта чинни ҳайкалчани совға қилади¹. Собик Совет Иттифоқи қурулди кучларидаги барча турдаги қўмондонлар таркибининг қишки бош кийими қорақўл терисидан тикилар эди. Демак, Совет Иттифоқи деб ном олган улкан мамлакатда халқлар ва маҳсулотлар сони кўп бўлса-да, ўзбек халқи етиштирган маҳсулотнинг кадр-қиммати баланд бўлган.

Арабистондан келтирилган қўйлар билан ўзимизнинг маҳаллий қўйларнинг урчитилиши оқибатида ҳозирги қорақўл қўйларининг илк аجدодлари дуёга келган деган фикр мавжуд. Қорақўлнинг Арабхона қишлоқларидаги аҳоли ҳозирги кунда ҳам қорақўл қўйларини «Араби қўй» деб атади². Қора рангли қорақўл қўй зоти «Араби қўй» деб аталади. Қорақўл қўйларининг 90-95% ни араби қўйлар ташкил этади³.

1978 йилда Москвада нашр этилган «Қаракул и Смушка» (Қорақўл ва қўзи тери) китобининг муаллифи Л.Барлет шундай маълумот беради: «Қорақўл қўйлари Бухоро воҳасидаги қумлик ва қирликларда қийин шароитда халқ селекцияси йўли билан яратилиб, шу ердан дунёнинг 50 га яқин давлатларига тарқалган»⁴. Қорақўл қўй зоти бир неча юз йиллар олдин ҳозирги Ўзбекистон (Бухоро вилояти, Қорақўл тумани) ҳудудида жайдари қўйларни халқ селекцияси усулида узоқ вақт танлаш ва чатиштириш натижасида яратилган⁵. Қорақўл қўйлари энг қадимги зот бўлиб, барча барра терининг уруғбошиси ҳисобланади. Дунёда 400 га яқин қўй зотлари мажуд бўлиб, улар ичида Қорақўл қўйлари юқори маҳсулдордир. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, қорақўл қўйлари 50 дан ортиқ мамлакатда етиштирилади, аммо тилла ранг сур терилар фақатгина Қорақўл воҳасида (Жондор чўли билан биргаликда) етиштирилади. Бошқа жойда камдан-кам етиштирилади⁶.

Ҳозирги вақтда Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Навоий, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларидаги наслчилик хўжаликларида сур Қорақўл қўйларини чатиштириш йўли билан оқ олтин сур, бронза сур, оч пушти сур, антиқа сур, шамчироқ сур, пўлат сур терилари етиштирилади. Қорақўл терилари Хельсинки, Копенгаген, Санкт-Петербург, Лондон, Нью-Йорк ва бошқа халқаро жаҳон бозорларида сотилади.

4-§. Қорақўл қишлоқлари номлари ва уларнинг келиб чиқиши тўғрисида

Қорақўлда қишлоқлар сони кўп. Уларнинг барчасини номланиши тўғрисида тўлиқ маълумотлар йўқ. Шу боис қишлоқ номларининг тарихан келиб чиқиши, миллий-этник жараёнлар билан боғлиқ жиҳатлари хусусида

¹ В.Бережков. Техрон 1943. Т. 1971. 109 бет.

² Б.Йўлдошев. Ҳаёт сўқмоқлари. 43-бет.

³ ЎМЭ. 1-том, 386-бет.

⁴ Б.Йўлдошев. Ҳаёт сўқмоқлари. 43-бет.

⁵ ЎМЭ. 11-том, 76-бет.

⁶ Б.Йўлдошев. Ҳаёт сўқмоқлари. 46-бет

баъзи маълумотлар берилди. Зеро, қишлоқ аҳоли масканлари номларининг маъноси ва келиб чиқишининг ўзи ҳам катта тарихдир ва ўзликни англашда муҳим рол ўйнайди. Қишлоқ термини туркий сўздан келиб чиққан ва қишда яшайдиган, қишлайдиган жой деган маънони билдиради (Қишлов – қишлоқ).

Галабек – бу қишлоқ номи ўзбек халқининг шаклланишида иштирок этган Гала, Галачи қабиласи номидан келиб чиққан. Заки Валидийнинг «Ўзбек уруғлари» деб номланган мақоласида қўнғирот қабиласига кирувчи беш тармоқдан бири Қонжиғалининг таркибига 14 кичик тармоқ кириши, шуларнинг ичида Гала номли уруғ ҳам бўлганлиги айтилади. Н.Ханиковнинг «Описание Бухарского ханства» (1843) китобида ҳам Гала, Галачи номли уруғ Қўнғирот қабиласининг таркибида бўлганлиги қайд этилади.

Арғуни Мироб ариқ – бу қишлоқ номининг келиб чиқиши сув назоратчиси бўлган Арғун номи билан бевосита боғлиқ бўлиб, асосий негиз – арғун ҳисобланади. Тарихан арғун (арғин) термини ўзбек қабилалари таркибида бўлган шу номдаги туркий қабила номи билан боғлиқдир. Ўз вақтида М.Қошғарийнинг «Девон-ул луғатит турк» китобида ҳам ушбу ном арғу шаклида келтирилган. Амир Темурнинг «Тузукот» асарида ҳам унинг нуфузли амирлари орасида арғин қабиласидан чиққан Арғуншоҳ каби амирлар борлиги ёзилган. «Бобурнома»да Қорақўлда Султон Ҳусайин Арғун ҳокимлик қилгани таъкидланади. А.Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» китобида ҳам шоир Мавлоно Мир Арғун тўғрисида маълумот берилган¹. Ҳозирги вақтда бу термин жой номи сифатида Тошкент, Сирдарё, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Хоразм ва Қорақалпоғистонда учрайди. Абдуллаҳон даврида (1580 йилларда) амир Шоҳимбий арғун Қорақўлда ҳокимлик қилганлиги маълум.

Чигатой – бу қишлоқнинг номи Чигатой улуси номи билан боғлиқ. XIII асрнинг иккинчи ярмидан то XVI асрнинг бошларигача Мовароуннаҳр аҳолиси шу ном билан аталган. XV асрнинг охири – XVI асрнинг бошида Мовароуннаҳрнинг туркий ва форсий тилда сўзлашувчи ўтроқ аҳолисига нисбатан шу термин ишлатилган. XX аср бошида Ўзбекистон ва Тожикистоннинг жанубида Шайбонийхоннинг юришига қадар бу ерларда яшаган аҳоли авлодларига нисбатан ҳам Чигатой атамаси қўлланилган. Ҳозирги пайтда Чигатой атамаси Ўзбекистоннинг бир қатор вилоятларида жой номи сифатида учрайди. Чигатой – XVII асрда ўзбек халқи таркибида шаклланган қабилавий иттифок – «қурама»нинг таркибидаги уруғ номидан келиб чиққан деган қарашлар ҳам мавжуд.

Қорақулончи – қишлоқ номи қулон уруғининг бир тармоғи бўлган «Қорақулончи»дан келиб чиққан.

Алат (Аллат, Олот) – қишлоқ номининг пайдо бўлиши туркий уруғлардан ҳисобланган «Арлот» номи билан боғлиқ. Арлот ёки Орлот терминининг маъноси «ота-онаси қошида нозанин бўлган киши» демакдир². Абулғозининг «Шажарайи турк» асарида шундай дейилади: «Анинг маъноси отанинг севар ўғли темак бўлур. Арлот бир кишининг оти турур. Ани отаси кўп севар эди. Анинг учун Арлот тедилар. Барча Арлот эли анинг насли турурлар»³.

¹ А.Навоий. Мажолис ун-нафоис, 53-бет

² Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдуллонома. 1-жилд, 45-бет.

³ Абулғозий Баҳодирхон. Шажарайи турк, 40-бет.

Чингизхон томонидан Чиғатой улусини бошқариш учун ажратилган тўрт минг кишилик қўшин бошлиқларидан бири ҳам Арлот уруғидан бўлган. Н.Ханиковнинг китобида арлот ўзбек қабилалари қаторида кўрсатилиб, Қарши билан Бухоронинг оралиғида яшаши айtilган. Заки Валидийнинг ёзишича, арлотлар Қоракўлда яшаган. Н.Шомийнинг «Зафарнома»сида номдор амирлар қаторида Туркон Арлот, Муайяд Арлот қабила зикр этилган¹. А.Темурнинг навкарлари ўн икки қавм вакилларида ташкил топган бўлиб, улар ичида Арлот қавми ҳам бўлган. М.Улуғбек ҳам Арлотни туркий мўғул қабилаларидан бири деб ёзади². Рашидиддин Ҳамадонийнинг «Жоме ат-таворих» асарида арлотлар шимолий Афғонистонда яшаган деб қайд этилган. Ҳозирги Олот тумани ва шаҳрининг номи ҳам шу атамадан келиб чиққан.

Баҳрин-Баёт – қишлоқ номи қўшалок сўздан келиб чиққан: Баҳрин ва Баёт. Бир гуруҳ тадқиқотчиларнинг фикрича, баҳрин ва баёт уруғи вакиллари бирга яшаганлиги учун қишлоқ шундай деб номланган. Яна бир гуруҳ тадқиқотчиларнинг қарашича, ўрта асрларда эри бир уруғдан, хотини эса бошқа уруғдан бўлган аجدоддан тарқалган уруғ ана шундай қўшалок ном билан аталган.

Баҳрин (барин, борин) – «Насабнома» асарида бу ном қабила номи сифатида кўрсатилган. М.Улуғбекнинг ёзишича, Чингизхон билан бирга бўлган қавмлар орасида Баҳрин ҳам бўлган³. Чўқан Валихоновнинг кўрсатишича, баҳринлар Каттакўрғонда истиқомат қилишган⁴. Абулғозининг «Шажарайи турк» асаридаги маълумотга кўра, мўғул хони Бичинқаённинг Барин исмли ўғли бўлиб, баҳринлар ўшанинг насли экан. Бир Дўрманнинг уч ўғли бор эди. Улуғининг оти Барин. Барча барин эли анинг насли турурлар. XVI-XVII асрларда баҳринлар Бухоро хонлиги ҳудудига кўчиб ўтишган ва маҳаллий аҳоли билан аралашиб кетишган. 1924 йилги маълумотга кўра Бухоро вилоятида 3770 киши баҳринларга мансуб деб кўрсатилган⁵.

Баёт – маъноси «давлатли» демакдир, «баёт»нинг тамғасида куш, яъни уккининг сурати бўлган. Ўғизхоннинг ўғилларидан бири бўлган Кунхоннинг иккинчи ўғлининг номи Баёт деб аталган⁶. Қадимги туркий тилда баёт сўзи «худо», «тангри» маъносини англатган. Баёт туркий уруғ деб ҳисобланган ва Туркменистоннинг Баёт деган жойида яшаган. Бухоро амирлигида шу номдаги бешта қишлоқ бўлиб, унинг иккитаси Қоракўлда (Баёти калон, Қассоб баёт) бўлган. Баётлар қадимги ўғиз қабилаларидан бири, туркман тили лаҳжасида сўзлашган. XVI асрнинг бошида шимолий туркман қабилалари тазйиқи остида баётларнинг катта гуруҳи шарқий Хуросондан Амударёнинг ўрта оқими атрофлари ва Бухоронинг ғарбий қисми – Қоракўл воҳасига кўчиб келишган. XX асрда баётлар туркман, озарбайжон ва ўзбек халқлари таркибига кирган. 1920 йилда Ўзбекистонда (Қоракўл ва Бухоро атрофларида) 1460 нафар баётлар

¹ Н.Шомий. Зафарнома, 419-422 бет.

² М.Улуғбек. Тўрт улус тарихи, 104-бет.

³ М.Улуғбек. Тўрт улус тарихи. 84-бет.

⁴ Б.Аҳмедов. Тарихдан сабоқлар. 183 –бет.

⁵ ЎМЭ. 1-жилд, 669-бет.

⁶ Абулғозий Баҳодирхон. Шажарайи тарокима, 20-22-бет.

рўйхатга олинган¹. М. Қошғарий баётларни ҳам туркий қабила сифатида қайд этган.

Урганжий – ушбу қишлоқ номи этнографик гуруҳ номидан келиб чиққан, яъни Урганч томонидан кўчиб келган аҳоли авлодлари. Тарихан 1221 йилги мўғул истилоси даврида қирғиндан қочиб кетганлар Мовароуннахр ва Хуросоннинг турли вилоятларига келиб жойлашган ва ўзларини урганжийлар деб аташган. Бундан ташқари, XVIII-XIX асрнинг биринчи ярмида юз берган иқтисодий инқироз ва вабо тарқалиши туфайли катта гуруҳдаги хоразмликлар қўшни бўлган Бухоро амирлигининг айрим туманларига кўчиб ўтишган. Худойберди ибн Қўшмуҳаммад Хивакийнинг «Дили ғаройиб» деган рисола-сида айтилишича 1768-1769 йилда Хива шаҳрида вабо тарқалган ва қаҳатчилик юз берган. Аҳоли ён атрофларга қочиб кетган². 1783 йилнинг ёз ойида катталиги товуқ тухумидек дўл ёғиб экинзорларнинг нест-нобуд бўлишига, халқнинг озиқ-овқатдан қийналишига сабаб бўлган. Ана шундай вазиятлар туфайли Урганч томонидан катта гуруҳдаги аҳоли Бухоро ва унинг атрофларига ноиложликдан кўчиб келган. 1915 йилги маълумотга кўра, Бухоро амирлигида 18 қишлоқ урганжий деб аталган. Шу жумладан Қорақўлда ҳам 3 та қишлоқ шу номда бўлган. 1924 йилги маълумотга кўра, Бухоро вилоятида 24 минг нафар урганжийлар яшаган³.

Жалойил (Жалойир) – бу қишлоқ номи ўзбек қабилаларидан бири бўлган жалойир номидан келиб чиққан. Рашидиддиннинг китобида XI-XIII асрда жанубий Сибир, Олтой, Мўғулистон, Еттисувда яшаган турк-мўғул қабилалари ҳақида берилган маълумотда жалойир ҳам кўрсатилган⁴. Амир Темурнинг «Тузук»ларида келиб чиқиши жалойирлардан бўлган обрў-эътиборли амирлар ҳақида сўз юритилган. Жумладан, Баҳром Жалойир – Чигатой улуси бекларидан, Темур қўшинида бўлган, 1373 йил Хоразм юришида ҳалок бўлган⁵. Жалойирларнинг яшаш манзиллари турли манбаларда турлича кўрсатилган. «Тухфат ал-хоний» асарида жалойирларнинг яшаш манзили Миёнкол деб кўрсатилади. Чўқан Валихоновнинг ёзишича, улар Панжшамбида яшаган. Жалойирлар Амир Темур даврида Зарафшон бўйларига кўчган. 1920, 1926 йилги маълумотга кўра уларнинг сони 25 минг кишини ташкил этган, бир қисми Бухоро воҳасида – Қорақўлда яшаган. Ўзбекларнинг ичида уларнинг иккита уруғи яшайди: қайчили ва болғали. Кичик уруғлари таркибида «Қорақўли» номидаги уруғ ҳам мавжуд бўлган⁶.

Қўнғирот – бу қишлоқ номи ўзбек қабилаларидан бири бўлган Қўнғирот номидан келиб чиққан. Н.Ханиковнинг маълумотига кўра, Бухорода истиқомат қилган ўзбек қабилалари қаторида кўрсатилиб, улар Қарши атрофида, Қарши билан Шаҳрисабз оралиғида яшаган дейилади. Қўнғиротларнинг катта қисми Хива хонлигида ўтроқ ҳаёт кечирган ва XVI аср бошларида бу ерларга кўчиб келишган. Рашидиддиннинг китобида Чингизхон қўшинида қўнғиротлар ҳам

¹ ЎМЭ. 1-жилд, 580-бет.

² Б.Аҳмедов. Тарихдан сабоқлар. 336 –бет.

³ ЎМЭ.9-жилд, 115-бет.

⁴ Б.Аҳмедов. Тарихдан сабоқлар. 377 –бет.

⁵ ЎМЭ. 1-жилд, 620-бет.

⁶ ЎМЭ.4 –жилд, 294-бет.

бўлганлиги кўрсатилади¹. М. Улуғбек ҳам уларни турк-мўғул қабилалари қаторида қайд этади². «Тухфати хоний» асарида уларнинг яшаш жойлари Бойсун атрофлари деб кўрсатилган³. «Абдуллонома»да қоракўллик Жонкелди оталик кўнғирот, унинг укаси Хулқли оталик кўнғирот ҳақида маълумот берилади.

Қўрчи – қишлоқ номининг келиб чиқиши тарихий ҳарбий атама билан боғлиқ. Қўрчининг 3 хил маъноси бор: 1) Ўрта асрларда Туркистон ва айрим Шарқ давлатларида туркий қабилаларнинг эътиборли ва ишончли кишиларидан саройда тузилган махсус сараланган ҳарбий қисм жангчилари, ҳукмдор ва нуфузли аёнларнинг шахсий қўриқчилари шундай аталган; 2) Темурийлар даврида экинзорларни қўриқловчи ҳарбий қисм жангчилари, шайбонийхонлар даврида хон ўрдасини қўриқловчи ҳарбий қисм жангчилари шундай аталган; 3) Ҳозирги замондаги гвардиячи атамасига тўғри келади⁴.

Жиғачи – қишлоқ номининг келиб чиқиши «Жиға» сўзи билан боғлиқ бўлиб, жиға дегани бош кийим устига ўрнатиладиган безак, тақинчокдир. Жиға қадимий атама бўлиб, ёзма манбаларда у ҳақда маълумотлар, миниатюраларда эса унинг тасвирлари сақланиб қолган. Қадимдан тўй ва тантаналарда, баъзан эса «кўз тегиши» дан сақланиш ниятида ҳам тикилган. Шоҳ, шаҳзода, бекзодалар таққан якка қадалувчи жиға, асосан аёллар дўпписининг икки чеккасига қадаладиган кўш жиға (Хоразмда), болалар бош кийимига «ёмон кўздан асраш» ниятида қадаладиган қатор жиға каби турлари мавжуд⁵. Демак, жиға ясовчилар қишлоғининг номи Жиғачи деб аталган. «Жилға» сўзидан келиб чиқиб, жилғачи деган ном пайдо бўлган деган фикр ҳам бор. Бу ерда асос сифатида Қоракўлдарёнинг жилғалари олинади.

Қулончи – ушбу қишлоқ номининг келиб чиқиши ўзбек қabila-уруғлари номи билан боғлиқдир. Бухоро вилоятининг Жондор ва Қоракўл туманларида шу номдаги қишлоқлар мавжуд. 1915 йилги маълумотга кўра, Юқори Қулончи, Қуйи Қулончи, Қоз Хўрдаи Қулончи ёки Хос Курда Қулончи ва Қулончи қишлоқ номи сифатида қайд этилган. Маҳмуд ибн Валининг «Баҳр ул-асрор» асарида (XVII аср) ўзбек қабилалари орасида «Қулон» қабиласи ҳам бўлган деб кўрсатилади⁶. Муҳаммад Юсуф Баёнийнинг «Шажараи Хоразмшоҳий» асарида Хоразм хонининг рус аскарларига қарши курашган элатлари орасида Қулон номи ҳам зикр этилади⁷.

Сайёд (Сайёт) – ушбу қишлоқ номи келиб чиқишида икки хил маъно мавжуд. Агар «Сайёд» бўлса, овчи маъносини билдиради. Шундан келиб чиқиб, айримлар «Шай от» деган терминни ҳам ишлатадилар. Бу ерда туркий халқнинг жанговарлигига ишора қилинади, «Шай от» (Аста-секин вақт ўтиши билан «Сайёт» га айланган), «Шай отлик», яъни сайётлик деган маънони билдириши илгари сурилади.

Ўзбекларнинг кенегас ва манғит қабилалари таркибида сайёд уруғи мавжуд бўлган. XX аср бошларида ўзбеклар таркибидаги сайёд уруғ-

¹ Б.Аҳмедов. Тарихдан сабоқлар. 377 –бет.

² М.Улуғбек.Тўрт улус тарихи. 84-104бет.

³ Т.Саидкулов. Очерки историографии истории народов Средней Азии. 104-бет.

⁴ ЎМЭ. 11-жилд, 190-бет.

⁵ Б.Аҳмедов. Тарихдан сабоқлар. 373 –бет.

⁶ Мерос. Т. 1991.214-бет.

⁷ Турон қавмлари. Энциклопедик луғат. Т., 2008 83-бет.

қабилалари 1200 га яқин кишини ташкил этган. Шу жумладан, Бухоро ва Қоракўл воҳасида 350 киши истиқомат қилган. Сайёд деган ном топоним сифатида Туркменистоннинг Левоб вилоятида, Шимолий Афғонистоннинг Шибирғон вилоятида ҳам учрайди. Ҳозирги вақтда Қоракўл туманида Сайёд номидаги қишлоқ фуқаролар йиғини, Сайёд қишлоғи ва Олот туманида Талқон Сайёд қишлоғи шу ном билан аталади.

Чандир – қишлоқ номи туркий қабила номидан келиб чиққан. Тарихан чандирлар VIII-IX асрларда Сирдарёнинг қуйи ва ўрта оқимида, Орол денгизининг жанубидаги чўлларда яшовчи ўғузлар таркибида бўлганлар. Кейинчалик чандирларнинг бир қисми Мовароуннаҳрга ўтиб ўзбеклар ва туркманлар билан аралшиб яшаб уларнинг таркибига сингиб кетган. Айрим гуруҳлари ўғузлар таркибида Озарбайжонда ўрнашиб қолган. XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида чандирларнинг айрим гуруҳлари ўтроқ ҳаёт кечириб, асосан чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланган. 1924 йилги маълумотга кўра, чандирлар Ўзбекистонда 3425 кишини ташкил этган¹. 1915 йилги рўйхатда Бухоро амирлигида 9 та шу номдаги қишлоқ қайд этилган. Ҳозирги вақтда Шофиркон, Жондор, Қоракўл ва Олот туманларида Чандир номли қишлоқлар мавжуд. Чандир эли 1594 йилда, яъни Абдуллахон II ҳукмронлиги даврида Қоракўлга кўчиб келган, бунгача улар Эронга тегишли бўлган Чандир ва Сумбар дарёлари оралиғида яшаган деган маълумот мавжуд².

Якка Аълам – ушбу қишлоқнинг номи битта аълам ёки ягона, якка аълам маъносини билдиради. Аълам – арабча сўз бўлиб, билагон, энг олим демакдир. Мусулмон давлатларидаги диний амалдор. Одатда аълам диний-ҳуқуқий масалалар юзасидан фикр бериб турган. Ҳар бир қозининг ёнида аълам бўлган. Қоида тариқасида шариатга асосланиб ҳукм чиқаришда аъламнинг муҳри керак бўлган. Муфтийлар тузган фатво ёки ривоятга аълам муҳр босгач, у ҳуқуқий кучга кирган.

Айрим манбаларда Қоракўлдаги Якка Аълам қишлоғининг номи Якқалам, яъни бир қалам деб ҳам изоҳланган. Шу ўринда 1915 йилги рўйхатда ушбу қишлоқ номи форсий-арабий ёзувда «Якка Аълам» деб кўрсатилганлигини ҳам эътироф этиб ўтамиз.

Миришкор (Миршикор) – қишлоқ номининг келиб чиқиши бир неча асосга эга. Мири-шикор, миршикор дегани ов амири маъносини англатади. Ҳукмдорлардан бирининг ов бошқарувчиси шу қишлоқда яшаган деб қаралади. Бошқа маъноси – миришкор, яъни ўз ишининг устаси, билимдони деган маъно билан боғлиқ. Бухоро воҳасида мир атамаси билан боғлиқ бир неча тарихий терминлар мавжуд: мироб (сув амири), миршаб (тун амири), мирохур (отхона амири), миршикор (ов амири). Яна бир жиҳатдан ўзбек қавмлари орасида кенг тарқалган «Меришкор» уруғи номи билан боғлиқ. Бухоро амирлигининг Кўлоб, Қўрғонтепа, Қабодиён, Ҳисор, Денов бекликларида «Меришкор» ёки «Муришкор» номли қавмлар яшаган. Қабодиён беклигида улар дўрманлар билан бирга яшаган. Бухоро амирлигида 15 та қишлоқ шу ном билан аталган. Жўйбори Хўжалари авлодидан бўлган Хожа Саъд Қоракўлда ов қилганлиги, ов

¹ ЎМЭ. 9-жилд, 571-бет. 7-жилд, 424-бет.

² Ш.Нурматов. Қоракўл таронаси. Т. 1996. 29-бет.

пайтида 700 нафаргача миршикорлар қатнашганлиги ҳам қишлоқ номини ов билан боғлашга асос бўлади.

Уйғур – қишлоқ номининг келиб чиқиши ўзбек уруғ-қабилалари таркибида бўлган уйғур қавми номи билан боғлиқ деб қаралади. Н. Ханиковнинг китобида ўзбек қавмлари орасида уйғур қавми ҳам Бухоро хонлигида яшаган деб кўрсатилади. Уйғур терминининг маъноси – қўшилиш ва мадад қилишдир. Тарихчи Рашидиддиннинг фикрича, уйғур туркча сўз бўлиб, у бизга қўшилди ва ҳамжиҳат бўлиб ёрдам берди деган маънодадир. Бошқа бир жойда кўрсатилишича, уйғур сўзининг маъноси «Ўрмон кишиси»дир¹.

Дарғабоғи – қишлоқнинг номи «Дарға» термини билан боғлиқ. Ушбу термин мўғулча «доруға» сўзи билан боғлиқ. Доруға – мўғулча «дарахту» сўзидан келиб чиқиб, назоратчи, шаҳар бошлиғи маъносини билдиради. Бу мансаб мўғуллар даврида муомалага киритилган бўлиб, маҳаллий ҳокимлар ҳузуридаги улуг хон вакили, ноиби сифатида ишлатилган. Темурийлар ва шайбонийлар даврида вилоят, туман, шаҳар ҳокими шундай деб аталган. Уларнинг зиммасига хазинага келиб тушиши лозим бўлган солиқларни тўплаш ва бошқа бир қатор вазифалар (аҳолини рўйхатга олиш, хон қўшини учун лашкар тўплаш) ҳам юклатилган. Доруға Бухоро амирлигида шаҳарнинг ҳарбий комендант лавозимида бўлган. Демак, Дарғабоғи қишлоғи бир пайтлар доруға лавозимида ишлаган кишининг боғи бўлган жой деб таърифланади ҳамда шундан қишлоқ номи келиб чиққан.

Маллайи Шайх (Маҳаллайи Шейх) – қишлоқ номининг келиб чиқишида икки хил асос мавжуд. Биринчиси – шайхлар маҳалласи маъносини билдиради. Илмий, эътиқодли ва доно Мулла Шайх деган киши томонидан обод қилиниб, аҳоли яшаш манзилига айланган ва шу кишининг номи билан аталган. Қишлоқ номи ҳозирги вақтда «Маллашайх» деб юритилади. Малла Шайх ва Мулла Шайхни бир кишининг номи деб қабул қилиш қийин. Чунки 1915 йилги амир қушбегисининг дафтарида «Маҳаллайи Шейх» деб кўрсатилган. Шихлар ўз номларини шайхларга яқин қўйиб, келиб чиқишларини Муҳаммад пайғамбарга боғлайдилар.

Иккинчиси – туркий қабила бўлган шихлар номидан келиб чиққан. Шихлар ўрта асрларда йирик қабилалардан бирининг номи бўлиб, кейинчалик мазкур қабила бўлақларга бўлиниб кетган, ўзбекларнинг қутчи, қарлуқ қабилалари таркибида бўлган. Шихларнинг асосий қисми ҳозирги Туркманистоннинг ғарбий қисмида, шунингдек Ўзбекистоннинг Бухоро, Қорақўл ва Навоий ҳудудларида истиқомат қилишган. Ўзбекистонда яшаган шихлар ўзбеклар таркибига сингиб кетган².

Осиё – бу қишлоқ номининг келиб чиқиши осий термини билан боғлиқ. Осиё – форсчада «тегирмон» деган маънони англатади. Тарихан Осиё термини юнонча «Асиа», оссурийча «Асу» сўзидан келиб чиққан ва «Шарқ» маъносини англатган. Шу аснода Ўрта Осиё – Ўрта Шарқ демакдир. Абу Райхон Берунийнинг маълумотига қараганда, қадимда Амударё соҳилларида ос уруғига мансуб кишилар истиқомат қилишган. Бу термин жой номи сифатида Хоразмда

¹ Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдуллонома. 1-жилд, 38-бет.

² З.Чориев. Тарих атамаларининг қисқача изоҳли луғати. Т. 1999. 122-бет.

кўп учрайди. Этнограф Г.П.Васильеванинг фикрича, XVIII асрнинг охирида Гурландан кўчган хидирэли уруғи вакиллари Қоракўлга келиб жойлашган ва бу ерда қалъа қуришган. Қалъанинг номи Осиё деб аталган. Унинг қолдиқлари ҳозирги Осиё қишлоғида сақланиб қолган¹. XVII аср охири – XVIII аср бошида яшаган тарихчи Хўжа Самандар Термизийнинг «Дастур-ул мулк» асарида Бухоро, Насаф, Шаҳрисабз атрофида яшаган қабилалар қаторида «Асс» қавми ҳам кўрсатилган.

Реги Ҳайдар (Регидар) – қишлоқнинг номи форсчадан «қум» сўзи билан боғлиқ. Унинг маъноси Қуми Ҳайдар ёки Ҳайдарнинг қумидир. Ҳозирги Регидар деб талаффуз этилиши ушбу номнинг қисқарган ёки бузиб айтилган шаклидир.

Мироб – бу қишлоқнинг номи «Мири об», яъни сувнинг амири, эгаси, хўжайини маъносини англатади. Атаманинг негизи – мир бўлиб, у арабчадаги амир сўзининг қисқарган шаклидир.

Тожикенд (Тожикиент) – қишлоқнинг номи этимологик жиҳатдан кент, кенд, яъни шаҳар, кўрғон, қишлоқнинг тожи деган маънони англатади. Яна Тожикенд – Тожикикенд, яъни тожиқлар яшайдиган жой, кенд маъносини билдиради.

Мурғак – қишлоқнинг номи форсчада қуш ёки ҳар қандай парранда маъносини англатади. Яна бир вариантда «Мурғяк» – битта қуш маъносини англатади. Мурғак атамасининг «кичик» деган маъноси ҳам мавжуд.

Шоғол – қишлоқнинг номи қандай келиб чиққанлиги тўғрисида бир неча хил вариантлар мавжуд. «Шақал» сўзи форс-тожик тилидаги «чиябўри» маъносини билдиради. Бунинг «шоғол» сўзига алоқаси йўқ. «Шағал», яъни тош сўзи билан боғлиқ деб ҳисобловчилар ҳам борки, этимологик жиҳатдан ҳақиқатдан йироқ. «Шағол» қишлоғи номини қамиш, шакарқамиш билан боғлашга уринишлар ҳам бўлган. Аммо бу ҳам унчалик тўғри эмас. «Бухоро ҳақиқати» газетасининг 1988 йил 24 январ сониде «Дехқонлар кўйган ном» деб аталган мақола эълон қилинади. Унда Қарши давлат педагогика институти доценти Т.Нафасовнинг илмий асосланган жавоби берилган. Унинг таъкидлашича, «Шағол» энг қадимги сўзлардан бўлиб, унинг келиб чиқиши қадимги Сўғдиёнанинг сўғд тилидаги шарқий-эроний гуруҳига мансуб лаҳжалардаги сўзлар билан боғлиқ экан. Шунга кўра, тожик тилининг бадахшон шеvasида «Чақал» – ер участкаси, экин жойдир. «Чақол», «Чақал» сўзининг маҳаллий кишилар нутқидаги ўзгарган шакли – Шақол, Шағолдир. Бунинг келиб чиқиши деҳқончилик маданияти билан боғлиқ. Одамлар кўл атрофини, деҳқончиликка қулай ерни ўзлаштира бошлаган ва шу ерда қишлоқ барпо этилган деб хулоса чиқарилади. Демак, қишлоқ номи ўзлаштирилган ер, экин жойи деган маънони билдиради. Туркманларнинг Эрсари қабиласи таркибида ҳам «Шағал» деган уруғ бўлган.

Кўмирчи – бу қишлоқнинг номи бевосита кўмир тайёрловчилар фаолияти билан боғлиқ. Қоракўл воҳасида қадимдан бошлаб ўзига хос тарзда кўмир тайёрланган ва шу соҳа мутасаддиларини кўмирчи, қишлоқларини ҳам кўмирчи деб атаганлар. Кўмирчилар воҳанинг чўлларида ўсадиган саксовул, қарағон

¹ М.Жўраев, Р.Саидова. Бухоро афсоналари. Т.2002.114-бет.

каби қаттиқ ўсимликларни оловда куйдириб (чала ёқиб), кейин кумга кўмиб қўйишган ва совутишган, чала ёниб қоп-қора бўлиб қолган ўтин бўлақларини йиғиштириб олиб от, туя ва эшакларга ортиб, шаҳарга олиб бориб ёқилғи сифатида сотишган. То руслар кўмир келтиргунларига қадар, бу қишлоқ одамлари шу иш билан машғул бўлган. Фақат Совет давлати бу ишни тақиқлаб қўйган.

Кемачи (Кимачи) – бу қишлоқнинг номи ҳам бевосита сув йўлида хизмат қиладиган, юк сотишда ишлатиладиган кема (қайиқ) ясовчилар билан боғлиқ. Қадимдан Бухоро ва Хива ўртасида Амударё орқали савдо алоқаси олиб борилиб, юклар маҳаллий усталар томонидан тайёрланган қайиқлар орқали ташилган. Бухородан юкларни Чоржўйга олиб келишиб, кейин дарё орқали Хивага жўнатишган. Дарёга яқинроқ масофада жойлашган Қорақўлда қайиқ ясовчилар ҳам кўп бўлган ва уларнинг манзиллари кемачилар қишлоғи деб ном олган. Кемачиларнинг ота-боболари бир пайтлар Зарафшонда (Қорақўлдарё) ҳам қайиқчилик билан шуғулланганлар. Кема (қайиқ) ясашда асосан маҳаллий хом ашё – тол дарахти ёғочларидан кенг фойдаланилган.

Солур – қишлоқ номи туркий қабилалардан бири – Салур (Салғур) номидан келиб чиққан. М. Қошғарийнинг ёзишича, Салур туркий қабила деб ҳисобланади. Солур туркман қабила уруғларидан бўлиб, XV асрда туркман элати таркибида шаклланган. XX асргача туркманларда қабила-уруғларга ажралиш сақланган бўлиб, улардан йириклари қаторида такалар, ёвмутлар, эрсарилар, солурлар, сариқлар, гёкланлар ва чоудорларнинг номи зикр этилади¹.

Абулғози Баҳодирхоннинг 1660-1661 йилда яратилган «Шажарайи тарокима» деган асарида туркий халқларнинг келиб чиқишида муҳим саналган Ўғузхоннинг ўғилларидан бири бўлган Тоғхоннинг катта ўғли Салур деб аталгани ва салур қабиласи номи шундан келиб чиққанлиги айтиб ўтилади. «Салур»нинг маъноси қулочли темак бўлур, тамғасининг суврати бу турур: қуши лочин»². Солур (солир) қавмининг вакиллари Қорақўлга айнан қайси даврда келиб қолган деган саволга жавоб бериш қийин. Бухоро ва Хива хонлиги ўртасидаги муносабатлар зиддиятли бўлган даврларда, шунингдек, Хива хонлигида бир неча марта қурғоқчилик ва очарчилик бўлган даврларда (XVI-XVIII асрларда) бу ерга келиб қолган деган фикр мавжуд.

2007 йилда нашр этилган «Буюк ипак йўли» номли китобда Хитой халқ республикасида яшовчи, мусулмон динига эътиқод қилувчи, 1954 йилда алоҳида миллат сифатида тан олинган салорлар тўғрисида қизиқарли маълумот берилган. Уларнинг сони 2005 йилда 95 мингдан ортиқ деб кўрсатилади. Салорларнинг асосий қисми Хитойнинг Цинхай ўлкаси, Сюнхуа туманида яшайди. Улар Хитойда XIV асрдан яшай бошлаган. Ўз вақтида В. Бартольд салорларнинг туркманлар таркибидаги салор (солур) қабиласи билан тарихан боғлиқлигини исботлаб берган. Салор тили ўзбек-уйғур тилига жуда яқин, ўғуз шевасига тўғри келади. Масалан, кел-гел, хотин-гадин, кўриш-гўриш, темир-демур, кеч ёки кечкурун-геч, куён-дўшон, яхна сув-донг сув, тур-дур, гул-чечек, қорин-қурсок, доривор-ем, юриш-жиривор, ҳайвон-мол, яшаш-жасаш деб талаффуз этилади.

¹ ЎМЭ. 8-жилд, 669-бет.

² Абулғозий Баҳодирхон. Шажарайи тарокима, 22-бет.

Тарихан салорлар қадимги даврда Сирдарё бўйларида, Иссиққўл атрофида, Или бўйида яшаган. Кейинчалик Хоразм ва Хуросонга кўчган ва турли томонга бўлиниб кетган. Шундан кейин уларнинг бир қисми ўзларини туркман деб атаган. Яна бир қисми эса 1370-1424 йилларда Самарқанд орқали Шарқий Туркистонга, Хитойнинг ғарбий ўлкаларига бориб ўтrockлашган. Йирик туркшунос олим Э.Р.Тенишев салорлар ғарбга кўчганда, уларнинг бир қисми Самарқандда (Нуротада) ўтrockлашиб қолганлигини ва яна бир қисми Туркманистонга бориб жойлашиб, туркман миллати таркибига кирганлигини кўрсатиб беради¹.

Дўрман (Дўрмон) – қишлоқнинг номи ўзбек халқининг келиб чиқишида қатнашган 92 қавмдан бири бўлган «дўрмон» қабиласининг номи билан боғлиқ. Мўғулчада «дўрмон» – тўрт дегани. Айрим манбаларда «Дурбон», «Дурбой» шаклида ҳам берилган. Абулғози Баҳодирхон «Шажарайи турк» асарида дўрмон уруғининг келиб чиқиши Бичанқаён номли подшоҳнинг беш ўғли билан боғлиқлигини таъкидлайди. Бичанқаён дунёдан кўз юмишдан олдин, эл-юртга кичик ўғлини тўра қилиб сайлашни васият қилган экан. Унинг васиятини инобатга олиб, кичик ўғлини хоқон қилиб сайлайдилар. Аммо акалари кенжа укасининг бошлиқ бўлганлигидан норози бўлиб, биздан биримизни хоқон қилиб сайланглар деб халққа мурожаат қилганда, уларнинг истаклари рад этилади. Натижада тўрт ака-ука бегона эл ичига кўчиб кетади ва у ерда уларни «дўрмон» деб атайдилар (Улар мўғуллар элатига кўчиб ўтишган).

«Абдулланом» (Шарафномаи шоҳий) асарида эса қуйидаги маълумот берилади: «Бу тоифа ҳам Нуридан тарқалгандир. Шундай нақл қиладиларки, булар ака-ука бўлиб, тўрт ўғилдирлар, улар ўзлари турган жойдан Чингизхоннинг вилоятига киришни истаганлар, сол боғлаб унга ўтирганлар ва унинг вилоятига кирганлар. Ҳикоя қиладиларки, дўрмон қавми ўшаларнинг наслидандир ва мўғулчада дўрмон «тўрт» демақдир.

М. Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи» асарида Чингизхон даврида турк-мўғул қавмлари орасида дўрмон қавми ҳам борлиги таъкидланади². Юқоридаги манбаларда дўрмон сўзининг «тўрт» маъносини билдириши таъкидланмоқда. Демак, зикр қилинган тўрт ака-укадан тарқалган авлодлар дўрмонлар деб атала бошлаган. Дўрмонлар тўрт тоифа, 18 уруғдан ташкил топган.

Дўрмонлар кичик-кичик гуруҳ бўлиб, тарқоқ ҳолда Зарафшон, Сурхондарё, Тошкент воҳаларида, қисман Хоразмда, жанубий Тожикистон ва Афғонистонда яшаганлар. Улар Ўрта Осиё ҳудудларига XVI-XVIII асрларда Дашти Қипчоқдан келиб жойлашганлар ва кейинчалик Бухоро хонлиги (амирлиги) нинг сиёсий ҳаётида фаол қатнашганлар. Аштархонийлар ҳукмронлиги даврида дўрмон қабиласи вакиллари хоннинг чап томонида нақиб лавозимидаги сайидлардан кейинда турган. Муҳаммад Юсуф Муншийнинг «Муқимхон тарихи» асарида кўрсатилишича, эшикоғабоши лавозими ўзбекларнинг уч қабиласидан тайинланган: дўрмон, қушчи, найман. Манғитлар даврида хон саройидаги йиғилишда дўрмонлар амирнинг рўпарасидан

¹ А.Хўжаев.Буюк ипак йўли. Т. 2007. 220-226бет.

² М.Улуғбек. Тўрт улус тарихи. 84-бет.

манғитлардан кейин иккинчи ўринда турган. Манғит амирлари даврида саройдаги парвоначи лавозимида дўрмон қабиласи вакиллари тайинланган.

Дўрман қабиласи вакиллари турли даврларда турли хил лавозимларга тайинланган. Масалан, Шайбонийхон даврида Қундуз шаҳрининг ҳокими Урусбек дўрмон бўлган, у Убайдуллахоннинг оталиғи бўлиб, 1512 йилда Кўли Малик жангида ўлдирилган. Қарши шаҳрининг ҳокими Муҳаммад Раҳимбий дўрмон ҳам шу қабила вакилидан тайинланган. Аштархонийлар даврида Қабодиёнга Яқуббий Дўрманий ҳокимлик қилган. «Абулфайзхон тарихи» асарида Муҳаммад Раҳимбий парвоначи дўрмон, Муҳаммад Ёр парвоначи дўрмон (Қоракўлнинг ҳокими), Ҳожим Ёр Додхоҳ дўрмон қабила қайд этилади. Шунингдек, «Абдулланом»да Амир Турум дўрмон, амирзода Муҳаммад Боқибий дўрмон қабила тилга олинади.

Б.Аҳмедовнинг ёзишича, дўрмонлар ҳарбий юриш пайтида ўзбеклар қўшинининг ўнг томонида туриб жанг қилган¹. «Описание Бухарского ханства» китобида амирлик ҳудудларида яшаган ўзбекларнинг 28 қабиласи қаторида дўрмон ҳам кўрсатилган. Бухоро амирлигининг қушбеги девони томонидан 1915 йилда расмийлаштирилган маъмурий рўйхат-дафтарида Хайробод туманининг Бойканд мавзесида Дўрман қишлоғи ҳисобга олинган.

Дўрман қишлоғида яшовчи кексаларнинг гувоҳлигига қараганда, уларнинг аجدодлари бу ерга Қабодиён томонидан кўчиб келишган ва ўзаро алоқалар 1930 йилгача давом этган. Зарафшон (Қоракўлдарё)нинг бир томонидан иккинчи томонига ўтиб жойлашганлар ўз қишлоғи номини «Ўтиқ дўрман» деб атайдилар. Қолганлар эса қишлоғини «Катта дўрман» деб атайдилар.

«Жамият ва бошқарув» журналининг 2009 йил 4-сонида Ф.Очилдиевнинг «Сурхон воҳасида яшовчи дўрмон уруғи ҳақида» деб номланган мақоласи босилиб чиқди. Дўрмонлар Сурхон воҳасига бундан 250 йил бурун келиб жойлашганлиги айтиб ўтилади.

Дўрмон қабиласи таркибига кирган уруғлар вакиллари ўзбек уруғлари одати бўйича қаерга бориб жойлашсалар, ўзаро алоқани сақлаб қолиш учун қабиласи номини ўзлари яшаган манзилга берганлар. Тошкентдаги Президентнинг Дўрмон қароргоҳи, Навоийдаги аэропорт яқинидаги Дўрмон, Хоразмнинг Янги бозоридаги Оёқ Дўрмон, Шофиркондаги Дўрмон, Бухоро шаҳридаги (XIX аср) Дўрмон гузари, Дўрмон ҳовузи, Дўрмон масжиди ва бошқалар ушбу фикрни тасдиқлайди. Бухоро амирлигида (XX аср бошларида) Дўрмон номидаги 17 та қишлоқ рўйхатга олинган. Хулоса қилиб айтганда, дўрманлар Қоракўл ҳудудига XVI аср бошларида келиб жойлашган. «Абдулланом» асарида Абдуллахон даврида Дўрмон деган жойда катта қўшин тўпланганлиги ҳақида маълумот берилган.

Кесакли – бу қишлоқ номининг келиб чиқиши ерларининг кесакли бўлгани билан боғлиқ. Қадимги сўғд тилида кес ёки кеш термини атрофи девор билан ўралган қалъа, жой деб изоҳланиши маълум. Кесакли – кичик қишлоқ деб изоҳланади. Кесакли номдаги уруғ ҳам бўлган.

Солиҳ қоровул, Соло қоровул – бу қишлоқларнинг номлари Соло, Сайин, Сайёд ва Умархўжа деган шахсларнинг исмидан келиб чиққан. Бухоро ва Хива

¹ Б.Аҳмедов. Тарихдан сабоқлар. 88-бет.

ўртасидаги тўқнашувларда мардлик кўрсатган, қоровуллик қилган юқоридаги кишилар кейинчалик ҳар бири алоҳида қишлоқда яшаган ва қишлоқ унинг номи билан атала бошланган.

Соини Хидир эли – қишлоқнинг номи туркманларнинг Хидрейли (Хидир эли) уруғининг номи билан боғлиқ. XVIII асрда Хоразмнинг Гурлан деган жойидан Қорақўлга шу уруғ вакиллари кўчиб келган деган маълумот мавжуд.

Қизил кесак – қишлоқнинг номи халқ этимологиясига кўра, «тупроғи, кесаги қизил бўлган жой» демакдир. Кесакли уруғининг бир тармоғига Қизил кесак деб ном берилган ва қишлоқ номи шундан келиб чиққан.

Кумработ, кумқишлоқ, кумкашон – бу қишлоқларнинг номларини келиб чиқишида асосий негиз бўлган кум термини ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Кундали – қишлоқ номи ернинг, жойнинг рельефидан, яъни ҳолатидан келиб чиққан: бир пайтлар бу жойда дарахтларнинг кундалари кўп бўлган, демак, бу жой вақтида ўрмон ёки бутазор бўлган.

Кетмон Дауди (Кетмондуви) – қишлоқнинг номи деҳқончилик меҳнат қуроли бўлган кетмон билан боғлиқ бўлиб, кетмон синди, кетмон тўкилди маъносини англатади. Айтишларича, бу қишлоқнинг ўрнида жойлашган ер майдони сатҳи жуда қаттиқ бўлиб, уни ўзлаштиришга ҳаракат қилиб иш бошлаган деҳқоннинг кетмони синиб қолган ва кетмон синди, шева тилида кетмон дувдига айланиб кетган.

Қиёс – қишлоқнинг номи киши исмидан келиб чиққан деган фикр мавжуд. Қиёс исмли бир кишининг етти ўғли билан бу ерга кўчиб келишидан бошланган бу қишлоқнинг келиб чиқиши тарихи. «Қиёс» ва «Қиёт» терминини аралаштирмаслик лозим. Қиёт – туркий уруғларга мансуб қабила номи. Қиётликлар ўзбекнинг қарлуқ лаҳжасида гаплашади, қиёсликлар ўзбекнинг ўғуз лаҳжасида сўзлашади.

Пичоқчи – қишлоқнинг номи Зарафшон водийсида яшаган қипчоқ (оқ қипчоқ)ларнинг бир уруғининг номидан келиб чиққан.

Қозон – қишлоқ номи йирик туркман қабиласи Эрсарининг йирик уруғларидан бири бўлган «Қора» номли уруғ таркибидаги кичик уруғ номидан келиб чиққан.

Вахм – бу қишлоқнинг номи аслида «Вақф» бўлиб, кейинчалик шундай ҳолатда истеъмол қилинган. Тарихан бу қишлоқ ҳудуди бир пайтлар йирик амалдор томонидан вақф мулки қилиб берилган.

7-БОБ. ҚОРАҚҮЛ МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИДА.

Мустақиллик муносабати билан 1991 йилдан эътиборан мамлакатда маъмурий бошқарув органларига раҳбарлик қилиш учун ҳокимлик лавозими жорий этилди. Ҳокимлар туманларда маъмурий бошқарувни амалга оширадilar, улар туман ҳокими ва айна вақда ижроия ҳокимият бўғини бўлган туман халқ депутатлари кенгашига ҳам раислик қиладilar. Истиқлол йилларида Рўзимурод Собиров, Дониёр Тошев, Абдусалом Раҳмонов, Матлуб Нўмонов туманга ҳокимлик қилдилар.

Мустақиллик йилларида туманда катта ўзгаришлар амалга оширилди. Бу пайтга келиб, туманнинг ер майдони 6954 км² ни ташкил этиб, аҳоли сони 125 минг кишига етди (шаҳар аҳолиси 20,9 минг киши, қишлоқ аҳолиси 104,1 минг киши, 2005 йил). Туманда 11 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳамда 5 та маҳалла фуқаролар йиғинлари, 101 та қишлоқ, 19 та жамоа хўжалиги, ўрмон хўжалиги, пахта тозалаш заводи, ип йиғирув фабрикаси, умуман олганда, 150 дан ортиқ корхона, ташкилот ва муассасалар фаолият кўрсатди¹.

1987 йилда ташкил этилган Қорақўл ип йиғирув фабрикасида 1996 йилга келиб 430 нафар қизлар дастгоҳда ишлади. Корхонанинг лойиҳа қуввати йилига 1500 тонна ип йиғиришга мўлжалланган эди.

Қишлоқ хўжалигини янги замонавий техника билан таъминлашга эътибор берилди. 1996 йилнинг 18 ноябрида Зарафшон жамоа хўжалигида (ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти) АҚШнинг «КЕЙС КОРПОРЕЙШИН» фирмасида ишлаб чиқарилган «Маглим-720» маркали ҳайдов тракторининг такдимоти ўтказилди ва ушбу трактор билан кунига 20-30 гектар ер майдонининг шудгор қилиниши самарали кўрсаткич деб баҳоланди. Кейинги йилларда ушбу фирманинг пахта экиш учун ва донни ўриб-янчиш учун мўлжалланган комбайн-тракторларидан қишлоқ хўжалигида кенг фойдаланилди.

«Қорақўл» ёввойи ҳайвонларни кўпайтиришга ихтисослаштирилган қўриқхонаси туман ҳудудида мустақиллик йилларида ташкил топган ўзига хос масканлардан биридир. Қорақўл ўрмон хўжалигининг Замонбобо участкасидаги бу қўриқхонанинг умумий ер майдони 8 минг 275 гектар, шундан 2100 гектари сувликдан – Шўркўлнинг жанубий шарқий қисмидан иборат. Бу ерда жайрон, ёввойи чўчқа, қулон, прежевалск оти ва бошқа ҳайвонлар сақланмоқда.

Мустақилликка эришилгач, туман ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маиший ҳаётида катта ўзгаришлар амалга оширилди. Хўжалик юритишнинг мулкчилик шакллари ўзгарди, бозор иқтисодиёти асосида турли хил мулк шакллари, аввало хусусий мулкчиликка асосланган хўжалик юритиш йўлга қўйилди. Қишлоқ хўжалигида устувор кучга эга бўлган жамоа хўжаликлари аста-секин фермер хўжаликлари шаклида қайта ташкил этилди. Тумандаги асосий ишлаб чиқариш корхоналари ҳиссадорлик (очиқ ва ёпиқ турдаги) жамиятларига айлантирилди, давлат мулкчининг катта қисми хусусийлаштирилди, молиявий-иқтисодий ривожланишни доимий таъминлаш мақсадида турли хил банкларнинг, тижорат банкларининг тумандаги филиаллари очилди. Таълим тизимида ўзгаришлар амалга оширилиб, 9 йиллик ўрта таълим, академик лицей

¹ Д.Тошев. Халқимизга мудом таъзимдамиз. //»Олға», 1996й., 21 декабрь.

ва касб-хунар коллежи тизими қарор топди. Ҳозирги вақтда туманда 1 та академик лицей ва 8 та касб-хунар коллежи ишлаб турибди.

«Қорақўлтекс» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси, «Пайкенттекс» ва «Қорақўл-тайёрлов савдо», Қорақўл ун комбинати, Германия технологиясига асосланган нон цехлари, Қорақўл ғишт заводи, Қорақўл пахта тозалаш заводи ва бошқа саноат корхоналари, умуман олганда, 2357 та юридик, 947 та жисмоний шахс саноат, қишлоқ хўжалиги, хизматлар кўрсатиш, қурилиш, ҳунармандчилик каби соҳаларда унумли фаолият олиб боришмоқда.

Янги давр юзага чиқарган фермерчилик ҳаракати кутилган натижаларни бераётгани яққол кўзга ташланади. Ҳозир туманда 269 та фермер хўжалиги бўлиб, улар ихтиёридаги 17 минг 776 гектар ер майдонида пахта, ғалла, сабзавот, полиз, мева ва чорвачилик маҳсулотлари етиштирилди.

Туманда эл соғлигига ҳам эътибор тобора кучайтирилмоқда. Жумладан, 38 та қишлоқ врачлик пункти, битта марказий шифохона, кўптармоқли клиника ва бошқа тиббиёт муассасаларида 272 нафар врач ва 1996 нафар ўрта махсус маълумотли ходимлар халқ саломатлиги йўлида хизмат қилади.

Кейинги ўн йилликларда қишлоқларнинг маънавий ҳаётида ҳам туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда 13 та қишлоқда маданият уйи фаолият кўрсатади. Иккита музей ишлаб турибди. «Феруза» ашула ва рақс халқ дастаси неча йиллардан буён ўз санъати билан мухлисларини баҳраманд қилиб келаётир. Спорт соҳасида ҳам ютуқлар талайгина. Қорақўллик ёшлардан 23 нафари кураш, дзудо ва самбо бўйича жаҳон ва халқаро мусобақаларда ғолиб бўлишди.

Юртбошимиз ташаббуси билан қурилаётган барча қулайликларга эга бўлган намунавий уй-жойлар миллий ўзига хослиги, меъморий ечимлари билан кўркемдир. Туманнинг Сайёт, Дўрман ва Чекирчи қишлоқларида ана шундай уйлар қуриб эгаларига топширилди.

Туманнинг ва шаҳарнинг қиёфаси ўзгарди. Марказий бозор, буюм бозори янгидан қурилди. Қишлоқларда замонавий кўринишдаги коттеж уйлар қурилди. Аҳолининг маданий-маиший турмушида қулайликлар яратилди, замонавий асбоб-анжомлар, компьютерлар, уяли телефонлар, автомобиллар, турмуш учун зарурий бўлган товар-маҳсулотлар билан таъминланиш даражаси ошди, замонавий тўйхоналар ташкил этилди, миллий байрамлар қайта тикланди.

Ўтган йилларда туманда саккизта мактаб учун янги бинолар қурилди. 2011 йилда Қораун ва Қуйи Янги бозор қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудида бири 390, иккинчиси эса 216 ўринлик янги илм масканлари бинолари қурилиши амалга оширилди. Бугунги кунда тумандаги 52 та умумтаълим мактабининг бинолари, ўқув-техника воситалари, мебеллари замон талабларига мос келади ва уларда 24618 нафар ўғил-қизга 3090 нафар педагог таълим-тарбия бермоқда. Голландияда бўлиб ўтган ёш математикларнинг жаҳон олимпиадасида тумандаги 3-сон академик лицейнинг ўқувчиси Жавлон Исомуродов олимпиаданинг бронза медалига сазовор бўлди. Истиқлол йилларида Ўзбекистон Халқ ўқитувчиси Тўхтамурод Жумаев асос солган мактаб туфайли иқтидорли қорақўллик йигит-қизлардан 27 нафари математика, физика ва кимё фанлари бўйича турли мамлакатларда ўтказилган жаҳон ва халқаро олимпиадаларда юқори натижаларга эришиб муносиб ўринни эгалашди ҳамда медал ва дипломлар соҳиби бўлишди¹.

¹ М.Нўмонов. Келажакка ишонч билан.//»Қорақўл садоси», 2011 й., 11 август

ХУЛОСА

Қоракўл – Ўзбекистон Республикасининг чекка туманларидан бири бўлиб, қўшни Туркменистон Республикаси билан чегарадош ҳисобланади. Ўзбек хонликлари ташкил топган даврда Хива хонлиги билан Бухоро хонлиги Чоржўй ва Қоракўл туманларининг ғарбий қисмидаги кумликлар билан чегараланар эди. Амир Темур ва темурийлар даврида ҳам Хоразм давлати билан чегара Қоракўл бўйлаб ўтган эди. Айнан шу даврдан бошлаб Қоракўлнинг муҳим стратегик маскан сифатидаги мавқеи ортиб, унинг кўрғони ва қалъаси мустаҳкамлана борган.

Шайбоний ҳукмдорларидан бири – Муҳаммад Шайбонийхон Қоракўлни қўлга киритишга, ундан бошқа ҳудудларни эгаллаб олиш йўлида таянч нуқта сифатида фойдаланишга уринган бўлса, яна бир шайбоний ҳукмдор – Абдуллахон иккинчи эса, Бухоро хонлиги ҳокимиятини қўлга киритиш учун олиб борилган курашда ундан мустаҳкам кўрғон, кучли ҳарбий муҳофаазига эга бўлган қалъа сифатида фойдаланишга ҳаракат қилади.

Аштархоний Убайдуллахон ва Абулфайзхон ҳукмронлиги вақтида тожу тахт учун курашларда Қоракўл ва унинг ҳудудидаги ўзбек қабилаларининг лашкари таянч куч сифатида иштирок этган. Бухоро хони Абулфайзхон ва Эрон шоҳи Нодиршоҳ ўртасидаги зиддиятли вазиятлар ҳам Қоракўлни четлаб ўтмаган.

Манғитлар ҳукмронлиги йилларида Хива хонлиги билан Марвни эгаллаб олиш мақсадида олиб борилган ўзаро урушларда Қоракўл ҳудудидан ҳарбий ҳаракатлар вақтида коридор сифатида фойдаланилган.

Шуни эътироф этиш лозимки, ўзаро урушлар даврида Қоракўл ҳудудида истиқомат қилувчи аҳоли доимо зиён кўрган, мол-мулкдан маҳрум бўлган, деҳқончилик ва хўжалик тизими зарар кўрган, баъзан маҳаллий аҳоли ўртасида қурбонлар бўлган, аҳолининг маълум қисми мажбурий равишда кўчириб кетилган.

Тарихий маълумотларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, кўрғон сифатида Қоракўл XII асрдан бошлаб қайд этила бошлаган. Бундан олдинги даврда эса, бу ҳудудда Амдиза (Обкент) кўрғони аҳоли истиқомат қилувчи асосий марказ сифатида кўрсатилади. Эрамиздан аввалги V асрлардан то эрамизнинг XII асри ўрталаригача бўлган даврда бу ҳудудда Бойканд шаҳри ва кўрғони илк ўрта аср шаҳари сифатида машҳур бўлган ҳамда Буюк ипак йўлида (Шимолий Хуросон савдо йўлида) жойлашганлиги боис «Бой шаҳар» (Бойкент), «Савдо шаҳри» (Байканд), Сўғднинг «Қуйи шаҳри» (Пойканд) деб ном чиқарган. Ушбу қадимий шаҳар сўғдийлар ва туркийларнинг ўзаро уйғунлашуви жараёнида муҳим рол ўйнаган. Бойканд шаҳрида савдо-сотиқ, ҳунармандчилик ва маданият яхши ривожланган, кўплаб илмли кишилар етишиб чиққан, Имом Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний каби алломаларнинг устозлари ҳам бойкандлик бўлган. Ўтмишда бу заминдан Барс Бойкандий, Муҳаммад Салом Бойкандий, Нодиршоҳ Қоракўлий, Ҳисомий Қоракўлий, Мавлоно Осимий-Қоракўлий, Ҳусайин Арғун Қоракўлий, Абдурахмон Валий (Чибурдон ота), Шайх Сулаймон Қундузий-Қоракўлий каби кўплаб буюк инсонлар етишиб чиққан.

Қорақўл ҳудудида жойлашган Катта тузкон, Кичик тузкон, Дарвозақир ва Замонбобо каби қадимги даврнинг ибтидоий манзилгоҳлари бу маконларда бундан уч-уч ярим минг йил аввал ибтидоий деҳқончилик ва уй чорвачилиги ривожлана бошлаганини кўрсатади.

Ўз табиати, жуғрофий жойлашувидан келиб чиқиб узоқ йиллар мобайнида Қорақўл ҳудуди ҳукмдорлар учун ов уюштириладиган махсус макон ролини бажарган. Чунки бундан минг йиллар олдин ёзиб қолдирилганидек «бутун Хуросонда бу ердагидек миқдорда қуш ва балиқ тutilмаган».

Қорақўл қишлоқлари номларининг келиб чиқиши билан боғлиқ шарт-шароитлар, этник жараёнлар ҳам тарихнинг бир бўлагидир. Чунки жой номлари ҳам кўп нарсани англатади. Биз киммиз, кимларнинг авлодимиз деган саволга жавоб топишга ёрдам беради. Ўзбек халқининг шаклланиши ва ташкил топишида иштирок этган бир қатор туркий қabila ва қавмлар номларининг жой номлари шаклида сақланиб қолганлиги ҳам ўтмишимизни ўрганишда муҳим рол ўйнайди. Арғун, Баҳрин, Баёт, Жалойир, Дўрмон, Қўнғирот, Қулончи, Сайёд, Солур, Чандир, Уйғур, Чигатой, Ших, Галачи, Арлот ва бошқа номлар бу ҳудудда шу қавмлар вакиллари истиқомат қилиб келганлигини англатади.

Қорақўл атамасининг келиб чиқиши шу ҳудудда мавжуд бўлган катта сув ҳавзаси — қўлнинг номи билан боғлиқдир. Шу пайтгача Қорақўл атамаси қўлнинг қора рангидан келиб чиққан деган фикр мавжуд эди. Ушбу рисолада эса атаманинг қўлнинг ҳажмидан келиб чиққанлиги илк маротаба илгари сурилди, яъни «Қорақўл» — «катта қўл»дир. Қорақўл атамаси гидроним сифатида икки минг йилдан буён маълум.

Қорақўл атамаси шу ҳудуд номинигина эмас, балки шу ҳудудда асос солинган, яратилган қўй зоти номини ҳам англатади. Қорақўл қўйлари бундан 1100 йиллар аввал шу ҳудудда маҳаллий қўйларни халқ селекцияси усулида узоқ вақт танлаш ва чатиштириш натижасида яратилган ҳамда кейинчалик бошқа ҳудудларга тарқалган.

Қорақўлда деҳқончилик, хўжалик юритиш оғир шароитларда ривожланган, ўзига хос қийинчиликлар бўлиб турган. Суғориш тизимида, сув билан таъминланишда Қорақўлдарёнинг аҳамияти катта бўлган. Аммо кейинги 400-500 йил давомида бу дарё Қорақўлни сув билан тўла таъминлай олмай қолган. Россия мустамлакачилиги даврида бошланган Амударё сувини бу ерга олиб келиш ҳаракати Советлар даврида тўла амалга оширилди.

Мамлакатда Совет тузуми ҳукмронлик қилган йилларда бошқа ҳудудлар каби Қорақўлда ҳам ўзига хос ривожланиш, шунинг билан бирга жиддий, баъзан эса ўта оғир қийинчиликлар юз берди. Аммо халқ ҳаммасига бардош бериб сабр-тоқат билан қийинчиликларни енгиб ўтди. Миллий истиқлол нафаси билан Қорақўлда ҳам катта ўзгаришлар амалга оширила бошлади.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Абдурахмани Тали. История Абулфайзхана.перевод, предисловие, примечания и указатели А.А.Семёнова. Т., АН УзССР, 1959.
2. Абдуллоҳ Абдулҳамид Саад. Ўрта Осиё олимлари қомуси. Имом Бухорий Республика илмий-маърифий маркази нашриёти, Т., 2007.
3. Абдураимов М.А Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве. Т., Фан, 1966, том-1.
4. Абдураимов М.А Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве. Т., Фан, 1970, том-2.
5. Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий. Бухоро тарихи. Т., Фан, 1966.
6. Абу Тоҳирхўжа. Самария. //Мерос. Т., Камалак, 1991.
7. Абулғозий Баҳодирхон. Шажарайи турк. Т., Чўлпон, 1992.
8. Абулғозий Баҳодирхон. Шажарайи тароқима. Т., Чўлпон, 1995.
9. Алиев С. Бухорода битилган битиклар. Т., Ғ.Ғулом, 1992.
10. Алимов И.А. Аграрные преобразование в Народных Советских республиках Хорезма и Бухары (1920-1924). Т., Узбекистан, 1970.
11. Амир Саййид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. Т., Фан, 1991.
12. Анке фон Кюгелген. Легимитация Среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII-XIX вв). Алматы, Изд. Дайк-Пресс, 2004.
13. Аристотель. Сочинение в 4-х томах. Политика.т.4. М., 1983.
14. Арриан. Поход Александра. Перевод с древнегреческого Сергеев М. М.-Л., 1962.
15. Асатов У., Саатов В. Новь древней земли. Т., Узбекистан, 1981.
16. Аҳмедов Б. Государство кочевых узбеков. М., Наука, 1965.
17. Аҳмедов Б. Маҳмуд ибн Вали. Т., Ўз.КП МК нашриёти, 1966.
18. Аҳмедов Б. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. Т., Ўқитувчи, 1991.
19. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. Т., Ўқитувчи, 1994.
20. Аҳмедов Б. Улугбек. Историческая повесть. Т., Камалак, 1994.
21. Аҳмедов Б. А.Темур. Тарихий роман. Т., 1995.
22. Аҳмедов Б., Мукминова Р., Пугаченкова Г. Амир Темур (жизни и общественно-политическая деятельность). Т., Университет, 1999.
23. Баракаев Ж., Ҳайдаров Й. Бухоро тарихи. Ўқув қўлланмаси. Т., 1991.
24. Бартольд В.В. Сочинения 1. II. Часть-2. М., 1964.
25. Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. Л., Наука, 1973.
26. Березиков Е. Великий Тимур. Роман-хроника. Т., Уқитувчи, 1994.
27. Бобур Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома. Т., Юлдузча, 1989.
28. Бондаренко С., Шнейдерман А. Колхоз ишлаб чиқаришининг етакчи қучи. Т., 1958.
29. Бережков Б. Техрон, 1943. Т., Ўзбекистон, 1971.
30. Бурҳониддин Марғиноний. Ҳидоя. 1-жилд. Т., Адолат, 2000.
31. Бухоро тарихи масалалари. Мақолалар тўплами. Бух.ДУ. Бухоро, 1996.

32. Буюк алломалар ижодида аҳиллик ва бағрикенглик ғоялари. Т., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, 2005.
33. Бўронов С. XX аср бошларида Шеробод беклигида ер-сув муносабатлари.// Жамият ва бошқарув, 2009, 4-сон.
34. Вамбери Ҳерман. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. Т., Адабиёт ва санъат, 1990.
35. Гафуров А. Из истории основания и развития города Кагана и его роли в русско-бухарских отношениях (1988-1917). Бухара, 1989.
36. Гулишамбаров С.И. Экономический обзор Туркестанского района. Асхабад, Б.и., 1901.
37. Гулчехра Бону. Чўққиларга бўйлаган излар. Бухоро, 2007.
38. Гулямов Я.Г. Из истории водоснабжение древнего Пайкенда// ИМКУ, вып. 7. Т., 1966.
39. Гулямов Я.Г, Исломов У., Аскарлов А. Первобытная культура и возникновение орошаемого земледелия в низовьях Зарафшана. Т., АН, 1966.
40. Документы к истории аграрных отношений в Бухарском ханстве. Вып.1. акты феодальной собственности на землю XVII-XIX в. Под. Ред. А.К. Арендса. Т., АН УзССР., 1954.
41. Жадидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. Т., Университет, 1999.
42. Жижемский З. Ирригационное дело в долине Зерафшана// Туркестанские ведомости, 1988, № 6.
43. Жукова Людмила. Охрана культурного наследия в Бухарском и Хивинском ханстве// Ижтимоий фикр, 2009, 1-сон.
44. Жумаев А. Қуйи Зарафшондаги жой номлари тарихидан. Бухоро, 2006.
45. Жумаев Б. Қорақўл: Атамалар тарихи// Бухоронома, 2007 йил, 9 май.
46. Жумаев Қ. Қорақўл – қадимий маскан// Бухоро ҳақиқати, 1996 йил, 14 декабрь.
47. Жумаев Қ. Қорақўл тарихи ва унинг қадимий ёдгорликлари// Қорақўл садоси, 2007, 7 сентябрь.
48. Жумаев Қ. Қорақўл ёдгорликлари// Мозийдан садо, 2009 йил, 4-сон.
49. Жуманазар Абдусаттор. Ўргимчак китоби (1-китоб). Т., Янги аср авлоди, 2005.
50. Записки о Бухарском ханстве. Отчёты П.И. Демезина и И.В. Виткевича. М., Главная редакция Восточной литературы, 1983.
51. Зиёев Ҳ. Ўрта Осиё ва Волга бўйлари (XVI асрнинг иккинчи ярми – XIX асрлар). Т., Фан, 1965.
52. Зиёев Ҳ. Тарих – ўтмиш ва келажак кўзгуси (Тарихнинг долзарб масалалари). Т., Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2000.
53. Зиёев Ҳ. Ўзбекистон Мустамлака ва зулм исканжасида. Т., Шарқ, 2006.
54. Зимин Л.А. Развалины старого Пайкенда. Т., 1913.
55. Ибн ал-Асир. Ал-Камил фи-т-тарих. Полный свод истории. Перевод с арабского языка П.Г.Булгакова. Т., Узбекистан, 2006.
56. Ибн Ҳавқал. Китоб сурат ал-ард (Ернинг сурати китоби). Араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи тарих фанлари доктори, проф. Ш.С.Камолиддин.Т.2011.

57. Ибрагимов Неъматулло. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. Т., Шарқ баёзи, 1993.
58. Иванов П.П. Хозяйство джуйрбарских Шейхов. М.-Л. АН СССР., 1954.
59. Иноятлов С.И., Алауов А.А. Бухарский дом просвещения в Москве. Навои, 1996.
60. Иноятлов С.И. Зарафшон дарёси кўприклари тарихидан// Бухоро мавжлари, 2011 йил, 1-сон.
61. Институт «Узгипроводхоз», проектное задание Аму Каракульского машинного оросительного канала. Ч. II. кн. 9. Т., 1958.
62. Искандаров Б.И. Бухара (1918-1920). Душанбе, Дониш, 1970.
63. Ислом энциклопедияси. Т., 2004.
64. История ат-Табари. Перевод с арабского языка В.И. Беляева, с доп. О.Г.Большакова, А.Б.Халидова. Т., Фан, 1987.
65. История Бухарской Народной Советской республики (1920-1924). Сб. документов. Т., Фан, 1976.
66. История Бухары с древнейших времён до наших дней. Т., Фан, 1976.
67. История Узб.ССР в 4-х томах. т.1. Т., Фан, 1967.
68. Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. Т., Фан, 1992.
69. Ишанов А.И. Бухарская Народная Советская республика. Т., Узбекистан, 1968.
70. Йаздий Шарафуддин Али. Зафарнома. Т., Шарқ, 1997.
71. Йўлдошев Бобокул. Ҳаёт сўқмоқлари. Т., Билим, 2006.
72. Логофет Д.Н. История завоевания Бухарского ханства. Изд. В.Березовский. СПб., 1906.
73. Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. СПб., Б.и. 1911.
74. Логофет Д.Н. В забытой стране. М., 1912.
75. Массон В.М. Бухара в древней и средневековой истории Узбекистана. Т. 1966.
76. Маҳмуд Қошғарий. Девону лугатит турк. Таржима ва нашрга тайёрловчи С.М.Муталибов. Т., Ўз.Фан, 19960, 1-жилд, 1961, 2-жилд, 1963, 3-жилд.
77. Маҳмудов Б. Қорахонийлар давлат бошқаруви тизими// Ўзбекистонда ижтимоий фанлар, 2009 йил, 1-сон.
78. Мир Мухаммад Амин Бухорий. Убайдуллонома. Перевод с таджикского языка А.А. Семёнова. Т., АН. УзССР, 1957.
79. Мирзаев К.М. Амляковая форма феодальной собственности в Бухарском ханстве. Т., АН. УзССР, 1954.
80. Мирзаахмедов Д., Адылов Ш., Мухаммеджанов А. Стекланные изделия из Пайкенда// Из истории культурного наследия Бухары. Т., Узбекистан, 1990.
81. Мирза Олим Махдуми Ҳожи. Тарихи Туркистон. Т., Янги аср авлоди, 2008.
82. Мирза Салимбек. Тарихи Салими (Источник по истории Бухарского эмирата). Акос. Зегтуа. Т., 2009.
83. Мирзакулов Б.Т. Қоракўлда кооператив бўлганми// Олға, 1990 йил, 4 декабрь.

84. Мирзакулов Б.Т. Бухорода кооперация шаклланиши ва ривожланиши тарихидан// Навқирон Бухоро, 1992 йил, № 8-9.
85. Мирзакулов Б.Т. XVI асрда Ўрта Осиёда элчилик муносабатлари// Ижтимоий фикр, 2003 йил 1-сон.
86. Мирзакулов Б.Т. XVI асрда Бухоро хонлигида давлат бошқаруви // Жамият ва бошқарув, 2005 йил, 1-сон.
87. Мирзакулов Б.Т. Қорақўл қишлоқлари топонимикаси тўғрисида// Тарихий хотира. Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. Бухоро, 2009.
88. Мирзакулов Б.Т. Бойканд ва бойкандийлар// Тарихий хотира. Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. Бухоро, 2010.
89. Мирзакулов Б.Т. XIX асрда Бухоро амирлигида аграр муносабатлар. // Тарих тафаккури. Ўзбекистон Республикаси 20 йиллигига бағишланган тарихчи олимларнинг илмий ишлар тўплами. Бухоро, 2011.
90. Мирзакулов Б.Т. Хива-Бухоро муносабатларида Қорақўл // Тарихий хотира юксак маънавият. Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. Бухоро, 2012.
91. Мирзакулов Б.Т. “Илк ўрта аср шаҳри” Тарихий хотира. Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. Бухоро, 2013.
92. Мирзакулов Б.Т. “Бойкандлик саркарда”, Бухоронома, 2013, 14 август.
93. Мирзакулов Б.Т. “Барс Бойкандий”, Бухоро мавжлари, 2013, 3-сон.
94. Мирзо Улуғбек. Тарихи арбаъ улус (Тўрт улус тарихи). Т., Чўлпон, 994.
95. Михалева Г.А. Ўзбекистан в XVIII – первой половине XIX века: ремесло, торговля и пошлины. Т., Фан, 1991.
96. Муиниддин Натанзий. Мунтахаб ут-таворихи Муиний (Муиний тарихлари танланмаси). Форс тилидан таржима муаллифи Ғ.Каримий. Т., Ўзбекистон, 2011.
97. Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-икбол (Бахтлар боғи). Янги аср авлоди, Т.2010.
98. Муҳаммад Али Болжувоний. Тарихи нофеи (Фойдали тарих). Тожики тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари Ш.Воҳидов, З.Чориев. Т., Академия, 2001.
99. Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий. Зубдату-т-таворих (Тарихлар сараси). Нашрга тайёрловчи Н.Жабборов. Т., Ўзбекистон, 2009.
100. Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома. Т., 1989.
101. Муҳаммад Ҳакимжон Тўра. Мунтахаб ат-таворих. Т., Янги аср авлоди, 2010.
102. Муҳаммад Алихон Ғофур. Хоразм сафари кундаликлари. Т., Янги аср авлоди, 2009.
103. Муҳаммад Юсуф Баёний. Шажараи хоразмшоҳий// Мерос. Т.,Камалак, 1991.
104. Муҳаммад Юсуф Мунший. Мукимханская история. Перевод, предисловие, примечания и указатели А.А.Семёнова. Т., 1956.
105. Муҳаммад ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билод (Мамлакатларнинг эгалланиши). Форс тилидан таржима, изоҳ ва кўрсаткичлар муаллифлари И.Бекжонов, Д.Сангирова. Т., Янги аср авлоди, 2009.

106. Муҳаммаджонов А. Зарафшон водийсининг сув хўжалиги тарихидан. Т., 1959.
107. Муҳаммаджонов А. История орошения Бухарского оазиса. Т., Фан, 1978.
108. Муҳаммаджонов А., Семёнов Г.Г. Химическая лаборатория VIII века в Пайкенде. // ОНУ, 1984, №3.
109. Муҳаммаджонов А. Қоракўлнинг қадимий тарихидан лавҳалар// Олға, 1984 йил, 8 декабрь.
110. Муҳаммаджонов А., Адылов Ш., Мирзаахмедов Дж., Семёнов Г. Городище Пайкенд. Т., Фан, 1988.
111. Муҳаммаджонов А. Қадимги Бухоро. Т., Фан, 1991.
112. Муминов Х., Музаффаров А. Бухарская область. Т., Узбекистан, 1976.
113. Навоий А. Маҷолис ун-нафоис. Асарлар. 15 томлик. 12-том. Т., Бадиий адабиёт нашриёти, 1966.
114. Населённые пункты Бухарского эмирата (Конец XIX-нач. XX вв). материалы к исторической географии Средней Азии. Под редакцией А.Р. Мухаммеджанова. Т., Университет, 2001.
115. Насимхон Раҳмон. Турк хоқонлиги. Т., А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.
116. Нафасов Т. Дехқонлар қўйган ном// Бухоро ҳақиқати, 1988 йил, 24 январь.
117. Неъматов Н. Государство Саманидов. Душанбе, Дониш, 1977.
118. Небольсин Б.И. Очерки торговли России с странами Средней Азии Хивой, Бухарой и Кокандом. СПб., Б.и, 1856.
119. Носиров Р., Нурматов Ш. Доруш-шифо. Т., 1997.
120. Нурматов Ш. Қоракўл таронаси. Т., А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1996.
121. Отахўжаев А., Омонов Қ. Ёзув маданияти бешиги// Тафаккур, 2008 йил, 1-сон.
122. Очилдиев Ф. Сурхон воҳасида яшовчи Дўрмон уруғи ҳақида// Жамият ва бошқарув, 2009 йил, 4-сон.
123. Паллас П.С. Путешествие по разным провинциям Российской империи. СПб, 1773.
124. Пардаев А. Бухоро Иқтисодий Кенгаши фаолиятдан// Жамият ва бошқарув, 2009 йил, 3-сон.
125. Предгечелский А.Сельское хозяйство и задачи ирригации в Зеравшанской долине. Тр. УИРТ. М., 1921.
126. 50 лет Бухарской Народной Советской революции. Материалы научной сессии. Т., Фан, 1972.
127. Ражабов Қ. Бухорога Қизил Армия босқини ва унга қарши кураш. Т., Маънавият, 2007.
128. Ражабов Қ. Миллий озодлик ҳаракати фидойиси// Бухоро мавжлари, 2008 йил, 4-сон.
129. Расулов Б. Ўзбек қишлоқларида ижтимоий ва мулкый табақаланиш (XX асрнинг биринчи чораги). //Жамият ва бошқарув, 2009 йил, 1-сон.
130. Раҳмонов Т. XX асрнинг 30 йилларида Ўзбекистондаги ижтимоий ва маданий ҳаёт (Муаммо ва ечимлар). БухДУ. Бухоро, 2011.

131. Раҳматова С., Қурбонов Ҳ. Бухоро гузарлари тарихидан лавҳалар. Бухоро, 1995.
132. Ремпель Л.И. Далёкое и близкое. Бухарские записи. Т., Изд. Литература и искусства имени Г.Гуляма, 1981.
133. Ртевеладзе Э. Великий шелковый путь. Т., 2002.
134. Ртевеладзе Э. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии. Т., Университет мировой экономики и дипломатии, 2005.
135. Сааков В.Г. История Бухары 100 вопросов и ответов. Т., Шарқ, 1996.
136. Садриддин Салим Бухорий, Ҳалим Тўраев. Чор Бакр ёки Жўйбор авлиёлари. Бухоро, 2001.
137. Садриддин Салим Бухорий. Ҳазрат Абу Ҳафс Кабир. Бухоро, 2006.
138. Саиджонов Мусо. Ўрта Осиё шаҳар ва қўрғонларининг вужудга келиши // Маориф ва ўқитувчилар журналы, 1927 йил, 3-4-сон.
139. Саидкулов Т. Очерки историографии истории народов Средней Азии. Т., Ўқитувчи, 1992.
140. Салоҳиддин Тошкандий. Темурнома. Амир Темур Кўрагон жангномаси. Т., Чўлпон, 1991.
141. Семёнов А.А. Бухарский трактат о чинах и званиях и обязанностях носителей их в средневековой Бухаре. СВ.т.V.,М.-Л.,1948.
142. Силин П. Қум бағрида шаҳар// Қишлоқ ҳақиқати, 1987 йил, 15 феврал.
143. Сирожов О. Бухоро фидойилари. Бухоро, 1995.
144. Ситняковский Н.Ф. Заметки о Бухарской части долины Зерафшана// Известия Туркестанского отдела русского географического общества. т.1., вып. 2. Т., 1900.
145. Соболев Л.Н. Географические и статистические сведения о Зарафшанском округе. РТО, т.IV,1874/.
146. Содиқов М. Бухоро ва Афғонистон яқин ўтмишда// Мозийдан садо, 2008 йил, 1-сон.
147. Соловьев М.М. Экспедиция в Бухару в 1841-1842 г.г при участии натуралиста А. Лемана. М.-Л., Изд. АН СССР, 1936.
148. Сухарева О.А. Позднофеодальный город Бухара конца XIX-начала XX в. Ремесленная промышленность. Т., Изд. АН УзССР, 1962.
149. Темур тузуклари. Форсчадан Алихон Соғуний ва Ҳабибулло Кароматов таржимаси. Т., 1991.
150. Тошев Д.С. Халқимизга мудом таъзимдамиз// Олға, 1996 йил, 27 ноябрь.
151. Трактат Ахмада Дониша «История Мангитской династии». Душанбе, «Ирфон», 1967.
152. Тураев Х. Документы архива кушбеги-важный источник для изучения феодального института танха// Из истории культурного наследия Бухары. Т., Узбекистан, 1990.
153. Тураев Х. Регисты актов по истории феодального института танха в Западной Бухаре. Т., Узбекистан, 1991.
154. Турон қавмлари. Тузувчи Зойир Зиётов. Кичик энциклопедик луғат. Т., Истиклол, 2008.
155. Тухтаметов Т. Г. Русско-бухарские отношения в конце XIX – начале XX в.в. Т., Фан, 1966.

156. Тухтаметов Т. Г. Россия и Бухарский эмират в начале XX века. Душанбе, «Ирфон», 1977.
157. Тўраев Ҳ. Аштархоний Абдулазизхон// Бухоро мавжлари, 2008 йил, 4-сон.
158. Уильям Эрскин. Бобур Ҳиндистонда. Ғ.Сотимов таржимаси. Т., Чўлпон, 1995.
159. Умняков И.И. К истории новометодной школы в Бухаре// Бюллетень САГУ.вып.16. Т., 1927.
160. Фомченко А.П. Русские поселения в Бухарском эмирате. Т., Госиздат, 1958.
161. Халилов Абдужалил. Қоракўллик жаҳонгашта олим// Бухоро мавжлари, 2009 йил, 4-сон.
162. Хакимова К.З. Крестьянства Бухарского эмирата в конце XIX-начале XX в. Т., Фан, 1991.
163. Халфин Н.А. Россия и ханства Средней Азии (Первая половина XIX века). М., Наука, 1974.
164. Халфин Н.А. Россия и Бухарский эмират на западном Помире. М., Наука, 1975.
165. Хамраев А.Х. Некоторые черты феодального способа производства в Бухаре в XIX века. Т., 1975.
166. Ханыков Н. Описание Бухарского ханства. СПб., 1843.
167. Хильда Хукхэм. Властитель семи созвездий. Перевод с английского Г.Хидоятова. Т., Адолат, 1995.
168. Хотира китоби. Бухоро вилояти. Т., Ғ.Ғулом, 1994.
169. Хўжаев Аблат. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тадқиқотлар. Т., 2007.
170. Хўжаев. Ф. Асарлар, 2-том.
171. Чаплыгин А.В. Урегулирование водного хозяйства Зеравшанской долины. М., 1925.
172. Чориев З. Тарих атамаларининг қисқача луғати. Т., Шарқ, 1999.
173. Шамсутдинов.Р. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, кулоқлаштириш, сургун. Т. Шарқ, 2003.
174. Шаропов С. Бухоро амирлиги шаҳарларининг иқтисодий ва сиёсий аҳволи// Жамият ва бошқарув, 2009 йил, 4-сон.
175. Шишкина Г.В. Замок Бад-Асия в окрестностях Пайкенда// ИМКУ. вып.4. Т., 1965.
176. Шодмон Камол. Қоракўл райони қисқача тарихи// Олға, 1993 йил, 10,24 февраль.
177. Шомий Низомиддин. Зафарнома. Форс тилидан Юнусхон Ҳакимжонов таржимаси. Т., Ўзбекистон, 1996.
178. Шониёзов Карим. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Т., Шарқ, 2001.
179. Эгамназаров А. Саргардонлик. // Шарқ юлдузи, 1990 йил, 5-сон.
180. Экономика и культура Бухарской области после великого октября. Т., Фан, 1969.
181. Эшонов О. Бухоро Халқ Республикасининг ташкил топиши. Т., Ўзбекистон, 1955.

182. Юсуф Рўзи Бойкандий. Бухоронинг олд полвони. Тарихий-саргузашт роман. Т., Янги аср авлоди, 2006.
183. Ўзбекистон ССР тарихи. Қадимги даврлардан ҳозирги кунларгача. И. Мўминов таҳрири остида. Т., Фан, 1974.
184. Ўзбекистон Совет Социалистик республикаси. Т., Ўзбекистон, 1977.
185. Ўзбекистон халқлари тарихи. 1-жилд. Т., Фан, 1992.
186. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида. 2-китоб. Т., Шарқ, 2000.
187. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 1-12-жилд. Т., «Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2000-2006 йил.
188. Ўзбекистон тарихи асрлар силсиласида. Илмий-амалий конференция материаллари (Самарқанд, 2010 йил, 16 апрел). Самарқанд, 2010.
189. Қиличев Ражаб. Отам босмачи эмасди// Бухоро ҳақиқати, 1993 йил, 13 феврал.
190. Қиличев Файзулла. Зулматдан садолар. Т., Адолат, 1994.
191. Қозоқов Б. Қадимий макон// Бухоро ҳақиқати, 1996 йил, 14 декабрь.
192. Қораев Суюн. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси». Давлат илмий нашриёти, Т., 2005.
193. Ғуломов Я.Ғ. Қоракўлнинг узок ўтмишидан // Бухоро ҳақиқати, 1964 йил, 28 июнь.
194. Ҳайитов Ш., Раҳмонов К. Бухоро Халқ Республикаси ва Германия: ҳамкорликнинг тарихий лавҳалари. Т., Фан, 2004.
195. Ҳайитов Ш., Раҳмонов К. Бухоро Халқ Республикаси: иқтисодиёт, ижтимоий сиёсат, маданий ҳаёт. Бухоро, 2005.
196. Ҳайитов Ш., Бадриддинов С. Бухоро тарихидан лавҳалар. Бухоро, 2007.
197. Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. Т., Ўзбекистон, 1981.
198. Ҳидоятлов Г.А. Менинг жонажон тарихим. Т., Ўқитувчи, 1992.
199. Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. «Абдулланом» (Шарафномаи шоҳий). Форс тилидан Содиқ Мирзаев таржимаси. 1-китоб. Т., Шарқ, 1999.
200. Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. «Абдулланом» (Шарафномаи шоҳий). Форс тилидан Содиқ Мирзаев ва Юнусжон Ҳакимжонов таржимаси. 2-китоб. Т., Шарқ, 2000.
201. «Бухоро ҳақиқати» газетаси. 1968, 1988, 1993 йил.
202. «Красная Бухара» газетаси. 1940 й.
203. «Красный пролетарий» газетаси. 1940 й.
204. «Олға» газетаси. 1987, 1988, 1990, 1991, 1996 йил.
205. «Правда Востока» газетаси. 1939, 1940 й.
206. «Советская Бухара» газетаси. 1966 й.
207. «Туркестанская правда» газетаси. 1924 й.
208. «Қоракўл садоси» газетаси. 2011 й.

Луғат ва изоҳлар

Аббосийлар – 750-1258 йилларда Араб халифалигида ҳукмронлик қилган, Муҳаммад С.А.В нинг амакилари Аббоснинг авлодлари.

Абрўй (Обрў) – Турк хоқони Моохоннинг ўғли Абохон, тахт учун курашда енгилиб, Бухорога қочиб келган ва 585 йилда Бойкандни эгаллаб, амир бўлиб олган.

Абулкарим ас Самъоний – “Ал-ансоб” – “Насабнома” асарининг муаллифи, XII асрнинг иккинчи ярми – XIII асрнинг биринчи ярмида яшаган.

Ал-Ҳажжож – тўла исми Ҳажжож ибн Юсуф, Араб халифалигининг шарқий қисмларида 694-714 йилларда ноиблик қилган.

Али ибн Абу Толиб – 600-661 йилларда яшаб ўтган, “Чориёр”лардан тўртинчиси, Муҳаммад С.А.В нинг амакиваччаси, қизи Фотиманинг эри.

Аълам – арабча сўз бўлиб, билагон, билимдон деган маънони англатади, мусулмон мамлакатада диний амалдор, муфтийнинг фатво ёки ривоятига муҳр босган.

Амдиза – “Обкент” деб ҳам ёзилган, “диз”, “кент” – кўрғон маъносини билдиради. Қорақўл туманида Чибирдон ота ёки Шобурхон ота ёдгорлиги ёнида бўлган илк ўрта аср кўрғони.

Амин – арабча сўз бўлиб, ишончли, ҳалол маъносини билдиради. Бухоро амирлигида бир ёки бир неча қишлоқни бошқарган, халқ томонидан сайланган амалдор.

Амир – арабча сўз бўлиб, амр қилувчи, бошлиқ, ҳоким, лашкарбоши, бек.

Амир Абдулаҳадхон – Манғитлар сулоласидан, 1885-1910 йилларда Бухоро амирлигини бошқарган, кўп вақтини Карманада ўтказган.

Амир Исмоил – Сомонийлардан, Исмоил ибн Аҳмад ас-Сомоний, 874-907 йилларда Мовароуннаҳрни бошқарган.

Амир Музаффар – Манғитлар сулоласидан, 1860-1885 йилларда Бухоро амири бўлган, 1868 йилги Россия-Бухоро сулҳ шартномасини имзолаган.

Амир Насруллохон – Манғитлар сулоласидан, 1827-1860 йилларда Бухорода амирлик қилган.

Амир Сайид Олимхон – Манғитлар сулоласининг сўнгги вакили, 1910-1920 йилларда Бухорода амирлик қилган, “Бухоро халқининг ҳасрати” асарининг муаллифи.

Амир Ҳайдар – Манғитлар сулоласининг учинчи вакили, 1800-1826 йилларда Бухоро амири бўлган.

Амир Шоҳмурод – Манғитлар сулоласидан, 1785-1800 йилларда Бухорода амирлик қилган, 1758-1785 йилларда амирлик қилган Дониёлбийнинг катта ўғли.

Амлокдор – амлокликни бошқарувчи амалдор.

Амлоклик – Бухоро хонлигида, амирлигида энг кичик маъмурий бўлинма.

Антрополог – одамнинг келиб чиқишини ўрганувчи мутахассис.

Археолог – қадимги моддий маданият ёдгорликларига асосланиб, кишилик жамиятининг ўтмишини ўрганувчи мутахассис.

Ашрос бин Абдуллоҳ ас-Сулами – Араб халифалигининг Хуросондаги ноиби, “куч –хирожда” шиорини кўтариб чиққан, унинг ҳукмронлиги даврида 728-729 йилда арабларга қарши исён кўтарилган.

Аштархонийлар – Ўзбек давлатчилигини 1601-1757 йилларда бошқарган сулола, Боқи Муҳаммад (1601)дан бошланиб, Шерғозихон (1757) билан тугаган.

Бадиосиё – Бойканд археологик ёдгорликларига тегишли бўлган илк ўрта аср қўрғони.

Баронғор – лашкарнинг ўнг қаноти.

Батрак – ёлланиб ишловчи деҳқон.

Бешим Сардор – Бешим Сеитназаров, янги Чоржўй коммунистларидан, унинг бошчилигидаги отлик туркман полки 1920 йил август ойи охирларида исён кўтарган ва “ялпи кўзғолон” деб аталган ҳарбий ҳаракат бошланган.

Босмачилик – туркий “босмоқ” (хужум қилмоқ) феълидан ясалган. Туркистонда совет ҳокимияти ва босқинчи қизил армияга қарши олиб борилган ҳаракатга Совет даврида берилган расмий ном.

Ботмон – оғирлик ўлчови, кичик ботмон-саккиз пуд, катта ботмон – ўн олти пуд, турли даврда турлича вазнда бўлган.

Бурдалиқ – Аму (Жайхун, Омул, Омуя) дарёдаги кечув номи, дарёнинг ўнг қирғоғида, Келиф ёнида.

Бурж – қалъа деворларига туташган минора, одатда унинг бурчаклари бўлади, қалъанинг мудофаа қобилиятини кучайтириш мақсадида қурилган.

Бухорхудотлар – VI-VIII асрларда пойтахти Бухоро шаҳри бўлган кичик давлатни бошқарган сулола номи. Ҳозирги Бухоро, Когон, Ромитан, Вобкент, Жондор ва Қорақўл унинг таркибига кирган.

Вардонхудот – Наршахийнинг ёзишича, Туркистондан Бухорога келиб вазирлик қилган, Вардона ерлари унга тегишли бўлиб, Қутайба ибн Муслим билан бўлган жангда ҳалок бўлган.

Варқо ибн Наср Боҳилий – 706 йилда Бойкандни эгаллаб олган Қутайба томонидан Бойкандга ноиб қилиб тайинланади, арабларнинг Боҳил қабиласидан, Қутайба ҳам шу қабиладан бўлган.

Вақф мулки – мусулмон мамлакатларида давлат ёки айрим шахслар томонидан диний эҳтиёж ёки хайрия учун ажратилган мол-мулк.

Гурдуш – Қорақўлдарё (Зарафшон)нинг қадимий ўзанларидан бири, қадимда Амударёгача оқиб борган.

Гўжайли - Қорақўлдарё (Зарафшон)нинг қадимий ўзанларидан бири, қадимда Амударёгача оқиб борган, Моҳонқўл, Моҳондарё ва Замонбобо кўли йўналишида оққан.

Дан (донг) – минг таноб ерга тенг ўлчов бирлиги (олтидан бир дегани).

Дарвозақир – Зарафшон дарёсининг қуйи ҳавзасида неолит (мил.ав.4-3 минг йиллик) даврида яшаган овчи қабиаларнинг манзилгоҳи) 1961 йилда Ў.Исломов томонидан ўрганилган.

Девонбеги – олий сарой мансабларидан бири, Бухорода молия ва хўжалик ишларини олиб борувчи мансабдор.

Десятина – Россияда қўлланилган асосий юза ўлчови, 2400 кв.саржин(1,09 га) га тенг. XVIII-XIX асрда хўжалик десятинаси қўлланиб, у 43200 кв.саржин (1,45 га) га тенг бўлган.

Динор – пул бирлиги; 4,235 гр.олтинга тенг бўлган.

Дирхам – пул бирлиги; 3,36-3,5 гр.кумушга тенг бўлган.

Доруға – туман, шаҳар ёки вилоят ҳокими, соқчилар бошлиғи, шаҳар комендант.

Дулдул – Муҳаммад пайғамбар томонидан ҳазрат Алига совға қилинган отнинг номи.

Жавонғор – лашкарнинг сўл қаноти.

Жалду – ўрта асрларда эгаллаб олинган ҳудудларнинг ҳукмдор яқинларига мукофот сифатида берилиши.

Жуфти гов – бир жуфт ҳўкизнинг бир фаслда ишлаши мумкин бўлган ер майдони.

Замонбобо маданияти – Ўзбекистонда жез даври уруғчилик жамоаси маданияти (мил.ав.2 минг йилликнинг 1- ярми), Қоракўл тумани марказидан 15 км.шимолий ғарбда жойлашган кўл номидан олинган, майдони 170 м².

Зимма – илк ўрта асрларда Амударё бўйидаги Каркининг номи.

Зоҳид – молу-дунёга рағбат ва хоҳиши бўлмаган тарки дунё киши.

Зулфиқор – ҳазрат Алининг икки дамли қиличининг номи.

Илми калом – арабчада равон нутқ, жумла, гап, сўз. Ислом илоҳиёт илми, VIII асрда Араб халифалигида пайдо бўлган, ислом диний таълимотини асослаб беришга ҳаракат қилади.

Кадивар –Араблар истилоси олдидан Ўрта Осиёда илк феодал жамиятининг ташкил топиши даврида эркин деҳқонлар табақаси билан бир қаторда пайдо бўлган, иқтисодий жиҳатдан бой табақаларга бутунлай қарам бўлган.

Карки – Амударё бўйидаги шаҳар, бир пайтлар (илк ўрта асрда) Зимма деб аталган.

Катта тузкон – Бухоро вилояти, Қоракўл тумани марказидан 40 км.шимолий ғарбда жойлашган шўрхок ер, бу ердан 35 та неолит даврига оид макон топиб ўрганилган, узунлиги 8-10 км,эни 4-5 км.га тенг.

Келиф – Амударё бўйида, Термиздан икки кунлик масофада жойлашган кечув жойи.

Кичик тузкон - – Бухоро вилояти, Қоракўл тумани марказидан 15 км.шимолий ғарбдаги Замонбобо кўлидан 3 км.куйида жойлашган шўрхок, тузли ер, бу ердан неолит даврига оид 3 та макон ўрганилган.

Колесов.Ф.И. – Туркистон Автоном Республикаси Халқ Комиссарлари Советинг раиси, 1918 йил 2 мартда Бухоро амирини тахтдан ағдариб ташлаш мақсадида бошланган қизил армиянинг ҳарбий юришига раҳбарлик қилган, юриш 1918 йил 25 апрелда имзоланган Қизилтепа сулҳ шартномаси билан якунланган.

Кооператив – умумлашган ишлаб чиқаришга асосланган кооперация ишлаб чиқаришининг қуйи бўғини, пай, дивиденд олиш эвазига ташкил этилган жамоа, низом асосида иш юритган.

Мавзе – аҳоли яшайдиган манзил, ҳозирги квартал, маҳаллага тўғри келади.

Манғитлар -1757 йилдан 1920 йилгача Бухоро амирлигида ҳукмронлик қилган сулола, Муҳаммад Ҳакимбий оталиқ асос солган.

Марв – ўрта асрларда Марви Шоҳижаҳон деб юритилган, харобалари Туркманистоннинг Мари шаҳри яқинида.

Мардикор – луғавий маъноси ишловчи эркак. Ёлланиб ишловчи, ҳукумат қарори билан ишга сафарбар этилганлар ҳам шундай номланган (1916 йил 25 май қарори-мардикорликка олиш тўғрисида).

Мирохур – хонлик, амирликда отхона бошлиғи.

Миршикор – овни ташкил этувчи, ов бошлиғи.

Муҳаддис – Муҳаммад пайғамбар ва унинг саҳобалари тўғрисида айтилган ҳадисларни тўпловчи ва ўрганувчи олим.

Муҳаммад Ҳайдар Мирзо – Мўғулистон хонларидан, Тошкентда таваллуд топган, Кашмирда вафот этган, Бобурнинг холаваччаси, тарихчи, “Тарихи Рашидий” асарининг муаллифи.

Наср ибн Сайёр – Араб халифалигининг 738-748 йилларда Хуросондаги ноиб.

Нақиб – хон, подшоҳ, амир саройидаги хос хизматчи, хонга яқин турган мансабдор, XVI-XVIII асрларда қози аскар.

Некропол – қадимги қабристон, тош ва тупроқдан кўтармали ёки кўтармасиз қилиб қурилган, мурдалар куйдирилиб ёки ўз ҳолича кўмилган, исломдан аввалги даврда мавжуд бўлган, Бойканддан ҳам топилган.

НКВД- Ўзбекистон Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги.

Ноус – қадимда, илк ўрта асрда, исломдан олдинги даврда ўлган одамнинг суяклари солиб қўйиладиган идиш, Бойканддан ҳам топилган.

Оталиқ – хонзода, шаҳзода, амирзодаларнинг тарбиячиси, улар вояга етгунича уларнинг номидан иш олиб борган.

Омул, омуя – ўрта асрлардаги Чоржўйнинг номи, айрим манбаларда Амударё ҳам шундай аталганлиги маълум.

Парвоначи –хоннинг ёрлиқларини амирлар ва бошқа амалдорларга етказиб турувчи сарой хизматчиси.

Политимит – Зарафшон дарёсининг юнонча номи, “кўп эзгу сув” маъносини билдиради.

Пуд – оғирлик ўлчови, 16 кг.

Равоқ – Зарафшон дарёси сувини тақсимлашда ишлатилган ўлчов бирлиги. Дарё бўйлаб қурилган кўприклардаги пишиқ ғиштдан қилинган аркалар орқали сувнинг миқдори ўлчанган.

Раис – арабча раҳбар, сардор дегани. Ўрта Осиё давлатларида шариат қонун-қоидалари, диний маросимлар, урф-одатларнинг ўз вақтида, тўғри бажарилишини назорат қилувчи амалдор.

Россия сиёсий агентлиги – 1885 йил 12 ноябрда Бухоро амирлигида ташкил этилган “Россия императорлигининг сиёсий агентлиги”, бу агентлик орқали Россия империяси Бухоро амирлигининг ички ишларига аралашиб, уни назорат қилиб турган.

Садр – XII-XIII асрларда Бухорода амал қилган диний мансабдор, шаҳар ичкарасида бир фарсах масофадаги вақф мулкларини бошқарган.

Сайид – арабча жаноб дегани. Муҳаммад С,А,В нинг авлодларига мансуб кишининг унвони.

Сарахс – Тажан дарёсининг ўрта оқимида, Эрон билан Туркменистон чегарасида жойлашган ўрта аср шаҳри.

Сомонийлар – Мовароуннаҳрда 874-999 йилларда ҳукмронлик қилган сулола, сулолага Сомонхудот асос солган.

Сули (Курсул) – Туркаш ҳоконлигини 715-737 йилларда бошқарган туркий саркарда Сулук Чобиш Чурҳокон, араблар уни Курсул деб аташган, у 728-729 йилда Бойканд яқинидаги жангда арабларга қарши курашган.

Султон Санжар – Салжуқийлар сулоласи ҳукмдорларидан, 1097-1118 йилларда Хуросонга ҳокимлик қилган, 1119-1157 йилларда Салжуқийлар давлатини бошқарган.

Сўғдиёна – тарихий маданий ўлка бўлиб, у ҳозирги Самарқанд, Бухоро ва Қашқадарё воҳаларини ўз ичига олган.

Таноб – арабча чилвир, арқон демак. Узунлик ўлчов бирлиги, Ўрта Осиё хонликларида 1 таноб 60х60 газ майдонга тенг, 12 таноб 1 гектарга тенг.

Танҳо – Бухоро хонлигида, амирлигида XVI-XX асрларда шартли сурада ер инъом этиш. Танҳо эгаси – танҳодор деҳқонлардан ер солиғи олиш ҳуқуқига эга бўлган.

Тоҳирийлар – Аббосийлар халифалиги парчаланиб, Хуросонда ташкил топган давлат (821-873). Асосчиси Тоҳир ибн Ҳусайн, охириги вакили Муҳаммад ибн Тоҳир (862-873).

Туман – туркий –мўғулчада ўн минг демак. VII-XVIII асрда Марказий Осиё, Хуросонда ўн минг кишидан иборат ҳарбий қисм, дивизия. Ўз вақтида А.Навоий суғориладиган юз минг таноб ерни ҳам туман деб ёзган. Ўзбекистонда маъмурий –ҳудудий бирлик номи.

Туркаш ҳоконлиги – илк ўрта аср туркий давлатларидан бири, 699-766 йилларда мавжуд бўлган.

Туркистон генерал губернаторлиги – Россия императори Александр II нинг фармони билан 1867 йил 11 июлда ташкил этилган маъмурий-ҳудудий бирлик. 1917 йилда тугатилган. Биринчи генерал губернатор К.П.Кауфман.

Тўқсоба – Бухоро амирлигидаги ҳукмдор дастурхонидаги товоқ ва идишларнинг жойлашувига жавобгар мансабдор, шунинг билан бирга Харқонруд тумани бошқаруви ва мироблиги ҳам унинг зиммасида бўлган.

Убайдуллоҳ ибн Зиёд (тахминан 649-685) – Араб халифалигининг Хуросондаги ноиб (673-674). Амударёдан биринчи бўлиб кечиб ўтган, Бойканд ва Ромитанга ҳужум уюштирган.

Умавийлар – Араб халифалигида 661-750 йилларда ҳукмронлик қилган сулола, Маккадаги Қурайш қабиласининг умайя уруғидан келиб чиққан, асосчиси Муовия I (661-680).

Учлик – 1937-1938 йилларда Ўзбекистонда амалга оширилган оммавий сиёсий қатағонларда фаолият кўрсатган НКВД ходимлари гуруҳи шундай номланган, улар уч киши бўлиб иш кўрган.

Фарсах (фарсанг) – узунлик ўлчов бирлиги, 7-8 чакрим, ўртача 8-8,5 км.

Фатфо – Ислом қондасига, шариатга кўра муфтийлар ва уламолар кенгашининг чиқарган ҳукми.

Фатҳ – забт этиш, босиб олиш, эгаллаб олиш (исломлаштириш).

Фақиҳ – ислом ҳуқуқшуноси.

Фикх – ислом ҳуқуқи.

Халифа – Ўринбосар, ноиб. Мусулмон жамоаси ва мусулмон давлатининг диний ҳамда дунёвий бошлиғи. Чориёр халифалар: Абу Бакр Сиддик (632-634), Умар ибн Хаттоб (634-644), Усмон ибн Аффон (644-656), Али ибн Абу Толиб (656-661).

Хайбар – Мадинадан 150 км.масофада жойлашган, катта мустаҳкам қишлоқ бўлиб, унда яҳудий жамоаси яшаган, 628 йилда мусулмонлар томонидан фатҳ этилган. Ҳадислар тўпламининг 3-китобида у ҳақда атрофлича маълумот берилган.

Хутба – арабча тарғибот, нутқ демак. Жума намозидан олдин ва ҳайит намозидан кейин имом –хатибнинг панд-насиҳати. Намозхонлар мамлакат ҳукмдори номини айтиб унинг ҳақиға дуо қилишган, дастлаб халифа номига, кейинчалик ҳукмдорлар номига ҳам дуо қилинган.

Хўжа – форсча хўжайин, соҳиб демак. Мусулмон оламида сайидлардан кейинда турадиган ижтимоий қатлам. Унинг келиб чиқиши тўғрисида икки хил қараш мавжуд: 1) Чориёр халифаларнинг авлодларидан келиб чиққан; 2) исломлаштириш даврида келиб қолган Араб саркардаларининг авлодларидан келиб чиққан.

Чиғатой улуси – Ўрта Осиёда 1224-1404 йилларда ҳукмронлик қилган чингизий сулола, Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чиғатой исмидан келиб чиққан.

Чиғир – сувни юқорига кўтариб берадиган қадимги энг оддий гидравлик мослама. Уй ҳайвони, одам ёки оқар сув билан ҳаракатга келтирилган.

Чокар – илк ўрта аср (4-8) ларда қишлоқ йирик мулкдор деҳқонларининг истеҳкомли кўрғонлари ва мулкларини кўриқлаш, ташқи душмандан муҳофаза қилиш учун тузилган ёлланма курулли гуруҳ, унинг сони 30-100 нафардан иборат бўлган, Бойкандда ҳам чокарлар хизматидан фойдаланилган.

Чоповул (чопмоқ, ғорат қилмоқ) – Темурийлар, Шайбонийлар, Ўрта Осиё хонликлари кўшинида душман кучларига, шаҳар ва қишлоқларига тўсатдан ҳужум қилиш учун тактика амалиёти, ғаним ҳарбий кучларига, объектларига тўсатдан ҳужум қилиб, ўлжа келтириш.

Чопқун – Ўрта асрларда аксарият ҳарбий ҳаракатлар чоғида кўшиннинг озиқ-овқати, ем-хашаги ва бошқа эҳтиёжлари учун қилинган талончилик амалиёти. Чопқун вақтида бир неча юздан бир неча минггача отлиқ жангчилар – чопқунлар қатнашган.

Шайбонийлар – 1500-1601 йилларда Бухоро хонлигини бошқарган сулола. Унга Абулхайрхоннинг набираси, Шохбудоғ Султоннинг ўғли Муҳаммад асос солган, бобоси унга Шохбахт деб ном берган, Шайбонийхон 59 йил умр кўрган (1451-1510).

Шайхулислом – Бухоро хонлиги, Туркияда (XVI аср -1924) олий диний лавозим ҳисобланган. Ҳозирги вақтда шиаликка мансуб диний бошқарма раҳбари шундай аталади, суннийликда эса муфтий унвони жорий этилган.

Шери Кишвар – Турк ҳоқонлиги шахзодаларидан Эл Арслон исмининг форсий варианты, у Турк ҳоқони Қорачурун (576-603) нинг ўғли.

Шимолий Хуросон йўли – “Буюк ипак йўли”нинг шимолий қисми, V-VIII асрларда шимолий қисм муҳим аҳамият касб этиб, Тошкент воҳасидан Сўғдга, Бухоро воҳаси (Бойканд орқали) дан Марвга, ундан шимолий Хуросонга ўтган.

Ширбурдон ота (Чивирдон ота) – аслида Шобурхон ота бўлиб, Шох Абдурахмон Вали исмининг форсий варианты.

Ширкат – кооператив хўжалик юритувчи, уюшган ишлаб чиқариш корхонаси.

Шохруд – Зарафшон дарёсининг Бухоро шаҳрини сув билан таъминлайдиган қисми, бош ариқ, бош канал маъносини англатади.

Шохруххон ибн Иброҳимхон – Эрон шоҳи Муҳаммадшоҳ Қажорнинг амакиваччаси, 1851 йилда Бухорога келиб, шу ерда қолган ва амир Насруллохон унга Қоракўлнинг бошқарувини инъом этган.

Эровул (ировул,хировул) – кўшиннинг олдинги, илғор қисмида ҳаракатланувчи гуруҳ.

Эфталлийлар – эфтал, хайтал, абдал номи билан Ўрта Осиёнинг шимолий шарқидан Мовароуннахрнинг ички вилоятларига кириб милоднинг V асрида давлат барпо этган қабила иттифоқи, VI асрнинг охирида уларнинг ўрнини Турк ҳоқонлиги эгаллаган.

Эшикоғабоши – Бухоро амири саройига от билан кириб келиш ҳуқуқига эга бўлган, сарой отларини назорат қилиш, Шопурком бошқаруви ва мироблиги ҳам унга тегишли бўлган.

Яровул – махсус разведка гуруҳи.

Ясавул – ҳукмдор саройидаги кичик лавозим эгаси.

Яъқуб ибн Лайс – Хуросон саффорийларидан, 873 йилда Тоҳирийлар давлатини мағлуб этган, 879 йилда жангда ҳалок бўлган.

Қалмоқлар (қалмиқлар) – Р.Фдаги Қалмоғистон халқи, Чингизхон ва ворислари даврида (XIII-XIV аср), Россия чегарасида (XVI-XVIII аср), Каспий бўйида яшаган. Уларнинг аجدодлари бўлган ойратлар йирик сиёсий уюшмани ташкил этган, XVIII аср бошида улар Тошкентни босиб олган.

Қипчоқлар – Туркий халқларнинг энг йирик қабилаларидан бири, ўзбек халқи этник таркибидаги асосий компонент ҳисобланади. Оммавий равишда XVI-XVII асрларда Мовароуннахрга кўчиб келган ва ўтроқлашган.

Қози аскар – кўшиндаги аскарлар иши билан шуғулланувчи қози.

Қозийи бузург – қозиликнинг энг юқори мансаби, мусулмон судини амалга оширган, кейинроқ қози калон деб аталган.

Қорахитойлар – ўрта асрларда шарқий Туркистон, Или ва Чу водийси, Еттисув ва Ўрта Осиёда мавжуд бўлган давлат бирлашмаси (1140-1213), пойтахти-Болосоғун.

Қорахонийлар – X асрнинг иккинчи ярмида ташкил топган (шарқий Туркистон, Еттисувда). Қарлук, Чиғил ва Яғмо қабилалари асосий рол ўйнаган. Абулкарим Сотуқ Буграҳон ўзини “Қорахон”, яъни “Буюк хон” деб эълон қилиши билан ташкил топган. 1212 йилда сўнгги вакили Усмон ибн Иброҳим Хоразмшоҳ Муҳаммад томонидан ўлдирилган.

Қоқлама - сувсизлик шароитида эрта баҳордан то сентябр ойи бошларигача ерга ишлов бериб, кейин суғормасдан буғдой экиш усули, Қоракўлда кашф этилган.

Қул (ғул) – кўшиннинг марказий қисми.

Қутайба ибн Муслим – Араб халифалигининг Хуросондаги ноиб, 706 йилда ноиб этиб тайинланган ва шу йили Бойкандга юриш қилган, 715 йилда Фарғонадаги исёнда ўлдирилган.

Қушбеги – дастлабки даврда хон, амирнинг ов хўжалигини бошқарган, кейинчалик вазир вазифасини ҳам адо этган.

Ғазнавийлар – Хуросон, шимолий Ҳиндистон ҳамда қисман Мовароуннаҳр ва Хоразмда ҳукмронлик қилган туркий сулола (962-1186). Сулолага Сомонийлар лашкарбошиси Алптегин асос солган.

Ғумо – канизак (Хуросонда) .

Ғурак (Гурек) – 710-737 йилларда Сўғд ихшиди (подшоҳи) бўлган. 712 йилда Қутайба қўшини билан Каттақўрғон яқинидаги Арбинжон деган жойда жанг қилган, арабларга қарши жангларнинг бирида ҳалок бўлган.

Ҳарамком – Зарафшон дарёсининг Бухоро воҳасидаги қисми арабчада шундай аталиб, “муқаддас дарё” маъносини англатган.

Ҳофиз Таниш Бухорий – “Шарафномаи шоҳий” (Абдулланом) асарининг муаллифи. Тахминан 1549 йилда туғилиб, 1630-1640 йиллар оралиғида вафот этган.

Ҳужум -1926-1927 йилларда Ўзбекистонда хотин-қизларни озодликка чиқариш ва ижтимоий аҳволини яхшилашга қаратилган Совет давлатининг ижтимоий сиёсий кампанияси.

Мундарижа

КИРИШ	4
1 боб. ҚОРАҚҮЛ ХУДУДИДАГИ ҚАДИМИЙ МАНЗИЛГОҲЛАР.	6
1-§. Зарафшоннинг қуйи оқимидан Амударёгача.	6
2-§. Каттатузконнинг неолит даври овчи ва балиқчилари. Дарвозақирликлар чайласи.....	8
3-§. Замонбоболик бободехқонлар ва ибтидоий чорвадорлар манзили	11
2-боб. БОЙКАНД – ИЛК ЎРТА АСР ШАҲРИ.	14
1-§. Бойканд тўғрисида ёзма ва археологик маълумотлар.	14
2-§. Буюк ипак йўли ва Бойканд.	33
3-§. Сўғдийлар, эфталийлар, туркийлар ва Бойканд.	37
4-§. Бойкандийлар	42
5-§. Бойканд тўғрисидаги ривоятлар ва тарихий ҳақиқат.	48
3-боб. ҚОРАҚҮЛ – ҚАДИМИЙ МАСКАН.	52
1-§. XII-XIII асрларга оид маълумотлар.	52
2-§. Темурийлар даври. Мирзо Улугбек ва Қорақўл.	55
3-§. Шайбонийлар ҳукмронлиги даври.	64
4-§. Аштархонийлар даври	80
5-§. Манғитлар даври	87
4-боб. ҚОРАҚҮЛ ВОҲАСИНИНГ СУВ БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШИ... 107	107
1-§. Қорақўлнинг сузориш тизимидаги улуши.	107
2-§. Қорақўл воҳасида сув тизими тарихи.....	108
3-§. Амударё сувини Бухоро ва Қорақўлга олиб келиш учун саъй -ҳаракатлар.....	113
5-боб. ҚОРАҚҮЛ СОВЕТЛАР ДАВРИДА.	119
1-§. 1920 йиллар: маъмурий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ўзгаришлар.	119
2-§. «Босмачилик» ёки қаршилик кўрсатиш ҳаракати.....	125
3-§. «Колхоз»лаштириш, «қулоқ» қилиш ва сиёсий қатагонлар даври.	128
4-§. 2-жаҳон уруши йилларида Қорақўл.	135
5-§. Қорақўл 1945-1990 йилларда.	139
6-§. XX аср сиймолари.	149
6-боб. ҚОРАҚҮЛ АТАМАСИ ВА ТОПОНИМЛАРИ.	154
1-§. Қорақўл терминининг келиб чиқиши тўғрисида	154
2-§. Қорақўл маъмурий-ҳудудий бирлик сифатида.	156
3-§. Қорақўл териси ҳақида	163
4-§. Қорақўл қишлоқлари номлари ва уларнинг келиб чиқиши тўғрисида	165
7-боб. ҚОРАҚҮЛ МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИДА.	177
ХУЛОСА.	179
Фойдаланилган адабиётлар.....	181
ЛУҒАТ ВА ИЗОҲЛАР.....	189